

МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК



Г.Н.Наврўзова. Шох Нақшбанд Алишер Навоий тавсифида.....	3
З.Н.Шакирова. Араб тилини билиш даражасини баҳоловчи миллий ва халқаро сертификатлар	10
Н.С.Сайидирахимова. Алишер Навоий буюк тилшунос сифатида	13
У.Б.Палванов. Саъдуддин ат-Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Мақосид” асарига ёзилган шарҳ, хошия ва таълиқлар	17
Д.К.Сагдуллаева. “Қисаси Рабғузӣй” асаридаги диний атамалар семантикаси	21
А.А.Казакбаев. Муҳаммад Муиззийнинг “Тасриф ал-афъол” асарида феъллардаги “qalb” ҳодисасининг ёритилиши	27
А.Б.Исамутдинов. Араб тили грамматикасида “иштиғол” ва “мафъул мутлак” масаласи масалаларининг ёритилиши	31
Х.Нуриддинов. Араб ва инглиз тилларида юкламаларнинг қиёсий таҳлили	34
С.А.Нурмухамедов. Абулфазл Байҳақийнинг “Тарих” асари: умумий тавсиф ва бирламчи таҳлиллар	39
У.Н.Саноқулова. “Мукошафату-л-қулуб” асарида мажоз.....	43
О.Сотволдиев. “Ат-Табақот ал-Кубро” асарида шахслар биографияси.....	48
М.Мўминова. Алишер Навоий ижодида устоз-шогирд анъанасининг аксиологик талқини.....	52

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

Б.Б.Пирмухамедов. Маҳмуд Замахшарийнинг араб илмлари ривождаги ўрни	55
Е.Н.Usmonxo‘jayeva, I.M.Mirziyotov. Mahmudxo‘ja Behbudiy hayot yo‘liga bir nazar	59

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:

Музаффар КОМИЛОВ

Нашр учун масъул:

Иродахон ГАФУРОВА

Таҳрир хайъати:

Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ
Хамида ТҮЙЧИЕВА
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Содиқ ТОШБОЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разия МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:

Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iiau.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 25.02.2022 йилдаги
03-07/1294-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос
олинса, «Ислом тафаккури» журналидан
олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилаётгани сабабли
уни ножииз жойларга ташламанг.

Босишга 04.05.2022 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида
босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

ИСЛОМ ТАРИХИ

- Н.Мулласодиқова.** Рамазон ойининг номланиши билан боғлиқ қарашлар 63
- Г.Худойберганова.** Илк ислом даврида зухд (аскетизм) тушунчасининг талқини 66

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

- Ш.Халилов.** “Фатво” тушунчаси ва унинг ислом шариатидаги аҳамияти 72
- M.B.Shermatova.** Interpretation of women's rights in islam..... 76

ДИНШУНОСЛИК

- Д.М.Турдиева.** Жануби-шарқий Осиёда қадимги диний таълимотлар ва уларнинг жамиятдаги ўрни 80
- У.Ҳасанова.** Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – динлараро ҳамжиҳатлик асоси 85

ҚУРЪОНШУНОСЛИК ВА ҲАДИСШУНОСЛИК

- Д.О.Раҳимжонов.** Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари Мовароуннаҳр ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба 89
- G.Alijonova.** XIX-XX asr sharqshunoslari tadqiqotlarida “Al-Kutub as-Sitta” to‘plamlari tahlili 93
- Д.Т.Бобоназаров.** Имом Зайлоий тадқиқотларида фикхий ҳадислар тавсифи 98

СИЁСАТШУНОСЛИК ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

- А.Н.Юлдашев.** Сиёсий институтларнинг турлари ва уларнинг функционал хусусиятлари..... 102

ФАЛСАФА, ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

- А.Ташанов.** Бузғунчи ғояларнинг миллий ва умумбашарий оқибатлари..... 107
- Ё.А.Шукуров.** Таълим сифатини оширишда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг аҳамияти 113
- D.Sh.Ravshanbekova.** Оғишган ҳулқни таъхис қилиш усуллари 118
- M.Ubaydullayeva.** Zamonaviy psixologik metodlar tasnifi..... 122

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

- Қ.С.Раҳманов, Б.Қ.Махманов, О.Қ.Махманов.** Давлат фуқаролик хизматчилари малакасини ошириш фаолияти мониторинг тизимининг ахборот моделлари 126
- D.S.Tuxtanazarov, S.A.Bekchanova, J.I.Kurganbayev.** Zamonaviy tizimlar yordamida internetda yosh avlodni salbiy axborotlardan himoylash va ularni nazorat qilish..... 131

НАВРЎЗОВА Гулчехра Неъматовна
Бухоро муҳандислик-технология институти
Ижтимоий фанлар кафедраси
профессори, фалсафа фанлари доктори
email: premium.progress@mail.ru

ШОҲ НАҚШБАНД АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВСИФИДА

ШАХ НАҚШБАНД В ОПИСАНИИ АЛИШЕРА НАВОИ

SHAH NAQSHBAND IN THE DESCRIPTION OF ALISHER NAVOI

Аннотация: Мақолада жаҳоншумул Нақибандия таълимотининг асосчиси, Бухоронинг Еттинчи Пири Баҳоуддин Нақибанд номи билан маълум ва машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) Шоҳ Нақибанд номи билан улуғланишининг асл сабабини Алишер Навоий “Хамса” асарининг биринчи достони “Ҳайратул аброр” таҳлили асосида маълумотлар келтирилган. Алишер Навоий 30 мисрада 31 марта маҳорат билан “нақиш” сўзини ишлатиб, Баҳоуддинни Шоҳ Нақибанд номи билан аржуманд этган Нақибандия таълимоти эканлигини исботлаган. Баҳоуддинни камолотида қўнгил ва риёзат ўрни очиб берилган.

Калит сўзлар: Шоҳ Нақибанд, Наққош, дилнавоз, нақиш, қўнгил, нақиши вужуд, Нақибандия, фано, бақо, сайр, “Вуқуфи қалби”.

Аннотация: В статье представлена информация на основе анализа первой части эпоса Алишера Навои «Хамса» («Пятерица») – «Хайрат аль-абрар» («Смятение праведных»), где Алишер Навои объясняет истинную причину прославления имени Шаха Накибанди, Седьмого покровителя Бухары, известного как Бахауддин Мухаммад ибн Мухаммад аль-Бухари (1318 -1389), основателя всемирного учения Накибандия. Алишер Навои 31 раз в 30 строках мастерски использовал слово «нақиш», чтобы доказать, что учение Накибандия, основано на имени Бахауддина Шаха Накибанди. Бахауддин в сов

Ключевые слова: Шах Накибанд, резчик, трогательный узор, сердце, узор существования, Накибандия, бренность, вечность, путешествие, «Вукуфи калби» («пауза или неподвижность», сконцентрированность сердца).

Annotation: The article is based on the analysis of the first part of Alisher Navoi's epic “Khamasa” (The “Quintet” of Navai) – “Confusion of the Righteous” (“The Wonders of Good People”), where Alisher Navoi explains the true reason for glorifying the name of Shah Naqshband, the Seventh patron of Bukhara, known as Bahauddin Muhammad ibn Muhammad al-Bukhari (1318 -1389), the founder of the world teachings of Naqshbandiya. Alisher Navoi masterfully used the word “naqsh” 31 times in 30 misra to prove that the Naqshbandi doctrine is based on the name of Bahauddin Shah Naqshband. Bahauddin perfectly revealed the place of kindness and piety.

Keywords: Shah Naqshband, cutter, touching pattern, heart, existence pattern, Naqshbandiya, frailty, eternity, traveling, “Wuqoof-e-Qalbi” (“Vigilance of the heart”). «Vukufi hearts».

КИРИШ

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналиши “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш”ни амалга ошириш учун етита мақсад қўйилган. “Янги Ўзбекистон маърифатли жамият” концепциясини амалга оширишда тарихни ўрганиш, маънавий меросимизни чуқур таҳлил этишга махсус эътибор қаратилган. Маънавиятимиз дарғаларидан бири Баҳоуддин Нақшбанддир. Бу табаррук инсон ҳақидаги манбалар таржима этилди [1,2,14,17], «Аврод» асари борлиги аниқланди [3] ва қатор янги тадқиқотлар натижалари эълон қилинди [4,6,8-13,15,19]. Аммо ҳали ўрганилиши лозим бўлган кўп масалалар мавжуд. Шулардан бири Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган тавсифини моҳиятини англаш масаласидир.

Шарқ гавҳари бўлган Бухорони шарифу латиф қилган улуғ инсонлардан бири Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) ҳисобланади. Бу табаррук зот Бухорони Еттинчи Пири, Баҳоуддин, Балоғардон, Хожай Бузург, Шоҳи Нақшбанд номлари билан маълум ва машҳурдир. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт-фаолияти тўғрисида мақомот, манокіб, тазкира ва рисоаларда маълумотлар берилган. Аммо Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган тавсифларининг аҳамияти ва қиммати юксакдир. Чунки Алишер Навоий Ҳирот Нақшбандия тариқати жамоасининг пиру

муршиди, мутасаввиф олим Абдурахмон Жомий раҳбарлигида тасаввуф ва нақшбандия таълимоти ўрганган [5: 142-147] ва ҳар бир ёзган фикрини тажриба асосида қалбдан ўтказган.

Алишер Навоий 1476 йилда Нақшбандия тариқатини ихтиёр этиб, унга кирган[16:84]. У Абдурахмон Жомийни ўзига пиру муршид деб танлайди. Бу тарихий воқеа Нақшбандия тариқатининг Алишер Навоий дунёқараши ва таълимотида юксак даражада муҳим ўрин эгаллаганини амалиётда намоён бўлишидир.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида кенг маълумот берган. Шоир “Лисон ут-тайр” асарида ҳам бу улуг зотнинг тавсифларини ёритган. Нақшбандийлик таълимоти асослаган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ҳақида агиографик ва тарихий-бадий асарларда бу улуг зотнинг Баҳоуддин ва Балоғардон эканликлари кўпроқ ёритилган. Аммо бу муқаддас сиймонинг Нақшбанд даражаларининг моҳияти тўла ёритилмаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳазрат Баҳоуддинни Шоҳ Нақшбанд эканлиги ҳақида энг мукамал тавсифланган манба Алишер Навоийнинг дунёга машҳур “Хамса” асарини биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”дир. Бу достоннинг XXI-бобидаги 30 мисраси тўла Баҳоуддинга бағишланган. [2:82-83] Бу тавсифда Алишер Навоий 23 маротаба нақш ва 8 бор илдизи нақш бўлган сўздан моҳирона фойдаланиб, Баҳоуддинни Нақшбандлар Шоҳи ва у яратган таълимотни “ажаб”, “дилнавоз” нақш сифатида тавсифлаган.

Алишер Навоий бобни “Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруху мадҳидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси билан рўзгор саҳифасида анинг вужуди нақшини исломий тарҳ этти ва сурати иршоиди билан куфр аҳли кўнгли варақидан хитойи ва фаранги нақши кетти” деб номлаган. Баҳоуддин Нақшбанд тавсифи қуйидаги мисралар билан бошланади:

Хожаки, Наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали Ер сафҳасига Нақшбанд,[2:82]

“Хожаки, Наққоши сипеҳри баланд” - баланд осмон, юксак фалак Наққоши бўлган Хожа – Аллоҳ Наққош – нақшсоз, нақш солувчи, сураткаш, гул солувчидир. Наққош бу мисрада бутун борлик, фалакни яратган, яратувчи Худо маъносини англатади. Бутун борлиқни гўзал суратда яратган Мусаввирни Навоий Наққош деб ёзган. Навоий Нақшбанд нима эканлигини иншо этиш мақсадида нақш сўзининг мазмун - моҳиятини очилишини ният қилган бўлса керак. Бутун само ва Ер қуррасини гўзал суратда нақшлаган Наққош – Тангри, Худо, Аллоҳдир. Баҳоудинни Нақшбанд эканлигини ва у яратган Нақшбандия таълимоти моҳиятини очиш учун сўз мулкининг султони ўттиз мисрада ўттиз бир маротаба нақш иборасини турли мазмун-моҳиятда ишлатган.

“Бўлғали Ер сафҳасига Нақшбанд” - Наққош – Тангри Ер юзига – ўзи яратган борлиқнинг саҳифаси, вароқи, бетиде Нақш боғлашни ният қилди. Яъни у Ер юзига чиройли, гўзал Нақш боғламоқчи, яратмоқчи бўлди.

Айлади авроқ мунаққаш баса,
Нақш рақам айлади дилкаш баса [2:82].

“Айлади авроқ мунаққаш баса” - Наққош ўзи яратган асар - Ер саҳифаси варақларини жуда зеб бериб, мунаққаш айлади, яъни нақшлади, безатди. Ер қурраси ҳам Тангрининг яратган китобларидан, асарларидан биридир. Ер юзасини безатиш учун гўзал, беғубор боғу роғлар, тоғу дарёлар, далаю қирлар, ажойиб инсонларни нақш этди, уларга гўзал хилқат ато этди. Наққош – Тангри бу мисрада мунаққаш сифатида аён бўлмоқда.

”Нақш рақам айлади дилкаш баса” – Ер юзиде нақшланган безатилган барча халқ қилинган нарсалар дилкаш – қалбни ўзига тортадиган мафтун этадигандир. Чунки Аллоҳ томонидан яратилган тоғу-тош, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, инсоният жуда гўзал хилқатда яратилган. Уларни Навоий дилкаш деб тавсифлади.

Юқоридаги тўрт мисра мазмун-моҳияти кўрсатадики, Алишер Навоий бутун само ва ерни гўзал суратда, дилкаш қилиб, яратган зот Аллоҳ эканлигини тан олган ва уни Наққоши

азал сифатида тавсифлаган. Бу ерда Аллоҳ вужуди вожиб ва у яратган борлиқ вужуди мумкин ва вужуди мавжуд сифатида намоён бўлмоқда.

Лек анинг Нақши киби дилнавоз,

Чекмади то хомасидур нақшсоз [2:82].

“Лек анинг нақши киби дилнавоз” – Баҳоуддин Нақшбанднинг дилнавоз Нақш эканлигига ишора этилмоқда. “Дилнавоз” - кўнгилни овловчи ёқимли, сеvimли маъноларни англатувчи форсий сўзdir. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот Нақшбандия номи билан бутун жаҳонга машҳур. Баҳоуддин таълимоти “Даст ба кору, дил ба Ёр”, “Нақш банд, ба дил банд” шиорлари ила асосан инсонлар қалбини поклаб, уларни ғафлат уйқусидан уйғотиб, қалбларида Аллоҳни нақшлашга ёрдам берганлар. Шунинг учун Навоий Нақшбандни дилнавоз, дилтортар Нақш билан қиёс этмоқдалар. Аллоҳ ҳикмат хомаси билан бундай пок инсонни яратган. Баҳоуддин каби Инсонни дилнавоз нақш бўлишининг сирини кейинги мисраларда куйидагича баён этган:

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,

Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд [2:82].

Алишер Навоий Баҳоуддин Нақшбанд кўнглида нақши жуд собит эканлигини таъкид этмоқда. “Жуд” – форсий сўз бўлиб, инъом, эҳсон, саҳийлик, қўли очиқлик маъноларини англатади. Бу мисра ила Тангри Баҳоуддинни шунчалик мукамал қилиб яратганини, унинг изни билан Баҳоуддин кўнгли, қалбида жуд – саховат, эҳсон, бағрикенглик нақш бўлганлиги тавсиф этилган. Шунинг учун Баҳоуддиннинг ўзи амал қилган ва у яратган таълимотнинг моҳияти бутун борлиққа эзгулик қилиш, барчани оғирини енгиллаштириш, хизмат, ҳиммат, риёсиз, пок, ҳалол меҳнат қилишга ундаган камолот йўлидир. Баҳоуддиннинг пок қалбидан чиқадиган ҳар бир нурнинг тебраниши бутун борлиққа ижобий таъсир этган.

“Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд” мисраси кўнгил саҳифасида вужуд нақшлари умуман йўқ бўлганлигига ишоратдир. Алишер Навоий Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд қалбида

Илоҳий нақшлар – эҳсон ва саховат шунчалик кучли нақш солинганки, унда бундан илгари мавжуд бўлган вужуд нақши, яъни нафс истаклари умуман йўқ бўлганлигини таъкид этмоқда. Инсонда тана, вужуд истаклари асосида нафс пайдо бўлади. Нафс инсонни тубанликка бошлайди ва унинг инсонийлик ҳислатларини йўқотиб, унда ҳайвоний иллатларни вужудга келтиради. Баҳоуддин қалблари шунчалик пок ва беғубор эдики, унда вужуд истаклари билан боғлиқ нафсоний нақшлар умуман йўқ бўлиб кетган эди. Шунинг учун шу пок қалб туфайли Баҳоуддин юксак қамолот даражасига эришганлар.

Нақшига тенг тутмай ўзин нақши Чин,

Олам ўлуб илгида нақши нигин [2:82].

Бу мисраларда нақш уч маънода келяпти. Биринчи нақш ибораси Баҳоуддин яратган Нақшбандия таълимотини англатса, иккинчиси дунёга машҳурлиги ва жуда гўзалигига қарамай унга тенг бўлолмайдиган Чин нақшидир. Нақшбанд таълимотидаги қалб нақшларига ҳатто энг гўзал деб ҳисобланган Хитой - Чин нақшлари ҳам тенглаша олмади. Баҳоуддин Нақшбанд яратган Нақшбандия таълимотидаги тасаввуфий ғоялар Чин нақши бўлган, бошқа ғояларни куфр аҳли кўнглидан кеткизганига ишоратдир.

Учинчи маънода Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот ва унинг қалбидаги маърифат натижасида бутун олам унинг назарида қўлидаги узукнинг нақши каби бўлди. Алишер Навоий “Насойимул ул- муҳаббат” асарида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандни ҳаёти ва таълимотини баён этиб, у кишига доир шундай маълумотни ёзади: “Ҳазрат Хожа Азизон р. а. дер эрмишларки, “Ер бу тоифанинг кўзида бир суфрачадур” ва биз айтамызки,” Тирноқ юзичадур ҳеч нима булар кўзидан ғойиб эмас”[5:152]. Маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд қалб кўзлари очиқ ва қалбларида бутун олам шунчалик аён эрурки, худди тирноқ юзини оддий инсонлар кўриб тургандай, бутун олам ҳам Баҳоуддин Нақшбанд олдида нигин нақши каби аён бўлган. Демак Баҳоуддин зоҳиран “Олами сағир” – Кичик оламдай бўлсалар ҳам, ботинан “Олами

кабир” – буюк оламга айланган ва қалбларидан тажаллий этадиган нурлар бутун борлиқни мунаввар этган.

Бўйла нигин нақшига фармонбари,
Мунча ажаб нақш ила деу пари.

Саъй ила бу гунбади бисёрнақш,
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.

Нақшининг олдида намудор уза,
Нақш бўлуб сафҳаи девор уза [2:82],

Алишер Навоий бу мисраларда Баҳоуддин Нақшбанд қалбидаги нақш, яъни у яратган Нақшбандия таълимоти Сулаймон пайғамбар қўлидаги узугининг нақши каби бутун борлиққа таъсир эта олганлигини, исломий тарҳи ила деу париларга бўйсиниш, куфру исён нақшини йўқотганлигини тавсифламоқда. Бу гумбаз, осмон, фалак саъй ила кўп нақшлар яратган, яъни турли йўллар билан ибодат қилиш мавжуд бўлган. Одамлар бутларга, руҳлар, жинларга ва бошқа нарсаларга сиғинганлар. Бисёрнақш – Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланишлардир. Саъй этиб турли хилдаги сохта нақшлар яратиб, шу нақшларни маъбуд санаб қалб изҳорларини бажо келтирганлигига ишора билан бутпарастлик, мушрикликни мавжудлиги ёритилмоқда.

“Нақшининг олдида намудор уза” мисраси Баҳоуддин Нақшбанднинг нақши - таълимоти олдида бошқа куфр ва исён нақшлари бутпарастлик ва ширк эканлиги намоён бўлган ва шунинг учун унинг маърифати нуридан умуман кўринмай кераксиз бўлган ва деворда бу нақшлар йўқ бўлиб кетдилар. Баҳоуддин Нақшбанд қалбидаги нур ва ундан таралган ёруғлик, равшанлик зиёси уларни кўринмас ҳолатга келтирди. Хитойи ва фаранги ва бошқа куфру исён нақшлари Нақшбандия таъсири билан йўқолди. Инсонлар Нақшбандия таълимоти маърифати ва нуру зиёси билан ҳақиқий имонга мушарраф бўлдилар.

Мунча ажаб нақш била аржуманд,
Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд [2:83].

“Мунча ажаб нақш” деб Нақшбандия таълимотини ажойиб нақш сифатида таърифлаб, Баҳоуддин қалбига солинганлиги айнан шу ажаб нақш Баҳоудинни Шоҳ Нақшбанд сифатида Нақшбанд аржуманд – азизу мукаррам этилганлигига ишорат этилмоқда. Алишер Навоий Нақшбандия таълимотини ажойиб нақш сифатида тавсифлаб, унинг ўзга таълимотлардан афзал ва улуғворлигини таъкид этганлар.

“Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд” мисраси билан Алишер Навоий айнан Шоҳи Нақшбанд ажаб нақш бўлган Нақшбандия тариқати ва таълимоти билан аржуманд ва азиз этилганлигини баён этмоқда. Алишер Навоий Баҳоуддинни Шоҳи Нақшбанд, яъни барча мунаққашлар – нақш солувчиларнинг шоҳи сифатида улуғлаб, бунга сабаб уни азиз ва мукаррам қилаётган у яратган ажаб нақш – Нақшбандия таълимоти эканлигини айтмоқда. Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақшбанд асослаган гўзал таълимот – Нақшбандия уни Шоҳи Нақшбанд даражасига юксалишига сабаб бўлган.

Алишер Навоийни бу қиёси Абдурахмон Жомийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган куйидаги таърифига уйғундир.

Сикка,ки дар Ясрибу Батхо заданд,
Навбати охир дар Бухоро заданд.
Аз хати он сикка нашуд баҳравар,
Жуз дили бенақши Шаҳи Нақшбанд [5:211].
Мазмуни:

Муқаддаслик нақшини аввал Макка ва Мадинага урдилар,

Кейинчалик муқаддаслик нақшини Бухорога урдилар.

Унинг нақшидан ҳеч ким баҳраманд бўла олмади,

Фақатгина Шоҳ Нақшбанднинг нақшсиз юраги баҳра топди.

Абдурахмон Жомий каби Алишер Навоий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд қалбини бенақш, яъни бошқа нақшлардан фоний бўлган ва муқаддаслигини таъкид этмоқда.

Жонға чекиб ранжу ано нақшини,
Сизмоқ учун анда фано нақшини[2:83],

Баҳоуддин Нақшбанд камолот йўлида риёзат чеккани, машаққатлар, азоблар кўрганлигини бу мисралар орқали Навоий баён этмоқда. Мақомотларда Нақшбанд узоқ муддат ўз нафсига ҳукмдор бўлиш, нафси амморани йўқотиш ва нафси тарбиялаш учун риёзот чекканлари ёзилган. Баҳоуддин Нақшбанд риёзотдан мақсади вужудида фано нақшининг сизмоқ – чизмоқ, нақш солмоқдир.

Демак, инсон камолотининг асосий воситаларидан бири фано бўлиш, барча тааллуқотлардан узилишдир.

Жони чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фони бўлуб [2:83].

“Жони чу ул нақш макони бўлуб” - Баҳоуддин Нақшбанд барча Аллоҳдан ўзга боғланишларни тарк этиб, фано ҳолатига етганида унинг жони – ҳам вужуди, ҳам руҳи, бутун борлигини Аллоҳ нақши маконига айланди. Яъни Баҳоуддин Нақшбанд илоҳий сифатларга эга бўлди. Баҳоуддин жисму жонига Аллоҳ нақши макони бўлгани учун Аллоҳ нақшидан ўзга нарсалар йўқ бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд бу мазмунда шундай деганларини Яъкуби Чархий қуйидагича таъкидлаган:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,

Ки ғайратро намешояд дар ин ҳилватсаро будан [14:183].

Мазмуни:

Ғайрат қилиб қалб уйимни, Аллоҳдан ўзга нарсалардан бўшатдим.

Чунки ғайр - Аллоҳдан ўзга нарсалар бу хилватсаро (қалба) бўлишига муносиб эмас.

Нақшбандийнинг “Даст ба кору, дил ба Ёр” ва “Нақш банд ба дил банд” шиори шунга уйғун моҳиятни англатади.

Турфа буким нақшга кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин [2:83].

“Турфа буким нақшга кўз солмайин” – Баҳоуддин Нақшбанд бутун вужуди ва руҳияти

кўз бўлиб, фақат ягона нақш – Наққоши Азал ва Абадни кўрган ва бошқа нақшларга назар солмаганлигига ишорат этилмоқда. “Жонида жуз нақши бақо қолмайин” – Баҳоуддин Нақшбанд вужуди, руҳияти, жисму жонида фақатгина бақо нақши қолди, унга абадийлик нақши чизилди. Бақо – фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий истилоҳда қулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Аллоҳга оид ҳақиқатлар билан бақога эришиш. Башарият иродадан илоҳий, яъни энг олий иродага юксалишдир.

Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр [2:83].

Баҳоуддин Нақшбанд бақо ҳолатига етаётгандан кўнгли бутун борликда Аҳадият нақшида сайр эта бошлади. Сайр – тариқатда тариқат асосчиси бино этган усул доирасида маънавиятнинг юксалиши, руҳий камолотга етиштирувчи саёҳатдир. “Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр” – Баҳоуддин Нақшбанд сайр этиб кўрдик, кўнглида Аллоҳдан ўзганинг нақши йўқ.

Сайр анга бу токи мунаққаш уза,
Нақш кафи лавҳаи заркаш уза [2:83].

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Ҳар бир машойихнинг ойинасида икки томон бор, бизнинг ойинамизда эса олти томон. Қирқ йилдирки, биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойинаси ҳеч қачон хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни беҳато кўраамиз».

Қутбул-авлиё Абдул Қуддусдан нақл қилинишича, у айтган экан: Хожамиз (қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азиз) сайри осмон ва ернинг барча табақаларига жорий эди»[1:141]. Манбадан келтирилган бу иқтибос Алишер Навоийнинг юқорида келтирилган фикрларини ҳақ эканини исботлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд мунаққаш тоқ, яъни Аллоҳ билан нақшланган, улуғвор манзил бутун борлик узра сайр этди.

“Нақш кафи лавҳаи заркаш уза” – Зар тортувчи, бошқа металллардан зарни олувчи лавҳ тимсоли бўлган Аллоҳ нақшланган қалбида

фақатгина бир нақш Аллоҳ нақши кифоя эканлигига ишоратдир. Яъни қалб покланиб Аллоҳ назаргоҳи, маконига айланса, бундай қалб ҳам зарга айланади, ҳам тош қалбларни дуру инжуга айлантириб, бошқа металллардан зарни тортиб олгани каби, кимёи саодат кири аҳмар бўлади. Чунки бундай қалб инсонларни зангламайдиган олтинга айлантиради.

Чун изининг нақшига суртуб жабин,
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин [2:83].

Бу мисралар ким пешонасини, манглайини нақшбандлар изига суртса, яъни уларнинг йўлидан бардавом бўлса, албатта яхши натижаларга эришади деган маъноларни англатади.

“Равшан этиб кўз фалаки нақшбин” – нақшбандия изидан бораётган инсон нақшини кўриб турган фалак уларни кўзларини равшан этади, йўлларини ёритади. Нақшбандия таълимотининг Баҳоуддин Нақшбанд “урватул вусқо” – кучли туткич деган [1:120]. Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандлардан Аллоҳ рози бўлиб, уларни таълимотини ҳозирги кунгача жаҳоншумул ва барҳаёт қилиб азиз ва мукаррам этганлигига сабаб Наққоши Азал Ер юзида Баҳоуддин каби инсоннинг вужудини яратганидир. Алишер Навоий инсон вужуди қудратидан ҳайратланиб, Шоҳ Нақшбанддек улуғ инсонни ўз асарида тавсифлаган.

ХУЛОСА

Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган ўттиз мисрасининг фалсафий таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Буюк шоир бутун борлиқни яратган, гўзал суратда нақшлаган зот Аллоҳни Наққош эканлигини ёзади. Навоийнинг фикрича, Баҳоуддин Нақшбанд каби дилнавоз нақшни ҳам Аллоҳ яратган. Баҳоуддин Аллоҳ хомаси, яъни қалами ижод этган ноёб нақшларидан биридир. Унинг дилнавозлиги шундаки, Баҳоуддин қалбидаги наво бошқа қалбларда ҳам нақшланади, акс садо беради. Бундан маълум бўладики, Аллоҳ инсонни яратаётганида унинг

фитратида кучу қувватнинг имконини ҳам яратади.

2. Алишер Навоий фикрича, Баҳоуддин Нақшбанд улуғворлиги шундаки, унинг кўнглида жуд - эҳсон, саховат жойлашгани учун унга халқпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик қилиш хосдир. Шунинг учун ҳам у яратган Нақшбандия таълимотида “Даст ба кору, дил ба Ёр” ҳаётий шиор бўлган. Навоий Баҳоуддинни дилнавоз нақш ва у яратган таълимот – Нақшбандияни ажаб нақш деб таърифлайди ва ана шу таълимот туфайли Баҳоуддинни аржуманд – бутун борлиқга азизу мукаррам бўлганлиги туфайли уни Шоҳи Нақшбанд номи билан улуғланганлигини тавсифлайди.

3. Баҳоуддин Нақшбанд даражасидаги камолотга эришиш учун инсон ўзини англаши, нафсини бошқариши, барча боғланишлардан узилиб, фано мақомидан ўтиб, бақо даражасига етиши керак. Бу даражаларга етишда Нақшбандия таълимотидаги “Сафар дар ватан” – ботинга сафар ва “Хилват дар анжуман”, яъни анжуманда хилватда бўлиш ва “Вуқуфи қалбий” – қалбдан огоҳ бўлиш тамойилларининг ўрни катталигини сайр тушунчаси билан очиб берган.

4. Нақшбандия таълимотига Баҳоуддин Нақшбанд киритган янги тамойил “Вуқуфи қалбий” бўлиб, унга асосан қалб ўз асли бўлган Аллоҳга назар қилиши, инсон эса қалбига назар қилиб, асл моҳиятни англаши лозим. Алишер Навоий маҳорат билан охириги мисраларда “Вуқуфи қалбий” тамойилининг аҳамиятини очиб бера олган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган тавсифи унинг шеър мулкининг султони эканлигига яққол далилдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.
2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр / Хамса. Тўла Асарлар Тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 805 б.

3. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр) / Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г.Н.Наврўзова. – Тошкент. “Sano-standart” нашриёти, 2019. – 112 б.
4. Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Йўлдош Эшбек. – Қарши: “Насаф” нашриёти, 2010. – 240 бет.
5. Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи мақола изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н.Наврўзова. – Тошкент: “Sano-standart” нашриёти, 2019. – 256 б.
6. Бухорий С.С. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда ёр) – Т.: “Бухоро”, “O‘qtuvchi” нашриёт-мабаа ижодий уйи, 2007. – 120 б.
7. Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 672 б.
8. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.
9. Наврўзова Г. Н Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.
10. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
11. Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. – 72 б.
12. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. – B. 5-8.
13. Navruzova G.N., Ubaidova V.E. Pharaoh of the weavers of Bahauddin Naqshband. Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10 issue 5, May 2020. Impact Factor: SJIF 2020=7.13. 922-926 pages.
14. Яъкуби Чархий. Рисолат унсия // Рисолаҳои пирон ва пайравони нақшбандия. – Душанбе, 2017. – Б. 180-187.
15. Сайфиддин Сайфулло. Етти Пир (Дунё муршидлари). – Т.: O‘zbekiston, 2019. – 288 б.
16. Тримингэм Дж.С. Суфийские Ордены в исламе. Пер с англ. А.А.Ставиской, под редакцией и с предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука. ГРВЛ, 1989. – 328 с.
17. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.
18. Shaykh Muhammad Hisham Kabbani. The Naqshbandi Sufi Way History and Guidebook of the Saints of the Golden Chain. – Chicago, 1995. – 469 p.
19. Хожа Абдулҳолик Гиждувоний. Сўз боши, таржима лугат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 128 б.
20. Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган-нақшбандий в первом поколении после Бахауддина // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). – Санкт-Петербург: Наука, 2001. – С 160.

ШАКИРОВА Зулфия Нормоҳаматовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди
z.shakirova@iia.uz

АРАБ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛОВЧИ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТЛАР

НАЦИОНАЛЬНЫЕ И МЕЖДУНАРОДНЫЕ СЕРТИФИКАТЫ ДЛЯ ОЦЕНКИ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

NATIONAL AND INTERNATIONAL CERTIFICATES FOR ARABIC LANGUAGE ASSESSMENT

Аннотация: Ушбу мақолада “Араб академияси” таркибидаги араб тилини билиш даражасини баҳолаш бўйича фаолият юритувчи халқаро тизимлардан бири ALPT ҳақида маълумот берилган. Шунингдек ALPT ва ҳамда NSFLA да бўлимлар бўйича баҳолаш тизими қиёсланиб, хулоса ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: араб тили, халқаро тизимлар, тил билиш, тил компетенциялари.

Аннотация: В данной статье представлена информация об ALPT, одной из международных систем оценки уровня знания арабского языка в «Арабской академии». ALPT и NSFLA также дано сравнение ведомственную систему оценки и представлено выводы и рекомендации.

Ключевые слова: арабский язык, международные системы, языковые навыки, языковые компетенции.

Annotation: This article provides information about ALPT, one of the international systems for assessing the level of knowledge of the Arabic language in the “Arab Academy”. ALPT and NSFLA also compare departmental scoring systems and present conclusions and recommendations.

Keywords: Arabic language, international systems, language skills, language competencies.

КИРИШ

Давлатларнинг ўзаро муносабатларини ўрнатишларида чет тилларини билувчи


кадрларни тайёрлаш ҳамisha муҳим аҳамият касб этиб келган. Юртимизда ҳам чет тилларни ўрганиш ва ўргатиш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги қарори қабул қилинган эди ва унда тил ўрганиш ва ўргатишдаги муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим вазифалар белгилаб берилганди. Қарорга мувофиқ замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда чет тиллари эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Маркази таркибида Чет тилларини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилиниб, халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ, чет тилларини билиш даражасини аниқлаш учун CEFR (Умумий Европа Тилларни билиш даражасини аниқлаш тизими) тизими асосида Миллий тест тизими – NSFLA (National system of foreign language assessment) яратилди. Ушбу миллий тест тизими 7 йилдан буён инглиз, француз, испан, немис, хитой, япон, араб, форс ва корейс тилларидан 5 йўналиш: тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, грамматик қоидалар, ёзма иш ёзиш ва гапириш кўникмаларини қай даражада ривожланганини аниқлаш учун тест синовларини ўтказиб келмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда чет тилларини ўрганишга бўлган эътибор сўнгги йилларда ҳам сусайгани йўқ. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарорининг қабул қилиниши ва хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорга асосланган ЛРА-“Чет тиллари агентлиги”нинг таъсис этилишида кўришимиз мумкин.

Маълумки, араб тили 1973 йил декабрь ойида БМТ бош ассамблеясининг 3190-рақамли

қарори билан ташкилот расмий тиллари қаторига қўшилган. Бугунги кунга келиб араб ва унга яқин тилда мулоқот қилувчилар сони 300 миллионни ташкил этади. Улардан 240 миллиони учун араб тили она тилидир, 50 миллион киши эса иккинчи тил сифатида ишлатади. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ўтказиб келаётган Тест синовларида кўп номзодлар иштирок этаётган тиллардан бири ҳам араб тилидир. Буни биз қуйидаги статистика асосида кўришимиз мумкин.



Араб тилини билиш даражасини баҳолаш бўйича CEFR билан бир қаторда бошқа халқаро тизимлар ҳам мавжуд. Булар қаторига ACTFL, ALPT, TOAFL, CIMA, TELC, ATTANAL ларни киритиш мумкин.

Биз ушбу араб тилини билиш даражасини баҳолаш бўйича фаолият юритувчи халқаро тизимлардан бири ALPT ҳақида маълумот бермоқчимиз. ALPT Миср Араб Республикасидаги “Араб академияси” таркибида ташкил топган бўлиб, у араб тилини ўқитиш ва араб тили бўйича тест ўтказиш бўйича халқаро марказ ҳисобланади ва 2002 йилдан буён фаолият юритади. Араб тилидан ўтказиладиган имтиҳонларга соҳага оид мутахассислар жалб этилади ва имтиҳонларни ўтказилишини “Ислом савдо саноат палатаси” қўллаб қувватлайди.

ALPT тизимида араб тилини билишнинг 5 та кўникмаси: тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, грамматик қоидаларни билиш, ёзиш ва гапириш текширилади. Имтиҳон академияда ишловчи араб тили ўқитувчиси ёки бирор кузатувчи иштирокида амалга оширилади.

Бу тизимда тинглаб тушуниш бўлими 3 қисмдан иборат:

А қисми: қисқа жумлалар тингланиб, улар асосидаги саволларга жавоб берилади.

В қисми: 2 шахс ўртасидаги қисқа диалоглар тингланади ва улар асосидаги саволларга жавоб берилади.

С қисми: узун лекциялар кўринишидаги аудиоматериаллар асосида тузилган саволларга жавоб берилади.

Ўқиб тушуниш бўлимида битта ёки бир нечта матнлардан парчалар ва уларга оид саволлар берилади. Ушбу бўлимда берилган материални тушуниш даражаси аниқланади.

Тил таркиби (грамматик қоидалар) бўлими икки қисмдан иборат:

А қисми: берилган гаплардаги тушириб қолдирилган сўз бир неча синонимлар ичидан танланиши керак.

В қисми: берилган гаплардаги тагига чизилган гап бўлаклари ичидан хато ёзилган сўзни топиш керак.

4 ёзма иш бўлимига олдинги 3 та бўлим вазибалари бажариб бўлингач рухсат берилади. Унда номзод берилган 3 та мавзудан бирини танлайди.

Гапириш бўлими номзод билан Skype орқали ўтказилади.

ALPT имтиҳонларининг ҳар бир бўлими бўйича имтиҳонлар 2 соатдан 6 соатгача давом этаиб, 3 кундан 5 кунгача вақт оралиғида бўлиўтади. Ҳар бир бўлимда саволлар сони 20 тадан 100 тагача бўлади ва 1000 баллик тизимда баҳоланади. Талабгорнинг ҳар бир бўлим бўйича баҳолари алоҳида кўрсатилиб, мазкур бўлимлар бўйича қайси даражага эга эканлиги аниқлаб берилади ва сертификат қуйидаги кўринишда бўлади:

Test	Score	Score	Level	Date
Section 1: Listening	660/900	73,33 %	Advanced	23 .04.2019
Section 2: Reading Comprehension	785/900	87,26 %	Advanced High	24.04.2019
Section 3: Structure	840/900	93,33 %	Superior	9.05.2019
Overall Score (section 1,2,3)	761,8/900	84,6 %	Advanced High	9.05.2019
Section 4: Writing	760/900	84,44 %	Advanced High	10.05.2019
Section 5: Speaking	780/900	86,66 %	Advanced High	24.04.2019

Ушбу баҳолар жадвали асосида талабгор ҳар бир бўлим бўйича қандай даражага эканини аниқ билади ва паст даражага эга бўлган компетенцияни ривожлантиришга ҳаракат қилади.

NSFLA миллий тизимида тест синовлари ALPT даги каби умумий ўтилмайди. Балки, улар A1, A2, B1, B2, C1, C2 даражаларига ажратилган. Тест синовлари 5 та бўлим асосида ўтказилади ва ҳар бир бўлим 30 баллиқ тизимда баҳоланиб, умумий натижа энг ками 60 фоиз яъни 90 балл тўпланганда сертификат берилади. Тест синовларининг тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, грамматик қоидалар ва ёзма иш ёзиш бўлимлари бир кунда ўтказилади ва 3 соат 30 минут вақт берилади. Гапириш бўлими кейинги кун ўтказилади. Талабгорнинг синовдаги натижалари сертификатида ҳар бир бўлим бўйича тўплаган балли ва унинг фоиздаги кўринишида кўрсатилган бўлади.

ХУЛОСА

NSFLA ва ALPT тизимларидаги амалга ошириладиган синов, унинг ўтказилиши ва баҳоланишини қиёслаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

Ҳар қандай тилни ўргатаётган ўқитувчи ўқувчиларидан барча компетенциялар бўйича синовлар ўтказиши, унга синов натижасида дарс давомида кўп эътибор қаратилмаган компетенцияни аниқлаб олишига имкон беради.

Тил билиш даражасини баҳолаш бўйича синовда иштирок этган талабгор ҳар бир компетенция бўйича ўз билимини синаб, ютуқ ва камчиликларини аниқлай олади. Бу эса унинг келажакдаги тил ўрганишдаги режаларини тузиш ва ривожлантиришга омил бўлади.

NSFLA миллий тизимида ҳам ALPT даги каби талабгорга ҳар бир бўлим бўйича қандай даражага эга эканлиги аниқлаб берилса, турли тушунмовчиликларнинг олди олинади. Чунки чет тилини ўрганиш жараёнида талабгор барча талаб қилинган компетенциялар бўйича бир хил кўникмага эга бўлмаслиги мумкин. Бунга талабгорлар тили ўрганилаётган давлатда кўп муддат яшаб, фақат оғзаки нутқни яхши ўзлаштирган, лекин грамматик қоида ва ўқиб тушунишни ўзлаштирмаган бўлиши, тест синовларининг қонун қоидалари билан таниш бўлмаслиги, чет тилини ўрганаётган

вақтида 4 та асосий компетенцияларни бирдек ўзлаштирмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Тил билиш даражасини аниқлаш синовларининг айрим бўлимлари компьютер ёрдамида ўтказилса, вақт ва ресурслар тежалди.

Барча бўлимларнинг бир кунда ўтказилиши ва кам вақт берилиши талабгорда мия фаолиятига ва эришадиган натижасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарори. <http://lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори.
3. D. In'am al-Haqq Gaaziy. Ixtibaaraat mahsuuba abra al-intirnit litaqyim al-kafaa'a fil-luga al-arabiyya linnaatiqiina biha. Majalla al-Qism al-Arabi University of Punjab. Lahare-Pakistan. №25, Issue:2018.
4. <https://www.arabacademy.com>.
5. testovik.com.
6. arablegko.ru

САЙИДИРАХИМОВА Насиба

Сайидмахамадовна,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,

Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти

кафедраси доценти,

филология фанлари номзоди

Email: sayidirahimova@navoiy-uni.uz

АЛИШЕР НАВОИЙ БУЮК ТИЛШУНОС СИФАТИДА

АЛИШЕР НАВОИ КАК ВЕЛИКИЙ ЛИНГВИСТ

ALISHER NAVOI AS A GREAT LINGUIST

Аннотация. Мақолада, ўзбек тилининг асосчиси, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўзбек тилшунослик илмига қўшган ҳиссаси, тил сатҳлари ва бирликларига доир лингвистик қарашлари хусусида сўз юритилади. Шунингдек, унда Навоийнинг тил фалсафаси, умумий тилшунослик масалалари тил ва тафаккур, тилларнинг пайдо бўлиши; фонетика, лексикология ва грамматикага оид фикрлари форс ва ўзбек тилининг қиёсига бағишланган “Муҳокаматул-лугатайн” асари мисолида таҳлил қилинади.

Таянч иборалар: темурийлар даври тил фалсафаси, тил тизими, тил сатҳлари, тил ва нутқ, бобо тил, тилдаги ортиқлик ва камлик, дифференциал семалар, шаклдош сўзлар, омонимия ҳодисаси, кавзиомонимлар.

Аннотация. В данной статье рассматривается вклад основоположника узбекского языка, великого поэта и мыслителя Алишера Навои в науку узбекского языкознания, его лингвистические взгляды на уровни и единицы языка. Его философские взгляды по общим вопросам языкознания, как язык и мышление, объяснения генезиса языков; а так же, его лингвистические взгляды по фонетике-фонологии, лексикологии и грамматике анализируются на примере труда «Мухокаматул-лугатайн» по сопоставлению персидского и узбекского языков.

Ключевые слова: философия языка тимуридского периода, языковая система, уровни языка, язык и речь, язык предков, изыток и недостаток в языке, дифференциальная семантика, словоформы, явление омонимии, кавиомонимы.

Annotation. This article discusses the contribution of the founder of the Uzbek language, the great poet and thinker Alisher Navoi to the science of Uzbek linguistics, his linguistic views on the levels and units of the language. His philosophical views on general

issues of linguistics, like language and thinking, explanations of the genesis of languages; and also, his linguistic views on phonetics-phonology, lexicology and grammar are analyzed on the example of the work "Muhokamatul-lugatayn" by comparing the Persian and Uzbek languages.

Key words: philosophy of language of the Timurid period, language system, levels of language, language and speech, language of ancestors, excess and deficiency in language, differential semantics, word forms, phenomenon of homonymy, kavaziomonyms.

КИРИШ

Маълумки, ўзбек тилшунослиги тарихида “Темурийлар даври ўзбек тилшунослиги” [2;3] алоҳида ажралиб туради. Бу даврнинг ўзбек тилшунослиги тараққиётининг алоҳида босқичи сифатида ажралишида Жаҳон маданияти тарихида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган Алишер Навоийнинг ўрни бекиёсдир. Навоий темурийлар даврида нафақат адабиётшунос, балки буюк тилшунос олим сифатида ҳам тилга олинади. Сабаби бугунги тилимизнинг мавқеи, равнаки, бевосита унинг туркий тилнинг асосини белгилаб бергани билан сўзсиз боғлиқдир. Алишер Навоий бутун фаолиятини ўзбек маданиятини дунёга танитиш, ўзбек тили мавқеини баланд кўтаришга бағишлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Алишер Навоийнинг туркий тил, унинг равнакига қўшган ҳиссасини икки - форс ва турк тиллари қиёсига бағишланган “Муҳокаматул-лугатайн” асарида яққол кўришимиз мумкин [1;10]. Мазкур асарда Навоий тилшунослик масалаларига доир нодир фикрларини берадики, ушбу масалалар бугунги кун тилшунослигида ҳали-ҳануз тилшунос олимларнинг диққат марказида туради, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, унинг тил ва нутқ, тил фалсафаси, тилнинг барча тизим ва сатҳларига доир лингвистик қарашлари нафақат ўзбек тилшунослиги, балки жаҳон тилшунослик илмининг ривожига айрим масалаларни европа тилшунос олимларидан анча илгари тилга олганлиги эътиборлидир. Асарда Навоий сўз ҳақида гапирар экан, “Сўз аҳли хирмонининг бошоқчиси ва қимматбаҳо тошлари хазиначисининг пойлоқчиси ва назм гулистонининг сайроқи булбулидир”, “Сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздирлар: мартабаси — ёмон сўзнинг ҳалок қилучанлигидан тортиб, яхши

сўз билан Инсоннинг мўъжиза кўрсатишига қадар боради”, дея белгилайди. [1:1]

Алишер Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарида дунёда тилларнинг кўплиги, бу тиллар ичида араб тилининг алоҳида ажралиб туриши, араб тили ўзининг нафислиги, бадий имкониятининг кенглиги, Аллоҳнинг мўъжизали сўзи шу тилда ингани ва пайғамбарларнинг саодатга элтувчи ҳадислари ҳам шу тилда битилгани, бир сўз билан айтганда, араб тилининг жилокорлигини таъкидлаган ҳолда, дунёда уч муҳим тил борлиги, булар: туркий ва форсий ҳамда ҳиндий тиллар эканлиги, улар бошқа тилларнинг келиб чиқишига асос бўлган - бобо тил эканлигига алоҳида урғу беради. Мазкур тиллар Нух пайғамбар (салоаотуллоҳу алайҳ)нинг уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳом орқали тарқалгани, Нух пайғамбар тўфондон тирик мавжудотларни халос қилгандан сўнг, унинг ўғиллари Ёфасни тарихчилар - Абул-турк деб ёзганлари ҳамда уни Хитойга юборгани хусусида гапиради. Сомни – Абул-фурус деб ёзганлари ва уни Эрон ва Турон мамлакатларига ҳоким этиб тайинлангани, Ҳомни эса Абул-ҳинд деб атаганлари ва Ҳиндистон мамлакатларига ўртасига ҳокимлик қилгани, бу уч пайғамбарзодаларнинг авлодлари мазкур мамлакатларга тарқалгани ва ер юзидаги тилларнинг келиб чиқиши ва тарқалишини уларнинг номи билан боғлагани билан умумий тилшунослик илмига оид лингвистик қарашларини баён этади. [1:3]

Мазкур масалалар, яъни тилларнинг пайдо бўлиши, тилларнинг тарқалиши, тилларнинг типологик ва генеологик таснифи масалаларига бўлган қизиқиш Оврупода уйғониш даври тилшунослиги масалалари билан ҳамоҳанглиги кишини лол қолдиради. Эътибор берсангиз, бу даврда тиллар қариндошлиги, гениологик таснифини белгилашда санскрит тилига қиёслаш катта аҳамиятга эга бўлди. Инглиз шарқшуноси ва ҳуқуқшуноси У.Джонс 1786 йилда ўзи асос солган Ҳиндистон халқлари тиллари ва маданиятини ўрганувчи Осиё жамиятида нутқ сўзлаб, ҳинд-оврупо тиллари қиёсий грамматикасининг асосий ҳолатларини белгилаб берди. [4;5] Унинг фикрича, санскрит тилининг ички тузилиши билан юнон ва латин тилларининг ички тузилиши ўртасида ҳайрон қоларли даражада ўхшашлик бор. У феъл асосларига ҳам, грамматик шаклларга ҳам тегишлидир. Бу тасодиф эмас. Демак, мазкур тиллар қачонлардир бир манбадан тарқалган.

Бундан ташқари, гот ва кельт тиллари ҳам юқоридагилар билан бир манбага бориб такалади, деб тахмин қилишга асослар бор. Бу манбага қадимги форс тилини ҳам киритиш мумкин. Натижада уларнинг барчаси ҳинд-оврупо тиллари оиласига бирлаштирилади. [2;3]

Юнон, латин, санскрит тиллари ўртасида ўхшашликни грамматик шакллар асосида исботлаш немис олими Фридрих Шлегелга ҳам дахлдор бўлиб, у 1808 йилда машҳур “Ҳиндларнинг тиллари ва донолиги ҳақида” (“Über die Sprache und die Weisheit der Indier”) асарини нашр этди [4;5]. Муаллиф бу асарида санскрит луғат таркиби жиҳатидан ҳам, грамматик тузилиши жиҳатидан ҳам латин, юнон, герман ва форс тиллари билан қариндош эканлигини баён қилди. [8;10].

Қарангки, бу фикрлар Оврупо тилшунослигидан анча илгари Алишер Навоий томонидан асослаб берилганлиги, айтилганлиги ўта муҳимдир ва бундан фахрланмай иложимиз йўқ.

Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида турк ва сарт атамалари ҳам фарқланиб, Навоий “сарт” тушунчаси остида форсларни назарда тутди.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида ҳам “ўзбек” деган номнинг келиб чиқишига доир фикрлар турлича бўлиб, турли адабиётларда турлича талқин этиб келинаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Р.Сайфуллаевалар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида “XIII асрда ҳозирги Ўзбекистон аҳолиси таркибида катта ўзгариш содир бўлганлиги: Темурийлар давлати Дашти Қипчоқдаги (Сирдарёнинг ўнг қирғоғидан шимолий шарқда жойлашган Қозоғистон чўлларида) Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида қипчоқ тоифасига мансуб кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олингани ва 92 уруғга мансуб бўлган кўчманчи ўзбек тоифаси вакиллари бу ҳудудга қўплаб келиб жойлаша бошланганлиги ва кўчманчилар ўтроқ аҳолини сорт деб атаганлари сабабли кўчманчи ўзбеклар ўзлари босиб олган ва ўзини турк деб номлаган ўтроқ (жуда кўп ҳолларда зуллисонайн, шаҳарда истикомат қилувчи ёки суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи) аҳолини, одатига кўра, сорт деб аталгани таъкидланади [9].

Агар Алишер Навоий асарларига таянган ҳолда айтадиган бўлсак, сарт сўзнинг асл моҳияти форсларга нисбатан қўлланганлигини

кўришимиз мумкин. Навоий “Турк сарт (форс) дан кўра фахмлироқ, тафаккур-тушунчаси кенгроқ, қалби тоза ва покроқ, яъни “Сарт туркка камол (етуклик)да чуқурроқ тушунчали бўлиб етишган. Бу ҳол эса, турк сартга қараганда фикрлашда ва илмда нозик нуқталарга эришувчан, фазл ва ростлик, софлик ва тўғри ниятидан, сартларнинг илм, фан ва ҳикматидан маълумдир”, дея таъкидлайди. Бироқ Навоий бу икки тилда ортиқлик ва камлик жиҳатидан зўр фарқлар борлиги, турклар сўз тузишда форслардан устун эканлиги, ҳарфий белгиларни қўллашда ҳам туркда мукамалликлар борлигини асарда 100 феълни келтириб, мисоллар орқали уларнинг мазмуни-семантик имкониятлари (семалари)ни мукамал таҳлил қилиб беради ва туркнинг барчаси сарт тилини билишларини, аммо сарт турк тилида гаплаша олмаслиги, сўзлаганининг сўзига тушунмаслиги, агар юзтадан бири турк тилини ўрганиб, унда сўзласа ҳам унинг сарт эканлигини дарров тушуниб олиш мумкинлигини айтиб ўтади. Асарда турк халқида форслардан фарқли равишда оддий одалар кўплиги, туркнинг катта-кичигига, оддий хизматкоридан ториб бегига сарт, яъни форс тилини яхши билиши ва шў соҳа фаолиятида ундан бемалол фойдалана олиши, ҳаттоки шоир ва ёзувчилари у тилда чиройли ва беқиёс асарлар ёза олишлари мумкинлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, туркий тилнинг форс тилидан қолишмаслигини ўринли мисоллар орқали асослаб беради. Шунингдек, Алишер Навоий туркларга хос бўлган мазкур 100та феъл сўзнинг нозик маъноларини ифодалаш учун етарли эканлиги, бундай ясаиш форс (сарт)ларда мавжуд эмаслигини белгилаб, туркларда “май” ичиш борасида кўплаб сўзлар муболаға сифатида қўлланилиши, бу борада турклар устун эканлигини сипқормок ва томшамок синонимик қаторини келтириш орқали, ушбу феъллардан томшимок сипқармок сингари кўтариб, бирданига ичишни эмас, балки завқ билан лаззат топа, бот-бот ичишни англатишдаги маъно нозиклигига эга эканлигини матн таркибида изоҳлаб беради:

Сокиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин бораи,

Шарт булким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқарай.

* * *

Соқий чу ичиб, менга тутар кўш:

Томший-томший ани қилай нўш. [1;4]

Форслар эса бундай ифода борасида ниҳоятда ожизлигини таъкидлайди.

Шунингдек, асарда қуйидаги байт:

Ҳажри андуҳида бўҳсабмен, била олман нетай,

Май иложимдур кўпуб дайри фаноға азм этай [1;5]

таркибида келган бўҳсамоқ феълни келтириб, форсийгўй турк беклар ва мирзозодаalar агар буни форсий тил билан айтсалар адо қиладилар, яъни у матн таркибида унинг мазмуни ишқ, яъни ошиқликдан йиғламоқ маъносига кўчишини айтиб,

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,

Йиғламсинуру кўзига келмас ёш. [1;5]

Келтирилган байт таркибидаги йиғлам-синмоқ феълнинг семаларидаги маъно нозиклиги, яъни дифференциал семаларини кўрсатиб беради.

Маълумки, муайян тилнинг бойлиги тил имконияти ўша тилдаги маънодош – синоним сўзларнинг кўплиги билан белгиланади. Навоий яна қувормок ва куруқшамок, ушармақ, жийжаймоқ, ўнгдаймоқ, чекримак ва дўмсаймоқ, умунмоқ ва ўсанмоқ, ўхранмақ ва торикмоқ, алдамоқ ва арғадамоқ, ишастмақ ва игланмақ, айланмоқ ва эрикмақ, игранмақ ва овунмоқ, қистамоқ ва қийнамоқ, кўзгалмоқ ва соврулмоқ, чайқалмоқ ва девдашимок ва қийманмоқ каби бир қатор феълларни мисол сифатида келтириб, улар мазмунан яқин бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири матн таркибида муқоболшқа маънони англатиши, фақат ва фақат туркий тилга хошлигини белгиллаган ҳолда уларнинг муқобили форсларда мавжуд эмаслигини исботлаб беради ҳамда сартлар ушбу сўзлар келган ўринда форслар ожиз қолишини алоҳида таъкидлайди.[1;4]

Бундан ташқари асарда Навоийнинг фонетикага оид фикрлари ҳам келтирилган бўлиб, туркий тилларда омонимия, шаклдош сўзларнинг мавжудлиги, улар шеър санъатида қофияни келтириш, туюқ жанрининг асоси эканлигини кўрсатиб беради ва форсларда бундай имконият йўқлигини чоғиштирма аспектда таҳлил қилиб, муайян ҳулосалар беради. Хусусан, от сўзини келтириб, биринчи маънода алам, бир маъноси исм-ном ва яна бир маъноси ҳайвон - от эканлиги ёки тошни от бирикмасида ҳаракат-ҳолатни англатишини таъкидлайди. [1;5]

Чун парио хурдур отинг (ном-исм), бегим,

Суръат ичра дев эрур отинг (миниладига ҳайвон – от), бегим,

Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг (ҳаракат-ҳолат),
бегим. [1;7]

Шунингдек, асарда туз, кўк, тўр, ўт лексемаларини [1;7] ҳам келтириб, уларнинг ҳам омонимик хусусиятларини исботлайди ва тўр ва ўт лексемаларининг кавзиомонимларни келтириб, уларда фонологик имкониятларнинг мавжудлигини айтган ҳолда, 1881 йилда Бодуэн де Куртэне номи билан боғланадиган фонема ва фонологияга терминига ундан анча илгари ишора бериб ўтади. Хусусан, унинг куйидаги гаплари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади: “Ва маъруф ва мажҳул қофияда “вовий”, “ёйий” ҳамки, форсий ашъорда воқиф бўлур, икки ҳаракатдин ортуқ бўлмас, “вовий” андоқки хўд ва дуд на зўр ва нур, ва “ёйий” андоқки: пир ва шер. Ва туркий алфозда бу маъруф, мажҳул ҳаракат тўрт навъ топилаур ҳам “вовий” ва ҳам “ёйий”си. “Вовий”си андоқки, ўтки шайъи муҳриқдур ва ўт мурур маъниси била ва ўт муқаммирга бурд жиҳатидин амр, ва ўтки боридин ириқ ҳаракатдур, каллани ўтга тутуп, тукин аритур маънидадур. Яна бир мисол: тўрки, домдур яна тўрки, андин дақиқроқдурки, куш ўлтур йиғочдур, тўрки, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин ирикдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак ўйдур. [1;7]

Шунингдек, шеър санъатидаги қофия-дошлик масаласига ҳам тўхталиб, “эрур” сўзини “хур” ва “дур”, “ғурур” сўзини “зарур”, “оғир” сўзини “боғир”, “содир”, “кодир”, “таъхир” сўзини “тағйир” сўзлари билан қофия қилса бўлиши мумкинлиги, аммо форсийлар алофозида бундай имкониятлар йўқлигини кўрсатиб беради. [1; 8]

Асарда “туш” сўзини келтириб, мазкур сўзнинг матн таркибида 3 маънони: ён ва ёқ англатиши, мазкур икки сўзда туш сўзининг семантикаси сақланиши – ёнга туш, бу ёққа туш семаси сақланиши, ундан ташқари тўртинчи маъноси ҳам нутқда намоён бўлиши; бор лексемасида мавжудлик семаси иккинчи ўринда бўйруқ – боровға амр этиш мазмуни мавжудлиги, шунингдек, туз сўзин ҳам келтириб, туз сўзини қўллаш орқали матн таркибда қўплаб маъноларни бериш мумкинлигини уқтиради. Хусусан, туз яъни унлининг таллафуздаги қалинлик ва ингичалик, яъни ҳозирги фонологик термин билан айтганда, фонема оттенкалари орқали ўқ ё найза номи; иккинчи ўринда туз даштни аглайтиши; учинчи ўринда, туз – рост, тўғри киши маъносини; тўртинчи ўринда, туз – соз, чолғу асбобини сошлаш семасини; бешинчи

ўринда, икки киши орасидаги муваққат салмоқ маъносини; олтинчи ўринда, бир мажлис, йиғин асбобини ифодалашини жуда аниқ таҳлил қилиб беради [1;7]. Назаримизда, мазкур фикрлар, дарҳақиқат, Навоийнинг синчков, буюк тилшунос эканлигини яна бир қарра исботлайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, асарда туркларда қариндош-уруғ, ҳайвон номлари уларнинг ёши ва жинсига кўра фарқловчи лексемалар билан айтилиши, сарт (форс)лар эса битта сўз орқали ифода этишларини ҳам ўринли мисоллар орқали кўрсатади ва таҳлил қилади. Шунингдек, мазкур асарда ўзбек тилининг барча сатҳлари: фонетика-фонология, лексикология-семасиология, морфемика, сўз ясалиши, грамматика: морфология ва синтаксисга доир қўплаб қимматли илмий фикрлар билдиради. Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий, нафақат ўзбек тилшунослиги, балки жаҳон тилшунослик илмида ҳам муҳим бўлган масалалар: тил ва тафаккур, тилнинг ва тилларнинг пайдо бўлиши, тилда умумийлик ва хусусийлик каби бир қанча тилшуносликнинг умумназарий масалалари юзасидан ўз қарашларини баён қилган контрастив (чоғиштира) тилшуносликка асос солган буюк тилшунос алломадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн / Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев // www.ziyouz.com kutubxonasi.
2. Баскаков Н., Содиков А., Абдуазизов А. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
3. Boduen de Kurtene I.A. Opit teorii foneticheskix alternatsiy // I. A. Boduen de Kurtene. Izbranniye trudi po obshemu yazikoznaniyu. T. I. – M., 1963. – P. 265-347.
4. Вопросы методики сравнительно-исторического изучения индоевропейских языков. – М.: Изд. АН СССР, 1956.
5. Djons U. Canskritckiy yazik. – Angliya, 1786.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 217.
7. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
8. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2010. – Б. 93-97 б.
9. Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent, 2009. – B. 7-12.
10. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи. 1972.

ПАЛВАНОВ Уктам Базарбаевич

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси ўқитувчиси, PhD
E-mail: davr0101@mail.ru

САЪДУДДИН АТ- ТАФТАЗОНИЙНИНГ “ШАРҲ АЛ- МАҚОСИД” АСАРИГА ЁЗИЛГАН ШАРҲ, ҲОШИЯ ВА ТАЪЛИҚЛАР

КОММЕНТАРИИ, СУПРАКОММЕНТАРИИ И ГЛОССЫ К «ШАРҲ АЛЬ- МАКАСИД» САДУДДИНА АЛЬ- ТАФТАЗАНИ

COMMENTARIES (SHARḤ), MARGINS (ḤĀSHIYAT) AND GLOSSES (TA‘LĪQ) ON “SHARḤ AL-MAQĀṢID” OF SA‘D AL-DĪN AL-TAFTĀZĀNĪ

Аннотация: Мазкур мақолада ҳанафий-мотуридий мазҳабининг энг машҳур олимларидан бири аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (722-792/1322-1390)нинг 786/1384 йили Самарқандда ёзилган калом илмига оид муҳим асари “Шарҳ ал-Мақосид”нинг таркибий тузилиши ва унга ёзилган шарҳ, ҳошия ҳамда таълиқлар ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: ҳанафий, матуридия, калом, мантиқ, қўлёзма, шарҳ, ҳошия ва таълиқ.

Аннотация: В данной статье рассматриваются структура, комментарии, маргиналии и глоссы одному из важных произведений, посвященный к науке калам, известного учёного ханафи-матуридского мазхаба Саъдуддина аль-Тафтазани (722-792/1322-1390), написанное в Самарканде в 786/1384 году.

Ключевые слова: ханафия, матуридия, калам, логика, рукопись, комментарий, супракомментарий и глосс.

Abstract: The paper highlights the structure, commentaries, margins and glosses of the work “Sharḥ

al-Maqāṣid”, which is considered as an important source on the sciences of Kalām written in Samarkand in 786/1384 by one of the most well known scholars of ḥanafī-māturīdī teaching Sa‘d al-Dīn al-Taftāzānī (722-792/1322-1390).

Keywords: ḥanafī, māturīdī, kalām, logic, manuscript, commentaries (sharḥ), margins (ḥāshiyat) and glosses (ta‘līq).

КИРИШ

Темурийлар ҳукмронлиги даври – “Иккинчи Шарқ Уйғониш даври”нинг етакчи олимларидан бири аллома Саъдуддин Тафтазоний (722-792/1322-1390)дир. Мутафаккирнинг тўлиқ исми Масъуд ибн ал-Қози Фахруддин Умар ибн ал-Мавло ал-Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Тафтазоний ал-Хуросоний ал-Ҳанафий бўлиб, у Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) шаҳрига ёндош Тафтазон қишлоғида туғилган. Саъдуддин Тафтазоний наҳв, сарф, маоний, баён, усул ал-фикҳ ҳамда фуруъ ал-фикҳ (ҳанафий, шофий ва моликий), мантиқ, ақида, тафсир ва бошқа илм соҳалари бўйича машҳур олим бўлган [4:190; 6: 241; 5: 734; 20: 471].

АСОСИЙ ҚИСМ

Манбашунослик нуктаи назаридан муайян ёзма манба қўлёзмаси ададининг турли минтақаларда қўплаб сакланиб қолганлиги бир жихатдан, унинг кенг истифода қилинганидан дарак берса, иккинчи томондан, ўша асарнинг ўз йўналишида муҳим аҳамият касб этганини англатади. Ушбу омиллар Саъдуддин Тафтазонийнинг каломга доир ёзма меросида ҳам мавжуд бўлиб, зеро, унинг замирида алломанинг илмий салоҳияти ётади. Демак, мазкур асосларга кўра, уларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунгача алломанинг турли илм соҳалари бўйича эллиқдан ортиқ асарлар ёзганлиги аниқланган. Шулардан олтитаси калом илмига оид бўлиб, улар нафақат, матуридия таълимоти бўйича муҳим манбалар,

балки, адашган оқимларга раддиялар беришда илмий асос ҳисобланади. Жумладан, уларни ёзилиш услубига кўра иккига – “матн” ва “шарҳ”га таснифлаш мумкин. Хусусан, унинг “Шарҳ ал-Ақоид” ва “Шарҳ ал-Мақосид” номли китоблари шарҳ услубида, “Мақосид ат-толибин” ва “Ғоят таҳзиб ал-калом” эса, матн услубида битилган. Аммо, ушбу тадқиқот жараёнида “Рисола фи таҳқиқ ал-имон” ва “ар-Рисола фи ал-калом” асарлари топилмади.

Саъдуддин Тафтазонийнинг калом илмига оид энг катта асари бу – “Шарҳ ал-Мақосид” бўлиб, у 786/1384 йили Самарқандда ёзиб тугатилган. У олимнинг “Китоб ал-Мақосид” номли ўз асарига ёзган шарҳи ҳисобланади [4: 192]. У бир неча марта нашр қилинган.

Ушбу шарҳда таркибий жиҳатдан асл матн – “Китоб ал-Мақосид”даги тартиб сақлаб қолинган бўлиб, фақат, унда ақидавий масалалар далиллар билан исботланган ва улар доирасида адашган оқимлар фикрлари таҳлил қилиниб, илмий асосда раддиялар берилган. Жумладан, асардаги ақидавий масалалар муайян мантикий кетма-кетликка асосланган “мақсад” деб номланган олтига бўлимга тақсимланган бўлиб, улар “ал-мабадий” (асослар), “ал-умур ал-омма” (умумий масалалар), “аъроз” (акциденция), “жавҳар” (субстанция), “илоҳиёт” ва “самъиёт” каби мавзулар билан аталган [21].

Ушбу асар ҳажм жиҳатидан катта бўлишига қарамасдан, у соҳа олимлари ўртасида кенг тарқалган ва кўп мутуала қилинадиган машҳур қомусий китоблардан саналади. Бу эса, унга эътибор қаратилиб, турли даврларда олимлар томонидан шарҳ, ҳошия, ва таълиқлар ёзилганлигидан маълум бўлади ва уларнинг баъзилари асарнинг муайян бир қисмини ва айримлари эса, тўлиқ асарни қамраб олган. Шунингдек, улардан баъзилари бугунги кунгача нашр этилган, айримларининг қўлёзма нусхалари мавжуд бўлса-да, ҳануз чоп этилмаган ва бир хилларининг муаллифлари маълум, лекин асарларнинг ўзи ҳалигача топилмаган. Бу ўринда эса, мазкур уч хусусият инобатга олинган ҳолда ушбу тадқиқот давомида аниқланган муаллифлар ва уларнинг асарлари таснифланди:

Нашр этилган:

1. Ашраф ал-Мақосид фи Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу шарҳ асарни тўлиқ қисмига бағишланган бўлиб, унинг муаллифи Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ад-Далаий ал-Макнасий (ваф. 1128/1716). У 1120/1708 йили ёзиб тугатилган ва Қоҳирада 1935 йили икки жилдда нашр этилган.

2. Ал-Ғазолиёт фи ас-самъиёт: шарҳ ва таълиқ ало Китаб Шарҳ ал-Мақосид. Унинг муаллифи Муҳаммад Ҳусайний Мусо Муҳаммад ал-Ғаззолий ҳисобланади [13].

Қўлёзма ҳолда мавжуд:

3. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия муаллифи Шамсуддин Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий (ваф. 860/1456) бўлиб, у машҳур ҳанафий олимларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, олимнинг “Таълиқот ало мабадий мин Шарҳ ал-Мақосид” номли иккичи бир таълиқи ҳам сақланиб қолган [17; 18; 19].

4. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия муаллифи Илёс ибн Иброҳим ас-Синобий ал-Бурсавий ал-Ҳанафий (ваф. 891/1486) бўлиб, у “Ҳожи Зода” номи билан танилган [14: 217]. Асарнинг қўлёзма нусхаси Сулаймония кутубхонасида сақланади [7].

5. Ҳашият ала Шарҳ ал-Илаҳиёт ва ас-Самъиёт ли Ал-Мақосид. Ушбу шарҳ муаллифи Малик Аҳмад ибн Малик Пир Муҳаммад Форуқий (ёки Малик Аҳмад ибн Абдулмалик Пир Муҳаммад Форуқий) (ваф. 1067/1657) бўлиб, у ҳам ҳанафий олимларидан бири ҳисобланади. У “Шарҳ ал-мақосид”нинг “ал-Илоҳиёт” ва “ас-Самъиёт” боб (мақсад) ларига ёзилган шарҳ ҳисобланади [10].

6. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия муаллифи Абу Абдуллоҳ Валийуддин ибн Мустафо ибн Али Қонстантиний (ваф. 1151/1738) бўлиб, у “Жоруллоҳ Румий Ҳанафий” номи билан танилган [15: 118-119]. Асарнинг қўлёзма нусхаси Сулаймония кутубхонасида сақланади [2].

7. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид ли ас-Саъд. Ушбу ҳошия Муслиҳуддин Мустафо ибн Муҳаммад Қасталоний Ҳанафий (ваф. 901/1495) томонидан битилган бўлиб, олим “Қасталий” номи билан танилган. Асарнинг

қўлёзма нусхаси Сулаймония кутубхонасида сақланади [12].

8. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия Шамсуддин Мулла Аҳмад ибн Сулаймон (ваф. 940/1533) томонидан ёзилган. Ушбу ҳошиянинг 1155/1742 йилда қўчирилган бир қўлёзма нусхаси Кужоротдаги “Ҳазрат Пир Муҳаммад Шоҳ” кутубхонасида № 514 рақам остида сақланмоқда.

9. Шарҳ Мақосид ал-Мақосид. Ушбу шарҳ Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад Дилажий Усманий Ҳанафий (860-947/1456-1540) томонидан 917/1511 йили ёзиб тугатган [16: 1780-1781]. Бу асарнинг алоҳида хусусияти шундаки, “Шарҳ ал-Мақосид”нинг баъзи ўринларини қисқартирган.

10. Ҳошия ало ал-Умур ал-аммоҳ мин ал-Мақосид. Ушбу ҳошия муаллифи Шамсуддин Аҳмад ибн Сулаймон ибн Камол Пошо (873-940/1468-1534) бўлиб, у таниқли ҳанафий олимларидан бири ҳисобланади. Унинг Маҳмудия кутубхонасида бир қўлёзма нусхаси № 6597 остида сақланади.

Аниқланмаган асарлар:

11. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия муаллифи Ҳизир Шоҳ ибн Абдуллатиф Мунташавий Румий Ҳанафий (ваф. 853/1450) ҳисобланади [16: 1781; 8: 430].

12. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия Важиҳуддин ибн Носир Алавий Кужаротий Ҳиндий (911-998/1505-1590) томонидан битилган [1: 237].

13. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия таниқли ҳанафий олими Мулла Нуруддин Абулҳасан Али ибн Султон Муҳаммад Қорий Ҳаравий Маккий (ваф. 1014/1606) томонидан битилган [11: 56].

14. Мухтасар Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу мухтасар Муҳаммад ибн Муҳаммад Амсий Румий Ҳанафий (ваф. 1187/1773) томонидан битилган [9: 627-628].

15. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия Ҳисомуддин Мустафо ибн Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳисом Бурсавий Румий Ҳанафий (ваф. 1035/1626) томонидан ёзилган бўлиб, олим “Ҳисом Зода” номи билан танилган.

16. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. Ушбу ҳошия Нуруддин Аҳмад ибн Муҳаммад Солиҳ Аҳмадободий Кужаротий Ҳиндий (ваф. 1155/1742) томонидан битилган [1: 237].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Саъдуддин Тафтазоний деярли барча фан соҳаларига оид қимматли асарлар ёзиб қолдирган Тумурийлар даврининг энг таниқли ҳанафий-мотуридий олими бўлиб, унинг асосий илмий фаолияти даври Мовароуннаҳр диёрига тўғри келиб, аксар шоҳ асарларини ҳам шу минтақа шаҳарларида, хусусан, Самарқандда ёзиб қолдирган. Зеро, унинг ақоид илмига оид ёзма меросидан бугуни кунгача таълим тизимида унумли фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, алломанинг “Шарҳ ал-Мақосид” асари ҳам калом илми бўйича муҳим қомусий манбаларда саналади. Буни асарга ёзилган мазкур ўн олтита шарҳ, ҳошия ва таълиқ ҳам қўллаб-қувватлайди. Шунга қўра, ушбу манба нафақат тарихда ўтган турли адашган фирқалар қарашларини танқидий ўрганишда, балки, замонавий оқимларга илмий раддиялар беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

МАНБА ВА ДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулхай ибн Фаҳруддин ибн Абдулаллий. Маориф ал-авориф фи анвор ал-улум ва ал-маориф. – Димашқ: Матбуот мажмаа ал-луғат ал-арабия, 1983. – 419 б.
2. Абу Абдуллоҳ Валийуддин ибн Мустафо ибн Али Қунстантиний. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси Жоруллоҳ фонди. – Қўлёзма. – № 001172. – 115 в.
3. Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошқўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. – Ж. I. – Б. 192.
4. Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошқўпризода. Мифтоҳ ас-саода ва мисбоҳ ас-сияда фи мавдӯаот ал-улум. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. – Ж. I. – 405 б.
5. Жамолуддин Абулмаҳсин Юсуф ибн Туғро Барда. Ад-Далил аш-шофий ала Ал-Манҳал ас-

- софий. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонижи, 1955. – Ж. II. – 584 б.
6. Жамолуддин Абулмаҳосин Юсуф ибн Туғро Барда. Ал-Манҳал ас-софий ва-л-муставфий баъда ал-вофий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоик ал-қоамия, 2005. – Ж. XI. – 356 б.
7. Илёс ибн Иброҳим Синобий Бурсавий Ҳанафий. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси Фотиҳ фонди, Ҳолид Афанди фонди, Шаҳид Али Пошо фонди ва Рағиб Пошо кутубхонаси. – Қўлёзма. – № 002985. – 149 в., – № 000429, – № 001612 ва – № 000757. – 183 в., – № 000813. – 89 в.
8. Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадия ал-орифин. – Истанбул: Миллий эйитим басимеви, 1951. – Ж. II. – Б. 430.
9. Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадия ал-орифин. – Истанбул: Миллий эйитим басимеви, 1951. – Ж. III. – Б. 627-628.
10. Малик Аҳмад ибн Малик Пир Муҳаммад Форукий. Ҳашият ала Шарҳ ал-Илаҳиёт ва ас-Самъиёт ли Ал-Мақосид. – Массачусетс: Хоутон кутубхонаси фонди. – Қўлёзма. – № 4156.
11. Мулла Али Қорий. Минаҳ ар-Равз ал-азҳар. – Байрут: Дор ал-Басоир ал-исломия, 1998. – Б. 56.
12. Муслиҳуддин Мустафо ибн Ҳусомуддин Ҳасан Қасталоний. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид ли ас-Саъд. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси Лали фонди ва Рағиб Пошо кутубхонаси. – Қўлёзма. – № 002225. – 120 в., – № 000795. – 347 в.
13. Муҳаммад Ҳусайний Мусо Муҳаммад Ғаззолий. Ал-Ғаззолий фи ас-самъиёт: шарҳ ва таълиқ ало Китаб Шарҳ ал-Мақосид. – Қоҳира: 1999.
14. Тақиййуддин ибн Абдулқодир Тамимий Ҳанафий. Ат-Табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия. – ар-Риёд: Дор ар-Рифоий, 1989. – Ж. II. – Б. 217.
15. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-мулойин, 2002. – Ж. VIII. – 373 б.
16. Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашф аз-зунун. – Байрут: Дор Ихя ат-турос ал-арабий, 2001. – Ж. II. – 559 б.
17. Шамсуддин Аҳмад ибн Мусо Хаёлий. Таълиқот ало мабадиъ мин Шарҳ ал-Мақосид. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси Шаҳид Али Пошо фонди. – Қўлёзма. – № 002829. – 28 в.
18. Шамсуддин Аҳмад ибн Мусо Хаёлий. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид фи ал-калом. – Истанбул: Миллий кутубхона. – Қўлёзма. – № A004306. – 80 в.
19. Шамсуддин Аҳмад ибн Мусо Хаёлий. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мақосид. – Истанбул: Рағиб Пошо кутубхонаси. – Қўлёзма. – № 000796. – 201 в.
20. Тақиййуддин Аҳмад ибн Али Макризий. Дураар ал-Уқуд ал-фарида. – Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий, 2002. – Ж. III. – 586 б.
21. Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мақосид. – Нью Жерси: Принстон университети кутубхонаси фонди. – Қўлёзма. – № 867Y. – 108 в.

САГДУЛЛАЕВА Дилфуза Каримуллаевна
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
 ўқитувчиси,
 филология фанлари бўйича фалсафа доктори
 (PhD)
 E-mail: dilfuzasagdullaeva@gmail.com.

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИДАГИ ДИНИЙ АТАМАЛАР СЕМАНТИКАСИ

СЕМАНТИКА РЕЛИГИОЗНЫХ ТЕРМИНОВ В КНИГЕ «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»

SEMANTICS OF RELIGIOUS TERMS IN THE WORK OF “KISASI RABGUZI”

Аннотация: Мазкур мақолада Қуръоний қиссалар асосида илк бор туркий тилда яратилган пайғамбарлар тарихига оид мумтоз адабий манба – “Қисаси Рабғузӣ” асарида келтирилган арабча диний атамаларнинг – Аллоҳнинг исмлари, эътиқод, ибодат, тасаввуф, фикҳ мавзулари доирасида қўллангани аниқланган, лексик бирликларнинг семантик хусусиятлари юзасидан муносабат билдирилган. Мавзуни ёритишда таснифлаш, чоғиштирув методлари; структур-семантик, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Калит сўзлар: семантика, лексик бирлик, диний атамалар, понятие, эътиқод, ибодат, тасаввуф, фикҳ.

Аннотация: В данной статье рассматриваются арабские религиозные термины, использованные в книге «Қисаси Рабғузи» – классическом литературном источнике по истории Пророков, впервые написанный на тюркском языке на основе исламских источников. Эти термины были выявлены в употреблении в контексте имен Аллаха, веры, поклонения, суфизма, мусульманского права и сделан лингвистический анализ семантических особенностей лексических единиц. При освещении темы использовались методы сравнения, классификация, структурно-семантический и компонентные методы анализа.

Ключевые слова: семантика, лексическая единица, религиозные термины, вероисповедание, поклонение, суфизм, мусульманское право.

Annotation: The given article deals with the Arabic religious terms, given in the work “Kisasi Rabguzi”, a classic literary source on the history of the prophets, firstly written in Turkish language on the basis of the Qur’anic sources, which were found out to be used within the context of the names of Allah, belief, worship, mysticism, Islamic jurisprudence and were given a linguistic analysis of semantic features of lexical units. In covering the topic, methods of comparison, classification, structural-semantic and component methods of analysis were used. In covering the topic, methods of comparison, classification, structural-semantic and component methods of analysis were used.

Keywords: semantics, lexical unit, religious terms, religions, worship, Sufism, Islamic jurisprudence.

КИРИШ

Диний-тасаввуфий ғояларни ўзида акс эттирган мумтоз шарқ адабиёти намуналари тили махсус лексик-семантик қатламга эга бўлиб, унинг асосини диний атама ва тушунчалар ташкил қилади. “Улар лексик-семантик системанинг барча хусусиятларига эга бўлган ҳолда умумтил системасини ташкил қилувчи ажралмас қисмдир. Мазкур тизимнинг жамият тараққиёти, ахлокий меъёрларни шакллантириш, ҳаёт, турмуш тарзини тартибга солишдаги аҳамияти, шу билан бирга миллат маданий ва маънавий дунёсининг ажралмас қисми эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир” [16]. Хусусан, “Қисаси Рабғузӣ” асари тилида қўлланган диний-тасаввуфий тушунча ва атамалар семантикасини ёритиш асар моҳияти ҳамда унда қўлланган рамзларни тўғри тушуниш ва англашга ёрдам беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Асарда қўлланган диний атама ва тушунчаларни шартли равишда Аллоҳнинг исмлари, эътиқодий масалалар (ақоид), ибодат, мусулмон жамиятининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти ҳамда тасаввуфга оид истилоҳлар мавзуий гуруҳига бўлиш мумкин.

Аллоҳнинг исмлари. Ислом таълимотига кўра, Аллоҳнинг исмлари *الاسماء الحسنی* Al-asmāu-l-ḥusnā, яъни гўзал исмлар деб номланиб, мазмунан унинг сифатлари, фазилатларини ифодалайди [7:46]. Аллоҳнинг гўзал исмлари билан чорлаш ҳақида “Исро” сурасининг 110-ояти ҳамда “Аллоҳнинг тўксон тўққизта – бир

кам юзта исми бор [10:643]”лиги ва уларнинг мазмун-моҳиятини англаб, унга қўра амал қилиш кераклиги тўғрисидаги маълумотларни Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда кузатиш мумкин. Асарда Аллоҳнинг Allāh (39r91), Raḥmān (39r16), Malik (200v5), ‘Azīz (55v18), Jabbār (190r7), Xāliq (74v9), ‘Alīm (107v6), Samī‘ (152r8), Latīf (107v6), Halīm (159v6), Jalīl (218r19), Karīm (196v12), Hakīm (107v6), Haqq (134v44), Samad (83r2), Qādir (163r5), Māliku-l-mulk (238r5), zu-l-jalāl va-l-ikrām (163v2) каби 18 та исми аниқлик артиклисиз туркий тилга мослашган ҳолда қўлланган.

Allāh лексемаси *الله* ‘alaha “ибодат қилмоқ, сиғинмоқ [3:29]” маъносидаги феълдан ҳосил бўлиб, “илоҳий куч, бутун мавжудотни яратган ягона худонинг номи сифатида ислом динида қарор топган” [15:208]. Мазкур феълнинг *فَعَّلَ* морфологик қолипида ҳосил бўлган *ilāh* лексемаси эса “худо, тангри [2:30]” маъносини англатади. Аниқлик артикли билан қўлланган *ilāh* лексемаси ҳозирги замон араб тилида *al-ilāh* ва Allāh каби икки шаклга эга. *Al-ilāh* лексемасидан *al-āliha* “худолар” шаклидаги синиқ кўплик ҳосил бўлса, Allāh сўзи сонда турланмай, исломдаги махсус маънони ифодалайди [15:208-209], яъни у “ягона Илоҳ, ягона Худо” маъносига эга. Асарда мазкур лексема туркий матнда шунга мос равишда “бутун мавжудотни яратган ягона Худо” маъносида 39 марта қўлланган. Масалан: *Eu mal‘ūn, Allāh bir turur* (65r9). *Ilāh* лексемаси мазкур маънода бирлик, биринчи шахс эгалик олмоши *ī* (ي) билан бирикиб *Ilāhī* “менинг Илоҳим” тарзида қўлланган. Масалан: *Ilāhī, andağ kim Muḥammad rasūlullāhnīn doṣṭluqīn dunyāda bizgā karāmat qīldīn* (208r4). “Маъбуд” маъносидаги лексема вазифасида эса туркий *tānri* сўзи қўлланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, *Kāfīrlar bir pāra uḡačnī yonup tānri teyū tapundīlar* (205r16).

Асарда туркий *izi*, форсий *xudā* лексемалари билан бирга Аллоҳнинг сифат ва фазилатларини ифодаловчи арабий ўзлашмалардан кенг фойдаланилган. Масалан: *Izim tīlamīšīnā ni‘mat tegürürlü latīf* (107v6). – “Менинг Эгам, сўраганга неъмат берувчи Латиф зот”; *Xudāyā samī‘ ‘alīmsan* (152r8). Биринчи жумлада келтирилган

latīf лексемаси “бандаларга сездирмай ўз лутфу эҳсонини етказиб берувчи [6:47]”, иккинчи жумладаги *samī‘* ва *‘alīm* лексемалари “махфий ёки ошкора гап ва шарпаларни, ҳатто дилдан ўтганини ҳам эшитувчи [6:47]” ҳамда “аввалги ва кейинги нарсаларни билувчи, доно, илм соҳиби [6:47]” каби маъноларни ифодалайди. Мазкур лексемалар муаллиф томонидан керакли ўринларда Аллоҳ зотини улуғлаш ва эътироф этиш мақсадида моҳирона қўлланган. Баъзан Яратганнинг сифат ва фазилатларини ифодаловчи лексемалар иқтибос қилинган оятларнинг туркий таржимаси таркибида ҳам ўзлашма сифатида учрайди. Масалан, *Bu šayṭān Raḥmānğa yazğan yazuqluğ turur* (39r16). Мазкур жумла Марям сураси 44-оятининг таржимаси сифатида келтирилган. Оятда қўлланган “ўта меҳрибон” маъносидаги *الرحمان* лексемаси туркий таржимада Raḥmān тарзида талқин қилинган.

Шунингдек, асарда ислом тушунчасидаги Аллоҳни англатувчи *rabb*, *mavlā*, *ḥaḍrat* сингари сўзлар маънодош сифатида қўлланган. А.Ҳасанов ўзининг тадқиқотида Муҳаммад пайғамбар ўз диний фаолиятининг махфий ҳолда кечган дастлабки 3-4 йилида Allāh сўзи ўрнига кўпроқ *rabb* “парвардигор, эга” сўзини ишлатгани ҳамда вақти жиҳатидан аввалги ҳисобланган бу сўз Қуръоннинг ўттизта сурасида учраши ҳақида маълумот келтиради [15:208]. Асар тилида *rabb* лексемаси аксарият ҳолларда Аллоҳ сифатини билдирувчи сўзлар билан арабий изофа ҳосил қилган ҳолда қўлланган. Масалан, *rabbu-l-jalīl* “барча сифатлари мукамал [6:47]” (218r19), *rabbu-l-‘izzat* “izzat ва қудрат соҳиби [6:47]” (196r11), *rabbu-l-‘alamīn* “оламлар Эгаси” (113r6) каби бирикмалар шулар жумласидандир. Асарда 556 ўринда қўлланган *mavlā* лексемаси “бошқармоқ, волийлик қилмоқ [3:935]” маъноларни англатувчи *وَلِيّ* феълдан ҳосил бўлган. “Раҳнамо, ҳомий, жаноб [6:276; 5:161]” каби маъноларга эга бўлиб, Аллоҳга нисбатан Бақара сураси 286-оят, Тавба сураси 51-оят ва шу каби бошқа оятларда *Mavlānā* “Хожамиз” тарзида мурожаат этилган [5:161]. Мазкур лексема баъзан Allāh *mavlā* “соҳиби олам [2:188]” тарзида Яратганнинг сифатини билдириб келса, кўпчилик ҳолатларда *Mavlā ta‘ālā* “буюк Хожа”, *Mavlā ‘azza va jalla* “энг

¹ ибитрат ралротақ ав иғарав амзёлўҚ .хозИ

азиз ва улуғ Хожа” тарзида Аллоҳ маъносини ифодалаган.

Шунингдек, асарда Аллоҳ сўзининг маънодоши сифатида истифода қилинган *ḥaḍrat* лексемаси кўп маъноли сўз бўлиб, “1. ҳозирлик, ҳузурида; 2. жаноб, хоним [3:182]; жаноб, ҳурматли [5:161]” каби луғавий маъноларга эга. Кўриниб турганидек, бу лексеманинг Аллоҳ мазмунини ифодаловчи луғавий маъноси мавжуд эмас. Асарда мазкур сўз Аллоҳ сўзига маънодош лексема сифатида “*Ḥaḍratdīn xitāb keldi*” (5v20) мисолида келтирилган бўлса, “*Meniḡ ḥaḍratīmda miḡ ‘ābiddīn bir ‘ālim faḍilraq turur*” (8v20-21) жумласида “ҳузурида” маъносини ифодалаган. Асарда Аллоҳнинг исм ва сифатига тегишли арабий лексемалар Яратганни улуғлаш ҳамда унинг муайян сифатларини ифодалашга хизмат қилган.

Эътиқодий масалаларга оид атама ва тушунчалар. Асарда бу турдаги *lavḥu-l-maxfuḏ* (51r17), *sidratu-l-muntahā* (209r5), *qābiḍu-l-arvāḥ* (206v4), *malaku-l-mavt* (206v6), *ḥalāl* (194v17), *maqām-i maḥmūd* (210v2), *qāba qavsayn* (219r14), *sijjīn* (248v12), *jannatu-l-‘adn* (183r21), *ḥavḍ-i kavṣar* (202r5) каби кўплаб атамалар ўз маъносида қўлланган. Бироқ асарда истилоҳий маъно асосида ҳосил бўлиб, қўшимча маъно оттенкалари билан бойитилган лексемалар ҳам аниқланди.

Kufr сўзи “яшириш, ношукрчилик; кофирлик” каби луғавий маъноларга эга бўлиб, истилоҳда “Ислом дини ёки Аллоҳ, борлик ва инсон тўғрисидаги исломий дунёқарашни тан олмаслик, ягона Аллоҳ, унинг фаришталари, пайғамбарлари, илоҳий китоблари, қазо қадарига ишонмаслик ҳамда ақидага қарши курашиш; имонсизлик, кофирлик [6:267]” маъноларини ифодалайди. Асарда мазкур атама “*Yalawaṣṣlar kufrdīn ma‘ṣum bolurlar*. – “Пайғамбарлар имонсиз бўлмайдилар” (70r16) тарзида келтирилган. Ушбу жумладаги *kufr* атамаси “имонсизлик, кофирлик” маъносини ифодаласа, “...*ḥaṭāsī köp kufr sözlär ham bar*” (142v9) мисолидаги *kufr* сўзи истилоҳий маъно асосида шаклланганини кузатиш мумкин. Мазкур жумладаги *kufr* сўзини “ишончсиз” маъносида талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Širk атамаси “бирга катнашиш, шериклик” сингари луғавий маънога эга бўлиб, истилоҳда “Аллоҳнинг шериги бор деб ҳисоблаш,

кўпхудолик, шерик келтириш [6:575]” маъноларини ифодалайди. Асарда мазкур истилоҳнинг маънони кучайтириш мақсадида жуфт сўз таркибида қўлланган ҳолати ҳам кузатилди. Масалан: *Kim-ki kufr-u širk mendin ketsün tesä, sūratu-l-Ixlaṣnī oqusun*” (66r19). Мазкур жумлада *kufr* ва *širk* атамалари жуфт сўз ҳосил қилиб, “имонсизлик ва Аллоҳга шерик келтириш” каби салбий маъноларни ифодалашга хизмат қилган. Шунингдек, *širk* лексемаси асарда “шубҳа, иккиланиш” маъносида ҳам қўлланган. Масалан: *Aḡa berdi tep köñülläriḡä širk kirdi*. – “Унга берди дея, кўнгилларида шубҳа уйғонди” (223r14).

“1. Яхшилик, олийжаноблик; саховат, ҳадя; 2. ташаккур, миннатдорлик [3:799]” сингари луғавий маъно, “Худо томонидан бандага қилинган ва банда томонидан қадрланиши лозим бўлган яхшилик [13:373]” каби истилоҳий маъноларни англатган *minnat* лексемаси асарда ҳам атама, ҳам тушунча вазифасида келиб, ўзаро зид маънони ифодалаган. Масалан: *Yūsufnī čiqarsalar, malik men čiqardīm tep minnat qilḡay erdi, Mavlā ta‘āla öz faḏlī-yu karamī birlä čiqardi, minnat Mavlādīn boldi* (89r10). Биринчи ҳолатда қўлланган *minnat* сўзи “қилинган яхшиликни юзига гапириш, таъна қилиш [2:306]” маъносини ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, мазкур маъно араб тили луғатларида мавжуд эмас. Бу ҳолат мазкур лексеманинг маъноси туркий тилга ўзлашгандан сўнг кенгайганлигидан далолат беради. Иккинчи ҳолатда истифода этилган *minnat* лексемаси эса юқорида келтирилган атама маъносига мос келади. Муаллифнинг нозик тарзда мазкур лексемани қаршилантира олгани, унинг юксак бадий маҳоратидан дарак беради.

Ибодатга оид тушунча ва атамалар. Ибодат атамаси “Аллоҳга бўйсунуш ва унга ўзини хокисор тутишнинг олий даражаси [6:200]”ни англатади. Асарда бу мавзуй гуруҳ доирасида кўплаб атама ва тушунчалар қўлланганлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур турдаги баъзи атама ва тушунчалар турли конфессияларда ибодат қилиш жойи сингари денотатив маъно доирасига бирикади.

Асарда *مِفْعَال* *mif‘āl* қолипи асосида ҳосил бўлган ибодат жойи маъносини ифодаловчи *miḥrāb*, шунингдек, *maṣjid*, , *ma‘bad* сингари атамалар қўлланган. *Maṣjid* атамаси

“мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийдиган жой, ибодат уйи [6:291]” мазмунини англатади. Дастлаб бу лексема Муҳаммад (с.а.в.) томонидан барча яккахудолик асосидаги ибодатхоналарга нисбатан қўлланган [6:160]. Асарда бу атама Муҳаммад (с.а.в.)га бағишланган наътда *Balad-i muḥarram, masjid-i mu‘azzam* аниқ. – “Мукаррам шаҳар, азим масжид уникидир” (189v2) тарзида “мусулмонларнинг ибодат уйи” маъносини ифодалаган.

Miḥrāb лексемасининг “1. ибодатхона; 2. масжиднинг қибла томонида имом учун ажратилган қисм [2:165]” каби луғавий маънолари мавжуд. Асарда мазкур атама ҳар икки мазмунда истифода этилган. Масалан: Сулаймон (а.с.) қиссасида “ибодат қилиш жойи” маъносида *Miḥrābda ‘ibādat qilur* (189v2); Юнус (а.с.) қиссасида *Ul qaranḡuluqda baliq qarniṇi miḥrāb etip* (151v14) тарзида “саждагоҳ” маъносини ифодалаган. *Qamuḡ imāmlar miḥrābda muni oquyurlar* (235r13) мисолида эса “масжиддаги имомлар жойи” мазмунини англатади. Асар тилида мазкур атама маъноси конкретлашган.

“Қисаси Рабғузий” асарида ислом даврида мавжуд бўлган яҳудийлар ибодатхонасига нисбатан *ma‘bad* атамаси қўлланган. Масалан, *Abū Bakr Mubaššira birlā Muḥammadni juḥūdilar ma‘badīna eltti* (189v14). Мазкур лексема “1. ибодат қилмоқ, сиғинмоқ; 2. тиз чўкмоқ, илоҳийлаштирмоқ [2:517]” маъноларидаги عَبَدَ ‘abada феълидан ҳосил бўлган. Кўриниб турганидек, муаллиф диний атамаларнинг нозик маъноларига эътибор берган ҳолда ўз жойида қўллаган.

Мусулмон жамиятининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид (фикҳий) тушунча ва атамалар. Сўзнинг маънолари ва маъно нозикликлари унинг асл маъноси ҳам, кўчма маъноси ҳам бўлиши мумкин [1:119]. Асарда мазкур турдаги лексемалар асл ҳамда кўчма маъноларда берилган. Жумладан, луғавий маънода “тўғри йўл, диний қонунлар; ислом ҳукмлари, қонун-қоидалари, қонунчилиги [2:419]” маъноларини ифодаловчи *ṣarī‘at* лексемаси истилоҳий маънода “Аллоҳ таолонинг Каломи асосида жорий қилинган ва шаклланган амалий ҳукмлар мажмуаси, ислом ҳукуқи тизими [6:567]” маъноларини ифодалайди. *Ṣarī‘at* атамаси асарда ўз

маъносида қўлланган. Масалан: *Uč yil xalāyiq Nūḥ ṣarī‘atīnča turdilar, ũküšräki kāfir boldilar, ṣarī‘at bayān qilḡučī qalmadı* (28r7); “*Ṣarī‘atda muṇa meñizlik bir masala bar* (6r11)”; “*Iziyā muni kim öldürdi bizgā xabar qilḡil, ṣarī‘atni anīṇ ũzā yorutalıṇ*” (121r4).

Zakāt атамаси луғавий маънода “тозалаш, садақа бериш [2:343]”, истилоҳий маънода “мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон [6:180]” мазмунини ифодалайди. Асарда мазкур лексема асл ва кўчма маъноларда қўлланган. Масалан: *Mālīm bolsa zakāt buyurdi* (169v19). Жумла таркибидаги *zakāt* лексемаси айнан атама вазифасида қўллангани маълум. Таҳлил қилинаётган лексема назмий парчада ҳам учради.

Körsäyürmän körkünüzni körgü bolmas közginām,

Körk zakātın birgā vājib qolsa körkniṇ pāyidīn (83r14).

Мазкур байтда Зулайҳонинг Юсуф жамолига эришиш йўлидаги захмати акс этган. Иккинчи мисрада *zakāt* лексемаси туркий *körk* сўзи билан бирикиб, “чирой очиш, хусн кўрсатиш” маъноларини ифодалаган. Лексема мисра мазмуни асосида ўзгаришга учраб, янгича маъно касб этган.

Тасаввуф атамалари. Мумтоз адабиёт намояндалари ижодида сўзнинг ирфоний-тасаввуфий талқини асосий ўрин тутди. Бу атама ва тушунчаларнинг маънолар тизими бир неча қатламдан иборат. Энг устки қатлам одатда воқеликдаги реал муносабатлар, инсоний ҳиссиётларга асосланса [9:30], яширин маънолар тизими изчил мушоҳада орқали кашф этилади. Тадқиқ қилинаётган асарда ҳам маъноларнинг зоҳир ва яширин қатламлари мавжуд бўлиб, бу аснода муаллиф қисса таркибидаги образларни тасаввуф атамалари билан номлайди. Хусусан, “буюрувчи; қақирувчи, жалб этувчи” луғавий маъноларга эга ‘*ammāra* атамаси “истилоҳда ёмонликка буюрувчи нафс [4:199]” маъносини англатади. Мазкур атама муаллиф томонидан образлаштирилган ҳолда тақдим этилган. Асарда Иброҳим (а.с.) Аммога исмли келинига, ўғли овдан келгандан сўнг уй остонаси алмаштирилиши кераклиги тўғрисидаги насиҳати келтирилади. Исмоил (а.с.) ҳикматомуз тавсияни англаб, Аммога талок беради. Мазкур атаманинг зоҳирий

маъноси киши номи сифатида англашилса, мажозан инсониятни бошқарувчи, ёмонликка буюрувчи нафсдан воз кечиш маъносини ифодалайди.

Шунингдек, Юсуф (а.с.) ташланган қудук муаллиф томонидан *Ul quzuğ atī Ḥubbu-l-axuār erdi*. *Ma'nīsī ul bolur, ezgū quzuğī bolur*. – “Ўша қудук номи *Ḥubbu-l-axuār* эди. Маъноси “яхшилиқ қудуғи” бўлади” (62r6) тарзида таърифланади. Мисолда келтирилган ахуār атамаси “тасаввуфий маслакда Ҳақ даргоҳининг уч юз нафар сарҳанглари, яъни маънавий йўлбошчилари, шариат, тариқат амалларини сидқидилдан бажарувчи фазилатли, ориф зотлар [7:167]” маъносини ифодалайди. Бу атама ёрдамида ҳосил бўлган бирикма зоҳиран қудук номини ифодаласа, яширин мазмунини “Юсуф (а.с.)нинг сабрини тоблаб, уни орифликка ундовчи қудук” тарзида англаш мақсадга мувофиқ бўлади. Муаллиф тасаввуф атамаларини зоҳиран киши номи ёки қудук номи тарзида қўллаб, ботиний маъносини ўқувчи ҳукмига ҳавола қилган.

Асарда қўлланган тасаввуф атамалари шартли равишда Ҳақ ва уни англашга, солиқнинг маънавий камолотга эришиш йўлида амалга оширадиган саъй-ҳаракатлари ҳамда солиқ сифатига оид тушунча ва атамалар каби мавзуй гуруҳларга ажратилди.

Ҳақ ва уни англашга оид атамалар. Асарда салмоқли микдорда учрайдиган атамалардан бири *tajallī* бўлиб, “топиш, кўриш; тўлалигича намоён бўлиш [2:135]” каби луғавий маъноларга эга. Истилоҳий мазмунда мазкур атама “Аллоҳнинг зоти ва сифатларининг бирор нарсада намоён бўлиши [13:152]”ни англатади. Асарда бу атама *nūr* лексемаси билан бирикма ҳосил қилган. Масалан: *Yetmiş hijābdīn orta barmaq andāzasīnča tajallī nūrī kōrindi, tağ altī kesāk boldī* (121v4). Мисолда келтирилган *tajallī nūrī* бирикмаси “Аллоҳ жамолининг кўриниши” маъносини ифодамоқда.

Ўз-ўзини англаш ва шу асосда ўз Раббини таниш маърифат орқали амалга ошади [8:36]. *Ma'rifat* истилоҳда “ўзини билмоқ, англамоқ маъноларига эга бўлиб, Аллоҳнинг тажаллийси эканлигини қалб билан англаш [13:183]” маъноларини ифодалайди. Асарда мазкур атама *ma'rifat markabī* бирикмаси таркибида қўлланган. Масалан: *Qarīnčqa aydī: ... senīn*

elgindāki mulkuñ qamuğī yel turur, anī mīñunča ma'rifat markabīnī mīnsañ seña yaxsīraq erdi, bir sā'atda aršğa teggāy erdiñ. – “Қўл остингдаги мулкнинг барчаси шамолдир, уни мингандан кўра, маърифат уловини минсанг сенга яхшироқ бўларди, бир соатда аршга етардинг” (139r20). Мазкур жумладаги *ma'rifat markabī* ибораси “Ҳақни таниш, уни англаш учун қилинадиган саъй-ҳаракат” маъносида қўлланган. Аксарият ҳолда бу турдаги атамалар асарда бирикма ҳолатида келтирилади.

Солиқнинг маънавий камолотга эришиш йўлида амалга оширадиган саъй-ҳаракатларига оид тушунча ва атамалар. Мазкур турга кирувчи тушунчалардан бири *tafakkur* бўлиб, истилоҳий маънода “сўфийнинг Аллоҳнинг кудрати ва ҳикматидан ҳайратланиб, унинг маърифатини тафаккур қилиши [13:201]” маъносини англатади. Асарда мазкур лексема Мухаммад (с.а.в.)га нисбатан “*Rasūl 'alayhi-s-salām Ḥirā tağīnča ašīp uzun kūn tafakkur qīlur erdi* (193v17)” тарзида қўлланган.

Асарда солиқнинг маънавий камолот босқичларини ифодаловчи атамалар мавжуд. *Xavf* атамасининг луғавий маъноси “қўрқув” бўлиб, истилоҳий маънода “қалбнинг имондан айрилиш таҳликаси, қўркуви [7:205]”ни билдиради. *Rajā* эса “банданинг гуноҳ қилиш хавфидан қутилганига умид қилиши, қалбнинг Аллоҳ васлига эришиши учун дийдор соғинчи [7:192]” маъноларини ифодалайди. Асардаги бу атамалар жуфт сўз ҳосил қилган ҳолда қўлланиб, бир-бирини мазмунан бойитган. Масалан: *Bu azaqīndaqī yassī nā yīğāc turur? Bu xavf-u rajā turur, bir anča xavfğa tōlānūrmān, bir anča rajāğa īnanurman*. – “Оёғинг остидаги бу ясси тахта нима? Бу хавф ва ражо бўлиб, баъзан имондан айрилдим дея тўлғанаман, баъзида гуноҳ қилиш хавфидан қутулдим дея ишонаман” (18v13). Жумлада зоҳиднинг қўрқув ва умид қилиш босқичлари акс этиб, атамалар ўз маъносида қўлланган.

Солиқ сифатига оид атамалар. Асарда солиқнинг сифатига доир *ābid*, *zāhid*, *muttaqīy*, *muḥaqqiq* сингари атамалар қўлланган. Истилоҳда *ābid* атамаси “Аллоҳга юзланган ва умрини ибодат билан ўтказган киши [7:190]” маъносини ифодалайди. Масалан: *Yana bir 'ābidğa tegdi ersā, rukū' ičindā uyūqlar erdi*. – “Яна бир обидни учратса, рукуъ ҳолатида мудраётган

эди” (155r12). *Zāhid* атамаси “дунё ишларидан юз ўгирган, тоат-ибодат билан машғул бўлиб, таркидунё қилган шахс” маъносини англатади. Масалан: *Yūsuf ...ham zāhid turur, ham ‘ālim turur* (87v14). *Muttaqiy* атамаси “тақводор, парҳезкор” маъноларини англатиб, асарда *Bu ‘Umrān yawlaq šāliḥ, muttaqiy er erdi* (166v3) тарзида қўлланган. *Muḥaqqiq* атамаси “доимо сафога интилган Ҳаққа етган кишилар, риёзат билан нафсларини тарбиялаган, эзгулик йўлида сайру сулук билан шуғулланадиган олий мартабали сўфий [7:187]” маъносини ифодалайди. Асарда муаллиф тасаввуфий ғояларни тарғиб қилишда ҳамда ўз фикрини қувватлаш мақсадида *muḥaqqiq*лар аумӣшлар (42r11) синтактик бирлигидан фойдаланган. Масалан: *Muḥaqqiq*лар аумӣшлар: *Ibrāhīm kögsündä Izi muḥabbatiniñ oti bar erdi* (42r11). Мазкур атамани бу тарзда қўллаш муаллифнинг маълумот етказишдаги эҳтиёткорона муносабатидан дарак беради.

ХУЛОСА

“Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган арабча диний атамаларни семантик тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларни билдиришга имкон беради:

Биринчидан, асарда Рабғузий диний атамаларни қўллашда сўзнинг маъно имкониятларидан самарали фойдаланган.

Иккинчидан, асарда ислом тушунчасидаги Аллоҳни англатувчи *rabb*, *mavlā*, *ḥaḍrat* сингари сўзлар маънодош сифатида қўлланган бўлса, *minnat* лексемаси ҳам атама, ҳам тушунча вазифасида келиб, қарама-қарши маънони ифодалаган. Бу ҳолат лексеманинг маъноси туркий тилга ўзлашгандан сўнг кенгайганлигидан далолат беради.

Учинчидан, асарда полисемантик хусусиятга эга *ṣaḡī‘at*, *zakāt* каби атамалар асл ва кўчма маъноларда қўлланган.

Тўртинчидан, диний атама ва тушунчаларнинг аксарияти ўз маъносини ифодалаган бўлса, *‘ammāra*, *axuṣar*, *ixlāṣ*, *xayf*, *rajā* каби тасаввуф атамалари образлаштирилган ҳолда қўлланган. Хусусан, *‘ammāra* ва *axuṣar* атамалари зоҳиран антропоним ва лимнонимика тарзида келтирилиб, ботиний маъноси ўқувчи ҳукмига ҳавола қилинган. *Muḥaqqiq* атамаси орқали муаллиф диний-фалсафий ғояларни тарғиб қилишда фойдаланган. Мазкур

атамаларнинг лексик-семантик хусусиятини кашф қилиш сўз замирида яширин рамзий-мажозий маъноларини теран англашга хизмат қилади.

МАНБА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdushukurov B.B. “Qisasi Rabg‘uziy” leksikasi. – Toshkent, 2017.
2. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati. – T. I- IV. / E. Fozilov tahriri ostida. – T.: Fan, 1983-85.
3. An-Naiym. Arabcha - o‘zbekcha lug‘at. – Toshkent, 2003.
4. Ethem Cebecioğlu. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü. – Türkiye, 2009.
5. Islam. Ensiklopedicheskiy slovar. – Moskva: Nauka, 1991.
6. Islom. Ensiklopediya. – Toshkent, 2017.
7. Isaqova Z.R. Tasavvuf ta’limotida valiylik tushunchasining diniy-falsafiy talqini (A.Navoiyning “Nasoyim ul-muhabbat” asari asosida). Falsafa fan. nom. ... diss. – Toshkent, 2007.
8. Komilov N. Tasavvuf yoki komil inson axloqi. – Toshkent, 1996.
9. Majitova S. Jomiy g‘azaliyotidagi ramziy istilohlarning lug‘aviy va majoziy ma’nolarni talqin qilish usullari. Fil. fan bo‘yicha falsafa dok. (Phd) ... diss. – Samarqand, 2018.
10. Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Oltin silsila. Sahihul Buxoriy. 3-jild. – Toshkent, 2019.
11. Nāsirūd-din bin Burhanūd-din Rabguzi. Kisasül-enbiya. I cilt. – Ankara, 1997.
12. Nāsirūd-din bin Burhanūd-din Rabguzi. Kisasül-enbiya. II cilt. – Ankara, 1997.
13. Razzoqov G‘., Rahimov K. Xojagon Naqshbandiya tariqati va yetti pir. – Toshkent, 2020.
14. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Ikkinchi jild. . – Toshkent, 2006.
15. Hasanov A. Qadimgi Arabiston va ilk Islom. Johiliya asri. – Toshkent, 2001.
16. Umarxo‘jaev M. O‘zbek tilining diniy atamaları lug‘ati qachon tuziladi? // <http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/1219-maqola.html>

КАЗАКБАЕВ Акбар Акмалджанович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси мудири
a.kazakbayev@iia.uz

МУҲАММАД МУИЗЗИЙНИНГ “ТАСРИФ АЛ-АФЪОЛ” АСАРИДА ФЕЪЛЛАРДАГИ “QALB” ҲОДИСАНИНГ ЁРИТИЛИШИ

ОСВЯЩЕНИЕ ЯВЛЕНИЯ «QALB» В ГЛАГОЛАХ В ПРОИЗВЕДЕНИИ МУҲАММАДА МУИЗЗИ «ТАСРИФ АЛ-АФЪАЛ»

SANCTIFICATION OF THE PHENOMENON “QALB” IN VERBS IN THE WORK MUHAMMAD MU‘IZZI “TASRIF AL-AF‘AL”

Аннотация: Ушбу мақолада араб тилидаги феълларда содир бўладиган ўзгаришлар, жумладан иллатли феълларда содир бўладиган ўзгаришлардан бири «قلب» ҳодисаси ҳақидаги маълумот берилган бўлиб, бу ҳодисанинг мовароуннаҳрлик олим Муҳаммад Муиззийнинг “Тасриф ал-Афъол” асарида берилиш услуби, шунингдек араб ва бошқа тиллардаги манбаларда ёритилиши бўйича фикр ва хулосалар тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: сарф илми, феъллар тасрифи, иълол, иллатли феъллар, қалб.

Аннотация: В данной статье представлена информация об изменениях арабских глаголов, в том числе об одном из изменений слабых глаголов, феномене «قلب», который описан в книге «Тасриф аль-Аф‘аль» ученого-Мухаммада Муиззи из Мавараннахра, а также освещения мнений и выводов их в арабском и других языках.

Ключевые слова: сарф, определение глаголов, и‘лал, слабые глаголы, калб.

Annotation: This article provides information about the changes in Arabic verbs, including one of the changes in weak verbs, the phenomenon “قلب”, which is described in the book “Tasrif al-Af‘al” by the scholar – Muhammad Muizzi from Mawarannahr, as well as the coverage of opinions and their conclusions in Arabic and other languages.

Keywords: sarf, definition of verbs, elal, weak verbs, kalb.

КИРИШ

Араб тилидаги саҳиҳ феълларда бўладиган ўзгаришлар идғом, иллатли феълларда содир бўладиган ўзгаришлар иълол деб номланади.

Араб тилидаги сарф илми бўйича ижод қилган мовароуннаҳрлик олим Муҳаммад Муиззийнинг “Тасриф ал-афъол” асарининг иккинчи боби араб тилидаги феълларда содир бўладиган ўзгаришларга бағишланган. Бу бобни Муиззий “في التغييرات”, яъни (феъл ўзгаришларидаги кўринишлари) деб номлаган бўлиб, ўз ичига 5 та фаслни жамлагандир.

Биринчи фаслда у феълларнинг ўзгариш сабабларининг умумий таърифини айтиб ўтади. Жумладан:

اعلم أن الأصل في كل فعل أن يكون موازيا لبناء بابه في عدد حروفه وفي نوع حركاته وسكناته، كالصحيح وغير الصحيح، وقد يخرج عن الموازنة بأسباب، وهي: الإدغام والقلب والتسكين والحذف [151:1]

“Яъни, билгинки, аслида феълларнинг барчаси ҳарфлар сони, ҳаракат ва сукунларининг тури бўйича ўз бобига мос бўлади, саҳиҳ (тўғри) ва ғайри саҳиҳ (нотўғри) каби. Шу билан бирга бу мосликдан куйидаги сабаблар туфайли четга чиқиши мумкин: улар إدغام (иккиланиш), قلب (алмашиш), تسكين (ҳарфни ҳаракатсиз қолдириш) ва الحذف (тушуриб қолдириш)”.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзақ ундошлари таркибида иллатли ҳарф иштирок этган феълларда содир бўладиган ўзгаришлардан бири “قلب”¹ ҳодисаси бўлиб, Муиззий бу мавзунинг идғомдан сўнг учинчи фаслда баён қилади. Муиззий келтирган “قلب” да фақат иллатли ҳарфларда содир бўладиган ҳолат назарда тутилган. Маълумки бу турдаги ўзгаришлар “иълол”²нинг бир қисмидир. Бу

¹ Изох: Қалб - иллатли ўзақ ҳарфларнинг бошқа заиф ҳарфга айланиши, алмашиши, инглиз тилида metathesis, юнонча μεταθεσις - бирор нарсани бекор қилиш орқали ўзгартириш ва бошқаси билан алмаштириш.

² Иълол иллатли ҳарфда “(нутқда мураккаблик)” ва “имконсизлик”нинг олдини олиш учун содир бўладиган ўзгаришлар бўлиб, “қалб”, “ҳазф” ёки “сукунлаш” орқали бўлади.

ўринда иллатли ҳарфларда содир бўладиган “قلب” билан, соғлом ҳарфларда содир бўладиган بقاء нинг طاء ва صاد билан алмаштирилиши каби, الإبدال деб номланадиган “قلب” ни фарқлаш керак.

Муиззий иллатли ҳарфларда содир бўладиган “قلب” нинг бир неча асосларини келтириб ўтади. Улардан бирини куйидагича таърифлайди:

أن الواو والياء إذا تحركتا وانفتح ما قبلها تقلبان ألفاً نحو: قَالَ وَبَاغٌ وَدَعَا وَرَمَى، إلا إذا منع مانع كما في رَمِيًا وَدَعَوًا؛ لأنهما إذا قلبتا اجتمعت ألفان ووجب حذف إحدىهما لالتقاء الساكنين ولزم بعد الحذف التباس حال ضمير الاثنين بحال ضمير الواحد. [281:2]

“Яъни, агар “вов” ва “йо” ҳаракат олган бўлса ва улардан олдингиси фатҳаланган бўлса, “вов” ва “йо” - алифга айланади. Масалан: قَالَ (айтмоқ), بَاغٌ (сотмоқ), دَعَا (чақирмоқ), رَمَى (отмоқ, ташламоқ) феъллари каби, агар رَمِيًا ва دَعَوًا шарклларидаги каби монезлик қилувчи ҳолат бўлса бу қоида ишламайди, чунки бу иккисида “вов” ва “йо” алифга айланса, 2 та алиф ёнма-ён келиб ва икки сукун ёнма-ён келгани учун бири тушиб қолиши лозим бўлар эди, натижада феълдаги иккилик шахс-сон қўшимчаси билан бирлик шахс-сон қўшимчаси ўртасида чалкашлик содир бўлади”.

Муиззий бу тарифда феъллардаги иллатли ҳарфларнинг қайси ўзак ундоши сифатида келишидан қатъи назар содир бўладиган ўзгаришларни келтиради, хорижий тилдаги феълларнинг сарф қоидаларига бағишланган асарларда эса бўладиган ўзгаришлар иллатли феълларнинг турига қараб берилади, яъни бўш феълларда содир бўладиган ўзгаришлар алоҳида, ноқис феълларда содир бўладиган ўзгаришлар алоҳида ўринда тақдим этилади.

Муиззий келтирган қоиданинг иккинчи қисмига кўра, иккилик шахс-сон қўшимчаси “алиф” رمى ва دعا каби ноқис феълларга қўшилганда, алиф аслига қайтади, тушиб қолмайди ва رميا ва دعا га айланади, чунки шундай ҳолатда қолса, икки алиф, феълнинг алифи ва шахс-сон қўшимчаси алифи ёнма-ён келиш ҳодисаси содир бўлади. Агар алиф тушиб қолса, “алиф” феълникими ёки шахс-сон қўшимчасиникими, билинмай қолади ва чалкашлик содир бўлади. Муаллиф бу ҳолатни

“монелик қилувчи” восита қўшилиши сифатида кўрсатади.

Бу ҳолат ҳақида феъллар тасрифига оид хорижий тилдаги манбаларда ўзгачароқ тақдим қилинади. Кўпчилик муаллифлар ноқис ҳарфларнинг “алиф”га айланиши ҳақида гапириб, иккилик сонда, яъни Муиззий келтирган мисоллардаги каби, асл ноқис ҳарфнинг келтирилиши ҳақида сўз юритмаганлар. Бунга сабаб улар келтирган қоидада феълларнинг аслини ўзгартириши мумкин бўлган қоидаларни келтирганлар. Юқоридаги ҳолатда, яъни ноқис феълларга иккилик шахс-сон қўшимчаси қўшилишида эса асл ҳарф ўзгармайди, шунинг учун ҳолатни алоҳида зикр этишга ҳожат йўқ деб ҳисоблаганлар. Бухолатни фақатгина Б.М.Гранде куйидагича келтирган: “Яъни, ўтган замон, иккилик, музаккар жинс, 3-шахсда “а” унлисидан сўнг келган иллатли ҳарф тиклана, масалан: غزا дан, иккилик сон - غزوا ҳосил бўлади; رمى дан - رميا бўлади, دعا дан иккилик دعا бўлади” [1:228].

Муиззий қалбга оид асослардан яна бири ҳақида шундай дейди:

ومنها أن كل واو ساكنة انكسر ما قبلها تقلب ياء نحو: إيضر في الأمر من تويضر ألا ترى أنك إذا قلت فإوضر زال القلب لفوات الكسرة لسقوط همزة الوصل. [251:2]

“Яъни, барча сукунланган “вов” дан олдинги ҳарф касраланган бўлса, “йо” га айланади. Масалан, تويضر дан буйруқ майлида إيضر шаклида бўлади. Агар فإوضر дейилса, касранинг бўлмаслиги ва васлани ҳамзанинг тушиб қолгани учун қалб бажарилмайди”.

فعل (кир бўлмоқ) феъли вазнида ясалган бўлиб, ҳозирги-келаси замон шакли إوضر бўлади, буйруқ майли аслида إوضر бўлишида бўлади ва “вов” дан олдин касрали ҳарф келаётгани учун “йо”га айланади ва إيضر ҳосил бўлади. Муиззий мазкур феълнинг فإوضر шаклида яъни олдида ف қўшилган ҳолатини эслаб ўтишидан мақсад “вов”дан олдинги “алиф”нинг касраси ف нинг “вов”га васл (ассимиляция) бўлиши туфайли “фатҳа”га айланиши орқали юқоридаги қоиданинг ишламаслигини таъкидлашдир. Яъни “вов” қалб ҳодисасини келтириб чиқарувчи омилнинг йўқ бўлиши сабабли ўз ўрнида қолади.

Муиззий қалб ҳодисасига келтирган юқоридаги қоида бобларда ва бобларда ҳам кўриш мумкин: **وَسَخَّ** феълидан буйруқ майлида **اِسَخَّ**, IV боб феълининг масдари **اِصَالَ** ўрнига **اِصَالَ** X боб масдари **اِسْتِرَادَ** ўрнига **اِسْتِرَادَ** каби сўзлар бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, бу қоидага В.Н.Болотов ҳам ўз фикрини берган. У шундай дейди: “Яъни, Тўғрига ўхшаш феълларнинг IV ва X боблардаги иллатли “вов” ва “йо” ҳарфлари қисқа “и” унлисидан кейин келса чўзиқ “и” унлисига айланади. Масалан: **أَوْضَحَ** феълнинг масдари **إِضَاخَ** дан **إِضَاخَ** га айланади” [3:55].

Бу таърифда “вов” нинг “йо” га айланиши билан бирга, “йо” нинг “вов” га айланиши ҳам берилган. Бу ҳақида Муиззий ҳам қуйида айтиб ўтади.

Муиззий шунингдек, қалбга оид асослардан яна бирини келтиради. Жумладан ушундай дейди:

ومنها أن كل ياء ساكنة أو ألف انضم ما قبلها تقلابان وأوأنحو: يُوقِنُ (أصله يُيَقِنُ) في مضارع أَيْقَنَ ونحو: يُوسِرُ (أصله يُيَسِرُ) في مضارع أَيْسَرَ ونحو: يُوسِرُ في مجهول يُيَسِرُ ويُيَسِرُ وكذا أَوْسِرُ في الأمر من يُيَسِرُ ونحو: ضُورِبَ تُضَوِّرُ في مجهول ضَارَبَ وتضارب. [251:2]

“Яъни, барча сукунланган “йо” ёки алиф” дан олдингиси даммаланган бўлса, улар “вов” га айланади. Масалан: **أَيْقَنَ** феълидан ҳозирги-келаси замонда **يُوقِنُ** асли **يُيَقِنُ** феълидан олинган, **أَيْسَرَ** (давать богатство) феълидан ҳозирги-келаси замонда **يُوسِرُ** асли **يُيَسِرُ** бўлиши керак. Масалан, **يُيَسِرُ** ва **يُيَسِرُ** дан мажхулда **يُوسِرُ**, шунингдек **يُيَسِرُ** дан буйруқда **أَوْسِرُ** бўлади. масалан: **ضَارَبَ** ва **تَضَارَبَ** нинг мажхули **ضُورِبَ** ва **تُضَوِّرُ** бўлади.

Бу таърифидаги “йо”нинг “вов”га айланишини юқорида бериб ўтилган В.Н.Болотовнинг таърифида ҳам кўриб ўтдик. “Алиф”нинг “вов”га айланиши ҳақида Б.М.Грандеда Муиззий таърифидан фарқ қилувчи, лекин “алиф” нинг “вов”га айлангани намоён бўлган қоида бор. Унга кўра: “Агар иллатли ҳарфдан олдин ҳаракатсиз **أ** ёки **ي** бўлса, у ҳолда иллатли ҳарф ўз ҳаракатида ўзгаришсиз қолади. Масалан, **قَوِّمَ**, **قَوِّمَ**, **قَوِّمَ** **سَائِرَ**, **سَائِرَ** [1:114]

Бу тарифда ўзидан аввал ҳаракатсиз **أ** ёки **ي** бўлган иллатли ҳарф одатда ўз ҳаракати билан қолишига эътибор берилган. Лекин берилган мисолларнинг мажхул кўринишлари юқорида келтирилган “алиф”нинг “вов”га айланиши ҳақидаги қоидага мисол бўлади. Яна бир қоидада Муиззий шундай деди:

أن كل واو وقعت في مقابلة اللام بعد الكسرة تقلب ياء نحو: دُعِيَ وَرُخِيَ في مجهول دَعُو وَرُخُو [1:411]

“Яъни, касрадан сўнг “лом, яъни 3-ўзакнинг” ўрнида турган барча “вов” “йо”га айланади. Масалан: **دَعُو** ва **رُخُو** феъллари махул кўринишда **دُعِيَ** ва **رُخِيَ** бўлади”.

Бу тариф шунингдек, ҳозирги замон адабиётларида ҳам бериб ўтилган. Хусусан, Б.М.Гранде ҳам бу ҳақида гапириб қуйидаги мисолларни келтиради: “касрадан кейин “вов” “йо” га алмашади, масалан: – **دُعُو** – **دُعِيَ** , **دُعُو** – **دُعِيَ** , **دُعُو** – **دُعِيَ** ”

تَرْضَوُهُ – تَرْضِيهِ , تَغْرُوهُ – تَغْرِيهِ [312:1]

Муиззий “қалб”га берган таърифларидан яна бирини, қуйидагича келтиради:

ومنها أن كل واو وقعت رابعة فصاعدا ولم ينضم ما قبلها تقلب ياء نحو: يَدْعِيَانِ وَيَرْخِيَانِ أَصْلُهُمَا يَدْعُوَانِ وَيَرْخُوَانِ. [2:251]

“Яъни, тўртинчи ва ундан кейинги ўзак ҳарфларининг ўрнида турган барча “вов” ва ўзидан олдингиси даммаланмаган “вов” - “йо” га айланади. Масалан: **يَدْعِيَانِ** ва **يَرْخِيَانِ** аслида эса **يَدْعُوَانِ** ва **يَرْخُوَانِ** дир”.

Бу ўринда муаллиф охири “вов” билан тугаган ноқис феълларда ноқис ҳарфдан олдинги ҳарфнинг ҳаракати “касра” бўлса “вов” “йо” га айланишини келтиришни мақсад қилган. Бу ҳолат феълларнинг мажхул нисбатида содир бўлади. Муаллифнинг **إِذَا** иборасига келсак, бу масала ҳам мазид феъллардаги “вов” дан олдин касра келиши билан боғлиқ. Фикримизча, бу масала бўйича мутлоқ фикр билдириш қайси тамондан қарашга боғлиқ, чунки **دَعَا** феълнинг ҳозирги-келаси замони **يَدْعُو** иккилик сонда **يَدْعُوَانِ** бўлади. Муиззий эса **يَدْعِيَانِ** шаклида келтиради. “Вов”нинг сақланиб қолиши ёки унинг “йо”га ўзгариши масаласи араб лаҳжалари ўртасидаги ўзгаришга боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки юқоридаги қоида **يَرْجُوَانِ يَرْجِيَانِ** феълига татбиқ қилиб бўлмайди.

Сарф олимлари келтирган фикрга кўра “вов”дан олдин касра келишини тақозо этаётган нарсаси бу сўзнинг қолипидир. Бу масала бўйича Ибн Усфур куйидаги гапни келтиради: “...агар феълда тўртинчи бўлиб келаётган “вов” уни “йо”га айланишини талаб қиладиган нарсаси бўлмаса ҳам нима сабабдан “йо” айланган деб сўралса, жавоб шуки, чунки сўзнинг қолипи шуни тақозо қилапти, масалан: يُغْزِي وَيَسْتَدْنِي ҳозирги-келаси замондаги сўзларда “вов” ундан олдинги ҳарфнинг ҳаракати касраси бўлгани учун “йо”га айланган, худди شَقِي وَرَضِي сўзларидаги “вов” “йо”га айланганидек... агар бундай феъл “эгаси зикр қилинмаган” (яъни мажхул нисбатдаги) феъл бўлса биринчи ҳарф дамма билан, охиридан аввалги ҳарф эса касра билан ҳаракатланади ва сўз охиридаги “алиф” “йо”га айланади, масалан: أُغْزِي وَاسْتَدْنِي хоҳ у феъл “вов”ли феъл бўлсин, ёки “йо”ли. Бундай феълларда “вов”нинг “йо”га айланиши ўтган замонда ундан олдинги ҳаракатнинг касраси бўлишидан бўлади, масалан: شَقِي. Ҳозирги келаси замонда эса саҳиҳ феълларга қиёс қилинган ҳолда келади, иллатли ҳарфдан олдин фатҳа келса иллатли ҳарф “алифга айланади” мас.: يَتَغَاذِي وَيَتَرَجَّى، وَيُغْزِي وَيُسْتَدْنِي وَيُسْتَرْمِي.

Агар иллатли ҳарфдан олдинги ҳаракат касраси бўлиб, иллатли ҳарф “йо” бўлса, ўзи ўзгармасдан қолади, агар “вов” бўлса “йо”га айланади. Масалан, 9:345] غْزِي وَيَسْتَدْنِي. Шундан келиб чиқиб сулосий феълларнинг ҳозирги замонида тўртинчи бўлиб келаётган барча “вов”ни “йо”га айланиши ҳар доим ҳам тўғри эмас. Фақатгина касрадан кейин келса “вов” “йо”га айланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении М.: Изд. вост.лит., 1963. – С. 114.
2. Мухаммад ал-Муиззий. Тасриф ал-Афъал. – Бухоро, 1907. – Б. 152.
3. Болотов В.Н. Арабский язык. Справочник по глаголам. – М.: Живой язык, 2009. – С. 55.
4. Dendane, Zoubir. (2007). An Overview of Verb Morphology in Arabic. 10.13140/2.1.3172.8646.
5. Дубинина Н.В. Глаголы арабского языка. Правильные и неправильные корни. – М.: АСТ Восток-Запад, 2005.
6. Беляева И.С. Возвратные глаголы в арабском и русском языках. Диссертация на соискание кандидата фил наук: – Москва, 2009. – 155 с.
7. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка – СПб.: Издательство “Юридический центр Пресс”, 1999. – 160 с.
8. The Arabic Verb Form and meaning in the vowel-lengthening patterns. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 2011 – P. 282.
9. Ибн Усфур. Ал-Мумтиу-л-кабир фи-т-тасриф. – Байрут, 1997.
ابن عصفور، الممتع الكبير في التصريف. بيروت 1997
ص 345، 346.
10. Рожий ал-Асмар. Ал-Муъжам ал-муфасссал фи илми-с-сарф. – Байрут: 1997. – 637 б.
راجي الأسمر. المعجم المفصل في علم الصرف. دار الكتب العلمية. بيروت-لبنان، 1997. – 637 ص.

ИСАМУТДИНОВ Азизбек Батирович,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ўқитувчиси
e-mail. mumtoz1990@bk.ru

АРАБ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИДА “ИШТИҒОЛ” ВА “МАФЪУЛ МУТЛАҚ” МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРИТИЛИШИ

“ИШТИҒАЛ” И “МАФЪУЛ МУТЛАҚ” В ГРАММАТИКЕ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

“ISHTIGHAL” AND “MAF‘UL MUTLAQ” ISSUES IN ARABIC GRAMMAR

Аннотация. Мақолада араб тилида иштиғол ва мафъул мутлақ масалалари Шайх Мустафо ибн Муҳаммад Салим ибн Муҳиддин ибн Мустафо ал-Ғалойинийнинг «جامع الدروس العربية» асари асосида баён қилинган.

Шунингдек, иштиғол қоидада тўлдирувчининг феълдан олдинга ўтганида тушум ёки бош келишида келиш ўринларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мафъул мутлақ масаласида эса мафъул мутлақ бўлиб келаётган масдарларнинг қай даражада барқарор бўлиб келиши ёки барқарор бўлмаслиги, шунингдек, мафъул мутлақнинг ўринбосарлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: масдар, феъл, боб, мафъул мутлақ, мафъул биҳи, иштиғол

Аннотация. В статье описываются вопросы иштиғал и мафъуль мутлак на арабском языке на основе работы шейха Мустафы ибн Мухаммада Салима ибн Мухиддина ибн Мустафы Галайини «جامع الدروس العربية». А также рассмотрены вопросы употребления дополнения в именительном или же винительном падежах, в тех случаях, когда они ставятся впереди глаголов. Что касается самодополнения, то речь идёт о его заменителях, а также употребления масдаров в роли самодополнения.

Ключевые слова: масдар, глагол, самодополнение, мафъул, мафъул биҳи, иштиғал.

Annotation. This article is devoted to the work of Sheikh Mustafa Galayaniy “Ishtigal” and “maf‘ul mutlaq” in Arabic from the point of view of Mustafa al-Galayaniy, which discusses issues of self-completion (maf‘ul mutlaq) and ishtigal in Arabic. And also considered the use of the supplement in the nominative or accusative cases, in cases where they are placed in front of verbs. As for self-completion, we are talking about its substitutes, as well as the use of masdars in the role of self-completion.

Keywords: masdar, verb, self-completion, maf‘ul, maf‘ul bihi, ishtigal.

КИРИШ

Араб тили грамматикасида талабаларга ва ёки умуман ҳар қандай китобхонга жуда кўп учрайдиган, айни пайтда жумладаги маънони аниқ чиқаришликда муҳим ўрин тутадиган қоидалардан бири шаклан тушум келишигида келувчи гапнинг иккинчи даражали бўлакларидир. Айнан тушум келишигидаги сўзларнинг ўзи ҳам ўзаро сўзлашганимизда нутқимизда ниҳоятда кўп учрайди. Бироқ ўзбек тили грамматикасидаги тушум келишигидаги сўзлар ҳамиша кимни, нимани, қаерни саволларига жавоб бўлса, араб тили грамматикасидаги тушум келишигидаги исмлар доимо ҳам бундай саволларга жавоб бўлмайди. Чунки, араб тилида шаклан тушум келишигида келадиган исмларнинг турлари бор. Биз тадқиқ қилаётган “иштиғол” ва “мафъул мутлақ” мавзулари ҳам айнан мана шу шаклан тушум келишигида келадиган исмлар таркибига киради.

АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрда Байрутда туғилиб, илму маърифат тарқатиш йўлида ҳаёт кечирган машҳур олимлардан бири Мустафо ибн Муҳаммад Салим ибн Муҳиддин ибн Мустафо ал-Ғалойиний ўзининг «جامع الدروس العربية» асарида бу борада қуйидаги фикрларни билдиради:

Иштиғол – тўлдирувчининг ўзини талаб қилиб келаётган феълдан олдинга ўтганида феълга ўша тўлдирувчига қайтувчи олмошнинг қўшилишидир. Масалан, *خالدٌ أكرمته* - Холидни ҳурмат қилдим. (сўзма-сўз: Холид уни ҳурмат қилдим.) Бундай ҳолатда олдинга ўтган исмни гапнинг бошида келаётганлиги

учун бош келишида келтириш афзал, лекин уни тўлдирувчи бўлганлиги учун тушум келишигида ҳам келтириш мумкин. Масалан, *خالداً رأيته* - Холидни кўрдим. (сўзма-сўз: Холидни уни кўрдим.) Ўз феълидан олдинга ўтган исмни қуйидаги беш ўринда тушум келишигида келтириш устун кўрилади:

1) исмдан сўнг буйруқ майлидаги феъл келса, масалан, *خالداً أكرمه* - Холидни хурмат қил;

2) исмдан сўнг буйруқ инкор феъли келса, масалан, *الكريم لا تهنه* - Сахийни хор қилма;

3) исмдан сўнг дуо мазмунидаги жумла келса, масалан, *اللهم امرئ يسره* - Аллоҳим, ишимни осон қил;

4) исм сўроқ юкламаси ҳамзадан сўнг келса, масалан: (Қамар сураси, 24-оят) [3];

5) сўроқ гапга нисбатан берилган жавоб гап бўлса, масалан, “кимни хурмат қилдинг?” деган гапга жавобан берилган қуйидаги гап: *علياً أكرمته* - Алини хурмат қилдим [1: 403].

Мазкур маълумотлардан маълум бўладики, иштиғол бу тўлдирувчининг ўз омили, яъни феълдан олдин келишидир. Бошқача қилиб айтганда тўлдирувчининг гап бошида келиши, десак ҳам бўлади. Маълумки, ўзбек тилидаги феъл кесимли гап ва араб тилидаги феълий жумла таркибидаги феъл кесимнинг одатдаги жойлашув ўрни билан бир-биридан фарқ қилади. Тўлдирувчи эса, одатда, ҳар икки тилда ҳам эгадан кейин келади. Бироқ одатдаги тартиб ўзгарганда эса тўлдирувчи ҳар икки тилда ҳам эгадан олдин, гапнинг бошида келиши мумкин. Ўзбек тилида тўлдирувчи воситали ёки воситасиз бўлишидан қатъий назар гапнинг бошида келганда келишик қўшимчалари ўзгармаган ҳолда қўлланилади. Бироқ бу масалада араб тилида ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Араб тилида тўлдирувчи гапнинг бошида келганда, одатда, бош келишида келади. Бироқ ҳар доим ҳам бошида келганлиги учун бош келишида келавермайди. Юқорида келтирилган бешта ҳолат гапнинг бошида келган сўзнинг аслида тўлдирувчи эканлигидан келиб чиқиб уни фатҳада келтириш маъқул бўлган ўринлардир.

Ушбу исмни қуйидаги уч ўринда бош келишида келтириш шарт бўлади: 1) “тўсатдан” маъносини англатувчи *إذا* сўзидан сўнг келса, масалан, *خرجت فإذا الجو يملؤه الضباب* - чиқдим. Қарасам ҳавони туман қоплаган, яъни ҳавони туман қоплаганини билмаган ҳолда

чикдим; 2) Ҳол эргаш гап олдида келувчи *جئت و* “вов” дан сўнг келса, масалан, *الفرس يركبه اخوك* - Отни аканг минган ҳолда келдим; 3) сўроқ, инкор ва шарт юкламалари, ундашни ифодаловчи юкламалар, гап бошида келувчи “лом”, таажжубни ифодаловчи *ما*, риторик сўроқ гапни ифодаловчи *كم* олмоши, эгага таъсир қилувчи юкламалардан сўнг келса, масалан, *زهيرٌ هل أكرمته؟* - Зухайрни хурмат қилдингми?, *سعيدٌ فأكرمه* - Саидни хурмат қил, *خالدٌ هلا دعوته* - Холидни таклиф қилмадингми, яъни уни таклиф қилишинг керак, *الشئ ما فعلته* - Яхшилиқни қилмадим, *الخيرٌ لأننا افعله* - Яхшиликни албатта қиламан, *الخلق الحسنٌ ما أطيبه* - гўзал хулқ қандай яхши *زهيرٌ كم أكرمته!* - Зухайрни қанчалар хурмат қилдим *أسامة اني أحبه* - Усомани албатта мен яхши кўраман. Мазкур ҳолатларнинг барчасида исм “мубтадо”, яъни исмий гапнинг эгаси ҳисобланади. Чунки ушбу юкламалардан кейин келадиган феъл юкламалардан олдинги исмга таъсир қилмайди [1: 405].

Иштиғол қоидаси борасида Мустафо Ғалойинийдан бошқа олимлар, хусусан, Ин Молик ва Ибн Ақийллар ҳам қимматли маълумотлар келтириб ўтишган. Мустафо Ғалойиний келтириб ўтган фикрлар билан ибн Молик [2: 99] ва Ибн Ақийл [2: 99] ларнинг фикрлари ўртасида қарама-қаршилик йўқ, балки уларнинг ҳар бирининг бу борадаги фикрлари бир-бирини қувватлайди.

Мустафо ибн Муҳаммад Салим ибн Муҳиддин ибн Мустафо ал-Ғалойиний ўзининг “*جامع الدروس العربية*” асарида бу борада ўз фикрларини билдириб, мавзуни қуйидагича гуруҳларга ажратиб келтиради:

1) ноаниқ ва хосланган масдар (мубҳам ва мухтас); 2) барқарор ва барқарор бўлмаган масдарлар; 3) масдарнинг ўринбосари; 4) мафъул мутлақ омили; 5) мафъул мутлақ ҳукмлари; 6) ўз феъли ўрнида келувчи ўринбосар масдар.

Ушбу бобларнинг биринчисида, яъни ноаниқ ва хосланган масдар (мубҳам ва мухтас) лар бобида у мафъул мутлақ вазифасида келадиган масдарларни иккига ажратади: 1) мубҳам масдар; 2) мухтас масдар [1: 411].

Мафъул мутлақ вазифасида келадиган масдарнинг маъноси гап таркибидаги феъл маъносига тенг келса, бундай масдар мубҳам масдар дейилади. Мубҳам масдар фақат феълдан англашилган иш-ҳаракатни таъкидлаш учун келтирилади. Масалан:

قمت قیاماً – Турдим (таъкид билан).

ضربت اللص ضرباً – Ўғрини урдим (аник, шубҳасиз).

Феъл талаффузда туширилиб, маъул мутлақ вазифасидаги масдар унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан:

Эшитаман ва итоат қиламан. – سَمْعًا وَطَاعَةً

Талаффузда туширилиб қолдирилган феъл ўрнида келаётган масдарни иккилик ва кўпликда келтириш мумкин эмас.

Мухтас масдар деб иш-ҳаракатнинг турини, ададини ўз феълига нисбатан кўпроқ ифодалаган масдарга айтилади. Масалан:

Ақллилар юргандек юрдим. – سرت سير العقلاء

Ўғрини икки марта
– ضربت اللصَّ ضربتين
урдим [1: 411].

Иккинчи бобда мафъул мутлақ вазифасида келаётган масдарларни барқарор ва барқарор бўлмаган масдарларга бўлади. Бунга кўра, гап таркибида турли гап бўлаклари вазифасида кела олиши мумкин бўлган масдар барқарор бўлмаган масдар дейилади. Фақат мафъул мутлақ вазифасида келадиган масдар эса барқарор масдар дейилади. Бундай масдарлар гапда бошқа вазифада келмайди. Масалан, *سبحان، حذاريك، حنانيك، سعديك، لبيك، معاذ* каби масдарлар гапда фақат мафъул мутлақ вазифасида келади [1: 412].

Учинчи бобда масдар ўрнида келувчи сўзларга изоҳ бериб уларни ўн иккига бўлади. Булар:

Харакат номидан шаклланиб чиққан от.
 کلمتک کلاماً، سلامت سلاماً

Мафъул мутлакни аниқлаб келаётган сифат унинг ўнида келиши мумкин. Масалан, **سرت أحسن السير**

Мафъул мутлакка қайтувчи олмош унинг
ўнида келиши мумкин. Масалан، اجتهدت اجتهداً
لم يجتهده غيري

Синоними ўрнида келиши мумкин.
 Масалан, شئت الكسلان بغضاً.

Ясалишда асоси бир бўлган ҳаракат номи унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан, (وَاللّٰهُ اَنْتُمْ مِّنَ الْاَرْضِ نَبَاتًا (نوح: 17)

Иш-ҳаракатнинг турига далолат қилувчи
сўз унинг ўрнида келиши мумкин. Масалан,
رجع الفهري

Иш-ҳаракатнинг неча маротаба
бажарилганлигини аниқлаб келувчи сон мафъул
мулқ ўрнида келиши мумкин. Масалан، أنذر تكت
تلافاً

Иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган қурол мафъул мутлақ ўрнида келиши мумкин. Масалан, ضربت اللصّ سوطاً

ма ʕурук юклмалари маʕбул мулак
 ма ʕрумт халдʕа!،
 ʕʕ ʕиш ʕʕиш?

шарт юklamалари мафъул
мутлак ўрнида келиши мумкин. Масалан, **ما تجلس**
أجلس، مهما تقف أقف، أي سبر تسر أسر

أَيُّ كَمِيلِكُنِي بِلْدِيرُوحِي كُلِّ وَبَعْضِ
 سۆزلاري мафъул мутлақнинг ўрнида келиши
 мумкин. Масалан, سَعِيَتِ الْمِيلِ (النساء: 129)،
 بَعْضِ السَّعْيِ، اجْتَهَدْتَ أَيَّ اجْتِهَادٍ

Мафъул мутлақ вазифасида келувчи масдарга ишора қилувчи кўрсатиш олмоши мафъул мутлақ ўрнида келиши мумкин. Масалан, قالت ذلك القول.

ХУЛОСА

Юкорида келтирилган маълумотлардан хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мафъул мутлақ вазифасида, одатда, масдарлар билан ифодаланади. Бироқ унинг, яъни мафъул мутлакнинг ўринбосарлари келганида масдар эмас, балки ҳаракат номидан шаклланиб чиққан от, кўрсатиш олмоши, كُلَّ وَبَعْض ва комилликни билдирувчи أَيْ сўзлари, مَا وَائِ و مَهْمَا шарт юкламалари, مَا وَائِ сўроқ юкламалари, иш-ҳаракатнинг турига далолат қилувчи сўз ва мафъул мутлакка қайтувчи олмош кабилар келиши мумкин экан.

Иштиғолда эса сўз асли тушум келишигида бўлган тўлдирувчи бўлганлиги сабабли тушум келишигида ўқилса ҳам, гапнинг бошида келганлиги сабабли бош келишикда ўқилса ҳам бўлар экан.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шайх Мустафо Ғалойиний. Жоми ад-дурус ал-арабия. – Қоҳира, 2008.
الشيخ مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. القاهرة، ٢٠٠٨.
2. Шарҳ Ибн Ақил ало Алфият Ибн Молик. – Ж. 2. – Қоҳира, 2005.
شرح بن عقيل على ألفية ابن مالك. المجلد-٢. القاهرة، ٢٠٠٥.
3. Қуръони карим. Нашрга тайёрловчи: Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. – Тошкент: Хилол нашр, 2017.

НУРИДДИНОВ Хожнакбар,
Ўзбекистон халқаро ислом академиси
Мумтоз шарқ филологияси факультети
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси ўқитувчиси
E-mail:hojiakbar8228@gmail.com

АРАБ ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЧАСТИЦ НА АРАБСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

SARVNITELNYY ANALIZ CHASTITs NA ARABSKOM I ENGLIYSKOM YAZYKAX

Аннотация: Мақолада араб ва инглиз тилида юкламаларни қиёсий таҳлил этиши, яъни уларнинг маъно хусусиятларини таққослаш ва таққосланаётган юкламалар семантикасини ёритиб бериш ҳамда ҳар икки тилда юкламалар маъносини ифодаловчи ҳолатларни ўрганиш лингвистик воситалар комплекс жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўз ва иборалар: кучайтирув юкламалари, таъкид юкламалари, инкор юкламалари.

Аннотация: В статье раскрываются сложные аспекты языковых средств сопоставительного анализа частиц на арабском и английском языках, т.е. сопоставление их семантических признаков и выделение семантики сравниваемых частиц, а также изучение обстоятельств, характеризующих значение частиц в обоих языках, раскрываются аспекты комплекса языковых средств.

Ключевые слова: усилительные частицы, частицы подтверждения, частицы отрицания.

Annotation: The article reveals the complex aspects of language tools for comparative analysis of particles in Arabic and English, i.e. comparison of their semantic features and selection of the semantics of the compared particles, as well as the study of the circumstances characterizing the meaning of the particles in both languages, aspects of the complex of language means are revealed.

Keywords: amplifying particles, affirmation particles, negation particles.

Кириш

Хорижий тилни ўрганиш ва ўргатишнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, бу жараёнда ўрганилаётган тилнинг ўзигагина хос бўлган типологик хусусиятларини назарда тутиш, унда бўлиб ўтаётган тадрижий ривожланиш ва бу ривожланиш жараёнида рўй бераётган структуравий ва семантик ўзгаришларни ҳисобга олиш ва уларга таяниб иш кўриш хайрли бўлиши шубҳасиздир. Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари унинг морфология қисмида ҳам, синтаксис қисмида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Тил ўрганишни бошлашдан аввал талаба ўз она тилини қай даражада билишини бир тасаввур қилиб олиши мақсадга мувофиқдир. Тил ўрганиш учун зарур бўлган билимлар мажмуасида тилдаги сўз туркумлари тизими ҳақидаги, шунингдек, бу сўзлар тизимининг бир бири билан қай тарзда синтактик алоқага киришуви ва қай маънони ифодалашини англаш муҳим аҳамият касб этади.

Асосий қисм

Бутун дунё тилларида сўз туркумларининг ўрни бекиёсдир. Барча тилларда сўзлар туркумларга ажратиб ўрганилади. Ж.Бўронов, М.Бўронова, М.Тошбоевалар томонидан ёзилган "Инглиз тили грамматикаси"да сўз туркумлари 14 да деб кўрсатилади:

- 1.От (Noun)
- 2.Сифат (The Adjective)
- 3.Олмош (The Pronoun)
- 4.Сон (The Numeral)
5. Феъл (the Verb)
- 6.Равиш (The Adverb)
- 7.Ҳолат категорияси (The category of State)
- 8.Модал сўзлар (The Modal words).
9. Предлог (The Preposition)
10. Юклама (The Particle)
- 11.Боғловчи (The Conjunction)
12. Ундов сўзлар (The Interjection)
- 13.Артикл (The Article)
14. Жавоб сўзлар (The Response Words) [19-

56]

В.Л.Каушанскаянинг "А Grammar of English language" асарида сўз туркумлари куйидагиларга ажратилади: [21-40]

- 1.От
- 2.Сифат

- 3.Олмош
- 4.Сон
5. Феъл
- 6.Равиш
- 7.Ҳолат категорияси
- 8.Модал сўзлар
9. Ундов сўзлар
- Ёрдамчи сўз туркумлари:
10. Предлог
- 11.Боғловчи
12. Юклама
13. Артикл

Юкламаларга only, solely, exclusively, even (even oldpeople came), just (just turn the handle) каби сўзлар киради. [22-77]

(1) Маъно. Юкламаларнинг маъносини аниқлаш жуда қийин. Улар тахминан эгалик белгиларга эга.

(2) Форма. Юкламалар ўзгармайди.

(3) Функция.

а) Юкламалар амалда ҳар бир сўз туркуми билан бирикадилар. only three, for advanced students only.

б) Юкламалар гапда бўлак бўлиб келмайди. Улар гапда сўз ёки бирикманинг ташкил қиладиган қисми бўлиб келадилар.

Инглиз тилида артикл, юклама, предлог ва боғловчилар ёрдамчи сўз туркумларига киради. Мустақил элементлар турли маънолари билан характерланади. Мустақил элементлар гапда ҳеч қандай синтактик функцияни бажармайди. [11-54] He **certainly** knows all about it. У албатта бунни билади.

Шу муносабат билан сўз туркумлари икки қисмга бўлинади:

1. Мустақил сўз туркумлари

2. Ёрдамчи сўз туркумлари.

Мустақил сўз туркумларига кирувчи сўзлар лексик нуқтаи назардан мустақил маънони ифодалаб, бошқа сўзлар ёрдамсиз ҳам предметларни атаб, микдорини, белгисини қай даражада бажарилишини сўзловчининг ўз нутқи мазмунига бўлган алоқасини кўрсатади. Мустақил сўз туркумлари грамматик томондан маълум грамматик категориялар билан боғлиқ бўлган парадикматик формаларига эга бўлиб, гапда маълум бир вазифани бажариб келиши мумкин.

Ёрдамчи сўз туркумларига гапда мустақил махсус маъно англатмай, мустақил сўзларни бир-бири билан грамматик алоқага киритиб, улар ўртасидаги семантик, синтактик

муносабатни кўрсатувчи гап бўлаги вазифасида қўлланилмайдиган сўз туркумларига киради. Ёрдамчи сўз туркумларига гап таркибида урғу тушмайди.Инглиз тилида ёрдамчи созларга асосан предлоглар ва боғловчилар, ўзбек тилида эса кўмакчи ва боғловчилар киради.

Тилдаги барча сўзлар умумий ва хусусий грамматик белгилари асосида синфларга бирлаштирилади ва ҳар бир синф анъанавий тарзда сўз туркумлари деб аталади.

Сўз туркумлари тилнинг грамматик системасида энг универсал ҳодисалардан бири бўлиб, улар барча тилларга хос, бироқ ҳар бир тил қурилишида сўз туркумларининг классификацияси алоҳида қарашни талаб этади. Чунки бир тилдаги семантик маъно бошқа тилда ҳам мавжуд бўлгани ҳолда унинг грамматик белгиси иккинчи тилда бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир сўз туркумининг ўзига хос грамматик ва семантик белгилари бор ва шу сабабли улар бир-бирларидан фарқланадилар.

Сўз туркумлари нутқнинг алоҳида қисмлари, гап бўлаклари ва сўзларнинг ҳар хил типлари эмас. Шу жиҳатдан рус тилидаги “нутқ бўлаклари” (“части речи”) ёки инглиз тилидаги (parts of speech) ва ўзбек тилидаги “сўз туркумлари” тушунчаси ва терминлари анча чегараланган ва ифодалаган маъно доираси жиҳатидан ҳар хил тушунилиши мумкин. Сўз туркумларининг классификациясига ҳар хил қараш мавжуд. Сўзлар грамматик (морфологик ва синтактик) ва лексик – семантик белгиларига кўра алоҳида гуруҳларга бўлинади. Сўзларнинг ана шу белгиларини умумлаштириб, ҳар бир гуруҳдаги сўзларга лексик – грамматик категориялар сифатида қаралади [10-84].

Маълум сўз, конструкция ёки бутун гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини кучайтириб, сусайтириб, айириб, чегаралаб ёки сўрок маъносини билдириб келувчи (алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда сўзнинг қўшимча маъно-ларини билдирувчи) ёрдамчи сўзлар юкламалар дейилади.

Юклама деярли ҳамма сўз туркумлари билан бирикиши мумкин, бироқ ўзи мустақил гап бўлаги вазифасида келмайди. Юкламалар бошқа ёрдамчи сўзлар каби гапда мустақил вазифага эга эмас. Маъносига кўра юкламалар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:[10-110]

чегаралов юкламалари (limiting particles: only, just, alone, but, merely, barely, etc.);

кучайтирув юкламалари (intensifying particles: simply, still, yet, all, quite, even, etc.);
таъкид юкламалари (connecting particles: too, also);
инкор юкламалари (negative particles: not, never).

Юкламаларнинг маъноларига кўра турлари. Юкламалар маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: [22-105]

а) кучайтирув маъносини англатувчи (**all, but, even, just, only, quite, simply, still, too, very** каби) юкламалар (Emphatic or Intensifying Particles.):

Very close around the stockade – **too** close for defence, they said – the wood **still** flourished high and dense (*R. Stevenson*). Our chimney was a square hole in the roof: it was **but** a little part of the smoke that found, its way out (*Ibid*).

б) айирув ёки чегараловни англатувчи (**only, alone, solely, merely, barely, almost, nearly, scarcely, hardly** каби) юкламалар (Лимитинг Партислес):

... for from these dozen words I understood that the lives of all the honest men aboard depended upon me **alone** (*R. L. Stevenson*).

By the sound they must have been talking earnestly, and **almost** fiercely (*Ibid*). The report had **scarcely** died away and it was repeated and repeated from without in a scattering valley, ... (*Ibid*)

в) бириктирувчи ёки умумлаштирувчи (**too, also** каби) юкламалар (Connecting particles):

David was a man, **too**, by all accounts said silver (*R. L. Stevenson*).

г) инкорни билдирувчи (**no, not, never** каби) юкламалар (Negative Particles):

«**No, no, no**, and an end of it!» he cried once (*R. L. Stevenson*). **No**, said the doctor, musingly, «I've **no** right to say more: its **not** my secret, you see silver, or, I give you my word (*Ibid*).

Кўриниб турибдики, инглизшуносларнинг классификацияси араб тилшунослигида тан олинган тамойилларга мос келмайди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, араб ва инглиз тилларида юкламалар адади ва қўлланилиш қўлаи кенгдир. Мана шу юкламаларнинг ҳар иккала тил нуқтаи назаридан ўрганиб чиққан ҳолда, уларни ўзаро таққослаш-қиёслаш орқали мавзуимизга янада ойдинлик киритмоқчимиз.

Инглиз тилида маъносига кўра юкламалар тўртта гуруҳга ажратилади: Булар: [21-73]

Чегаралов юкламалари – Limiting particles
Кучайтирув юкламалари – Intensifying particles

(Таъкид боғловчи) юкламалари – Connecting particles

Инкор юкламалари – Negative particles

Араб тилида эса бундай юкламалар сони инглиз тилидаги юкламалар сонига нисбатан кўпроқдир. [23-22]

Сўроқ юкламалари – حروف الإستفهام

Нидо юкламалари – حروف النداء

Истисно юкламалари – حروف الإستثناء

Қасам юкламалари – حروف القسم

Инкор юкламалари – حروف النفية

Энди мазкур юкламаларнинг араб ва инглиз тилидаги қиёсий таҳлилини кўриб чиқамиз. Инглиз тилида not, no, never юкламалари гапдаги иккита бўлак орасидаги гапларни қиёслаш орқали инкор маънони англатади [13-77]:

I have never been to London. Мен ҳеч қачон Лондонда бўлмаганман.

I have no objection to that. Менда бу хусусида эътирозим йўқ

Араб тилида эса لا، لم، لن инкор маънода ишлатилиб، ما юкламаси ўтган замондаги феъл билан ишлатилади. لا юкламаси ҳозирги-келаси замондаги феъл олдида қўйилади. لم юкламаси мутлоқ инкор маъносини англатади. لن юкламаси истак майлидаги феъл билан ишлатилиб келасида мутлоқо амалга ошмайдиган иш ҳаракатни билдиради: [2-35]

Мен хат ёзмадим – ما كتبْتُ الرسالة

Мен хатни ҳеч ёзмадим (умуман) – لم أكتب رسالة

Мен ҳеч қачон сен билан бормайман – لن أذهب معك

Араб тилида мазкур юкламалардан кейин келаётган феълларнинг майли ўзгаради. Лекин инглиз тилидаги бундай юкламалар феъл майлини ўзгартириш хусусиятига эга эмас.

Инглиз тилидаги чегараловчи юкламаларини Лимитинг партислес таҳлил қилади бўлсак, бу юкламаларни араб тилидаги фаркли ва ўхшаш жиҳатларининг гувоҳи бўлдиқ. Only юкламасидан кейин от, олмош, ҳаракат номи, феъл равиш келади: [21-79]

Only his article is to be published in the newspaper – фақат унинг мақоласигина газетада чоп этилади.

He has just left – У ҳозиргина кетти.

Just hozirgina, yaqinda maъnosida qўllanilib tugalangan zamon feъli va davomli zamon feъlida qўllaniladi. Arab tili nuqta nazariidan bu kabi xolatlarda فقط، لكن، سۆزلари таъкид маъносини бериш учун ишлатилади:

He has just been asked to take part in that work – уни hozirgina bu ishda ish-tirok etishga taklif etishdi.

Alone hech kim yakka maъnosida ishlatilib, bu yuklamadan keyin sifat keladi:

You can't blame anyone else, you alone made the decision

Sen hech kimni ayblay olmayсан, sen ўзинг qaror qabul qilдинг.

Arab tilida esa bu xolat لا أحد في الغرفة – xonada hech kim йўк.

But yuklamasi ikkita gapni boғlab qўshma gap hosil qiladi, arab tilidagi ولكن و yuklamasiga ўxshash бўлиб унинг қўлланилиши куйидагичадир:

We agree to the terms of payment but object to the time of delivery

Biz tўlov shartlariga rozimiz, lekin tўlov mudatiga nisbatan эътирозимиз bor.

كُنَّا ذَهَبْنَا إِلَى حَدِيقَةِ الْحَيَوَانَاتِ وَلَكِنْ مَحْمُودًا لَمْ يَذْهَبْ

Biz hammamiz xayvonot bog'iga bordik, lekin Maхmurid bormadi.

Barely yuklamasi zўrfa, bazўr maъnosidan ishlatilib davomli zamon feъlida qўllaniladi. Bundan keyin feъl xarakat nomi, raviш, hol keladi bu yuklama inkor maъnioni anglatadi:

He could barely read and write

U zўrfa ўқийди ва ёзди

She barely acknowledged his presence

U uning borligini deyarli tan olmasdi

Arab tilida esa kаd feъlining inkor yuklamasi bilan kelgan maъnosini anglatadi, yaъni, “zўrfa”, “deyarli”:[2-58]

لا أكاد أعرفه – мен уни deyarli tanimayman

لا نكاد نفهم هذا – буни биз zўrfa тушунамиз

Kuchaytiruv yuklamalari – Intensifying particles

Simply yuklamasi oddiy, shunchaki maъnosida qўllaniladi:[21-1022]

You can enjoy all the water sports, or simply lie on the beach

Sen suv sportini barча tur-laridan baхramand бўлишинг ёки shunchaki plyazhda етишинг mumkin.

Still yuklamasi хали, хануз maъnosida ishlatiladi. Bu yuklamadan keyin davomli zamon feъli ishlatiladi.

I wrote to them last week and I am still waiting for a reply

Men ularga ўtgan haftada ёзиб yuborganman, lekin хали ҳам javob kutmoqdaman.

Do you still live at the same address?

Siz хали ҳам ўша adres бўйича yashayapsizmi?

Yet yuklamasi хали, хануз, chunki, sababli maъnosida ishlatiladi.

I have not read the letter yet

Men хали hatni ўқимadim

Have you read the newspaper

Siz gazetani ўқиб бўлдингизми?

All yuklamasi barчаси, hammasi maъnosini anglatib arab tilidagi كُل سۆзига mos holda қўлланилади:[2-75]

كُل الطلاب – barча talabalar

كُل сўзи bilan kelgan mudof ilayhi noanik holdada birlikda бўлса har bir maъnosida ishlatiladi:

كُل طالب – har bir talaba

He spends all his free time in the library

U barча бўш vaқтининг (hammасини) bibliotekada ўtkazadi:

All financial documents must be signed by the chief accountant

Barча moлиявий хужжатlar boш hisobchi tomonidan imzolangan бўлиши керак.

Quite yuklamasi tўlaqonli, mutloqo maъnosida ishlatiladi. Arab tilida esa bu yuklamaning maъnosini ifodalash uchun لم yuklamasi feъl bilan қўлланилади.

You are quite wrong about this situation

Sen bu vaziyat borasida mutloqo noхaqсан

Even yuklamasi hattoки maъnosida ishlatiladi.

Even my brother enjoyed the film, although he doesn't like comedies

Hattoки mening akam film-dan baхramand бўлди, unga komediyalar ёkmasa ҳам.

Arab tilida esa bu yuklama maъnosini tўsiqsiz ergash gapli qўshma gap holdada bериш mumkin.

Taъkid yuklamalari Connecting particles

Also shuningdek, shu bilan birga maъnolarida ishlatiladi. Ingliz tilida alсо yuklamasi arab tilidagi كُل سۆзига mos keladi va u jumlaning boшиda keladi.

She also speaks a French

U shuningdek fransuz tilida gaplashadi

كذلك هي تتكلم بالفرنسية
тилида гаплашади

Тоо юкламаси шунингдек маъносини
англатади.

She was too ashamed to admit her mistake
У ўз хатосини тан олишдан жуда уялар эди.
Араб тилида أيضا “ҳам” сўзига мос бўлиб, у
жумланинг охирида тушум келишигида келади.
Can I come too? – мен ҳам борсам бўладими?
I went to New York last year and also I spent
some time in Washington

Мен ўтган йили Нью-Йоркка бордим шу
билан бирга баъзи вақтимни Вашингтонда
ўтказдим.

Хулоса

Юқоридаги мисоллардан кўриниб
турибдики инглиз тилидаги юкламалар баъзи
ҳолларда араб тилидаги юкламаларнинг
маъноларини бермайди. Ёки аксинча араб
тилидаги баъзи юкламаларнинг маъноларига
мутлақо мос эмас.

Араб тилидаги юкламалар ўзидан кейин
келаётган феъл майлини ўзгартира олади.
Яъни юкламадан кейин келаётган феъл
майлини ўзгартириш хусусиятига эга. Яна
шундай юкламалар борки улар бевосита
эгага таъсир қилиш хусусиятига эга. Инглиз
тилида эса бу ҳолат кузатилмайди. Араб ва
инглиз тилларида юкламалар сони кўп бўлиб,
улар ўзига хос қўлланилиш хусусиятларга
эга. Араб тилидаги юкламалар нафақат сўз
(эга)га балки феълга ҳам ўз таъсир кучини
ўтказиш хусусиятига эга. Инглиз тилидаги
юкламалар эса сўзга ҳам феълга ҳам ўз таъсир
кучи ўтказо олмайди. Арабшунослар олимлар
юкламаларни الحرف туркумига киритишса,
инглиз тили мутахассислари эса юкламаларни
ёрдамчи сўзлар таркибига киритишган. Умуман
олганда, бу бирликлар ҳам ёрдамчи сўзлар
майдонининг чекка кутбида турувчи бирликлар
характеридадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдужабборов А. Араб тили. –Т.: Тошкент
ислом университети. 2015.
2. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили
грамматикаси. 1 –жилд. Ўзбекистон Миллий
Энциклопедияси давлат нашриёти. –Т. 1997.
3. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили
грамматикаси. 2– жилд. Ғафур Ғулом номидаги
нашриётматбаа ижодий уйи. –Т. 2004.

4. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик
асослари. –Т.: Иқтисод-Молия. 2007.
5. Ҳикматов А. «Аддурусуннаҳвия» қиёсий
таржима матни. –Т.: Мовароуннаҳр нашриёти.
2006.
6. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в
сравнительно– историческом освещении – М.:
Вост.лит., 1963.
7. Звегинцев В.А. История арабского языкознания.
(краткий очерк) –М.: Издательство МГУ. 1958.
8. История лингвистических учений.
Средневековый Восток.–Л.: Наука. 1981.
9. Общее языкознание. Внутренняя структура
языка. –М.: 1972.
10. Ирискулов М.Т., Кулдашев А. Теоретическая
грамматика английского языка. Т., 2008.
11. Bach, E. & Harms, R.J. (Eds.) Universals in
linguistic theory. – New York: Holt, Rinehart and
Winston. 1996.
12. Bloomfield, L. Language. – New York: Holt, and
London: Allen and Unwin. 2000.
13. Whorf, B.L. (Ed. Carroll, J.B.) Language, thought
and reality: selected writings of Benjamin Lee
Whorf. – Cambridge, Mass.: M. I. T. Press. 2002.
14. Бархударов Л.С., Штеллинг Д.А. Грамматика
английского языка. – М., 1973.
15. Бархударов Л.С. Структура простого
предложения английского языка. – М., 1966.
16. Бўронов Ж.Б., М.Бўронова, М.Тошбоев. Инглиз
тили Грамматикаси. – Т., 1978.
17. Жигадло В.Х., Иванова И.Л. Современный
английский язык. – М., 1956.
18. Gordon E.M., Krylova I.P. A Grammar of present
– day English. – М., 1974.
19. Ganshina M.A. va Voselevskaya. English Grammar.
Higher School Publish House. – М., 1964.
20. Каушанская Б.Л., Ковнер Л.П. Грамматика
английского языка. – Л., 1973
21. Качалова К.Н., Э.Е.Израилович. Практическая
грамматика английского языка. – М., 1996.
22. Қиёмов Р., Қиёмов Г. Ҳозирги замон инглиз
тилидаги “афтер” предлоғли бирикмаларнинг
лексик ва синтактик – семантик таҳлили. –
Тошкент, 2007.

АРАБ ТИЛИДАГИ МАНБАЛАР:

1. الشيخ مصطفى الغلايني. جامع الدروس العربية. دار
الغد الجديد. القاهرة-2007. الصفحة-590
2. حقني ناصف، محمد دياب، مصطفى طوموم،
محمد صالح. الدروس النحوية. دار العقيدة. مصر،
الإسكندرية-2007. الصفحة-381
3. القرآن الكريم. مجمع الملك فهد لطباعة المصحف
الشريف. المملكة العربية السعودية-1403هـ.
الصفحة-620.
4. محمود الزمخشري. الاموزج في النحو. مصر. 1323
هـ/1987م. ص. 408

НУРМУҲАМЕДОВ Самариддин Алимардон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти таянч докторанти
samariddin_nur@gmail.com

АБУЛФАЗЛ БАЙҲАҚИЙНИНГ “ТАРИХ” АСАРИ: УМУМИЙ ТАВСИФ ВА БИРЛАМЧИ ТАҲЛИЛЛАР

“ИСТОРИЯ” АБУЛЬФАЗЛА БАЙҲАКИ: ОБЩЕЕ ОПИСАНИЕ И ПЕРЕДВАРИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

ABULFAZL BAYHAQI'S “HISTORY”: GENERAL DESCRIPTION AND PRELIMINARY ANALYSIS

Аннотация. Ушбу мақола 352-582/963-1186 йиллар ораллигида Шарқий Эрон, Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган газнавийлар сулоласи тарихини баён қилувчи “Тарихи Байҳақий” асари ҳақида бўлиб, унда асар муаллифи, ёзилиш тарихи, мазмуни, нусха ва таржималарининг тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: Ғазнавийлар, расоили девон, Мақомот, Носиру дийниллаҳ, Олтинтош, Пешавор нусха.

Аннотация: Эта статья посвящена работе «История Байхаки, в которой описывается история династии Газневидов, правивших в восточном Иране, Хорасане, Афганистане и северной Индии с 352-582/963-1186 гг., и описываются автор, история, содержание, копии и переводы.

Ключевые слова: Газневиды, расаили диван, Макамат, Насир диниллах, Алтинташ, Пешаварская копия.

Abstract: his article is about Abulfazl Bayhaqi's “History of Bayhaqi” which describes the history of the Ghaznavid dynasty that ruled in Eastern Iran, Khorasan, Afghanistan and Northern India between 352-582/963-1186. It gives information about the author of the work, the date of writing, the content, copies and translations.

Keywords: Ghaznavids, Rasaili diwan, Maqamat, Nasir li dinillah, Altintash, Peshawar copies.

КИРИШ

Ғазнавийлар даври тарихини ёритувчи “Тарихи Яминий”, “Зайн ал-ахбор”, “Тарихи Байҳақий” каби асарлар мавжуд бўлиб [2:9-10], улардан Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи Байҳақий” номи билан машҳур бўлган “Тарихи оли Сабуктегин” асари маълумотларининг аниқлиги, ишончлилики даражасининг юқорилиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур асар бирламчи манбалардан саналиши, ундаги маълумотлар асар муаллифининг ўзи кўриб гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олиши нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади. Асарда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихига оид кўплаб маълумотларнинг мавжудлиги эса мазкур асарни ўрганиш долзарб эканлигини англатади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абулфазл Муҳаммад ибн Ҳусайн Байҳақий 386/996 йил Хуросоннинг жанубий-шарқида жойлашган Байҳақ ноҳиясининг Ҳорисобод қишлоғида туғилган [15:737]. Муаллиф ҳақида ўрта асрлар тарихини ёритувчи бир қанча асарларда маълумотлар келтирилган бўлиб, улардан “Тарихи Байҳақ” (تاريخ بيهي) асарининг муаллифи Ибн Фундук қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Саноксиз ҳадислар эшитди, вақти келганда уларни шарҳлади. Шунингдек, унинг арабча шеърлари ҳам мавжуд. Йигирма етти ёшида Султон Маҳмуд ва Масъуд саройида Расоили Девон (رسائل ديوان) бошлиғи вазифасини бажарган Хожа Абу Наср Мушконнинг талабасига айланди. Устози Абу Наср вафот этгани ҳамда Байҳақийнинг ёши етарли даражада катта бўлмаганлиги унинг янада юқори даражаларга етишишига тўсиқ бўлди. Абу Саҳли Зузоний билан биргаликда бир хил мақомда ишлади. Султон ва вазир хизматида яхши эътибор ва иноятлар остида яшади” [8:175]. Ибн Фундук ўз жумласининг давомида Байҳақийнинг Султон Маҳмуд, Султон Муҳаммад, Султон Масъуд, кейин Султон Мавдуд ва Султон Фаррухзодларнинг котиби бўлгани ва Султон Фаррухзод даврида

саройдаги фаолиятини тўхтатганлигини баён қилган [8:175].

Байҳақийнинг сарой хизматидан кетишига эса қуйидаги ҳодисалар сабаб бўлган: Ғазнавий султон Иззуддавла Султон Абдурашид ибн Маҳмуд Ғазнавий (440-443/1049-1052) даврида ҳарбий қўмондонлардан бири Туғрул Барор (ваф. 1052) амалдаги султонга қарши исён уюштирди. Исён натижасида ғазнавий шахзодаларнинг ўнтаси султон билан биргаликда ўлдирилди. Султоннинг қолган яқинлари ва тарафдорлари зиндонга ташланди. Уларнинг орасида Абулфазл Байҳақий ҳам бор эди. Лекин, бу асирлик қирқ кунда якунига етди. Султон Фаррухзод (443/1052-1059) Туғрулни ўлдириб, ҳокимиятни ўз қўлига олди ва зиндондагиларнинг барчасини озод этди. Байҳақий мана шу озодлик кунидан бошлаб, умрининг қолган қисмини уйда ижод билан ўтказди [6:64]. Байҳақий 470/1077 йил сафар (август-сентябрь) ойида Ғазна шаҳрида вафот этган [15:737].

Байҳақийнинг “Мақомот” ёки “Китоби Мақомот” номли асари бўлиб, у ўзининг “Тарих”ида “Мақомоти Маҳмудий” [9:234] ва “Мақомати Бу Насри Мушкон” [9:908] ҳақида сўз юритган. Бу иккаласи “Мақомот”нинг иккита алоҳида бўлими бўлиши эҳтимоли мавжуд. Байҳақийнинг “Зийнат ал-кутуб” номли яна битта асари бўлиб, у ҳақида Ибн Фундуқ қуйидагича маълумот берган: “У “Зийнат ал-кутуб” асарини ёзган бўлиб, бу асар ўз соҳаси бўйича тенгсиздир” [8:175]. Лекин афсуски, Байҳақийнинг юқорида санаб ўтилган иккита асари ҳам сақланиб қолмаган. Бизгача етиб келган асари эса “Тарихи Байҳақий” номи билан машҳурдир.

Байҳақий ушбу асарини 409/1018-19 йилдан ёзишни бошлаган. Муаллиф асарнинг ёзилиш муддатига ишора қилиб қуйидаги жумлаларни баён этади: “Агар китобимни ўқиётган ўқувчилардан бири Абулфазлнинг жумлалари жуда узун деб норози бўлса, унга жавобим шундай бўлади: “Мен эллик йилни қамраб олган, минглаб варақлардан иборат бўладиган ва ўз ичида турли табақалардан жуда машҳур ҳамда буюк инсонларнинг исмлари ўрин эгаллайдиган тарих ёзаяпман” [9:199]. Муаллифнинг мазкур жумлаларидан билиш

мумкинки, асар эллик йил давомида ёзилган. Лекин, асарнинг бизга маълум бўлган V-X жилдлари фақат 421-432/1030-1041 йиллар оралиғидаги воқеа-ҳодисаларнигина қамраб олади холос [15:738].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Байҳақийнинг машҳур асари ўттиз жилддан иборат бўлиб, “Тарихи Носирий” (3] [تاریخ ناصري:XI] ва “Жомеъи тарихи оли Сабуктегин” (جامع تاریخ آل سبکتکین) номлари билан шунингдек, “Мужалладату Абулфазл Байҳақий” (مجلدة ابی الفضل بیهقی) номи билан ҳам танилган [15:737-738]. Лекин муаллифнинг ўз асарини қандай номлаганлиги ҳақида аниқ бир тўхтам йўқ. “Тарихи Носирий” номи сулола асосчиси Сабуктегиннинг “Носиру-д-дин” ёки Масъуд ибн Маҳмуд Ғазнавийнинг “Носиру дийниллаҳ” лақабларидан келиб чиққанлиги илгари сурилади. Аммо бу нодир асарнинг фақат “Тарихи Байҳақий” номи билан машҳур қисми, тўлиқроқ қилиб айтганда Султон Масъуд давридаги тарихий воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олувчи қисмигина сақланиб қолган [7:289]. Шу сабабдан бу асар “Тарихи Масъудий” (تاریخ مسعودی) номи билан ҳам машҳурдир.

Мазкур асарнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, муаллиф ўзи кўриб гувоҳ бўлган ҳодисаларнигина ёзиб қолдирган. Байҳақий сарой хизматида ишлаган вақтда, айниқса, Султон Масъуд даврида машҳур хат устаси ва ишончли котиб вазифасини бажарган. Шу сабабдан у салтанатнинг бутун сиёсатидан воқиф шахсга айланади. У сарой мулозими бўлишига қарамасдан тарихий ҳодисаларни, уларнинг сабаб ва оқибатларини борира, қўшимча мақтов ва бўрттиришларсиз баён этган. У тарихни кун, ой, йил шаклида келтиради. Агар бирор бир ҳодисани асословчи ҳужжат бўлса, ўшани беришга ҳаракат қилган.

Юқорида таъкидланганидек, Байҳақийнинг мазкур асари ўттиз жилддан иборат бўлиб, бизгача асарнинг фақат Султон Масъуд ибн Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлик даврини (421-432/1030-1041 йй.) қамраб олувчи қисмлари, яъни, V жилднинг охир, VI, VII, VIII, IX ҳамда X жилдлари етиб келган. Уларда Султон Масъуд давридаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий,

харбий, шунингдек, қўшни давлатлар билан бўлган дипломатик алоқалар, маъмурий бошқарув тизими, сарой девон тузилиши ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Қуйида келтириладиган маълумотлар “Тарихи Байҳақий” асарининг Қосим Ғани ва Али Акбар Файёзлар томонидан чоп этилган нусхасига асосланган [9]:

Маҳмуд Ғазнавийнинг вафот этиши билан бошланган сиёсий тарқоқлик ва ворислар ўртасидаги тахт учун кураш масаласи асарнинг дастлабки қисмлариданоқ ўрин олган. Бундан ташқари асарда мазкур сулола асосчиси Сабуктегин билан боғлиқ баъзи воқеалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган (313-315, 327-319, 681-715 б.). Асарнинг аҳамиятини янада оширувчи жиҳатлардан бири, унда сомониёлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар ва салжуқийлар ҳақида қимматли маълумотларнинг мавжудлигидир.

Китобнинг бешинчи жилди охирида Туркистон хони Қодирхонга жўнатилган мактуб (125-138 б.) ҳамда Хоразмшоҳга ёзилган фармон (139-148 б.), олтинчи жилдда Султон Масъуднинг ақд ва аҳдни янгилаш учун икки элчи орқали Туркистон хони Қодирхонга мактуб жўнатиши (305-307, 333-349 б.), еттинчи жилддаги Султон Масъуднинг Хоразмшоҳ Олтинтошга мактуб ёзиши (503-510 б.), Султон Масъуд элчиларининг Туркистондан қорахоний элчилар билан биргаликда келин олиб қайтиши (643-650 б.), саккизинчи жилддаги Амир Масъуд билан Бугрохон орасига совуқлик тушиши, Амирнинг Абу Содик Таббонийни элчи сифатида Қашғар ва Тарозга жўнатиши ҳамда Арслонхон воситасида ўртадаги совуқликка яқун ясалиши (793-803 б.) ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Тўққизинчи жилдда ғазнавийлар ва салжуқийлар ўртасида содир бўлган бир нечта жанглар (867-892, 893-909, 917-957 б.), ғазнавийлар томонидан Арслонхонга мактуб ёзилиши (959-967 б.), Амир Мансур Нух Сомоний ҳақидаги қисса (975-991 б.), ўнинчи жилдда Хоразм ва хоразмшоҳ Олтинтош (1017-1021, 1023-1026, 1027-1028 б.) ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларнинг

аксарият қисмига муаллиф шахсан ўзи гувоҳ бўлган ҳамда уларни келтиришда расмий ёзишмаларни асос қилиб кўрсатган.

Асарнинг бир қанча қўлёзма нусхалари, жумладан, Техрон, Пешавор, Санкт-Петербург нусхалари, шунингдек, 1040/1631 йилда Пирмуҳаммад ибн Шайх Жалол Қофужа Қурайший Содиқий томонидан настаълик хатида кўчирилган Ҳиндистон нусхаси [4:31], 1197/1783 йилнинг 25 рабиъус-соний/30 мартада хатот Абдураззоқ томонидан кўчирилган, ҳозирда Оксфорд университетининг Бодлиан кутубхонасида сақланаётган нусхаси [5:97] мавжуд [15:738].

Мазкур асарнинг дастлабки босма нашри англиялик шарқшунослар В.Х. Морлей ва В.Н. Лис томонидан 1861-1862 йилларда тайёрланган [1]. Лекин бу босма нусхада бугунги ўқувчилар учун керак бўладиган ҳошия ва фихрист қисмлари мавжуд эмас. Муҳаммад Адиб Пешаворий 1887 йил Техронда Тарихи Байҳақийнинг тошбосма нашрини тайёрлаб, китоб шаклида чиқарган. Ушбу нашрда ношир томонидан шарҳ ва ҳошиялар қўшилган [11]. Бугунги кунда Тарихи Байҳақий асарининг иккита босма нашри кенг муомалада бўлиб, улардан биринчиси Саид Нафисийнинг 1319/1907 йилда “Дар пийромуни Тарихи Байҳақий” номи остида чоп этилган нашридир [14]. Ушбу нашр уч жилддан иборат бўлиб, учинчи жилд фақат ҳошиядан иборат. Иккинчи нашр Қосим Ғани ва Али Акбар Файёз томонидан биргаликда 1324/1913 йил Техронда чоп этилган. У Техрон, Ҳиндистон ва Пешавор нусхалари асосида тайёрланган бўлиб, унда матн, шарҳ, ҳошия ҳамда индекслар бериб ўтилган [9].

Асар Яҳё Ҳашшоб ва Содик Нашъат томонидан 1376/1956 йилда араб тилига таржима қилинган [12]. Асарнинг инглиз тилидаги таржимаси К.Э.Босворт томонидан “The History of Beyhaqi” номи остида уч жилд шаклида чоп этилган. Рус тилидаги таржимаси А.К.Арендс томонидан “История Мас’уда” номи остида 1962 йил Тошкентда амалга оширилган [13]. Турк тилига эса Нежати Лугал томонидан таржима қилинган [3].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи Байҳақий” асари Ғазнавийлар даври тарихини ҳамда XI асрнинг дастлабки ярмида Шарқий Эрон, Хуросон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни жонли равишда ёритиб берувчи муҳим манба саналади. Бу асарнинг аҳамиятини оширган сифатлардан энг асосийси муаллифнинг ўзи кўриб гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни қаламга олгани ва буларни келтиришда расмий ёзишмаларга суянганидир. Асар ичида сомоний ва қорахоний ҳукумдорлар, хоразмшоҳлар, салжукий саркардалар ва уларнинг фаолиятлари ҳақидаги қимматли маълумотларнинг мавжудлиги тадқиқотчилар наздида мазкур асарнинг аҳамиятини янада оширади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Aby'l Fazl al-Baihaqi. Tarikh-i Bayahaqi / Tarikh-i Al-i Saboktakeen, (edited by William Hook Morley and W.N. Lees). – Calcutta: Asiatic Society of Bengal, 1861-1862. Osnabrück: Biblio Verlag, 1981.
2. C.E. Bosworth. The Gaznavids /Their Empire in Afganistan and Eastern Iran 994-1040. – Scotland: Edinburgh University Press, 1963.
3. Ebu'l-Fazl Muhammed B. Hüseyin-i Beyhaki. Tarih-i Beyhaki, (cevirmen: Necati Lügal). – Ankara, 2019.
4. Maulavi Qasim Hasir Radavi. Catalogue of The Persian Manuscripts in The Buhar Library. – Calcutta: Imperial Library, 1921.
5. Sachau, Hermann Ethe. Catalogue of the Persian, Turkish, Hindustani and Pushtu Manuscripts in the Bodleian Library. – Oxford: Oxford University Press, 1889.
6. Tahsin Yazıcı. Beyhakī, Muhammed b. Hüseyin // İslam Ansiklopedisi, cilt VI. – İstanbul, 1992.
7. Абдуллоҳ Розий. Тарихи комили Эрон. – Техрон, 1341.
8. Абул Ҳасан Али ибн Зайд Байҳақий ибн Фундук. Тарихи Байҳақий. Ношир. Аҳмад Баҳманёр. – Техрон, 1307.
9. Абулфазл Байҳақий. Тарихи Байҳақий, (ношир: Қосим Ғани, Али Акбар Файёз). – Техрон, 1324/1913.
10. Абулфазл Байҳақий. Тарихи Байҳақий / Ношир: Морлей. – Калкутта, 1842.
11. Абулфазл Байҳақий. Тарихи Байҳақий / Ношир: Муҳаммад Адиб Найсобурий). – Техрон, 1306/1889-90.
12. Абулфазл Байҳақий. Тарихи Байҳақий / Таржимон ва ношир: Яҳё Ҳашшоб, Содик Нашъат. – Қоҳира, 1956.
13. Абу-л-Фазл Бейҳаки. История Мас'уда / Перевод.: А.К.Арендс. – Ташкент, 1962.
14. Саид Нафисий. Дар пайромуни Тарихи Байҳақий. – Техрон, 1319/1907.
15. Стори Ч.А. Персидская литература. Часть II. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972.

САНОҚУЛОВА Умида Намоз қизи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти
E-mail: farruxshod@mail.ru

“МУКОШАФАТУ-Л-ҚУЛУБ” АСАРИДА МАЖОЗ

МАДЖАЗ В ПРОИЗВЕДЕНИИ “МУКОШАФАТУ-Л-ҚУЛУБ”

MADJAZ (METAPHOR) IN THE WORK “MUKOSHAFATU-L- QULUB”

Аннотация: Араб балогат илмининг уч асосий бўлимларидан бири илми баёндин. Унда бадий воситалардан бири бўлган мажоз ва унинг моҳияти, мажоз англатган маънолар, унинг турлари ва балогат илмидаги ўрни ҳақида сўз боради. Келтирилган назарий фикрлар Абу Ҳамид Ғазолийнинг “Мукошафату-л-қулуб” асарида олинган мисоллар ёрдамида таҳлил қилинади ва хулосалар чиқарилади.

Таянч иборалар: кўчим, мажоз, ҳақиқат, мураккаб мажоз, мажози муфрад, лугавий мажоз, истиора, мажози мурсал.

Аннотация: Одним из трех основных разделов арабской науки балогат является илми байан. В ней рассматривается метафора, называемая маджазом, одно из художественных средств, и ее сущность, значения метафоры, ее виды и место в науке «илми байан». Анализируются приведенные теоретические идеи и делаются выводы на примерах из «Мукашафату-ль-қулуб» Абу Хамида аль-Газали.

Ключевые слова: перенос смысла, маджаз, правда, маджази мураккаб, маджази муфрад, маджази лугавий, истиора, маджази мурсал.

Annotation: One of the three main sections of the science of arabic balagat is the ilmi bayan. It discusses madjaz (metaphor), one of the artistic means, and its essence, the meanings of madjaz, its types, and its place in the science of balagat. The theoretical ideas are analyzed and conclusions are drawn using examples from Abu Hamid al-Ghazali's Mukashafatu-l-qulub.

Keywords: transfer of meaning, madjaz, truth, madjazi murakkab, madjazi mufrad, madjazi lugaviy, istiyara, madjazi mursal.

КИРИШ

Сўз санъатидаги турли бадий воситалар, бадий санъатлар муаллиф ғоясини ўқувчига етказишда, нутқнинг таъсирли бўлишида, асарнинг бадийлигини таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Шундай воситалардан бири мажоздир. У баён илмининг асосий бадий тасвир воситаларидан саналади. Мажоз нафақат балогатда, балки тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик соҳаларида ҳам бирдек ўрганилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мажоз атамаси адабиёт, тилшунослик ва балогатга оид илмий манбаларларда турлича изоҳланади. Масалан, “Адабиётшунослик луғати”да мажозга қуйидагича таъриф берилади: “Мажоз (ар. مجاز – кўчма маънодаги сўз) – 1) мумтоз адабиётшуносликда сўзни ўз маъносида эмас, бошқа бир кўчма маънода ишлатиш, кўчимнинг умумий номи; 2) ҳозирги адабиётшуносликда мажоз атамасини кўчим турларидан бири, яъни аллегория сифатида қўллаш кенгрок оммалашган” [4:159-160]. Аммо ушбу таърифда атаманинг сўз сифатидаги маъноси ўз моҳиятидан узоқлашишини кузатишимиз мумкин. Боиси аслида مجاز (мажоз) сўзи араб тилидаги “جوز” ўзагидан олинган бўлиб, “кинояли, кесатикли, шамали (гап); образли ибора; истиора, киноя, мажоз, метафора” [1:120] деган маъноларни англатади.

Маъно кўчиши ҳодисасининг маҳсули замонавий тилшуносликда “кўчма маъно” деб юритилади. Маъно кўчишининг лексик-семантик ва метафорик-функционал хусусиятлари мажоз, истиорада ўз аксини топган. Мажоз маънони ифодалашда энг яхши баён усулларида ҳисобланиб, у ақлий ва лугавий каби турларга бўлинади [5:159]. Мажознинг бу турлари ҳақида кейинрок батафсил тўхталамиз. Филология фанлари

доктори Маъруфжон Йўлдошев сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилишини “кўчим” номи остида беради. Тилшуносликка оид аксарият ишларда эса улар “троплар” атамаси остида бирлаштирилади [3:77]. Олим фикрича, кўчимлар “адабий асарнинг бадиий кимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилишидир [7:236].

XV асрда яшаган эронлик машҳур адабиётшунос олим Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида мажозга қуйидагича таъриф берган: “Мажоз ҳақиқатнинг зиддидур. Ҳақиқат лафзни, ўз ясоғи, яъни нимани мўлжаллаб ясаган бўлсалар, ўшул маънода қўлламоқтин ибораттур. Мажоз лафзни ўз ясоғидин ўзга маънода ясоғу лафзу ўшул маъно орасиндаги бирор алоқаю муносабатқа асосланароқ қўлламоқтин ибораттур, ўз ясоғида тушунмакка моний бўлғучи жумладошин келтирмак шарти била” [2:219].

Араб балоғатшунос олимлари ўз асарларининг “Илми баён” бобида мажоз масаласига алоҳида тўхталиб, у ҳақидаги ўз фикрларини баён қилганлар. Мазкур бадиий тасвир воситаси хусусида гап кетганда, аввало, Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна ва унинг “Мажозу-л-Қуръон” асари тилга олинади. “Бу асар Қуръон маънолари ва ундаги баён услубларига бағишланган. Унда муаллиф оятларни бошқа шунга ўхшаш оятлар билан тафсир қилиш билан бир қаторда ҳадисларга ҳам таянган, шунингдек, баъзида шеърлар, ҳикматлар, мақолларни ҳам келтирган. Тўлиқ исми Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна ат-Тиймий ал-Басрий бўлган бу олим илк араб тилшуносларидан биридир. Табарий ўз “Тафсир”ида унинг асаридан фойдаланган [11].

Шунингдек, мисрлик олим Аҳмад Ҳошимий (1878-1943) нинг “Жавоҳиру-л-балоға” асарида мажозга қуйидагича таъриф берилган: المجاز هو اللفظ المستعمل في غير ما وضع له لعلاقة مع قرينة دالة على عدم إرادة المعنى الأصلي. والعلاقة بين المعنى الحقيقي والمعنى المجازي قد تكون المشابهة وقد تكون غيرها ، فإذا كانت المشابهة

فهو استعارة ، وإلا فهو مجاز مرسل والقرينة قد تكون لفظية [9:251] (яъни: *Мажоз бу – асл маънони ифодаламасликка далолат қилувчи қарина билан ўрнатилган алоқага зид қўйилган қўлланилган сўздир. Ҳақиқий маъно билан мажозий маъно ўртасидаги бу алоқа ўхшатиш ёки унинг акси бўлиши мумкин, агар ўхшатиш бўлса, у истиорадир, агар акси бўлса, мажози мурсал бўлади, қарина лафзий ва ҳолатга боғлиқ бўлиши мумкин*). Мисрлик адабиётшунос олим Абдуҳ Абдулазиз Қалқиланинг «ал-Балоғату-л-истилоҳия» асарида ҳақиқат ва мажоз тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтилган ва уларнинг фарқлари ажратиб кўрсатилган: الحقيقة والمجاز وصفان يتعاقبان علي الكلمة والجملة. فالمستعمل منهما طبق معناه في المعجم يسمى حقيقة لغوية. والمستعمل منهما [10:60] (яъни: *Ҳақиқат ва мажоз сўз ва жумлада бир-бирининг ортидан келувчи икки тавсифдир. Улардан бири лугатдаги маъносига мос келса, лугавий ҳақиқат дейилади, лугатдаги маъносига мувофиқ келмаса, лугавий мажоз дейилади*).

Юқоридаги мажозга берилган таърифлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мажоз бу – асл воқеликка, ҳақиқатга муносиб келмайдиган сўз ва жумлалар воситасида бадиий санъат яратиш усулидир. Унда сўзнинг лугатда бериладиган маъносига мос бўлмаган бошқа бир маънони контекстда ифодалаб келиши кузатилади.

Аҳмад Ҳошимий фикрича, мажознинг тўрт тури мавжуд: وينقسم إلى أربعة أقسام : مجاز مفرد مرسل : مجاز مفرد بالاستعارة ومجاز مركب [9:251] (яъни: *Мажоз тўрт хил бўлади: мажози муфрад мурсал, истиорали мажози муфрад, мажози мураккаб мурсал, истиорали мажози мураккаб*). Уларнинг ҳар бири мазкур санъатни юзага чиқарувчи воситалар, уларнинг миқдори, қўллаш усули кабиларга кўра фаркланади.

“Мукошафату-л-қулуб” асарида мажознинг турли кўринишларини учратиш мумкин. Асарнинг “Ичкилик ичувчининг жазоси ҳақида” (في عقوبة شارب الخمر) номли тўқсон биринчи бобида майхўрликнинг оқибатлари, у инсонни бу дунёда хор ва шарманда қилувчи, охиратда дўзахий бўлишига сабаб бўлувчи жирканч иллат

эканлиги Куръон оятлари, ҳадислар, саҳобалар ва олимларнинг сўзлари, мавзуга доир ибратли ҳикоятлар орқали очиб берилган. Унда Ғаззолий Имом Байҳақий номи билан танилган, тўлиқ исми Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али Абдуллоҳ ибн Мусо Байҳақий ал-Хусравжирдий (994-1066) бўлган машҳур фақиҳ ва муҳаддис олим ривоят қилган бир ҳадисни келтиради, унда ичкилик “*أم الخبائث*” (*ёмонликлар онаси*) деб аталган: *وروي البيهقي عن ابن عمر رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : اجتنبوا أم الخبائث* [8:356] (яъни: *Ал-Байҳақий Ибн Умар (р.а.) дан ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: Ёмонликлар онасидан қочинглар*). Мазкур ҳадисда ичкиликка “*ярамасликлар онаси*” сифатини қўллаш орқали мажознинг гўзал кўриниши юзага келган, яъни “она фарзандини дунёга келтирганидек, ичкилик ҳам ёмонликларнинг “туғилиши”га, келиб чиқишига сабаб бўлади, шу сабабли ундан узоқ юр” деган ундов ўзига хос тарзда ифодаланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, араб балоғатида мажознинг кўплаб турлари фаркланади. Улар мажозни юзага келтирган сўзларнинг миқдорига кўра фаркланади. “Агар бир неча лафз кўчма маънода ишлатилса, у **мураккаб мажоз** дейилади” [6:142]. Ушбу қоидага кўра, “ёмонликлар онаси” бирикмаси мажозни мураккабга мисол бўла олади.

Асарнинг “Эрнинг хотиндаги ҳақлари” (*في حق الزوج علي الزوجة*) деб аталган тўқсон бешинчи бобида эрнинг ўз рафикаси устидаги ҳақлари, хотиннинг бурч ва вазифалари, жаннатий, солиҳа ва фазилатли аёллар таърифи Куръон оятлари, ҳадислар, солиҳ кишилар ҳаётидан лавҳалар ёритилган ҳикоятлар орқали очиб берилади. Унда Асмо ибн Хорижа Фазорийнинг ўз кизини турмушга бераётганида унга қилган насиҳатлари келтириб ўтилади: *فكوني له أرضا يكن لك عمادا* [8:367] (яъни: *Унга (яъни эрингга) ер (тупроқ) бўлгин, у сенга осмон бўлсин. Сен унга тўшак бўлгин, у сенга устун бўлсин*). Мазкур жумлада *ер*, *осмон*, *бешик*, *устун* сўзлари ўз маъносида эмас, балки кўчма, яъни мажозий маънода қўлланган. Хотиннинг эри учун ер бўлиши деганда, ундан ўзини паст тутиши, унга итоат қилиши, ундан устун

бўлишга уринмаслиги назарда тутилмоқда. Мана шу ҳолат ер бўлишга, яъни хокисор бўлишга ўхшатиляпти. Шунда эр ҳам хотинини ҳурмат қилиб, осмондек юксалади ва иккиси ер ва осмондек ажралмас жуфтликка айланадилар. Иккинчи жумладаги тўшак ва устун сўзлари ҳам кўчма маънода қўлланган. Бунда аёлнинг эри учун чарчаб-толиққанида ором оладиган гўшаси сингари бўлиши, эри эса у учун устун бўлиб, барча қийинчилик, оғирликларни ўзига олиб, аҳли аёлини ҳимоя қилиши кераклиги уқтириляпти. Мазкур мисолда сўзларнинг луғатда акс этадиган маъносидан ташқари кўчма маънода ишлатилиши мажознинг гўзал намунасини ҳосил қилган. Ушбу мисолдаги мажозни юзага келтирган бирликлар бир сўздан ташкил топган. Бу мажознинг мажозни муфрад тури ҳисобланиб, у муайян лафзни бошқа маънода ишлатиш орқали юзага келтирилади [6:142].

Асмо ибн Хорижа Фазорийнинг насиҳатларида яна шундай дейилади: *وحفظي أنفه وسمعته وعينه فلا يشمن منك إلا طيبا ، ولا يسمع إلا حسنا ، ولا ينظر إلا جميلا* [8:367] (яъни: *Унинг бурнини, қулоғини ва кўзини асра, сендан фақат яхши ҳидлар таралсин, эринг сендан фақат яхши нарсаларни эшитсин, сени фақат чиройли ҳолатда кўрсин*). Мазкур мисолдаги бурнини, қулоғини ва кўзини асра жумласи ўз маъносида эмас, балки мажозий маънода келгани аниқ-равшан англашилиб турибди, чунки *асра* деганда, мазкур аъзоларни ташқи таъсирлардан асраш эмас, балки унинг бурнини асра деганда, ёмон ҳидларни ҳидлашига йўл қўйма, ўзинг ва уйингдан доимо ёқимли ҳидлар таралиб турсин, қулоғини асра деганда, сендан ёмон сўзлар эшитмасин, ҳамиша ширинсўз бўлгин, кўзини асра деганда, унга доимо гўзал кўринишда намоён бўлгин, деган маъно назарда тутилган.

Асарнинг “Дунё олимларининг жазоси ҳақида” (*في عقوبة علماء الدنيا*) деб номланган саксон тўртинчи бобида дунё кетидан қувадиган, шухрату мартаба учун илм ўрганган ёмон олимлар ва уларнинг у дунёда тортадиган жазолари ҳақида сўз боради. Унда Ғаззолий тўлиқ исми Абу Саид ал-Ҳасан ибн Ясор ал-

Басрий (642-728) бўлган илк ислом даврининг машхур илоҳиётчи олими Ҳасан Басрийнинг ушбу сўзларидан иқтибос келтиради: عقوبة العلماء [موت القلب، وموت القلب طلب الدنيا بعمل الآخرة 8:338] (яъни: *Олимларнинг жазоси қалбларининг ўлганидир. Қалбнинг ўлиши охираат амаллари билан дунё талабида бўлишидир*). Мазкур жумладаги ўлмоқ сўзи кўчма маънода қўллангани айни ҳақиқат. Чунки ўлим аслида биологик ҳодиса бўлиб, у жисмга тааллуқлидир, яъни ҳаёт асоратлари қолмай, тананинг бежон бўлиши – ўлимдир. Бу ерда жисмнинг ўлими қалбнинг ўлишига қиёсланапти, яъни олим қалбининг ўлими бу – унинг асл вазифаси (илм йўлида дин ва жамиятга хизмат қилиш, илмига амал қилиш, олимликка муносиб бўлиш, илмини ёйиш кабилар) ни унутиши ва дунёвий орзулар ва ишлар билан машғул бўлиб қолишидир. Кўриниб турганидек, ушбу жумлада ҳам мажознинг ўзига хос намунаси ҳосил қилинган.

Асарнинг ўттиз биринчи боби “Дунёни инкор қилиш ва уни маъқулламаслик ҳақида” (في ترك الدنيا ونمها) деб аталади. Унда муаллиф дунё ҳаётига ўч бўлмаслик, мол-дунё йиғиш, фарзанд кўпайтириш, ўйин-кулги, вақтичоғликка берилмаслик ва бошқа шу каби дунёвий ишлар ҳақида сўз юритади. Мазкур бобда ислом тарихида машхур бўлган шахслардан бири Яхё ибн Муознинг сўзлари келтирилган: الدنيا حانوت الشيطان فلا تسرق من حانوته شيئا فيجيء في طلبه فيأخذك [8:138] (яъни: *Дунё шайтоннинг дўконидир, ундан бирон нарса ўғирламаки, шайтон унинг талабида олдинга келади ва сендан уни олади*). Мазкур жумлада дунёвий нарсалар шайтон дўконидаги буюмларга қиёсланапти, уларга қизиққан киши шайтоннинг дўконидан бирон нарса ўғирлаган кабидир. Дўкон сўзи бу ерда кўчма маънода қўлланган ва мажозни юзага келтирган.

Мисрлик адабиётшунос олим Абдух Абдулазиз Қалқиланинг «Ал-балоғату-л-истилааҳийя» асарида мажознинг икки тури ҳақида сўз боради: الحقيقة والمجاز وصفان يتعاقبان علي الكلمة والجملة. فالمستعمل منهما طبق معناه في المعجم يسمى حقيقة لغوية. والمستعمل منهما خلاف معناه في المعجم يسمى مجازا لغويا. ولا بد في المجاز اللغوي من وجود علاقة بين

المعني الأصلي والمعني الفرعي أي بين المعني الحقيقي والمعني المجازي. [10:60] (яъни: *Ҳақиқат ва мажоз сўз ва жумлада бир-бирининг ортидан келувчи икки тавсифдир. Улардан бири луғатдаги маъносига мос келса, луғавий ҳақиқат дейилади, луғатдаги маъносига мувофиқ келмаса, луғавий мажоз дейилади. Луғавий мажозда асосий маъно ва иккинчи даражали маъно ўртасида, яъни ҳақиқий маъно ва маъжозий маъно ўртасида алоқа бўлиши керак*). Мазкур қоидага кўра, юқорида келтирилган мисол (*шайтоннинг дўкони*) даги дўкон сўзи **луғавий мажоз**ни юзага келтирган. Боиси “дўкон” сўзи бу ерда кўчма маънода ишлатиляпти. Бунда дунёвий дўкон билан мажозий маънода назарда тутилаётган дўкон ўртасида ўхшашлик, боғлиқлик бор. Шайтоннинг дўкони дея таърифланаётган дунё ҳам барча нарса муҳайё бўлган дўконга ўхшайди, ундан инсон истаган нарсасини топиши мумкин.

Асарнинг “Ражаб ойининг фазилятлари ҳақида” (في فضائل رجب) деб номланган юзинчи бобида хижрий-қамарий йил ҳисоби бўйича еттинчи ой бўлмиш ражаб ойининг фазилятлари, бу ойда рўза тутишнинг афзаллиги ва мазкур ой билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ёритилган. Унда “ражаб” сўзига шундай изоҳ берилган: وقال أهل الإشارة: رجب ثلاثة أحرف راء وجم وباء؛ فالراء رحمة، والجم جرم العبد وجنابته، والباء بر الله، كأن الله تعالى يقول: أجعل جرم [8:378] (яъни: *Ишорат аҳли деди: Ражаб уч ҳарфдан иборатдир: ро, жим, ба. Ро – Аллоҳнинг раҳмати, жим – банданинг гуноҳи, ба – Аллоҳнинг яхшилигини англатади. Гўёки Аллоҳ, “бандамнинг гуноҳини раҳматим ва яхшилигим орасига оламан”, деяётгандай*). Бу ерда “ишорат аҳли” деганда тасаввуф вакиллари назарда тутиляпти. Мазкур ибора ҳам луғавий мажозга мисол бўла олади.

Асарнинг “Шайтоннинг макри ҳақида” (في مكر الشيطان) номли тўқсон еттинчи бобида шайтоннинг хийлалари, унинг доимо инсонни васваса қилишга ва тўғри йўлдан оздиришга уриниши ҳақида сўз юритилади. Бунда Ғаззолий шундай фикрни билдиради: فأهل التقوي لا يتعذر [عليهم سد أبواب الشيطان وحفظها بالحراسة 8:370] (яъни: *Тақво аҳлига шайтоннинг эшикларини ёпиш ва*

ўз тақволарини яхшилаб ҳимоя қилиш қийин эмас). Мазкур жумладаги “шайтон эшиклари” мажозий маънода қўлланган ибора эканлиги ўз-ўзидан маълум. Бунда шайтоннинг инсонни васваса қилиш учун доимо очик турадиган эшиклари – йўлдан оздириш усуллари назарда тутилмоқда. Шу жиҳатдан эшик сўзи луғавий мажозни юзага келтирган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир сўз ёки сўзлар гуруҳи (сўз бирикмаси, жумла) нинг ўз луғавий маъносидан бошқа маънода, яъни кўчма маънода келиши натижасида ҳосил бўладиган мажоз ўзига хос бадий восита сифатида барча даврлар адабиётида фаол қўлланувчи услубга айланган. У муаллиф фикрини ўқигувчига ўзига хос усулда етказишга ёрдам беради ва фикрий ифоданинг охорлилигини таъминлаб туради. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Мукошафату-л-кулуб” асарида мажознинг балоғат илмида тилга олинадиган мураккаб мажоз, мажози муфрад, айниқса, луғавий мажоз каби турларининг кўп қўлланганлиги асарнинг таъсир кучи ошишига, муаллиф мақсадининг рўёбга чиқишига, асарнинг бадий-эстетик нуқтаи назардан пухта бўлишига асос бўлган. Уларни ўрганиш тадқиқотчиларга муаллиф маҳоратини кашф қилишда дастурул-амал вазифасини ўтайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ан-Наъим ул-кабир. Арабча-ўзбекча луғат. Тузувчилар: Носиров О., Юсупов М. ва б. – Наманган: Наманган, 2014. – 810 б.
2. Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Тарж. А.Рустамов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 б.
3. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 124 б.
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 400 б.
5. Рустамий С.А. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Тошкент: Zilol buloq, 2019. – 240 б.
6. Шарифов З. Балоғат фани. Баён ва бадеъ илмлари. – Тошкент: Movarounnahr, – 296 б.
7. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 246 б.
8. أبو حامد الغزالي. مكاشفة القلوب. القاهرة. دار الحديث. تحقيق أحمد جاد. 4002. 614 ص.
9. أحمد الهاشمي. جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبيدع. المكتبة العصرية. صيدا – بيروت. 4002. 804 ص.
10. عبده عبد العزيز فلقيلة. البلاغة الاصطلاحية. القاهرة. 11. دار الفكر العربي. 2991. 193 ص.
12. https://ar.wikipedia.org/wiki/%D9%85%D8%AC%D8%A7%D8%B2_%D8%A7%D9%84%D9%82%D8%B1%D8%A2%D9%86

СОТВОЛДИЕВ Ойбек,

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот
маркази етакчи илмий ходими
oybeksaydali1996@gmail.com

“АТ-ТАБАҚОТ АЛ-КУБРО” АСАРИДА ШАХСЛАР БИОГРАФИЯСИ

БИОГРАФИИ ЛИЦ В “АТ- ТАБАКАТ АЛЬ-КУБРА”

BIOGRAPHY OF PERSONS IN “AL- TABAQAT AL-KUBRO”

Аннотация: “Ат-Табақот ал-кубро” асари табакот жанрида ёзилган ва бизгача етиб келган асарларнинг энг қадимийси ҳисобланади. Ибн Саъд бу китобининг дастлабки икки жилдида Пайғамбар алайҳиссаломнинг сийратларини ёритганидан сўнг саҳобалар, сўнгра тобеинлар, кейин эса ўз давригача яшаб ўтган олимлар биографиясини қаламга олган. Минглаб шахслар таржимаи ҳолини баён қилган ушбу китоб ислом оламида кенг тарқалиб, ислом тарихи бўйича энг муҳим ва қўп мурожаат қилинадиган манбага айланган.

Таянч иборалар: Ибн Саъд, Табақот, Сийра, Мағозий, Ансоб, Ахбор, Ровий, Далоил ан-Нубувва.

Аннотация: «Ат-Табакат аль-Кубра» является одним из самых старых произведений, написанных в жанре табакат, и сохранилось до наших дней. В первых двух томах этой книги Ибн Саад написал биографии сподвижников, затем последователей, а также ученых, живших до его времени, после того, как осветил биографии Пророка (да благословит его Аллах и приветствует). Эта книга, в которой рассказываются биографии тысячи людей, получила широкое распространение в исламском мире и стала самым важным и широко используемым источником в истории ислама.

Ключевые слова: Ибн Саад, Табакат, Сийра, Магази, Ансаб, Ахбар, рассказчик, Далаил ан-Нубувва.

Annotation: “At-Tabaqat al-Kubra” is one of the oldest works written in the field of tabaqat and has reached us. Ibn Sa’d wrote a biography of the companions, then the followers, and then the scholars who lived up to his time, after covering the biographies of the Prophet (peace and blessings of Allah be upon him) in the first two volumes of this book. Describing the biographies of thousands of individuals, this book spread widely in the Islamic world and became the most important and widely used source on Islamic history.

Keywords: Ibn Sa'd, Tabaqat, Seerah, Maghazi, Ansab, Akhbar, Narrator, Dalail an-Nubuwwa.

КИРИШ

Ислом тарихнавислигининг муҳим жанрларидан бири табакот жанри бўлиб, бу йўналишда ёзилган асарларда ислом тарихидаги муҳим шахслар, олимлар, шоирлар ва бошқа турли соҳа вакиллариининг ҳаёти маълум кетма-кетликда баён қилинади. Мазкур жанрда ёзилган ва бизгача етиб келган китобларнинг энг қадимийси Муҳаммад ибн Саъд Зухрий (784-845) қаламига мансуб “ат-Табақот ал-кубро” (ёки “Китоб ат-табақот ал-кабир”) [10:351] асари ҳисобланади. Гарчи ундан аввал ҳам “Табакот” номли китоблар ёзилгани қайд этилса-да, уларнинг бирортаси бизгача етиб келмаган [5:56-63]. Ибн Саъднинг асари ислом тарихининг дастлабки уч асрини ёритиши ва кенг қамровлилиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ибн Саъднинг “ат-Табақот ал-кубро” асари икки асосий бўлимдан таркиб топган. Булар “Ахбор ан-Набий” (сийрат-мағозий) ва “Табакот” (саҳоба, тобеин ва таба тобеинлар таржимаи ҳоли) бўлимларидир. “Ахбор ан-Набий” бўлими муаллифнинг шогирди Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома тарафидан нақл қилинган. Асарнинг “Табакот” қисми эса талабаларидан Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома ва Хусайн ибн Фаҳумлар тарафидан нақл қилинган [5:56-63]. “Ахбор ан-Набий” қисмида воқеа-ҳодисаларнинг хронологик кетма-кетлигига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, маълум мавзуга доир маълумотлар бир сарлавҳа остида жамланиб, тарқоқликни бартараф қилишга уринилган. “Табакот” бўлими эса кишиларнинг Пайғамбар алайҳиссаломга

яқинлиги, қачон мусулмон бўлгани, яшаган жойи, жинси каби хусусиятларга кўра табакалар шаклида тартибланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Ат-Табакот ал-кубро”нинг илк икки жилди “Ахбор ан-Набий”, сийрат ва мағозий мавзуларини ўз ичига олади. Асарнинг биринчи жилди учқисмдан ташкил топган. Биринчи қисмда Пайғамбар алайҳиссаломнинг насл-насаблари ва насабларининг бошқа пайғамбарларга етиб бориши очиб берилган. Шу маънода Одам ва Ҳавво алайҳимассалом, Идрис, Нух, Иброҳим, Исмоил алайҳиссаломлар, Муҳаммад алайҳиссалом билан Одам алайҳиссалом орасида ўтган йиллар ва асрлар, Пайғамбар алайҳиссаломнинг исмлари, аждодлари, она ва момолари, боболаридан Қусай, Абдуманоф, Ҳошим ва Абдулмуталиб, оталари Абдуллоҳ ва оналари Омина бинту Ваҳбнинг турмуш қуришлари, Пайғамбар алайҳиссаломнинг Маккадаги нубувватдан аввалги ва кейинги ҳаётлари баён қилинган. Бу бўлимда муаллиф, айниқса, Набий алайҳиссалом насабларининг пок эканини кўрсатиб беришга уринган [9: 309-436].

Ибн Саъд мазкур қисмни ёзишда устози Вокидийга кўп бора мурожаат қилган бўлса-да, бошқа устозларининг ривоятларига ҳам ўрин ажратиб, ўздан аввал ёзилган асарлардан мукамалроқ асар юзага чиқаргани ошкор. Ибн Саъддан кейин Табарий, Ибнул Асир ва Ибн Касирлар ҳам аини методни қўллаган ҳолда ўз асарларини Олам яратилишидан бошлаб, қадим даврларга оид маълумотларни батафсил келтиришга уринишган.

Ибн Саъд биринчи жилднинг иккинчи қисмида пайғамбарликдан аввалги ва кейинги ҳодисаларни ўз ичига олган Макка даври ҳақида сўз юритади. Учинчи қисмда эса Мадинага хижратдан кейинги даврни барча тафсилотлари билан ёритиб беришга ҳаракат қилган. Мазкур бўлимда муаллиф “шамоил” ва “далоил ан-нубувва”нинг илк намунаси саналувчи маълумотларни Пайғамбар алайҳиссаломнинг Таврот ва Инжилдаги васфлари, у зотнинг ахлоқлари (сўзлашлари, таомланишлари, хутба қилишлари, намоз ўқишлари ва бошқ.), халқий сифатлари (сочлари, соқоллари, қон олдиришлари), кийимлари, шахсий ашёлари

ва вақфлари каби сарлавҳалар остида тўплаб, у зотнинг хос сифатларига урғу берган [10: 309-436]. Ибн Саъд “Аломат ан-нубувва” билан боғлиқ хабарларни илк бор жамлаган муаллиф бўлиши билан бирга “Шамоил” адабиётининг шаклланишига ҳам туртки бўлган. Ибн Саъднинг асари Имом Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадия”, Ибнул Жавзийнинг “ал-Вафо”, Абу Нуайм Исфажонийнинг “Далоил ан-нубувва” ҳамда “Ҳиятул авлиё” ва Байҳақийнинг “Далоил ан-нубувва”си каби ўздан кейин ёзилган барча асарларга намуна вазифасини ўтаган.

Ибн Саъд Пайғамбар алайҳиссаломнинг давлат раҳбарлари ва қабила раисларига юборган даъват мактублари, Мадинага келган ҳайъатлар ҳақидаги ривоятларни ҳам келтирган. Мазкур ривоятларда турли ҳудудларда тарқалган динлар, бошқарув ва идора шакли, ижтимоий тузум каби бир қатор масалаларни ёритишга ёрдам берувчи муҳим маълумотлар учрайди.

“Ахбор ан-Набий”нинг иккинчи жилди икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм сарийя ва ғазотлар билан бошланиб, унда Пайғамбар алайҳиссаломнинг дафн қилинишларигача бўлган ҳодисалар батафсил ёритилган. Ибн Саъд мазкур қисмда Пайғамбар алайҳиссаломнинг ғазот ва сарийяларини тамомила хронологик тартибда зикр қилган. Муаллиф ғазот ва сарийяларнинг тарихи, уларнинг қаерда бўлиб ўтгани ва нечанчи ғазот ёки сарийя экани, байроқни ким ташигани, ғазот ва сарийяларда қандай тактика қўлланигани, натижа қандай бўлгани каби қўплаб жиҳатларни қамраб олган. Ибн Саъд Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳасталанишлари, вафотлари, дафн қилинишлари, мерослари ва у зот учун айтилган марсиялар каби мавзуларни баён қилиш билан биринчи бўлимни тамомлаган. Иккинчи қисм “Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётлик вақтларида Мадинада фатво берган саҳобалар”, “Қуръони каримни жам қилганлар ҳамда Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин фатво берган саҳоба ва тобеинлар” номли сарлавҳалар билан бошланади. Мазкур иккинчи қисмда эркаклардан ташқари аёллардан фақатгина Оиша розияллоху анҳо ва Амра бинти Абдурраҳмонларнинг номи учрайди. Муаллиф бу ерда кишиларнинг тўлик

биографиясидан эмас, илмий шахсиятидан баҳс юритгани боис ушбу қисмни табақот бўлимининг бошланиши сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Муаллифнинг мазкур қисмда келган ва кейинги бўлимларда ҳам номлари учрайдиган кишиларнинг фақатгина илмий тарафларини очиб бериши асарда маълумотлар такрорланишининг олдини олган.

Асарнинг учинчи жилдидан табақот бўлими бошланган. Ибн Саъд ўз асаридаги биографияларни тартиблашда энг аввало Умар розияллоху анхунинг девон дафтаридagi тартибни асос қилиб олган. Табақаларнинг ичида эса девонда бўлгани каби исломга киришда биринчиликка эътибор қаратилган.

Табақаларнинг умумий кўриниши қуйидагича келтирилган. Биринчи табақа – Бадр ғазотида қатнашган муҳожир ва ансор, иккинчи табақа – Ҳабашистонга ҳижрати сабаб Бадр ғазотида қатнаша олмаганлар ва Уҳуд ғазотида иштирок этганлар, учинчи табақа – Ҳандақ жанги ва ундан кейинги жангларда қатнашган ҳамда Макка фатҳидан аввал мусулмон бўлганлар, тўртинчи табақа – Макка фатҳи асносида ва ундан кейин мусулмон бўлганлар, бешинчи табақа эса Пайғамбар алайҳиссаломни ёшлик вақтида кўришга эришган бола саҳобийлардан иборат [11:294-297].

Бу бўлимлардан кейин Ибн Саъд кейинги табақаларда янгича услублар қўллаб, биографияларни мусулмон бўлиш тарихлари ва насабга кўра келтириш баробарида замон ва макон жиҳатлари эътиборидан таснифлаган. Ўз асарида шахсларни шаҳарларга кўра таснифлаган илк муаллиф Ибн Саъд эмас. Унинг замондоши Халифа ибн Хаййот ҳам айни айни таснифотни қўллагани маълум. Ибн Саъднинг Халифа ибн Хаййотдан нақл келтириши у ўз асарини Ибн Саъддан аввал қаламга олганини кўрсатади. Бироқ, Ибн Саъднинг Ибн Хаййотдан нақл қилган ривоятлари метод нуқтаи назаридан ундан таъсирланган дейиш учун кифоя қилмайди. Ибн Саъд ҳар табақада аввал саҳоба, сўнгра тобеин ва таба тобеинларни зикр қилган. Шахсларни аввало Мадина сўнгра навбати билан Макка, Тоиф, Яман, Ямома, Баҳрайн, Куфа... шаклида географик тартиб қўллаган. Ибн Саъд ўзидан кейин ёзилган шаҳар тарихи

асарларига шу жиҳатдан таъсир ўтказган. Кейинги муаллифлар қаламга олган асарларида ўша шаҳарда камол топган ва яшаб ижод қилган олимлар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим қилишган. Шунингдек, Куфада яшаган шахслар биографиясини ўқиш асносида шу даврда рўй берган ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин.

Куфадан сўнгра Басра, Мадоин, Хуросон, Шом, ал-Жазира ва Мисрда яшаган шахслар ҳақида маълумот берилган. Мазкур шаҳарлардан ташқари Восит, Бағдод, Айла, Ифрикия, Андалус, Рай ва Авосимда яшаган фақиҳ ва муҳаддисларнинг биографиялари ҳам ўрин олган. Ибн Саъд зикр қилган биографиялар орқали Арабистондан ташқаридаги ерларнинг ҳаммасига ҳам саҳобаларнинг етиб бормагани ҳақида хулоса чиқади. Шунингдек, ушбу маълумотлар шаҳарларнинг илмий марказга айланиш жараёни ва мазкур шаҳарлардаги илмий ҳаётни ҳам ёритиб беради.

Асарнинг сўнги жилд аёл саҳобалар таржимаи ҳолига бағишланган. Муаллиф “Табақот ан-Нисо” номини олган ушбу бўлимда ҳам Умар розияллоху анхунинг девон дафтарига асосан аёлларни беш табақага ажратган [2:89].

Муаллиф эркакларнинг таржимаи ҳолида аввало шахснинг исми, насаби, лақаби ва кунясини келтиради. Ота-онасининг насабини, аёли ва фарзандларини санаб ўтади, сўнгра вафот тарихи ва жойини билдириб ўтади. Муаллиф саҳобалар орасидан машҳур бўлганларини зикр қилишда уларнинг мусулмон бўлиши, Пайғамбар алайҳиссалом билан боғлиқ хотиралари ва фазилатларига тўхталиб ўтади. Баъзи ҳолларда шахснинг моддий ҳолати, ташки кўриниши, соч-соқолини бўяб-бўямагани, кийиниши каби майда элементларгача баён қилганини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Ибн Саъд ислом тарихнавислигида ҳам ўзидан аввал ёзилган асарларнинг бугунги кунгача етиб келишида кўприк вазифасини ўтаган ҳамда ўзидан кейин келган тарихчилар учун метод ва услуб нуқтаи назаридан ўзгача йўналиш кашф қилгани билан муҳим ўрин тутди. Ибн Саъднинг “ат-Табақот ал-кубро” асарини илк икки жилди эътиборидан сийрат-мағозий, қолган жилдларига кўра эса

тарожим китоби сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Асарнинг илк икки жилди сийрат-мағозий соҳасида Ибн Исҳоқ-Ибн Ҳишом ва Вокидийларнинг асаридан кейин ҳозиргача сақланиб қолган энг қадимий асардир. Шу билан бирга “ат-Табақот ал-кубро”, асарлари бизгача етиб келмаган Мусо ибн Уқба, Абу Маъшар Синдий каби сийрат олимларининг ривоятларини ҳам ўз ичига олиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ибн Саъднинг “Табақот”и ҳижрий илк икки асрдаги ҳарбий-сиёсий жараёнлар, илмий фаолиятлар ва жамият ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардан саналади. Бироқ, асардаги таржимаи ҳоли келтирилган барча шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳам батафсил эмас. Баъзи кишиларнинг Пайғамбар алайҳиссаломга яқинроқ бўлгани ёки уларнинг тарихий ходисларда муҳим рол ўйнагани улар ҳақида кўпроқ маълумот берилишига сабаб бўлган. Бу ҳолат ўзи яшаган даврда у қадар ҳам машҳур бўла олмаган кишилар ҳаётини ўрганиш ишини мушкуллаштиради.

Кейинги давр тарихчилари тарафидан Ибн Саъднинг методи кенг қўлланилган ва ривожлантирилган. Балазурий, Табарий, Ибн Абдулбарр, Ибнул Асир, Ибн Касир, Ибн Ҳажар каби тарихчилар ўз асарларининг сийратга оид қисмларини манбаларни ўзаро қиёслаб, шу шаклда таълиф этишган. Табарий ва Ибнул Асир ўз манбалари сирасида Ибн Саъдни зикр қилмаган бўлсалар ҳам, маълумот ва метод нуктаи назаридан Ибн Саъдга ҳамоҳанг бўлишгани кўзга ташланади. Ибн Саъднинг сийратда хронология баробарида айни мавзудаги ходисаларни бир сарлавҳа остида қаламга олиши кейинги давр муаллифлари ижодига таъсир кўрсатган, улар ҳам айни услубдан фойдаланишга уринишган. Айниқса, бу услуб маълум тарихий даврга жойлаштириш мушкул бўлган далоил хабарларининг таснифи борасида жуда қўл келган. Ибн Саъднинг бу турдаги хабарларни алоҳида сарлавҳа остида зикр қилиши “Табақот”ни далоил, шамоил адабиётининг илк намунасига айлантирган.

Умуман олганда “ат-Табақот ал-кубро” асари ислом тарихининг дастлабки уч асрида яшаб ўтган шахслар таржимаи ҳолини ўрганишдаги энг қадимий ва энг муҳим манба бўлгани билан ўзига хос аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ahmad Nazir Atassi. A History of Ibn Sa'd's Biographical Dictionary Kitāb al-Ṭabaqāt al-Kabīr. – Santa Barbara: University of California at Santa Barbara, 2009.
2. Derya Korkmaz. İbn Sa'd ve Tabakatında Kadınlar. – Erzurum: Atatürk Üniversitesi, 2020.
3. İbn Sa'd. Kitābü't-Tabakāti'l-Kebīr. – Истанбул: Сийер нашриёти, 2020.
4. Mehmet Zeki Bakırcıoğlu. İbn Sa'd'ın et-Tabakâtül-Kübrâ'sında Sahabe Bilgisi. – Sakarya: Sakarya Ünv. Sosyal Bil. Enstitüsü, 2007.
5. Süleyman Genç. İbn Sa'd'ın Hayatı ve Eserleri. – İzmir: Dokuz Eylül Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 1987.
6. Ибн Саъд. ат-Табақот ал-хомиса. (Мухаммад ибн Сомил Суламий), ношир муқаддимаси. – Макка: Уммул Қуро университети, 1409.
7. Мухаммад Жабр Абу Саъда. Даврус-саҳобият фил мужтамиъ ал-исломий мин хилалил-китаб ат-Табақот ал-кубро ли Ибни Саъд. –Макка: Жамияту Уммул Қуро, 1993.
8. Мухаммад ибн Солих ибн Жавод Сомирий. Ибн Саъд манҳажуху ва маваридуху фи китабиҳи ат-Табақот ал-кубро. – Дубай: Дор Имод ад-дин, 2010.
9. Ибн Саъд. Табақот (Али Мухаммад Умар таҳқиқи). 1-жуз. – Қоҳира: Мактабатул Хонжий, 2001.
10. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. 4-жуз. – Байрут: Дору Содир, 1972.
11. Мустафа Файда. ТДВ энциклопедияси, “Ибн Саъд”, 20-жуз. – Истанбул: ТДВ нашриёти, 1999.
12. Шаъбон Ўз. Илк сийрат манбалари ва муаллифлари. – Истанбул: ISAR. 2006.

МЎМИНОВА Мафтуна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тажёр-тадқиқотчиси

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА УСТОЗ- ШОГИРД АНЪАНАСИНING АКСИОЛОГИК ТАЛҚИНИ

АКСИОЛОГИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТРАДИЦИЙ НАСТАВНИКА-ВОСПИТАННИКА НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ АЛИШЕРА НАВОИ

AXIOLOGICAL INTERPRETATION OF THE MENTOR-PUPIL TRADITION ON THE EXAMPLE OF ALISHER NAVOI'S WORK

Аннотация: Қадриятлар жамият тараққиётининг маҳсули сифатида замоннинг руҳи, имкониятлари, муайян ижтимоий муҳитда яшаган одамларнинг орзу-умидлари, талаб ва эҳтиёжларини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, халқ донишмандлиги маҳсули бўлган устоз-шогирд аънаъасини аксиологик талқини Алишер Навоий ва унинг шогирдлари билан бўлган муносабатида қўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: Аксиология, устоз-шогирд, халқ донишмандлиги, аънаъа, ижтимоий муҳит, имконият, тадқиқот, муносабат.

Аннотация: Ценности как продукт развития общества отражают дух времени, его возможности, мечты, требования и потребности людей, живущих в определенной социальной среде. С этой точки зрения аксиологическая интерпретация традиции учитель-ученик, которая является продуктом народной мудрости, рассматривается во взаимоотношениях Алишера Навои и его учеников.

Ключевые слова: Аксиология, наставник-ученик, народная мудрость, традиция, социальная среда, возможность, исследование, отношение.

Annotation: Values as a product of socio-economic, cultural and spiritual development of society reflect the spirit of the times, opportunities, aspirations, desires, needs and requirements of people living in a particular social environment. In this context, the axiological study of the teacher-student tradition, which is the product of folk wisdom, is an important issue. This article discusses the axiological interpretation of the teacher-student tradition in relation to Alisher Navoi and his students.

Keywords: Axiology, teacher-student, Alisher Navoi, folk wisdom, tradition, social environment, research, attitude, society, development.

КИРИШ

Алишер Навоий ўзбек адабиётини энг юксак камолот чўққисига олиб чиққан, ўзбек адабий тилимизга асос солган, муаззам Шарққа тилимизнинг боқийлиги, нафосати ва бойлигини кўз-кўз қилган мутафаккир сифатида тарихда қолган. Шунинг билан бирга устоз-шогирднинг самимий муносабатида ҳикмат берадиган асарлари ҳамиша эзгуликка етаклаб келган.

“Бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кетаётган ва бугунги кунда биз Марказий Осиёнинг келажаги бўлмиш ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашимиз лозим” [1:369]. Шу нуқтаи назардан, халқ донишмандлиги маҳсули бўлган устоз-шогирд аънаъасини аксиологик тадқиқ этиш муҳим масаладир. Қадимдан шаклланиб, қадрият даражасига етган ушбу устоз-шогирд аънаъаси Алишер Навоий ижодий меъросида янада камол топди. Айтиш лозимки, Навоий шахсияти ва ижоди билан боғлиқ бир қатор изланишлар мавжуд, аммо шоир ижодий меросида устоз-шогирд аънаъасининг аксиологик талқинига бағишланган махсус тадқиқот иши кўзга ташланмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Навоий ўз даврида устоз сифатида миллат тарихида муҳим ўрин тутган интеллектларни етиштириб берди. Улардан энг комили шаксиз, Камолитдин Беҳзод эди. XV асрдаги Ҳирот адабий, бадиий-илмий, санъат ва маданият оламида пайдо бўлган жуда кўп шахслар сингари Беҳзоднинг ижодий камолотида Алишер Навоий ҳал қилувчи роль ўйнаган. “Устод Беҳзоднинг (яъни Алишербекнинг) тарбият ва тавқияти билан, саъй ва эҳтимоли билан мундоқ тараққий ва шуҳрат, мундоқ машҳур ва маъруф бўлди”. [2]. Беҳзод ижодининг мавзу доираси, қаҳрамонлари шу ерда Навоий ва бошқа санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган.

Навоийнинг ёш илм аҳлига бўлган муносабати ва ҳомийлиги тўғрисида “Бобурнома”да ҳам эътироф этилади. “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо

бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва таквияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай” [3: 233]. Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъаткорлари Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад каби мусаввирлар, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур каби хаттотлар ижод билан банд бўлганлар. Беҳзод шу кутубхонада айниқса, хаттот Султон Али Машҳадий ва Ёрий Музаҳҳиб билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган.

Навоий даврида шогирдлик йўли билан устозлардан илму ҳунар ва санъат ўрганиш анча кенг тарқалган эди. Ўша даврдаги фан ва санъат мударрисларидан ҳунармандлик, хаттотлик, меъморлик, табобат, кимёгарлик, санъаткорликдан илм ўрганардилар. Айниқса, ҳунар-санъат усталарининг шогирдлари кўп бўлган. Шулардан бири Қулмуҳаммад эди. Устод Қулмуҳаммад Навоий давридаги моҳир созанда бўлган. «Мажолис ун-нафоис»да келтирилишича, ғижжак, уд ва қўбузни жуда яхши чалган, рассом ва наққош бўлган. “Устод Қулмуҳаммад кичик эркандаким, мусиқа ўрганур эрди, чун бот ўрганмоқи била ҳўб ишлар ясамоғи шуҳрат тутти. Фақирға доия бўлдим, бу фаннинг илмийсини дағи билгай, мавлоно Бу Алишоҳ бўкаким, бу фанда асрининг бебадалидур – анга сипориш қилинди”. Шунингдек, яна бир мусиқий илми устозларидан Алишоҳ эди. “Навоий унинг мусиқа назариётига оид «Асл ул-васл» номли асарини тилга олади. Шоир Қулмуҳаммадни Алишоҳга таълим олиш учун тавсия қилган” [4: 88]. Навоий мусиқа илми ривожига жиддий эътибор қаратган ва ҳомийлик қилган. Унинг мусиқа илмини ривожлантириш борасида ғамхўрлиги Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи мусикия” асарининг сўз бошисида Жомий томонидан билдирилган миннатдорчилик сўзларида яққол ўз аксини топган: “Улуғ инсонлар рағбати ва эътибори (яъни Алишер Навоий) ва ғамхўрлиги натижасида ушбу рисола юзага келди”. [5: 5] Навоий Абу Наср Фаробийдан шох Ферузгача давом этган улуғ мусиқий устоз-шогирд анъанаси – тараққиёт йўлини муносиб давом эттирди.

Навоий таълим даргоҳи – мадрасалар қуришга ҳам алоҳида эътибор берди. У Хирот

шаҳридаги “Инжил” ариғи бўйида ниҳоятда чиройли “Ихлосия” мадрасасини барпо эттирди. Унга ном қўйилиши ҳақида шундай дейди: “Бу Мадраса ким улуси ихлосдин ясалди, “Ихлосия” от қўйилди”. Навоий чин ихлос билан қурилган бу мадрасани ўша замоннинг энг намунали ўқув масканига айлантириш учун маблағни аямай, махсус вақф мулки белгиланган. Ўз мадрасасидаги ўқувчиларни моддий жиҳатдан таъминлаб туришга ҳаракат қилган. Мадрасадаги ўқув ишларига бош мударрис раҳбарлик қилган, ҳўжалик ишларини эса мутавалли олиб борган. Мадрасага бирор бир касб-ҳунарга, ўрта даражадаги маълумотга, эга бўлган шаърийят қоидаларини, давлат тартиботларини яхши билган, илмий қобилияти жамоаларда эътироф этилган, обрўли шахслар тавсиялари асосида ўқишга қабул қилинган. [6: 466]

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да адабиёт майдонида эндигина кўрина бошлаган мурид шоирларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: “Мавлоно Сифотий эмди пайдо бўлғонлардандур, фақир ҳануз ани кўрмайдурмен, аммо шеърин эшитибмен”, “Мавлоно Асирий ҳам эмди пайдо бўлғон хуштабъ йигитлардиндур” [7: <http://e.adabiyot.uz>] ва бошқалар. Навоий “Мажолис ун-нафоис” таъкирасининг 2-мажлисида фарзанд ўрнида қадрлаган шогирди шоир Мирзобек ҳақида маълумот беради. Хусусан, Алишер Навоий Мирзобек ҳақида ёзар экан, “унинг жуда эрта вафот этганини, бадиият жиҳатдан етук байтлар битса-да, уларни якунига етказмаганлигини афсус билан баён этади. Хусусан, унинг:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,

Ким жонга қаро бало бўлубтур.

деб бошланувчи матлаъсини тугатиб, ўз девонига киритганлигини айтади” [8].

Ҳазрат Навоий устоз кўрмаган шогирдлар ҳақида ҳам ўз қарашларини баён этади. Жумладан, Абдурахмон Жомийнинг вафоти муносабати билан ёзган марсиясида шогирдларнинг муршидсиз қолганлигини қуйидагича тасвирлайди:

“Аҳли тавҳид, ки бе муршиди комил гаштанд,

Садашон мушкили ҳалношуда дар кор бимонд [9: 102].

(Ҳақиқатга етишмоқчи бўлганлар комил муршидсиз қолди,

(Уларнинг) юзларча мушкиллари ҳал бўлмай шундайин қолди”).

“Мажолис ун-нафоис”да Мавлоно Биноийга таъриф бера туриб, унинг “сифати салби учун фақр тариқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам торготи, чун пири ва муршиди йўқ эрди” [9: 69] дея муршидсиз мурид тақдирини ачиниш билан баҳолайди.

Қолаверса, Навоий меросида устозини норизо айлаган муридлар тақдири ҳам фожиали мисолларда кўзга ташланади. Жомийнинг “Нафахот ул-унс”, Навоийнинг “Насоим ул-муҳаббат” асарларида Мансур Ҳаллож ҳақида мақола мавжуд. Охирида (ҳар икки мақола айнан) Мансур Ҳалложнинг устози Абу Амр Ибн Усмон Маккий [10:295] бир рисола ёзганлиги қайд этилади. Уни пинҳон тутар экан. Мансур уни яширинча олиб, элга ошқор қилади. Бу асар нозиклик ва асрорларини тушунмай, оломон уни рад этади. Устози эса бу воқеадан сўнг Мансур Ҳалложни “илоҳи, бировни анга гумонлаким, илик-аёғин кесгай ва кўзин ўйгай ва дорға тортқай, деб қарғаган экан. Нимаики Мансур Ҳаллож бошига тушган бўлса, устоди дуоси билан бўлди”, дейилади.[9: 295]

Ҳазрат “Маҳбуб ул-қулуб”нинг Ўн саккизинчи фасл – “Дабиристон аҳли зикрида” “Шогирд агар шайх улислом, агар қозидур, агар устод андин розидур – тенгри розидур” дейди ва қуйидаги байтни тамсил этади:

“Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”. [9: 25]

Навоий “Ҳайратул аброр” асарининг 2-мақолатида бир илм толибининг катта умидлар билан ўз шаҳридан йўлга чиқиб, бошидан кечирган қулфат ва машаққатларини тасвирлайди. Навоий ўша саргузаштини ўзи “Самарқандга келганидан сўнг дастлабки пайтлардаги саргузашти таассуротида ёзган бўлса керак. Лекин мазкур саргузашт ўша даврдаги илм толиблари учун жуда характерлидир.

Зулм дурут ушбуки бир нотавон,
Илм тилаб шаҳридин улгай равон.
Эғнида авроқу китоби анинг,
Қилгали таҳсил шитоби анинг” [6: 466].

ХУЛОСА

Навоий илм ўрганмоқнинг фазилати, устозлардан олинган сабоқнинг шарафи ҳақида “Маҳбуб ул-қулуб”да фикр юритади. Илмнинг асосий хусусияти киши учун фойдали эканлигида, унга қадр-қиммат ва эҳтиром

келтиришда деб билади. Кимки ўқиб, унга амал қилмаса, ерни ҳайдаб, уруғ сепмаганга ёки уруғ сепиб, ҳосилидан баҳра олмаганга ўхшайди, деб эътироф этади.

Азал-азалдан муаззам Шарқда устоз-шогирдлик муносабатлари қадрият даражасига кўтарилган. Одам Ато давридан тортиб то бугунга қадар давом этаётган устоз-шогирдлик ришталари ўзаро эҳтиром ва муҳаббат, ғамхўрлик ва фидойилик тушунчалари билан чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан айри тасаввур этиб бўлмайди. Мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борган ва фан, маданият ҳамда адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатган тасаввуф таълимотида ҳам устоз-шогирдлик (пир-муридлик) муносабатлари муҳим аҳамият касб этган. Шу нуқтаи назардан, ҳазрат Навоий ҳам шу йўлдан борди ва уни юксак даражага олиб чиқди, бойитди. Шоирни бир томондан ижодкор сифатида ўз шогирдларига илму ҳунар ўргатгани, иккинчи томондан шахс сифатида уларга ҳам маънан ҳам моддий ҳомийлик қилганлиги унинг чинакам миллат фидойиси бўлганлигини англатади ва бунга шубҳа йўқдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., 2021. – Б.369
2. Камол Ҳасан Шалтут (Миср) // <https://e-tarix.uz/saxslar/642-maqola.html>
3. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Тошкент, 1960. – Б. 509. – Б. 233.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. – Ж. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1987. – 224 б.
5. Абдурахмон Жомий. Рисолаи мусикия / форс тилидан таржима. – Т.: Абдулла Қодирий номи Тошкент давлат маданият институти, 1994.
6. Азимов Д. Алишер Навоий – таълим-тарбия жонқуяри // «Scientific Progress» Scientific Journal Issn: 2181-1601 \ Volume: 1, Issue: 5.
7. Тўлқин Эшбек. Алишер Навоийнинг адабиётшунослик ва тилшуносликка доир асарлари // <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/1057-maqola.html>
8. Юсупова Д. Алишер Навоийнинг адабиётшунослик ва тилшуносликка доир асарлари // <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/1057-maqola.html>
9. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. – Ж. 13. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1987. – 300, 224, 295, 315, б.
10. Худонинг ягоналигига ва улуғлигига эътиқод қилиш илми – С. Ғаниева изоҳи. МАТ. 14-жилд. 295-бет

ПИРМУХАМЕДОВ Баҳодир Баҳрамович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси катта ўқитувчиси
e-mail: bahodir2674@gmail.com

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ АРАБ ИЛМЛАРИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ В РАЗВИТИИ АРАБСКИХ НАУК

THE ROLE OF MAHMOUD ZAMAKHSHARI IN THE DEVELOPMENT OF ARABIC SCIENCES

Аннотация. Мазкур тадқиқотда Маҳмуд Замахшарийнинг араб илмлари ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил қилиниб, унинг тилишунослик, грамматика, лексикология, аруз ва адаб илмларига оид асарлари ҳақида маълумот берилади. Хусусан, ўрта аср араб адабиётида машҳур бўлган “Маърузалар илми” таърифи, унинг келиб чиқиш тарихи, бу йўналишида ёзган олимлар ва уларнинг асарлари таҳлил қилинади. Шунингдек, “Маърузалар илми” аҳамияти ва бу йўналишида ёзилган китобларнинг мазмун моҳияти ҳақида фикр юритилади. Тадқиқотда Маҳмуд Замахшарийнинг араб илмлари таснифига киритилган “Маърузалар илми” йўналишида яратилган “Рабийъу-л-аброр” асари, алломанинг уни яратишдан мақсади ёритилиб, асарнинг мазмун моҳияти қисқача таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: араб илмлари, грамматика, лексикология, аруз, маърузалар илми, фикҳ, тафсир, ҳадис, маъоний илми, араб адабиёти, фразеологик бирикмалар, мақоллар, “Рабийъу-л-аброр”.

Аннотация. В данном исследовании анализируется вклад Махмуда Замахшари в развитие арабских наук и приводятся сведения о его трудах по языкознанию, грамматике, лексикологии, арузу и литературе. В частности, анализируются дефиниция «Науки о лекциях», которая была очень развита в средневековой арабской литературе, история ее возникновения, а также, ученые, писавшие в этой области и их труды. Обсуждается значение и важность «Науки

о лекциях», а так же содержание книг, написанных в этой области. В исследовании описывается работа Махмуда Замахшари «Рабий’у-л-аброр», которая включена в раздел «Науки о лекциях», входящая в классификацию наук основ арабского языка, в частности какие цели преследовал Замахшари при её создании, и дается краткий анализ содержания книги.

Ключевые слова: науки арабского языка, грамматика, лексикология, аруз, литература, наука о лекциях, юриспруденция, тафсир, хадис, стилистика, арабская литература, фразеологические обороты, пословицы, «Рабий’у-л-аброр».

Annotation: This study analyzes the contribution of Mahmoud Zamakhshari to the development of Arabic sciences and provides information about his works on linguistics, grammar, lexicology, aruz and literature. In particular, the definition of “Science of lectures”, which was very developed in medieval Arabic literature, the history of its occurrence, as well as scientists who wrote in this area and their works are analyzed. The meaning and importance of the “Science of Lectures” is discussed, as well as the content of books written in this field. The study describes the work of Mahmud Zamakhshari “Rabiy’u-l-abror”, which is included in the section “Sciences of lectures”, which is part of the classification of the sciences of the basics of the Arabic language, in particular, what goals Zamakhshari pursued when creating it and a brief analysis of the content of the book is given.

Key words: the science of the fundamentals of the Arabic language, grammar; lexicology, aruz, literature, the science of lectures, fikh, tafsir; hadith, stylistics, Arabic literature, phraseological turns, proverbs, «Rabiy’u-l-abror».

КИРИШ

“Жоруллоҳ”, “Устозул араб ва ажам”, “Фахру Хоразм” каби улуғ номларга сазовар бўлган аллома ҳамюртимиз Махмуд Замахшарий ислом цивилизацияси, хусусан араб илимлари ривожига бекиёс ҳисса қўшган алломалардан ҳисобланади. Забардаст олим Махмуд Замахшарий ўзининг сермахсул ҳаёти давомида олтамиш олтита йирик асарлар яратди. Улар тилишунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, халқ оғзаки ижоди, фалсафа, ислом тарихи, география бошқа фанларга оид асарлардир [1;4].

АСОСИЙ ҚИСМ

Замахшарий араб илмлари ривожига катта ҳисса қўшган алломалардандир. У ажам (араб бўлмаган) бўлса ҳам, араб илмларини ривожлантиришдаги хизматлари кўпгина олимлар томонидан юқори баҳоланиб эътироф этилган. Жалолиддин ас-Суютий у ҳақда: “У жуда илмли ва фазилат эгаси, ниҳоятда зукко, истеъдодли ва ҳар бир илмни мукамал эгаллаган” [2;279]. Ибн Халикон: “Тафсир, ҳадис, наҳв, тил ва баён илмининг буюк имоми эди. У ўз асрининг буюк олими ва ўзи эгаллаган илмларда барчани ўзига тортар эди”[3;168]. Мазкур фикрлар алломани араб тили ва у билан боғлиқ барча илмларни мукамал эгаллаганини кўрсатади. Аллома ўзининг “Муфасссал” асари муқаддимасида: “Мени араб илмлари олими қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин” [4;29] дейди. Замахшарий яратган асарларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксари араб тили ва у боғлиқ илмлардир. Доктор Аҳмад Муҳаммад ал-Ҳуфийнинг “Замахшарий” асарида буни яққол кўришимиз мумкин. Олим ўз китобидаги Замахшарийнинг асарларини қуйидагича таснифлайди:

Диний илмларда:

Ал-Кашшоф

Руъусу-л-масоил (фиқҳ илми)

Мўъжаму-л-худуд (фиқҳ илми)

Минҳаж (усул илми)

Долату-н-ношид ва роид фи илми фароид

Мухтасару-л-мувофақа байна аҳли-л-байт

ва-с-саҳаба

Тилшунослик:

Асосу-л-балоға

Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис

Ал-Жибал ва-л-амкина ва-л-мияҳ

Аъжабу-л-аъжаб фи шарҳ ламияти-л-араб

Шарҳ мақамату-з-замахшарий

Ал-Мустақсо фи амсали-л-араб

Самиму-л-арабия

Муъжам арабий фарисий

Грамматика:

Ал-Муфасссал

Ал-Унмузаж

Шарҳ абят китаб Сибавайҳ

Ал-Муҳажра би-л-масайли-н-наҳвия

Муқаддимату-л-адаб

Нукату-л-аъроб фи ғариби-л-иъроб

Ал-Амалий фи-н-наҳв

Ал-Муфрад ва-л-мураккаб

Шарҳ баъд мушкилати-л-муфасссал

Аруз илми:

Кустос

Адаб илми:

Навобиғи-л-калим

Мақомату-з-замахшарий

Атваку-з-заҳаб

Дийвану-з-замахшарий

Ал-Қасидату-л-баъудия

Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахёр

Рисалату-л-асрор

Ақлу-л-кул

Китабу-л-ажнас

Охирги икки китоб мантиқ илмида бўлиши мумкин [5;63].

Замахшарийнинг тафсир, ҳадис, фиқҳ ва бошқа диний илмлар бўйича ёзган асарлари кўпгина олимлар томонидан эътироф этилиб, улар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган, бу эса Замахшарийни диний илмларни жуда мукамал эгаллаганини кўрсатади. Алломанинг юқорида зикр қилинган асарларининг таснифи орқали унинг кўпгина асарлари тил, грамматика, лексикология, балоғат ва адаб илмларига бағишланганини яққол кўришимиз мумкин. Бу илмлар, яъни араб тили ва у билан боғлиқ илмлар “араб илмлари” сифатида тасниф қилинган. Ўрта аср олимлари араб илмларини 12 та илмга тақсимлаганлар. Улар қуйидагилардир:

Луғат илми(лексикология)

Сарф илми(морфология)

Наҳв илми(грамматика)

Маъоний илми

Баён илми

Бадиъ илми

Аруз илми

Қофия илми

Ёзув қоидалари илми

Ўқиш қоидалари илми

Рисола ва хутбалар ёзиш илми

Маърузалар илми, у тарих илмларини ҳам қамрайди[6;24].

Охирги йилларида Ўзбекистонда Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Жумладан, А.Рустамов, У. Уватов, З.Исломов, М.Ҳакимжонов, М.Оқилов, Ф.Абдуллаев, Н.Шарипов, Ў.Қориев, М.Носирова, Н.Сулаймонова ва Ш. Мирзиётовларнинг[7] Замахшарий илмий меъросига оид тадқиқот ва мақолалари чоп этилди. Бу тадқиқотларнинг аксари алломанинг араб тилига бағишланган асарлари бўйича амалга оширилган. Лекин юқорида таҳлил қилинганидек, араб илмлари фақатгина тилшунослик билан чекланиб қолмаган. Унда кўпчиликга нотаниш йўналиш (علم المحاضرات)-маърузалар илми, баъзи олимлар уни яъна (الأدب) -адаб деб ҳам номлайдилар.

Маърузалар илми араб илмларининг муҳим йўналиши бўлиб, бу йўналишда кўпгина олимлар ижод қилиб, жуда қимматли асарлар яратганлар. Маъруза илми қандай илм ва нималарни ўз ичига олишини кўриб чиқамиз.

Ўрта аср араб адабиёти дунё халқлари адабиётидан ўзининг турли хиллиги ва серқирра жанрлари билан ажралиб туради. Унда Жоҳилия даври қасида ва “муаллақа” лари ва араб халифалиги даврида, яъни VIII-IX асрларда кенг ривож топган юнон, форс ва сурёний тиллардаги асарларни таржималари билан бойитилган маълумотларни кўришимиз мумкин. Маърузалар илми (تأريخ الملوك) га келсак, бу йўналиш наср ва шеър жанрида ёзилган адабий китоблар, шунингдек, араб ва мусулмонлар эгаллаган барча илмлар бўйича ёзилган китобларни англатади. Ҳожи Халифа бу илмни шундай таърифлайди:

«هو علم يحصل منه ملكة إيراد كلام للغير، مناسب للمقام، من جهة: معانيه الوضعية أو من جهة: تركيبه الخاص» [9061;8]

“Бу илм орқали бирор кишининг гапини зарур вазиятда ўзига хос услубда етказиш малакасига эга бўлинади”.

Яна бир таърифда ал-Қанужий шундай дейди:

المحاضرات: استعمال كلام اليلغاء أثناء الكلام في محل مناسب له على طريق الحكاية [105;9]

“Маърузалар (илми) : Гап давомида балоғат илми олимлари гапини вазиятга муносиб равишда ҳикоя усулида қўллашдир”.

Бу илм маъоний илмига жуда яқин, улар орасидаги фарқ шундаки, Маърузалар илмида вазият таққозосига қараб, олим ва фозил кишиларнинг фикрларини тингловчига етказиш бўлса, Маъоний илмида эса сўзловчи

тингловчига унинг ҳолати ва вазиятидан келиб чиқиб гап гапиришидир.

Бу илм араб илмлари ичида муҳим ва жуда манфаатлидир. Унда Қуръони карим, ҳадис, шеър, мақол, фразеологик бирикмалар, араб ва аҷам олимларининг муаян мавзулар бўйича фикрлари келтирилади. Ибн ал-Хатиб бу илм аҳамияти ҳақида шундай фикрларни билдиради: علم المحاضرات علم نافع في أنواع المحاورات، وهو علم عال من العلوم العربية، وفن فاخر من الفنون الأدبية، يحتاج إليه طوائف الأنام، ويرغب فيه العلماء العظام. [21;01]

“Маърузалар илми муҳовара турларидаги фойдали илмдир, у араб илмлари ичидаги юксак илм, адабиёт санъатлари ичидаги нафис санъатдир. Унга барча тоифа одамлари муҳтож бўлиб, унга буюк олимлар мурожаат қилишган”.

Мазкур таъриф маърузалар илмини оддий одамлар ва олимлар учун жуда аҳамиятли эканлиги яққол кўрсатмоқда.

Маърузалар илмига оид асарлар яратиш ўрта асрларда кенг тарқалган. Уларга талаб ва эҳтиёж юқори бўлган. Бу йўналишда яратилган машҳур асарлар қуйидагилардир:

Абу Амр Аҳмад бин Муҳаммад бин Абду Раббих (ҳиж. 328 йил вафот этган) нинг “ал-Йъкду-л-фарид” асари

Абу Али ал- Муҳсин бин Али ат-Танухий (ҳиж. 383 йил вафот этган) нинг “Нишвару-л-муҳодара ва ахбару-л-музакара” асари

Абул Фараж ал-Муъфий бин Закария ан-Наҳраваний ал-Жаририй (ҳиж. 389 йил вафот этган) нинг “ал-Жалис-у-солиху-л-кофий ва-л-анису-н-носиху-ш-шофий” асари

Абу Саъд Мансур бин Хусайн ал-Аби (ҳиж. 421 йил вафот этган) нинг “Насру-д-дур” асари

Маҳмуд Замахшарий ҳам араб илмларига оид бошқа асарлари билан бир қаторда араб илмларининг яна бир муҳим йўналиши бўлмиш Маърузалар илми бўйича “Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахбор” асарини яратган. Мазкур асар алломанинг асар муқаддимасида келтирган маълумотида кўра машҳур “ал-Кашшоф” асаридан кейин, яъни ҳижрий 528 йили алломанинг Маккадалик даврида ёзилган. Аллома бу хусусда қуйидагича ёзади: “Бу китобни, “ал-Кашшоф” ўқувчилари зехнига дам бериш, билим ва қобилятларини фикрлашга ишлатиб, бундан толиққан дилларига ором бериш, зерикканларида ўқиб

завкланишлари учун ёздим... Ундан Касир бин Абдурахмоннинг Иззага ёзган ғазаллари ва Жамил бин Абдуллоҳнинг гўзал шеърларини ўқийсан. Яхши суҳбатдош ҳоҳласанг, ундан яхши суҳбатдош йўқ, янги хабар керак бўлса, ундан яхши хабарчи йўқ. Ҳузнга мойил бўлсанг, кўз ёшингни шашқатор оқизар, шодон кулги керак бўлса, ундан ичак узди латифалар топасан”[11;27].

Мазкур асар таркибий жиҳатдан 98 бобдан, баъзи манбаларда ёзилишича, 92 бобдан иборат (Кашфуз-зунун). Асар “Вақт, дунё ва охираат ҳақидаги” боб билан бошланиб, “Ҳашоротлар, ер юзидаги бошқа ҳайвонлар ва улар билан боғлиқ нарсалар ҳақидаги” боб билан якунланади. Асардаги мавзулар тартиби алифбо тартибида тузилган. Асар дин, ахлоқ, география, наботот ва бошқа илмларни қамраб олган. Ҳар бир боб Қуръони оятлари ва мавзуга оид ҳадислар, алломалар фикри ва шоирлар шеърлари билан ёритилган.

ХУЛОСА

Замахшарийнинг мазкур асари араб илмлари таснифига кирувчи Маърузалар илмида яратилган муҳим манбалардан ҳисобланади. Бу асар алломанинг бизга маълум тафсир, наҳв (грамматика) адаб илмлари бўйича етук олим эканлиги билан бирга уни ҳадис, фикҳ, география, наботот ва бошқа ижтимоий фанларни ҳам мукаммал эгаллаганини кўрсатади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Маҳмуд Замахшарий. Муқадимату-л-адаб / Нашрга тайёрловчи З. Исломов-ТИУ. – Т.: 2002. – Б. 4
2. جلال الدين السيوطي بغية الوعاة في طبقات اللغويين والنحاة ج2، ص 279
3. ابن خلكان «وفيات الأعيان» ج 5، ص 168 دار صادر بيروت. 1969
4. أبو القاسم محمود بن عمر الزمخشري «المفصل في علم العربية» ج 29، دار عمار 2004
5. الدكتور أحمد محمد الحوفي «الزمخشري» ص 63. دار الفكر العربي 1966
6. الشيخ محمد بن عبد الباري الأهدل. «الكواكب الدرية على متممة الأجرومية»، ص 24. مؤسسة الكتب الثقافية، بيروت 1990.
7. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 10., Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий.
8. كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون: مصطفى بن عبد الله المعروف بحاجي خليفة، دار الفكر بيروت 1982 م ص 1609
9. أبجد العلوم الوشي المرقوم في بيان أحوال العلوم: صديق بن حسن القنوجي، الناشر: دار الكتب العلمية- بيروت، 1978، تحقيق: عبد الجبار زكار م 1 ص 501
10. روض الأخييار المنتخب من ربيع الأبرار: محمد بن قاسم بن يعقوب الأماسي المعروف بابن الخطيب، دار القلم العربي، ص12.
11. ربيع الأبرار ونصوص الأخبار: محمود الزمخشري، م1، ص27

USMONXO‘JAYEVA E‘zoxon Hamidxon qizi,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
“Filologiya va tillarni o‘qitish (arab tili)”
yo‘nalishi 2-bosqich talabasi

MIRZIYOTOV Ilyos Mirg‘iyosovich
(ilmiy rahbar)

MAHMUDXO‘JA BEHBUDIY HAYOT YO‘LIGA BIR NAZAR

ВЗГЛЯД НА ЖИЗНЬ МАХМУДХОДЖИ БЕХБУДИ

A GLANCE AT MAKHMUDKHOJA BEHBUDI'S WAY OF LIFE

Annotatsiya: Ushbu maqola XX asr o‘zbek jadidchilik harakatida faol ishtirok etgan, hayoti va borlig‘ini xalqning ma‘rifatli bo‘lishiga sarflagan samarqandlik ma‘rifatparvar Mahmudxo‘ja Behbudiy haqida. U qisqa hayoti va sarmazmun ijodini xalq ma‘rifati, millat kelajagi, Vatan taraqqiyotiga baxshida qilgan ajdodlarimiz timsoli. Maqolada uning vafotidan so‘ng olim ijodiga ko‘rsatilgan e‘tibor, ayniqsa istiqloq yillaridagi e‘zoz xususida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Jadid, Behbudiy, “Jadidlar otasi», Baxshitepa, ilk pyesa, Qarshi, Haj, qatag‘on, “Padarkush», mufti, ma‘rifatparvar, usuli jadid, Ismoil G‘aspirali, hujjatli film, xazina.

Аннотация: Эта статья о Махмудходже Бехбуди, просветителе из Самарканда, который посвятил свою жизнь активному просвещению узбекского джадидского движения в XX веке. Он – символ наших предков, он посвятил свою короткую жизнь и богатое творчество просвещению народа и будущему нации. После его смерти обсуждалось внимание, уделяемое творчеству ученью, особенно в годы независимости.

Ключевые слова: Джадид, Бехбуди, отец джадидов, Бахшитепа, первая пьеса, Карши, Хадж, репрессия, «Падаркуш», муфти, просвещенный, джадид метод, Исмоил Гаспринский, документальный фильм, сокровище.

Annotation: This article is about enlightened Makhmudkhoja Behbudi who was took an active part in the action of uzbek Jadid in 20th century and, spent the whole of his life to make the nation educated. He is a symbol of our ancestors, who dedicated their short lives and creative work to the enlightenment of the people, the future of the nation and the development of their Motherland. This article discusses the attention paid

to the work of the scientist after his death, especially during the years of independence.

Key words: Djadid, Behbudi, father of djadids, Bakhshitepa, the first drama, Karshi, Haj, repression, «Padarkush», enlightened, the method of djadidizm, Ismoil Gaspirali, documental film, treasure.

KIRISH

Har bir davrning o‘z qahramoni, buyuk shaxslari bo‘ladi. Anashu insonlarning teran fikrlari, oqilona siyosatyuritishlari, manfaatli ilmlari va dadil odimlari ortidan taraqqiyotga, yuksalishga erishiladi, shu yo‘lda intilish hosil bo‘ladi. Shunday insonlar sirasiga XX asrning buyuk siymosi, ulug‘ ma‘rifatparvar olim, jadidchilik harakatining namoyandasi, atoqli jamoat arbobi, qator ilmiy va ijodiy ishlar muallifi bo‘lmish Mahmudxo‘ja Behbudiyni, ishonch bilan, keltirishimiz mumkin.

U tariximizning g‘oyat og‘ir va murakkab bir davrida yashab o‘z nomidan o‘chmas iz qoldirdi. XVIII asrdan boshlangan inqiroz va turg‘unlik, o‘zaro janjal, mahalliy urug‘chilik, ichki va tashqi nizolari millatni holdan toydirgan, imkondan foydalanib o‘lkani zabt etgan Rossiya amaldorlari zo‘r berib, uni turg‘un va tutqun holda saqlashga urinar edi. Mana shunday bir sharoitda Vatanni butunlay yo‘q bo‘lish xavfidan saqlab qolish, avlodlarni erk va ozodlik, mustaqillik ruhida tarbiyalash, ma‘rifat va taraqqiyotga boshlash jadidlar nomi bilan tarixga kirgan Behbudiy boshliq fidoyilar zimmasiga tushdi.

ASOSIY QISM

Mahmudxo‘ja Behbudiy Turkiston jadidchilik harakatining asoschisi, boshlab beruvchisi edi. “Mahmudxo‘ja bin Behbudxo‘ja bin Solihxo‘ja bin Niyozxo‘ja, - deb yozadi Hoji Muin, - Behbudiyning yuqori bobolari. Nasab jihatidan Xo‘ja Ahmad Yassaviyga borib yetadi” [3;19].

Milodiy 1875-yilning 20-yanvari, hijriy 1291-yilning 10-zulhijjasida Samarqand yaqinidagi Baxshitepa qishlog‘ida dunyoga kelgan Behbudiy o‘ta ziyoli oilada kamol topadi. Yuqorida ta’kidlanganidek, silsilasi Ahmad Yassaviyga borib taqaladi. Ona tomonidan bobosi Niyozxo‘ja urganchlik bo‘lib, amir Shohmurod zamonida (1785-1800 yy.) Samarqandga kelib qolgan. Ilk faoliyatini 18 yoshida qozixonada mirzalik qilishdan boshlaydi, keyinchalik, yuksak ilmiy salohiyati, tafakkuri va layoqati sabab qozi, hatto

muftiy darajasigacha ko'tariladi. "Mufti" arabcha so'z bo'lib, fatvo beruvchi, diniy masalalarda qaror chiqaruvchi ma'nolarini anglatadi. "Mufti, - deb yozilgan "Islom ensiklopediyasi"da, - diniy-huquqiy masalalarni izohlash, talqin qilib berish, shariatni tatbiq etish borasida hal qiluvchi huquqqa ega. Odatda uning fikr va qarorlari fatvolarda bayon etilib, musulmonlar uchun qo'llanma hisoblanadi" [2;171]. Ish faoliyati davomida aholining turli qatlamlari vakillari bilan muloqotda bo'ladi va bu, o'z navbatida, xalq orasida mavjud bo'lgan muammo, kamchilik va qusurlarni o'rganishga, ularni o'z qarashlari yuzasidan tahlil qila olishiga zamin yaratadi. 1894-yilda otasi, imom-xatiblik faoliyati bilan shug'ullangan Behbudxo'ja vafot etadi. Yosh Mahmudxo'ja tog'asi qozi Muhammad Siddiq tarbiyasi va qaramog'ida o'sib voyaga yetadi. Arab sarf-nahvini kichik tog'asi Mulla Odildan o'rganadi. "Behbudiy afandi, - deb yozadi Hoji Muin, - yolg'uz qoriliq bilan qanoatlanmay, o'zining tog'asi mufti mulla Odil huzurida dars o'qurga kirishdi. Arabiy sarf-nahvdan "Qofiya" va "Sharhi mullo"ni, "Shamsiya"ni, fiqhdan "Muxtasar ul-viqoya"ning birinchi daftarini va bir oz "Hoshiya"ni mazkur zotning halqayi (qo'l ostida) tadrисida o'qudi. Hisob ilmini ham (masohatgacha) shul kishidan o'rgandi...

Behbudiy afandi dars jamoasining qorisi edi. Tog'asi ham ustozi mufti mulla Odilning so'ziga ko'ra, Behbudiy afandi yoshliq chog'ida o'tkur zehnlilik va o'qushg'a juda havasliq bo'lg'on. Ustozining bir qatla o'rgatishi bilan saboqini o'rganar ekan. O'zi halim, adablik, oz so'zlik va o'yun-kulguni sevmayturg'on bo'lg'on" [3;21].

Mahmudxo'ja Behbudiy dunyoqarashining shakllanishida Rossiya jadidchilik harakatining asoschisi Ismoilbek Gasprinskiyning xizmati katta bo'lgan. U 1892-yilda Turkistondagi maktablarni isloh qilish, "usuli savtiya"ni joriy etish taklifi bilan general-gubernator N.O.Rozenbaxga murojaat etadi. Javob ololmagach, 1893-yilda o'zi Toshkentga keladi. Samarqand, Buxoroda bo'ladi. Mahalliy xalq bilan gaplashib, dastlabki yangi usul maktablarni ochishga muvaffaq bo'ladi. Behbudiy o'z xotiralarida ustozi bilan uchrashuvlarini ixlos va muhabbat bilan tilga oladi. 1899-1900-yillarda Behbudiy 8 oy mobaynida haj safarida bo'ladi.

Mahmudxo'ja Behbudiy hajga safari davrida ham ko'plab insonlar bilan suhbatlashadi, o'lka va jahondagi vaziyatlarni, qarashlarni, imkoniyatlarni solishtiradi hamda o'ziga tegishli xulosalarni oladi.

Behbudiy ko'rinishidan mahobatli, mutakabbir shaxsdek tasavvur uyg'otgani, biroq suhbatlar va yaqindan tanishish jarayonida bu taxminlar puch chiqib, uning naqadar sofdil, kamsuqum va betakalluf inson ekani zamondoshlari tomonidan alohida qayd etiladi [4].

Xalqimizda "Musofir bo'lmaguncha, musulmon bo'lmas", degan gap bor. Haqiqatan, dunyo ko'rish izsiz ketmaydi. Xorij mamlakatlariga safar yangi maktab haqidagi qarashlarini mustahkamlaydi. Uning tashabbus va g'ayrati bilan 1903-yilda Samarqand yaqinidagi Halvoyi qishlog'ida Ajziy, Jomboy tumanining Rajabamin qishlog'ida Abdulqodir Shakuriylar bilan hamkorlikda yangi maktab ochadi. Behbudiy Qozon va Ufaga borib (1903-04 yy.), u yerdagi yangi usul maktablari bilan tanishadi, tatar ziyolilari bilan aloqani yo'lga qo'yadi. Keyinchalik (1908 y.) Shakuriyning Rajabamindagi maktabini Samarqanddagi o'z hovlisiga ko'chirib keltiradi. Adib bu maktablar uchun darsliklar tuzishga kirishadi. Ketma-ket "**Risolai asbobi savod**" (1904 y.), "**Risolai jug'rofiyai umroniy**" (1905 y.), "**Risolai jug'rofiyai Rusiy**" (1905 y.), "**Kitobatul-atfol**" (1908 y.), "**Amaliyoti islom**" (1908 y.), "**Tarixi islom**" (1909 y.) kabi kitoblarini yozib tugatadi. Mavzularning rang-barang ekani ham Behbudiyning ilmiy salohiyati naqadar keng ekaniga dalolat beradi.

"Bizni "Madxali jug'rofiyayi umroniy" va "Muxtasari jug'rofiyayi Rusiy" kitobimizda Ovrupa, Osiyo, Afriqo, Ameriqo va Avstraliya ham Rusiya mamlakatlarini masohat (o'lchov), hudud, nufuslarini qadari va soati va har biriga necha mamlakat va hukumat borlig'i va Rusiya mamlakatini taqsimot va nufuslarining eski va yangi qit'alarini hudud va dengizlari va yer yuzidagi islom, nasoro, yahud va majuslarni adadi mufassal va hifzi bilan bayon etdilar" [5].

1903-1904-yillarda Moskva, Peterburgga boradi, 1907-yilda Qozon, Ufa, Nijniy Novgorodda bo'ladi. Bular sayohat emas, xizmat safari edi. Chunonchi, Nijniy Novgorodda 1907-yilning 23-avgustida Rossiya musulmonlarining turmush va madaniyati muammolariga bag'ishlangan qurultoyi chaqiriladi. Mahmudxo'ja Behbudiy turkistonliklar guruhini boshqaradi va o'zining katta nutqi bilan chiqish qiladi.

Ma'rifat uchun birgina maktabning o'zi kifoya qilmaydi. Zamon va dunyo voqealari bilan tanishib bormoq, o'z qadriyatlariga moslashtirib,

mavjud vaziyatni isloh qilmoq kerak. Millat uchun oyna kerak, toki undan o'z qabohatini ham malohatini ham ko'ra olsun. Mana shu ehtiyoj va zarurat Behbudiyi teatr va matbuotga boshladi. "Padarkush" dramasi shu tariqa maydonga keldi. Biroq uning dunyo ko'rishi oson kechmadi. Garchi pyesa 1911-yilda yaratilgan bo'lsa-da, 1913-yildagina bosilib chiqadi. Kitob jildidagi "Borodino jangi va Rossiyaning fransuzlar bosqinidan xalos bo'lishining yubiley sanasiga bag'ishlanadi" degan yozuv bilan Tiflis senzurasidan ruxsat olinadi [6;42]. Bosilib chiqqandan keyin ham sahnaga qo'yish uchun yana bir yil vaqt ketadi. Avval Samarqandda, keyin Toshkent shahrida sahnalashtiriladi.

1913-yilda "Nashriyoti Behbudiya" nomi ostida xususiy nashriyotini ochadi. Xuddi shu yillarda Samarqandda ommaviy kutubxona barpo etadi va uni "Kutubxonai Behbudiy" deb nomlaydi. Ta'kidlash joizki, ushbu kutubxonaga dunyoning turli tomonlaridan ulkan hajmlarda noyob kitoblar keltirilgan va xalq e'tiboriga havola etilgan. Kutubxona fondining 2/3 qismini tarixga oid kitoblar tashkil etishining o'zi ham buyuk jadidimiz millatning o'zligini anglashini, undagi xato va yutuqlardan to'g'ri xulosalar chiqarishini istaganini yaqqol isbotlaydi.

"Dunyoga ishonmoq uchun, komil va odil bo'lmoq uchun tarixni o'qumoq va bilmoq kerak. Podshoyu vazir, hukumat odamlari va siyosiy kishilar uchun tarix o'qumoq kerak. Dini islomning asli payg'ambar va sahobalarning islomiyat va ummat uchun jafo chekkan va mehnatlarini bilmoq uchun tarix o'qumoq kerak. Past qolgan va yo taraqqiy qilgan xalqlarni, jahongir bo'lgan davlat, yo nopadid bo'lgan hukumatlarni bilmoq uchun tarix o'qumoq kerak... Musulmonlik qanday ko'paydi va taraqqiy etdi va al'on na uchun musulmonlar tanazzul etdilar? Va iloji xuddoriy va taraqqiy nadur? Muni bilmoq uchun tarix o'qumoq kerak. Xulosa, dinu dunyodan boxabar bo'lmoqni xohlaydurgan har kim uchun tarix o'qumoq kerak. Chunki har nimasa va shuning asli va nasli tarixdan bilinur", -deydi u tilga olingan maqolasida [7;503-504]. Behbudiya kutubxonasida bu kitoblar orasida uch tomlik "Tarixi madaniyat", "Tarixi islom", "Buyuk tarixi umumiy", "Tarixi istiqbol", "Turk tarixi", "Zafarnomayi shohiy", "Xulosayi tarixi madaniyat", "Oynayi tarixi usmoniy", "Madaniyati islomiya tarixi", "Temurlang", "Yigirmanchi asrda olami islom va Ovrupa", "Tarixi kashf ul-Amriko",

"Tarixi Eron", "Tarixi Eroni buzurg", "Tarixi Baxtiyori" va boshqalar bor edi [8]. Binobarin, tadqiqotchilarning aniqlashicha, Qur'oni karimning to'rtidan birini tarixiy fakt, voqea va ma'lumotlar tashkil etadi. "Zarafshon" gazetasining 2016-yil 19-yanvar, 9-sonida chop etilgan Jaloliddin Ismoilov qalamiga mansub maqolada Behbudiy o'z kutubxonasida ajoyib muhit yaratgani, qiroatxonaga tashrif buyurgan o'quvchiga qaynoq qandli choy tuhfa qilgani alohida e'tirof etiladi [9]. Uning nazdida, qaynoq qandli choy insonni yanada tetiklashtiradi va ilmga bo'lgan rag'batini oshiradi, shu bilan bir qatorda, kelguvchining hurmat va diqqatiga ham sazovor bo'linadi.

Mahmudxo'ja Behbudiy 1913-yilda "Samarqand" gazetasini tashkil etdi va unga o'zi shaxsan muharrirlik qildi. "Mahalliy turkiy va forsiy o'rta shevada ilm-fan, adabiyot, tijorat, hunar va ziroatdan, Rusiya ahvoli va madaniyati, xorijiy mamlakatlari holidin, olami Islom tirikligidan yozg'uvchi madaniyat musavvar jaridadir", -deb yozgan edi Behbudiy gazetasining 15-aprelda nashr etilgan sonida ushbu gazetaga izoh bera turib. Dastavval, "Samarqand" gazetasi haftada ikki bor, ikki sahifa ko'rinishida chop etilgan. Gazetasining 7-8-sonidan 4 betlik bo'lgan va 400-600 adadda nashrdan chiqqan. "Samarqand" gazetasining izdoshi sifatida 1917-yil 16-apreldan dunyo yuzini ko'rgan "Hurriyat", 1918-22 yillarda bosilib chiqqan "Mehnatkashlar tovushi" gazetalarini ko'rsatishimiz mumkin. Ular ham Behbudiy bilan umumg'oyani ilgari surdilar, ma'rifat, ilm-u urfonni ulug'ladilar, xalqni hurriyatga, o'zlikni anglashga, talabi ilmga chorladilar.

1913-yil 20-avgustda Mahmudxo'ja Behbudiy o'zining "Oyna" jurnaliga asos soladi. Ushbu jurnal nafaqat Turkistonda, balki boshqa hududlar, xususan, Kavkaz, Tatariston, Eron, Afg'oniston, Turkiyada ham sevib o'qilar, sevimli bo'lishga ulgurib bo'lgan edi. Inson haq-huquqlari, til va adabiyotga doir masalalar, dunyoda ro'y berayotgan eng so'nggi yangiliklar, jahon siyosati ushbu jurnalning asosiy mavzularidan sanalar edi. Ta'kidlash joizki, jurnal o'zining xos va qiziqarli tarzda yetkazib bera olish mahoratiga ega bo'lgan.

Mahmudxo'ja Behbudiy tarix zarvaraqlariga birinchi o'zbek dramaturgi sifatida ham kirgani e'tirofga sazovordir. Jaholat va razolatni qoralovchi "Padarkush" dramasi, keyinchalik, o'zining ta'sirida qator asarlar yaratilishiga turtki bo'ladi. Abdulla Qodiriyning "Baxtsiz kuyov"

pyesasining yaratilish tarixi ham shunga borib taqaladi: “1913-yilda chiqqan “Padarkush” pyesasi ta’sirida “Baxtsiz kuyov” degan teatr kitobini yozib yuborg‘onimni o‘zim ham payqamay qoldim”, deb xotirlagandi u 1915-yilda [10].

Behbudiy faqatgina ilm-fan, maorif bilangina cheklanib qolmay, siyosiy jarayonlarda ham qizg‘in ishtirok etadi. Jumladan, 1917-yilning 27-noyabrida Qo‘qonda o‘lka musulmonlarining IV favqulodda qurultoyida 72 kun yashagan Turkiston muxtoriyati e‘lon qilinishida Mahmudxo‘ja tashkilotchilardan edi.

Inson tabiati shunday: o‘zgarishlarni qabul qilishdan ko‘ra o‘zgartirishlarsiz yashamakni afzal biladi. Jim oqayotgan suvni to‘lqinlatuvchi birov kelsa, yovga qaragan nigoh ila boqadi. Xuddi shunday, bolsheviklar hukumatiga ham xalqni uyg‘otuvchi, kim bo‘lgani, kimga aylanib qolayotgani va kim bo‘lajagini eslatib turuvchi shaxslar kerak emas edi. Ular hamisha Behbudiy va uning safdoshlari yo‘liga g‘ov bo‘lishdi, bor imkoniyatlarini ishga solib, ularni yo‘ldan olib tashlashga tirishishdi.

Mahmudxo‘ja Behbudiy 1919-yil 25-mart kuni Qarshi shahrida qatl etiladi. Ayanchlisi, uning qabri hanuz topilgan emas. Ulug‘ bir insonning hayotdan nasibasi uzilishi millat fidoyilari uchun haqiqiy motam bo‘ldi, do‘stlari, shogirdlari, ma‘naviy o‘g‘illari uni xotirlab, ta’sirli marsiyalar, asarlar bitishdi.

Ulug‘ ajdodimizning pok nomi, aziz yodi munosib qadr topishi uchun mamlakatimizda qator amaliy ishlar amalga oshirildi. Jumladan, Adiblar xiyoboniga Mahmudxo‘ja Behbudiy haykali o‘rnatildi. 2021-yilda uning nomidagi muzey tashkil qilindi, hayoti va ijodi aks etgan hujjatli film suratga olindi. Shuningdek, O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasida Mahmudxo‘ja Behbudiy nomidagi maxsus stipendiya ta’sis etildi. Tavalludining 145 yilligiga bag‘ishlab joylarda turli adabiy-badiiy tadbirlar o‘tkazildi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentning 2020-yil 30-sentabrdagi Farmoniga binoan, Abdulla Avloniy, Munavvar qori Abdurashidxonov safida Mahmudxo‘ja Behbudiy ham “Buyuk xizmatlari uchun” ordeni bilan mukofotlandi [1].

Albatta, bu buyuk siymoni har qancha e‘zozlasak, ilmiy va ijodiy merosini o‘rgansak, hayotimizga tatbiq etsak va boshqalarga o‘rnak va o‘git qilib ko‘rsatsak arziydi. Uning nomini abadiylashtirish yo‘lidagi ishlar hali bu faoliyatning

debochasi bo‘lishiga ishonamiz. Zero, jadid Vadud Mahmudning ta’biri bilan aytganda:

“Mahmudxo‘ja Behbudiy kim edi... (Avval kim edi)?

Mahmudxo‘ja Behbudiy Turkiston degan o‘lkaning boshlig‘i edi.

Mahmudxo‘ja Behbudiy Turkistonning yo‘lboshchisi edi.

Mahmudxo‘ja Behbudiy o‘zining Turkiston bolasi ekanligini tushungan bir yigit edi. Shuning uchun u bizga, Turkistonga har narsa edi. Mahmudxo‘ja Turkistonning yangilik davri tarixida yorug‘ bir chirog‘ edi. Mahmudxo‘janing oti Turkiston tarixida ziynatlik mumtoz o‘run olishiga munosib bir otdir” [10].

XULOSA

Mahmudxo‘ja Behbudiy timsoli hozirgi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qqotmagan. Shunday ekan, biz, bugungi O‘zbekiston, yangilanayotgan O‘zbekiston farzandlari ajdodlarga munosib vorislar bo‘lishga bor imkoniyatimiz bilan intilishimiz, uning jahon ayvonida munosib mavqega ega bo‘lishi uchun bor kuch-g‘ayratimizni baxshida etishimiz lozim.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Mirziyoyev Sh. Jadidchilik harakati namoyandalarini mukofotlash to‘g‘risida/ 2020-yil, 30-sentabr.
2. Islom ensiklopediyasi, - T.: Toshkent islom universiteti, 2004. – B. 171.
3. Hoji Muin. Tanlangan asarlar. To‘plovchi va nashrga tayyorlovchi N.Namozova. -T.: Ma‘naviyat, 2005.
4. Mahmudov N. Turonzaminning ikki dahosi yoxud Sadridin Ayniy va Mahmudxo‘ja Behbudiy munosabatlari. – Samarqand/Zarafshon, 2019-yil 13-aprel, 46-son.
5. Mahmudxo‘ja Behbudiy. Samarqand usuli jadid maktabining imtihoni xususida. -Turkiston viloyatining gazetasi, 1906, 27-son.
6. Karimov N. Mahmudxo‘ja Behbudiy. -T.: O‘zbekiston, 2010. – B. 42.
7. Mahmudxo‘ja Behbudiy. Tarix va jug‘rofiya/Oyna, 1914. №27.
8. – B. 503-504.
9. Mahmudxo‘ja Behbudiy. “Oyna” jurnali. 1914-yil, 43 va 47-sonlari.
10. Ismoilov J. Behbudiy kutubxonasida kitobxonga qand choy berilgan. - Samarqand/Zarafshon. 2016-yil, 19-yanvar, 9-son.
11. Sayid H. Mahmudxo‘ja Behbudiy kim bo‘lgan? Biz uni munosib qadrlayapmizmi? – Samarqand/Zarafshon. 2020-yil, 7-yanvar.

МУЛЛАСОДИҚОВА Нигора

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
катта ўқитувчиси, PhDРАМАЗОН ОЙИНИНГ
НОМЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ҚАРАШЛАРВЗГЛЯДЫ НА НАЗВАНИЕ
МЕСЯЦА РАМАДАНVIEWS ON THE NAME OF THE
MONTH OF RAMADAN

Аннотация: Бугунги кунда йил ҳисоби милодий ва ҳижрий тақвим билан юритилади. Ҳижрий йили Пайғамбаримизнинг Мадинага ҳижратлари билан боғлиқ. Ҳижрий тақвим бўйича ойларнинг номи ўз тарихига эга. Мазкур мақолада ҳижрий тақвимдаги ой номлари нима асосда танлангани ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: тақвим, ҳижрий тақвим, йил, ой, рамазон

Аннотация: На сегодняшний день год ведется по григорианскому календарю и хиджри. Год хиджры связан с переселением нашего Пророка в Медину. Названия месяцев в календаре хиджры имеют свою историю. В данной статье рассматриваются причины выбора названий месяцев в календаре хиджры.

Ключевые слова: календарь, календарь хиджры, год, месяц, рамадан.

Annotation: To date, the year is conducted according to the Gregorian and Hijri calendars. The Hijra year is associated with the resettlement of our Prophet in Medina. The names of the months in the Hijri calendar have their own history. This article discusses the reasons for choosing the names of the months in the Hijri calendar.

Keywords: calendar, Hijri calendar, year, month, Ramadan.

КИРИШ

Қадимда халқлар маълум қонуният асосида йил ҳисобини юритган. Ернинг Қуёш атрофида бир айланиб чиқишига асосланган тақвим “қуёш тақвими” дейилган. Бу тақвим бугунги кунда милодий ёки Григориан тақвими деб ҳам аталади ва у дунёда энг кенг тарқалган тақвим

деб ҳисобланади. Иккинчи тақвим ҳам Ернинг Қуёш атрофида айланиб чиқишига асосланган бўлиб, йил бошланиши 21 мартга тўғри келади. Бу тақвим давомийлиги ҳам милодий тақвимга мос ва у асосан шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Бизнинг юртимизда ҳам йил бошланиши ва ой номланиши узоқ давр шамсий тақвим билан юритилган.

Араблар жоҳилия ва ундан аввалги даврларда ҳам шамсий тақвимдан фойдаланган. Ўша даврда бир циклдаги йил ўн икки ва ўн уч ой деб ҳисобланган. Қўшимча ўн учинчи ой Пайғамбаримиз даврларида истеъмолдан чиқарилган. Илк ислом даврида санада йил кўрсатилмаган. Вақт ўлчови маълум бир воқеа билан боғланган. Кейинчалик ҳужжат юритишда турли муаммолар юзага келиши билан халифа Усмон бин Хаттоб даврида мусулмонлар йил ҳисобини юритиш учун Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган вақтларини асос қилиб олган. Бу ҳисоб Ойнинг Ер ўқи атрофида айланиб чиқиши билан боғланди, яъни ҳар бир даврда ойнинг қандай шаклда бўлиши ва қай даражада ёруғлик таратиши билан белгиланган. Мазкур ҳисоб бўйича ўн икки ой номланишининг ўз тарихи бор.

Араблар ҳар бир ой номини муайян воқеаларга таянган ҳолда танлаган. Унинг берилишида қиз, ўғилларнинг балоғатга етиши, шариат аҳкомларига асосланган ибодатлар ҳам ҳисобга олинган, шунингдек энг қадимий араб тилидаги ой номлари ҳам маълум маънода таъсир қилган. Мазкур мақолада имкон қадар ойлارнинг номланиш тарихи ёритилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Муҳаррам – ҳижрий-камарий тақвимнинг биринчи оyi. Арабларда бу ой табаррук ойлardan бири сифатида қаралади. Жоҳилия даврида бу оyi “сафар” оyi билан боғлаб, “сафар-ул-аввал” деб ҳам аталган, мазкур ойда “ҳар қандай юриш бесамар бўлади” деган фикр билан жанг қилиш қатъий таъқиқланган.

Сафар – бу ой номи урушга кетган аҳоли ҳисобига юртнинг бўшаб қолиши, ҳудудда тарқаладиган касаллик сабаб аҳоли рангининг сарғайиб, кўзга ташланиб қолиши билан таърифланади. Қадимги араб манбаларида келтирилишича, сафар نجار, ناجر сўзлари билан

боғланиб, шиддатли уруш ёки кучли иссиққа нисбат қилинади.

Рабиу-л-аввал – ҳижрий йилининг учинчи ойи, баҳор мавсумининг бошланишига тўғри келгани сабаб “рабийъул-аввал” дейилган. “ربيع” сўзи араб тилида “баҳор” маъносини беради, қадимги араблар уни “куз” маъносида ҳам қўллаган. Аҳмад Манзиловий ўзининг «شهر رمضان فى الجاهلية والاسلام» китобида Самуд қабиласи савдо-сотик билан шуғулланадиган ушбу ойни “фойда - مورد” оyi деб атаган, бошқа араблар эса уни “طلق – қувончли, озод, боғланмаган”, “خوان – хурсандчилик, озод, боғланмаган” деб атаган. Яъни бу вақтда муборак ойлاردан кейин қабилалар ўртасидаги курашлар давом этган. Рабийъул-охир оyi яна “рабийъус-саний” ҳам дейилган. Ҳижрий йилнинг чорак қисми – тўртинчи оyi ва баҳор мавсумининг давоми сифатида қаралиб, “рабийъул-охир” дейилган. Пайғамбаримизнинг бешинчи боболари Қилаб бин Мурра даврларида шундай ном берилган.

Жумодо-л-увла ва жумодо-л-охира – ҳижрий тақвимнинг бешинчи ва олтинчи ойлари, унинг номланиши “تجمّد – музлаш, муз билан қопланиш” сўзи билан боғланган, бу вақтда араблар территориясида, айниқса шимолий ҳудудларда иқлим жуда совиб кетиб, одамлар совуқдан ўлиб қолишган. Ҳар икки жумодо ойларида кучли совуқ сақланиб қолгани учун бир-бирига боғлиқ номлар вужудга келган. Жумодо-л-охира яна “жумодо-с-соний” деб ҳам аталади.

Ражаб – мазкур ой ҳам исломдан аввал муҳаррам деб ҳисобланган тўрт ой қаторига киритилган бўлиб, унда жанг қилиш ман этилган. Одамлар жанг-жадаллар овозини эшитмаган, бу ҳамма тараф сокин, жимлик ҳукмрон бўлиб қолгани учун мажозий маънода карликка ўхшатишган, барча ҳудудларда тинчлик ҳукмрон бўлгани учун улуғлаб “ражаб” деб номлаганлар.

Шаъбон – мазкур ой номи Пайғамбаримизнинг бешинчи боболари даврида берилган [۲/۱۹۴]. Бу ой дарахтларнинг шохлайдиган вақтига тўғри келган. Баъзи араб қабилалари бу оyi ражаб оyi каби муҳаррам ой деб ҳисоблаган, шунинг учун мазкур ой баъзан иккинчи ражаб деб ҳисобланган. Шаъбон сўзининг асоси “شعب” бўлиб, Рамазон ойидагидек яхши амалларнинг кўп бўлиши,

“شعب – тармоқланиш, тарқалиш” маъносига мувофиқ эса сув топиш, ҳужумлар қилиш ёки бошқа турли сабаблар билан тарқалиш ҳам шу вақтга тўғри келган. Ражаб ва Рамазон ойлари орасида бўлгани учун муҳим сана деб ҳисобланган.

Шаввол – бу ой ҳижрий йилининг ўнинчи оyi бўлиб, унинг биринчи кунда барча мусулмонлар Рамазон ҳайитини нишонлайди. Шаввол деб номланишига сабаб мазкур вақтда туяларнинг сути иссиқ ёки ўзининг ҳолатидан келиб чиқиб айниши ва қуриб кетиши, шунингдек насл қолдириш вақти етганига ишора борлиги билан боғланади.

Зулқаъда – мазкур ой ҳаж қилишдан олдинги ой деб ҳисобланиб, Қуръони каримда зикр қилинган муборак ойлarning энг биринчисидир. Беруний бу ой номини одамлар ўз уйларида уруш-жанжаллардан холи бўлишлари учун шундай номланган, дейди. Сурёнийчада эса ҳажга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳар ким ўз уyiда қолиб, тиззани букишга кўникириш деб таърифланган. Бу ой жоҳилия даврида муқаддас деб ҳисобланган тўрт оyнинг биридир.

Зулҳижжа – бу ҳижрий йил ҳисобининг охириги оyi бўлиб, муҳаррам ойлarning иккинчиси деб ҳисобланади. Бу ой номи Пайғамбаримизнинг бешинчи боболари Қилаб бин Мурра даврига бориб тақалади. Бундай номланишига ҳаж мавсуми сабаб бўлган.

Рамазон оyi эса ҳижрий тақвимнинг тўққизинчи оyi, у жазирама иссиқ кунларга тўғри келган. Мазкур оyiда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръони карим ваҳий қилина бошланган. Бу ой яна мусулмонлар учун йилда бир ۳۰ кун тутилиши буюрилган рўза оyi ҳамдир. “Тафсири Байзовий” асарида рамазоннинг шундай номланишига уч сабаб кўрсатилган: очлик ва ташналикдан жигарнинг куйиши ёки жазирама иссиқда гуноҳларнинг куйиши, қайноқ ерда оёқнинг иссиқдан куйиб кетиши билан боғланади.

Рамазонда инсон бошқа ойлardaги қийинчилик ва оғир юклардан халос бўлиб дам олади, рўза тутиб, соғлигини тиклаб, ҳаётини давом эттириш учун куч-қувват тўплайди. Рамазон сўзининг асоси “رمضان” бўлиб, у “тиғни ўткирлаш, куннинг қизиб жазирама бўлиши, ёндириб юбориш” маъноларини англатади.

Нима учун бу муборак ой номи жазирама иссиқ билан боғланади, деган саволга энг биринчи жавоб қадимда рамазон оий ёз фаслининг энг иссиқ кунларига тўғри келганидадир.

Рамазон сўзи яна الرَّمَضُ – жазирама иссиқлик, куёш ер, тош ёки қумларни қиздириб юборадиган иссиқ маънолари билан боғланади. Бу ловуллаган жазирама иссиқни яна رَمَضَاءُ – рамдā“у” ҳам деб айтилади. Жаҳли чиқиб кетган одамга ҳам “бу уни безовта қилиб, касал қилиши ва оқибатда хафа қилиши мумкин” деб қараганлар. Бу сўз асоси фақат иссиқликка хос эмас. Барча тигли нарсанинг қайралганига нисбатан ҳам “رَمِضُ” – рамид сўзи қўлланади. Темирдан пичоқ ясалганда ҳам шу ўзакдан фойдаланилади. Яна бирор кимса учун ичи ёниб, қайғуга ботиши ҳам اَرْتَمَضْتُ كَبْدَه - жигари куриди маъносида қўлланади.

Қадимгилар яна саратоннинг иссиғида охулар бир жойдан бошқа томонга қўчаётганда уларни овлаш учун таъқиб қилган, охулар қочиб, холдан тойиб, оёқлари кучсизланиб, синиб кетгунча қувишган. Ана шундай жазирамада ов қилишни الرَّمَضُ – тараммуд деб аташган. Подани жазирама иссиқда боқиш эса رَمَضُ – рамдун дейилган. Пайғамбаримиз кун қаттиқ қизиб кетган зуҳо вақтида Аввобинларнинг нафл намози ўқилиши ҳақида айтганлар. Рамазон сўзининг бу маъноларга нима даҳли бор деган савол туғилади. Рўздор бу ойда иссиқдан қийналади, ҳавонинг қизиб кетиши ва қуруқлиги уни чанқатади.

Рамазон номи “рамада – رَمَضُ” ўзагидан ҳосил қилинган ва у “ёндирди, қуйдириб юборди, ловулатди” маъноларини ифодалагани, қадимда энг жазирама иссиқ вақтга айнан шу ой тўғри келгани учун уни ўша иссиқликни ифодалайдиган сўз ўзагидан ҳосил қилинган. Унинг танланиши ва тарихи жоҳилий даврига бориб тақалади.

ХУЛОСА

Келтирилган маълумотлардан қадимда ой номлари мавсумий об-ҳавога қараб танлангани, ўша даврда рамазон саратонга, икки жумодо ойлари қиш чилласига, икки рабийъ ойлари эса ёмғирли ва шудрингли вақтга тўғри келгани кўрсатилган. Араблар ўз ҳис-туйғуларини ҳиссий маънолар билан ифодалашни жуда яхши билган. Шунинг учун саратонда қуруқ ҳавони

ловиллатиб қуйдириб юборадиган ҳақиқий иссиқни “рамад” деб аташган. Бу муборак ой номи жазирама иссиқ ёки машаққатларга боғланса-да, мусулмонлар учун мағфират, эзгулик, хайр-эхсон, сабр ва қаноат фасли, ҳақиқий баҳор – яшариш фаслидир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. أحمد سيد حامد آل برجل. ألف معلومة عن اللغة العربية وأدائها.
2. أحمد المنزلاوى. شهر رمضان فى الجاهلية والإسلام.
3. Иброҳимов Н. ва бошқалар. Қомус. – Тошкент. 2019.
4. <https://e-tarix.uz/jahon-tarixi/396-turkiston-xalqlari-taqvimi.html>
5. <https://mawdoo3.com>

ХУДОЙБЕРГАНОВА Гулнора,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Динишунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO
кафедраси катта ўқитувчиси
gulnoraxudoyberganova@iia.uz,

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИДА ЗУХД (АСКЕТИЗМ) ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПОНЯТИЯ ЗУХД (АСКЕТИЗМ) В РАННЕИСЛАМСКИЙ ПЕРИОД

INTERPRETATION OF THE CONCEPT ZUHD (ASKETISM) IN THE EARLY ISLAMIC PERIOD

Аннотация: Мазкур мақолада динишунослик соҳаларидан бири бўлган дин феноменологияси соҳасига оид аскетизм (зуҳд) феноменининг исломнинг илк давларидаги эволюцияси, шунингдек, ҳижрий I-II асрларда кузатилган зоҳидлик ҳаракатлари, илк зуҳд мактабларининг минтақавий ҳамда муштарак хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: ислом, зуҳд, зоҳид, мақомот, ханиф, зуҳд мактаблари, тасаввуф.

Аннотация: В данной статье анализируется эволюция феномена зуҳда (аскетизма) в первые века ислама в области религиозной феноменологии, а также аскетических течений, наблюдаемых в I-II веках хиджры, региональные и общие черты первых аскетических школы.

Ключевые слова: ислам, зуҳд, захид, мақомат, ханиф, школы зуҳд, суфизм.

Abstract: This article analyzes the evolution of the phenomenon of zuhd (asceticism) in the early period of Islam in the field of religious phenomenology, as well as the ascetic movements observed in the I-II centuries AH, the regional and common features of the first ascetic schools.

Keywords: Islam, zuhd, zahid, makomat, hanif, zuhd schools, sufism.

КИРИШ

VII асрда Арабистон яриморотида вужудга келиб, тез орада Осиё, Африка ва Европанинг

кўплаб ўлкаларига ёйилган ислом дини ушбу минтақалар халқларига нафақат янги эътиқод шакли, балки янги турмуш тарзи, янги ижтимоий муносабатларни ҳам олиб кирди.

Ислом таълимоти доирасида шаклланган – зоҳидлик бир томондан моддий неъмат, ҳою ҳаваслардан воз кечиш, иккинчидан ўзини паст тутишга уриниш сифатида намоён бўлган амалий ва фикрий жараёндр.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Зуҳд” сўзининг луғавий маъноси турли комусий луғатларда турлича талқин этилади. Жумладан, “Лисонул-араб” комусий луғатида берилган таърифга кўра: “зуҳд – фақат дунё ишларида бўлиб, дунёга хоҳиш ва ҳирсининг зиддидир”, дейилади [3:207].

Ал-Мунжид комусида эса: “Зуҳд – бирор нарсани ёмон кўриш ва тарк этишдир. Дунёда зоҳидлик дегани, дунёдан ибодат учун воз кечди, деганидир”, дея таъриф берилади [1:307-308].

Истилоҳий маънода “ал-Мавсуа ас-суфия”га кўра, “зуҳд – қўл топинган нарсдан қалбни мосиво қилишдир”. Шунингдек, зуҳд – исломнинг асосий маънавий тушунчаларидан бири бўлиб, луғатда безътиборлик, моддий манфаатга бефарқ бўлиш, умумий маънода эса Худонинг марҳаматиға мушарраф бўлиш, жаннатга эришиш учун таркидунё қилиш, дунёвий лаззатлардан воз кечиш маъноларини билдиради [2:1009].

Ўрта асрга оид манбаларда ҳам зуҳднинг таърифига доир кўплаб матнларни учратиш мумкин. Масалан, юртимиздан етишиб чиққан бухоролик машхур мутасаввиф Абу Бакр Калабодий ўзининг “Ат-таъарруф” асарида комилликка етишишнинг ўн етти босқичини санаб ўтади, шулардан “зуҳд”ни иккинчи ўринда, “тавба” мақомидан кейин келтиради. Мазкур асарнинг 36-бобида зуҳд ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилади: “Зуҳд – қўлни мол дунёдан, қалбни эса (дунё матоҳларига) эргашишдан холи қилишдир. Шиблийдан зуҳд ҳақида сўралганда, у шундай жавоб берди: “Чивиннинг қанотидан кичик нарсалардан ҳам зуҳд қилмаганга вайл бўлсин. Ҳақиқий мазмунда зуҳд бўлмайди, ўзингда йўқ нарсага

зуҳд қилмаслигинг зуҳд эмас, ўзида бор нарсадан зуҳд қилса, у ҳам зуҳд эмас, бу фақат нафсининг тасаллисидир, гўёки зуҳд қилгандек” [7:65].

Абу Толиб ал-Маккий (ваф. 386/996) эса “Қут ал-қулуб” асарида тўққиз мақомотни кўрсатиб, бу ерда “зуҳд”ни тавба, сабр, ризо, ражо ва хавфдан кейинги олтинчи ўринда санаб ўтади.

Шайх Нажмиддин Кубронинг (ваф. 589/1221) “Усули ашара” асарида Аллоҳга элтувчи йўлнинг иккинчиси “зуҳд” деб кўрсатилади: “Зуҳд хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин – дунё моли, кўнгилга манзур нарсаларию мақомларидан ўлик каби йироқлашмоқдир. Зуҳд қўлда мавжуд ва мавжудлиги маҳзур саналмаган мол-ашёдан кечмоқдир”.

Юқоридаги каби зуҳдга таъриф ва тавсиф берилган китоблар билан бир қаторда, ислом оламида зуҳдга оид йўриқнома шаклидаги китоблар ҳам яратилган. Шулар сирасида Ҳорис Муҳосибийнинг (ваф. 857) “ал-Масоил фи-з-зуҳд ва ғойриҳи (Зоҳидлик ва бошқалар ҳақидаги масалалар)” асарини бунга мисол қилиш мумкин.

Зуҳд билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қиладиган бўлсак, исломдан аввал ҳам у ўзига хос кўринишда турли халқларда мавжуд бўлганлигини кузатиш мумкин. Бинобарин, исломдан олдинги даврдаги зоҳидларда ал-васания (кўп худолик) ҳамда бут-санамларга эътиқод қилишга қаршилик ҳаракатлари кузатилган. Шу ўринда исломгача бўлган Арабистонда зоҳидлик ҳаракатлари ҳанифлар фаолиятида кузатилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳанифлар бутпарастлик худоларига сиғинмай, каттиқ аскетик амалиёт (покликка каттиқ амал қилиш, узлатда яшаш ва ҳ.к) олиб бориб, яҳудийларга ҳам, христианларга ҳам қўшилмай яшар эдилар. Бу йўналишнинг ёрқин вакиллари сифатида Варақа ибн Навфал, Абу Қайс Сарма ибн Анасни айтиб ўтиш мумкин [13:55].

Тадқиқотчилар ҳанифлар ҳақида кўпинча мавҳум, бир-бирига зид фикрлар берган бўлсалар-да, яқдиллик билан уларни “хунафо” (бирлиги “ҳаниф”), деб атаганлар. Ҳанифлар очикдан-очик бутпарастларни

инкор қилар, ўша давр араблари орасида кенг тарқалган ичкиликбозлик, қиморбозлик ва бошқа зарарли иллатларга қарши туришга чақирардилар. Албатта уларнинг даъвати зодагонлар, амалдорлар ва санамларга хизмат қилувчиларнинг қаршилигига учради. Кўп ҳанифлар бир жойда муқим турмай, дарвеш-қаландарлар тарзида ҳаёт кечиришга, мамлакат бўйлаб дайдиб юришга мажбур бўлдилар. Ҳанифларни яҳудийлар ёки христианлар сингари мустақил дин вакиллари сифатида тасаввур қилиб бўлмайди. Уларга ҳар турли қабилага мансуб бўлган, ўзаро йирик робитага бирлашмаган, асосан санамларга қарши ва ислоҳотга даъват қилиш фикри билан банд кишилар сифатини бериш мумкин. Ибн Ҳишом ўзининг “Сийра”сида ҳанифлардан Зайд ибн Амр, Варақа ибн Навфал, Убайдулло ибн Жаҳш, Усмон ибн Ҳувайрисларнинг қисқача таржимаи ҳолларини келтириб, улар кичик бир гуруҳ (усба) ташкил қилганлари, қурайшиларнинг тоат ибодатлари ва маросимларини инкор этганларини қайд қилади.

Қуръони каримнинг 9 та сурасида (Бақара, 135; Оли Имрон, 67; Нисо, 125; Анъом, 79, 161; Юнус, 105; Наҳл, 120, 123; Рум, 130; Ҳаж, 31; Баййина, 5) ҳанифлар зикр қилинган. Бу сураларнинг мазмунига кўра ҳанифлар яҳудий ҳам, христиан ҳам, мушрик ҳам эмас, балки Иброҳим (а.с.)ни ўзига ўрнак қилиб олган кишилардир (ман иттабаъа миллата Иброҳим ҳанифан). Иброҳим (а.с.)га энг яқин кишилар жумласига Қуръон Муҳаммад пайғамбар ва имон келтирганларни (яъни мусулмонларни) қўшади [10:66-72].

Тадқиқотчилар зоҳидлик кайфияти исломда Пайғамбар (с.а.в.) замонидан бошланганини таъкидлаб, саҳобий ҳамда тобейларни исломдаги илк зоҳидлар сифатида кўрсатишади. Пайғамбар (а.с.) даврларидаёқ Абу Зар Ғифорий, Ҳузайфа ибн Ямоний, Салмон Форсий каби айрим саҳобийларда зоҳидона қараш ва турмуш тарзи намоён бўлган эди.

Хусусан, араб тадқиқотчиси Абдулқодир Исо исломнинг илк асрлари художўй ва тақводор кишилар, ўзларини бутунлай Аллоҳга бағишлаган инсонлар замони бўлганини таъкидлайди [11:30].

Тасаввуфшунос олим А.Д.Книш ҳам суфийликка асос бўлган зоҳидлик кайфиятларининг ислом билан бир пайтда пайдо бўлганини қайд қилиш билан бирга том маънодаги зоҳидлик-суфийлик ҳаракати кейинроқ пайдо бўлганлигига ишора қилади [14:225]. Шунингдек, илк зоҳидларнинг ижтимоий келиб чиқиши хусусида ҳам ўзига хос ёндошувлар асосида билдирилган фикрлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар уларни аксар ҳолларда муҳаддислар орасидан келиб чиққанлигига ишора қилсалар, А.Д.Книшнинг фикрича, суфийликнинг илк шакли бўлмиш зоҳидликнинг ижтимоий таркиби орасида муҳаддислардан ташқари қиссагуйлар, қорилар, Византия билан чегара жанглари иштирокчилари, тақводор савдогарлар ва хунармандлар ҳам бўлганлар [14:225].

Зухд ҳақидаги қарашлар тизимлашиб бориши баробарида, мавзуга оид адабиётлар ҳам таълиф этила борди. Жумладан, ислом дунёсида яратилган илк ҳадис тўпламларида ҳам зухд мавзусига алоҳида эътибор берилган. Ўрта асрларда тасаввуф уламолари томонидан юзга яқин асар таълиф этилгани қайд этилади, жумладан:

1. *Аз-Зухд*: Зоида ибн Қудума ал-Куфий (ваф.160/782);
2. *Аз-Зухд ва-р-рақоик*: Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Ҳанзалий ал-Марвазий (ваф. 181/803);
3. *Китоб аз-Зухд*: Имом ал-Маофий ибн Имрон ал-Мавсилий (ваф. 185/807);
4. *Ар-Рақоик*: Фузайл ибн Иёз (ваф.187/809);
5. *Китоб аз-Зухд*: Имом Муҳаммад ибн Фузайл ибн Ғазвон ал-Куфий (ваф.195);
6. *Китоб аз-Зухд*: Вакийъ ибн Жарроҳ (ваф.197/819);
7. *Аз-Зухд*: Абу Усмон Саид ибн Мансур ал-Марвазий (ваф. 227/849);
8. *Китоб аз-Зухд*: Асад ибн Мусо (ваф. 212/854);
9. *Аз-Зухд*: Имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад ан-Найсобурий (ваф. 234/856);
10. *Аз-Зухд*: Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал (ваф. 241/863) ва ҳ.к.

Шулар орасида энг машҳурлари Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Вакийъ ибн Жарроҳ ва

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг зухдга оид тўпламлари ҳисобланади.

Абдулоҳ ибн Муборакнинг “Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоик” асари

16 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бир неча боблардан ташкил топган. Китобда жами 1627 та ҳадис жамланган. Биринчи бўлим боблари Аллоҳга итоат, дунёдан юз ўгириш учун илм талаб қилиш ва бошқа масалаларга бағишланган.

Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Муборак зоҳидлик ҳақида шундай дейди: “Энг афзал зухд – зоҳидликни яширишдир” [9:79], яна унинг айтишича: “Зоҳидлик бутунлай таркидунё қилиш, ҳалол касбни тарк қилиш ва яхши ишларга нафақа сарфлашдан юз ўгириш эмас. Балки зоҳидлик – ҳаромни, шубҳали нарсаларни тарк қилиш, ҳар бир ҳалол ва мубоҳнинг ортиқчасидан воз кечишдир” [9:80].

Вакийъ ибн Жарроҳнинг “Саҳиҳи китоб аз-зуҳд” асари ҳам зухд мавзусидаги ҳадисларни жамлаган муҳим манба ҳисобланади. Мазкур асар 70 бобдан иборат бўлиб, зухд мавзусида жами 332 та ҳадис келтирилган.

Машҳур “саҳиҳ” тўпламларида ҳам зухд мавзуси алоҳида бобларда ёритилган. Хусусан, Имом Муслим (ваф. 261/875) “Саҳиҳи”нинг “Зухд ва риқоик китоби”да зухдга оид жами 55 та ҳадис 19 бобда шарҳланган.

Ҳижрий I-II асрларда зоҳидлик муносабати исломнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатди. Кўпинча улар “ниск”, “қаноат” ва “вараъ” атамаларини ишлатишган, аммо ҳижрий II асрда бу тушунчалар “зуҳд” атамаси билан алмаштирилган. Шунингдек, ўрта аср мусулмон олимларнинг аксарияти исмларида “зоҳид” сифатини кўриш мумкин.

Ҳижрий II аср охиригача зухд шахсий масала бўлиб қолса ҳам, баъзи минтақаларда машҳур зоҳидларнинг қарашлари ва амалиётларига эргашган йўналишлар, мактаблар шаклланган. Дастлабки зухд мактаблари сифатида Мадина, Куфа, Басра, Хуросон ва Мовароуннаҳр зоҳидлик мактабларини келтириш мумкин.

Мадина мактаби. Қуръон ва суннатдан олинган зухднинг асослари ислом давлатининг биринчи пойтахти Мадинада шаклланган. Аскетик амалиётларнинг энг ёрқин намуналари

Пайғамбар (а.с.), чаҳорёрлар, саҳобийлар ва асҳоби суффа вакиллари ҳаётлари мисолида намоён бўлган. Умавийлар томонидан пойтахт Дамашққа кўчирилгунга қадар Мадина зуҳд ҳаёт тарзи маркази сифатида бўлган. Кейинчалик Дамашқ сиёсий жиҳатдан марказ сифатида шаклланган вақтда Мадина маънавий ҳаёт маркази бўлиб қолди. Мадина шаҳри сиёсий бўҳронлардан холи бўлишни истовчилар учун ўзига хос бошпана вазифасини ўтаб, зуҳд муҳити ҳукмрон бўлган шаҳарга айланди [4:80-81].

Куфа мактаби. Куфа шаҳри Али (р.а.) давлатининг пойтахти ҳисобланган. Пайғамбар авлодлари ва шиалар Куфа шаҳрини Дамашқда шаклланган Умавийлар давлатига қарши кураш марказига айлантирдилар. Пайғамбар (а.с.) нинг набиралари Ҳусайн қатл этилганидан сўнг бир гуруҳ инсонлар зуҳд ва тавба йўлини танладилар. Бу тоифа кишилар “баккаун”, шунингдек, “таввабун” номлари билан атала бошладилар.

Тавус ибн Кайсон, Саид ибн Жубайр, Мансур ибн Аммор, Жобир ибн Ҳайён ва Раби ибн Ҳайсам Куфадан етишиб чиққан биринчи зоҳидлардир. “Суфийлар” номи билан аниланган шахслар асосан Куфадан чиққан. [4:81-82].

Басра мактаби. Ҳижрий I-II асрларда Басра сиёсий масалалардан йироқ бўлган зуҳд марказига айланди. Мазкур шаҳарда яшаб, фаолият олиб борган Ҳасан Басрий (ваф. 106/728) Қуръон ва Суннатга таянган ҳолда суннийлик қарашларини тизимлаштирган биринчи зоҳид-суфий сифатида тилга олинади.

Бу мактабнинг Ҳасан Басрийдан кейинги намоёндалари Молик ибн Динор (ваф. 131/748), Абдулвоҳид ибн Зайд (ваф. 177/793)дир. Бу даврнинг зоҳидларига хос хусусиятлар дўзах азобидан қўркиш, жаннат умиди билан кўз ёш тўкиш, ибодат ва риёзат билан Аллоҳга боғланишни ирода қилишда намоён бўлган. Бироқ худди шу даврда илоҳий ишқни биринчи ўринга олиб чиққан зоҳидлар Робия Адавия, Маъруф Кархий қарашлари ҳам ёйила борган. Умумий маънода бу даврда Басра мактабида икки йўналиш – қўрқув ва қайғуга асосланган Ҳасан Басрий ётакчи бўлган йўналиш ва Робия Адавия томонидан илоҳий ишққа асосланган

зуҳд йўналиши ривожланган. Кейинчалик бу мактаб таълимотини Ҳабиб Аъжамий (ваф. 115/733), Муҳаммад ибн Восий (ваф. 127/744), Молик ибн Динор (ваф. 131/748), Айюб Шаҳтиёний (ваф. 131/748), Фарқад Сабоҳий (ваф. 131/748), Абдулвоҳид ибн Зайд (ваф. 177/793) каби шогирдлар давом эттирганлар[4:81-82].

Хуросон мактаби. Мазкур мактабдан ҳижрий II асрдан то ҳозирги кунгача кўплаб тасаввуф намоёндалари, турли мактаб асосчилари ва суфийлар етишиб чиққан. Тасаввуф тарихида бу мактаб алоҳида ўринга эга. Иброҳим ибн Адҳам (ваф. 161/777), Шакик Балхий (в. 194/809), Аҳмад ибн Ҳарб (ваф. 234/848), Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 181/797), Бишр ибн Ҳорис Марвазий (ваф. 227/841) каби илк зоҳидлар шу мактабдан етишиб чиққан. Хуросон мактабининг илк зоҳидлари кейинчалик Басра, Бағдод ва уларнинг атрофларига кўчиб ўтадилар ва кейинги шаклланишлари мазкур ҳудудлардаги суфий оқимлари таъсирида давом этади [4:83-84].

Мовароуннаҳр мактаби. Мовароуннаҳр зоҳидлик мактаби вакиллари сифатида Фузайл ибн Иёз (ваф.187/802), Ҳотим Асамм (ваф. 237/851), Хушном Шаъроний (II/VIII а.), Жулвон ибн Самура Понабий (II/VIII а.), Исо ибн Мусо Ғунжор (ваф. 185/801), Ҳафс ибн Мансур Пайкандий (III/IX а.), Аҳмад ибн Исҳок Сурморий (ваф. 242/856), Ҳошид ибн Абдуллоҳ Бухорий (ваф. 246/860), Абу Туроб Нахшабий (ваф. 245/834), Муоз ибн Яъқуб Косаний (III/IX а.), Аскар ибн Ҳусайн Нахшабий (ваф. 245/860). Мазкур мактаб вакилларининг асосий ғоялари – зуҳд, вараъ, саҳо, тавба, хавф, ҳузн, ризо, ихлос, таваккул, маърифат, риёзат, таъзим, ғалаба бўлганлиги қайд этилади [16:46].

Мовароуннаҳр зоҳидлик мактабининг Хуросон ва Басра зоҳидлик мактабларидан ажралиб турадиган муҳим жиҳатларидан бири – унда зоҳидларнинг асосий қисмини аҳолининг ижтимоий фаол қатламлари вакиллари, жумладан, муҳаддис ва фақиҳ даражасига эга бўлган имомлар, қозилар ва бошқалар ташкил этган. Шу сабабдан бўлса керак, унда ташқи зуҳд (жисмоний зуҳд) – жамиятдан бутунлай узилиб,

ашаддий таркидунёчиликка берилишдан кўра ички зуҳд (кўнгилдаги зуҳд) – одамлар орасида ижтимоий фаол ҳаёт кечири туриб, қалбан зоҳидлик қилиш унсурлари кўпроқ учрайди [16:48]. Бу ҳолат минтақадаги кейинги шаклланган тариқатлар таълимотларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Масалан: нақшбандиядаги “хилват дар анжуман”, “дил ба ёру даст бакор” тамойиллари кабилар.

Тадқиқотчилар томонидан зуҳднинг шаклланиш жараёни ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилган бўлиб, мазкур жараёнларга бир қатор омилар, жумладан, диний, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда ақидавий сабаблар туртки бўлганлиги таъкидланади [5:134].

Шунингдек, зуҳдни тасаввуфнинг дастлабки босқичи, деб ҳисобловчилар [4:298] билан бир қаторда зуҳднинг ўзи ҳам тасаввуфдан алоҳида ҳолда ривожланиб борган, деган қарашлар ҳам айрим олимлар орасида учрайди. Чунончи, баъзи тадқиқотчилар зуҳдни тасаввуфнинг бошланғич нуктаси, деб билмай, зуҳд ўзи алоҳида бир йўналиш сифатида тараққий этган деб ҳисоблайдилар. Бунга далил қилиб зоҳидликни тасаввуфдан алоҳида тарзда мустақил ҳолда давом этганлиги билан изоҳлайдилар: “Агар тасаввуф зоҳидликнинг кейинги босқичи бўлганида эди, зоҳидлик тасаввуф тараққий топган даврларда йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Лекин манбаларда мамлуклар даврида Миср фақиҳ ва уламоларининг аксарияти суфий эмас, балки зоҳид бўлганликлари қайд этилади. Шунингдек, “Ажойбу-л-осор” асарида 1744 йил вафот этган Мустафо Азизий ҳам “зоҳид” деб тилга олинади, ваҳоланки, у тасаввуф энг юқори мавқега эришган усмонийлар даврида фаолият кўрсатган. Зуҳднинг тасаввуф билан аралаштирилишига сабаб эса, аввалги суфийлар ўз таълимотларининг ислом динига мувофиқ келишини тасдиқлаш учун нуфузли тобейлар Ҳасан Басрий, Суфён Саврий ва Саид ибн Жубайрни ҳам етакчи суфийлар сирасида зикр этганлар. Аслида эса зуҳд ва тасаввуф тушунчалари ўртасида катта фарқ бўлиб, мутасаввифлар зуҳд усулларида истифода этган ҳолда ўз таълимотини ёйишга эришганлар”.

Кейинги давр ислом олимлари ҳам зоҳидлик ҳамда суфийлик борасида ўзига хос фикрларни илгари сурганлар. Жумладан, Марказий Осиё тасаввуфининг IX-X асрлардаги энг ёрқин намоёндаси Ҳаким Термизийнинг қарашлари эътиборга молик. Хусусан, у ўзини “суфий” ёки “мутасаввиф” деб ҳам ҳисобламаган. Ҳаким Термизий ўзининг “Наводир ал-усул” асарида шундай ёзади: “Замонамизда ўзини зоҳид қилиб кўрсатувчилар пайдо бўлган. Саҳобий ва тобейлардан бўлган салаф солиҳлар сидқ ва ўз динларини эҳтиёт қилиб, бориға қаноат қилиб, жун (суф) ва жулдур кийим (ҳалиқон) кийганлар, одамларга аралашидан ўзларини тийганлар. Улар бу амалларни Аллоҳ таолодан кўрқиб, Унинг олдига дунё қолдиқлари билан ифлосланиб бормаслик учун қилганлар. Уларнинг бу ишлари худди чўкиб кетишдан кўрқиб денгизга тушишдан кўрққан одамга ўхшайди. Бу эса уларнинг эътиқодлари заифлигидандир. Улардан кейин эса худди шу ишларда содиқ – ростгўй бўлмаган кишилар уларга эргашиб, суф ва ҳалиқон кийишга, қотган нон ва қолдиқлар ёйишга киришдилар. Улар бу билан зуҳдларини намоён қилмоқчи бўлдилар, қалблари эса дунё шахватлари билан тўла, уларнинг дунёлари динларини еб қўйган”. Демак, Ҳаким Термизий ўша даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақасига кириб келаётган Ироқ тасаввуф мактаби таълимотлари таъсирига учраган зоҳидларни танқид қилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, исломнинг илк давларида зоҳидлик оят ва ҳадисларга таянган ҳолда шаклланган бўлса, кейинги давларда маълум бир шахсиятларнинг қарашлари зоҳидлик фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, юқорида санаб ўтилган зуҳд мактабларининг намоёндалари қарашлари кейинги давр зоҳидлик қарашларига ўз таъсирини кўрсатган. Шу билан бирга зуҳднинг шаклланиши бўйича ҳам икки хил ёндошув фарқланган, яъни, зуҳднинг ўзи алоҳида амалиёт сифатида ҳамда тасаввуфнинг дастлабки босқичи сифатида намоён бўлган.

Зуҳдга оид тизимли қарашлар шаклланиш баробарида мазкур мавзуда махсус адабиётлар

яратилган. Классик давр адабиётларининг деярли барчасида зухдга тегишли фасл (боблар) киритилган, хусусан, Калабодий, Қушайрий, Абу Толиб Маккий, Имом Ғаззолий каби олимларнинг тасаввуфга доир классик асарларида бу мавзуга алоҳида боблар ажратилган. Шунингдек, исломнинг илк даврларида зухд мавзусига оид ҳадисларни алоҳида жамлаш урф бўлган ҳамда зухд амалиётига доир мустақил йўриқномалар, зухд тавсифига оид китоблар ҳам таълиф этилган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ал-Мунжид фил-луғати ва-л-аълам. – Байрут: Дору-л-машрик, 1986.
2. Ал-Мавсуа ас-суфия. – Қоҳира: Мактаба мадбулий, 2006.
3. Лисонул араб. – Байрут: Дорус-Садир, 1997.
4. Йилмаз К. Тасаввуф и тарикаты. – М.: САД, 2007.
5. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. – Т. II. Институт восточных рукописей РАН. – М.: Наука, Вост. лит., 2016.
6. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999.
7. Абу Бакр Калобозий. Китоб ат-таарруф ли-мазҳаби аҳл ат-тасаввуф. – Қоҳира, 1994.
8. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М., 1999.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зухд ва ҳаё. – Т.: Hilol-nashr, 2019.
10. Хасанов А. Макка ва мадина тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992.
11. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф: тарих, моҳият ва тадқиқ талаблари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2017. №4.
12. Usmonov I. Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannahr // The Light of Islam: Vol. 2018. Iss. 1, Article 4. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/4>
13. Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма. Генезис и эволюция. Том 1. – М., 2009.
14. Кныш А.Д. Ат-Тасаввуф // Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
15. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимускина. – М.: Наука, 1989.
16. Рахимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Академнашр, 2020.
17. Петросян А.Р. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
18. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
19. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1987. – 190 с.
20. Khudayberganova G. Анализ феномена аскетизма в учениях мировых религий. Theoretical & Applied Science, 579-58.
21. Khudayberganova G. Asceticism in world religious traditions. The Light of Islam 2018 (4), 23-28.

ХАЛИЛОВ Шавкатжон,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти,
xalilovshavkatjon25@gmail.com

“ФАТВО” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИСЛОМ ШАРИАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

THE CONCEPT OF “FATWA” AND ITS IMPORTANCE IN ISLAMIC LAW

ПОНЯТИЕ “ФЕТВА” И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ

Аннотация. Фатво сўзи араб тилида “саволга жавоб бериш” маъносини англатади. Истилоҳда эса, сўраган кишига шаръий далил асосида ҳукм чиқаришга нисбатан ишлатилади. Биринчи фатво берувчи шахс Пайғамбар алайҳиссалом бўлганлар. У зотдан кейин саҳоба, тобеин, табаа тобеин ва кейинги давр мужтаҳид уламолар фатво бериш билан шуғулланиб, бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

Калит сўзлар: фикҳ, фатво, қазо, тобеин, табаа тобеин, мужтаҳид, муфтий, ижтиҳод, истинбот.

Аннотация. Слово фетва по-арабски означает «ответить на вопрос». Этот термин используется как «издавать решение» спрашивающему человеку на основе критерий шариата. Первым, кто издал фетву, был Пророк (мир ему и благословение Аллаха). После него сподвижники, табиини, табаа табиини и ученые-муджтаҳиды более позднего периода издали фетвы и они действуют по сей день.

Ключевые слова: фикх, фетва, када, табиин, табаа табиин, муджтаҳид, муфти, иджтиҳад, истинбат.

Annotation. The word fatwa in Arabic means "answering a question". The term is used to judge a person on the basis of Shari'ah evidence. The first person to issue a fatwa was the Prophet (p.b.u.h). After him, the Sahabah, Tabeen, Tabaa Tabein and later mujtahid scholars issued fatwas and continue to this day.

Keywords: fiqh, fatwa, qadha, tabein, tabaa tabein, mujtahid, mufti, ijtiḥad, istinbat.

КИРИШ

Юртимиз истиқлол неъматига мушарраф бўлгач диний қадриятлар ва исломий

анъаналарга бўлган эътибор ҳам юксак аҳамият касб эта бошлади. Шу мақсад йўлида асл исломий мафкура ва тушунчалар, ота-боболар меросини тадқиқ қилиш масаласи долзарб мавзуга айланди. Зеро, Мовароуннаҳр ва Хуросон диёрларида азал-азалдан суннийлик йўналишининг ҳанафий мазҳаби доирасида амал қилиб келинган ва шу маслакка оид йирик фикҳий ва фатво асарлар ёзилган. Ҳозирги кунда эса, ана шу буюк меросни ўрганиш ёш авлод олдидаги масъулиятли вазифа саналади.

Инсоният яратилибдики, бу дунёдаги кундалик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда хоҳ дунёвий ва хоҳ диний бўлсин турли-туман мақсадлари доирасида муаммоли вазиятларнинг ечимини ахтаришга ўз-ўзидан муҳтож бўлади. Аллоҳ таоло инсонни яратиб то унинг умри охирига қадар амалга оширадиган ишлари учун маълум шарт-шароитлар ва кўрсатмаларни ҳозирлаб қўйган. Зеро, ислом шариати ана шу кўрсатмаларни ўзида мужассам этган асосий мезон саналади. Мана шу мезон ўз доирасида Аллоҳнинг каломи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари, умматнинг ижмоси ва қиёсга суянган ҳолда инсонлар эҳтиёжидида юзага келаётган ҳар қандай замонга доир масалаларга ечим бериб келмоқда. Шунинг учун ҳам исломий фанлар категорияси доирасида мана шундай масалалар билан шуғулланувчи алоҳида фан ажралиб чиқди. У фикҳ фани бўлиб, турли масалалар ечими унга асосланадиган фатво соҳаси ҳам бевосита ушбу фанга чамбарчас боғлиқ саналади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фикҳ илми барча исломий илмлар орасида қамрови кенг ва дақиқ илм саналади. Чунки, фикҳ илмини ўрганиш учун бир тарафдан Қуръон, улуғул Қуръон, ҳадис ва унга тегишли илмлар, саҳобаларнинг сўзлари, имомларнинг иршодлари, фуқаҳоларнинг ижтиҳодлари, жузъий (қисмга оид) ва фаръий (қўшимча) масалаларнинг нозик фарқларига, рожиҳ (кучли) ва маржуҳ (кучсиз) масалаларга кенг назар солиш, қолаверса, умматнинг воқеъликдаги заруриятларини идрок этиш, замонанинг ҳолатларини мукамал англаш ва диний масалалардаги ҳолатларнинг ўзгаришини уммат мижози ва дин руҳиятини мулоҳаза қилган ҳолда, татбиқ этмоқ учун пухта моҳирлик талаб этилади.

Бошқа бир жиҳатдан, фикҳ таҳорат ва назофатнинг жузъий масалаларидан тортиб,

ибодат, муомалот, муошарот, одоб-ахлоқ ҳамда ҳалол, ҳаром ва мубоҳға тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига олади.

Фикҳга моҳир бўлиш учун, умуман олганда, қолган барча исломий фанларга моҳир бўлиш талаб этилади. Чунки, ҳар асрнинг ҳар қандай масалаларига шаръий ечим бера олиш фақиҳнинг вазифаси саналади.

Зеро, фатвонинг кўлами фикҳга нисбатан янада зиёда ва кенгрокдир. Чунки, иймон, ақоид, тарих, Пайғамбар алайҳиссалом сийратлари, саҳоба-и киромлар сийрати, тасаввуф ва сулук, ахлоқ-одоб, ҳуқуқ, ибодат, муомалот, сиёсат, муошарот, олдинги ва янги масалаларнинг ечими; усулий ва фаръий масалаларнинг шарҳ ва татбиқлари ҳамда улардан бошқа барчаси фатвонинг остига кирувчи тармоқлар саналади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида у зотнинг ўзлари инсон ва жинларга фатво берувчи муфтийси эдилар. У зот ваҳий воситасида Аллоҳ таоло тарафидан фатво берганлар. Шунга биноан, Набий алайҳиссалом берган фатволари, яъни ҳадиси шарифлар ислом динида ҳукм чиқаришда таянадиган иккинчи манба саналади. Бу борада Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар” (Ҳашр сураси, 7-оят)

“Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз,... уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг” (Нисо сураси, 59-оят)

Набий алайҳиссалом замонларида у зотдан бошқа бирор кимса фатво бермаган. Лекин, у зот баъзан саҳоба-и киромларни узоқ ўлкаларга қози ёки муфтий қилиб юборганлар. Шунда ўша саҳобий фатво ва қазовий ҳукмлар чиқаришга ҳақли бўларди ҳамда инсонларга шариятга муносиб тарзда раҳнамолик қиларди. Чунончи, Пайғамбар алайҳиссалом Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга қози қилиб юбораётганларида у кишига Қуръон, ҳадис, қиёс, ижтиҳод воситасида воқеъликда юзага келган масалаларга ечим топишга ижозат берадилар.

Пайғамбар алайҳиссалом фатво воситасида мусулмонларнинг ҳар ишларида, яъни: ибодат, муомалот, ахлоқ-одоб ва бошқаларнинг барчасида ҳақиқий раҳнамолик қилдилар. Ҳар ишда Пайғамбар алайҳиссаломнинг фатво ва иршодлари мавжуд бўлиб, у зот мусулмонлар учун саодат йўлининг машғаласи саналдилар.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан сўнг фатво бериш вазифаси ва масъулиятини саҳоба-и

киромлар ўз зиммаларига олдилар ва муносиб тарзда уни адо этдилар. Улар орасида фатво берадиган даражадагилари 130 дан ортик бўлиб, уларнинг ичида аёллар ҳам бўлган. Ушбу 130 нафар саҳобийдан етти нафари энг кўп фатво берганлари саналади. Улар: Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша бинти Абу Бакр, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумлардир.

Мазкур етти саҳобийдан ташқари яна бир қанча саҳобийлар ҳам фатво билан шуғулланганлар. Улар қуйидагилардир: Абу Бакр Сиддик, Умму Салама, Анас ибн Молик, Абу Саъид Худрий, Усмон ибн Аффон, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абу Мусо Ашъарий, Саъд ибн Абу Ваққос, Салмон Форсий, Жобир ибн Абдуллоҳ, Муоз ибн Жабал, Талха, Зубайр, Абдурроҳман ибн Авф, Имрон ибн Ҳусайн, Абу Бакра, Убода ибн Сомит, Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳумлар.

Таълим, тарбия, фикҳ ва фатвонинг силсиласи саҳобалар (р.а.) давридан сўнг тўхтаб қолмаган. Балки, фатво ишининг масъулиятини уларнинг шогирдлари муносиб йўл билан адо этганлар ҳамда жидду жаҳд билан бу меросни муҳофаза этиб, келгуси авлодларга ўз ҳолича етказганлар.

Саҳобалар даврида ислом кўп ўлкаларга тарқалди. Тобеинлар турли ўлкаларда ислом динини ёйишга хизмат қилдилар. Кўплаб ислом дини тарқаган шаҳарларда шу каби зотлар истиқомат қилиб, инсонларга раҳнамолик қилдилар. Масалан, Мадина-и мунавварада Саид ибн Мусаййиб, Абу Салама ибн Абдурраҳмон ибн Авф, Урва ибн Зубайр, Убайдуллоҳ, Қосим ибн Муҳаммад, Сулаймон ибн Ясор, Хорижа ибн Зайд раҳимахуллоҳлар хизматда бўлганлар. Улар “Мадинанинг етти фақиҳи” деб ҳам аталдилар.

Баъзи уламолар Абу Салама ибн Абдурраҳмон ибн Авфнинг ўрнига Абу Бакр ибн Ҳорис ибн Ҳишомни қўядилар.

Маккаи мукаррамада Ато ибн Абу Рабоҳ, Али ибн Абу Талха, Абдуллоҳ ибн Журайж раҳимахуллоҳлар бу вазифага киришадилар. Куфада Иброҳим ибн Наҳайй ибн Сулаймон, Омир ибн Шураҳил, Алқама, Шаъбий, Саъид ва Мурра Ҳамадоний; Басрада Ҳасан Басрий; Яманда Товус ибн Кайсон; Шомда Макхул, Абу Идрис Ҳовланий, Шураҳбил ибн Самт, Абдуллоҳ ибн Абу Закарийе Ҳузаъий, Қобиса ибн Абу Зувайб Ҳузаъий, Абд ибн Умайя,

Сулаймон ибн Ҳабиб Маҳарибий, Ҳорис ибн Умайр Забидий, Холид ибн Маъдан, Абдуррахмон ибн Гунм Ашъарий, Жубайр ибн Нуфайр, Абдуррахмон ибн Жубайр ибн Нуфайр, Умар ибн Абдулазиз, Ражо ибн Ҳайва раҳимахуллоҳлар ҳам фатво ишига машғул бўлганлар. Уларнинг кўплаб фатволари “Муваддо”, “Сунан”, “Муснад” ва бошқа ҳадис тўпламларида мавжуддир [2:28-30].

Фатвонинг луғавий таърифи. Фатво лафзи “ф” ҳарфининг фатҳаси билан ёки “ф” ҳарфининг заммаси билан ҳам нақл қилинган. Лекин, “ф” нинг фатҳаси билан келиши саҳиҳдир. Фатвонинг луғавий маъноси бирор бир саволга жавоб беришдир. У савол хоҳ шариатга оид бўлсин, хоҳ оид бўлмасин фарқи йўқ. Унинг бу маъносига Қуръони каримдан қуйидаги ояти карималарни мисол келтириш мумкин:

“Эй аёнлар, агар туш таъбирини қиладиган бўлсангиз, менга тушимнинг фатвосини беринг” (Юсуф сураси, 43-оят).

“Эй Юсуф, эй ростгўй зот, бизга еттита семиз сигирни ... таъбирини айт” (Юсуф сураси, 46-оят).

“Сиз билмоқчи бўлган иш битди” (Юсуф сураси, 41-оят).

“Эй аёнлар! Менга бу ишимда фатво беринглар” (Намл сураси, 32-оят).

Юқорида зикр қилинган оятларда фатво лафзи бирор шаръий ҳукми билиш учун эмас, балки мутлоқ жавоб ҳосил қилиш учун ишлатилган.

Лекин, бошқа ўринларда фатво лафзи шаръий ҳукми маълум қилиш учун хосланади. Яъни, бирор шаръий масалага жавоб беришга “фатво” дейилди. Қуръони каримда ҳам фатво лафзи шу маънода истъомол қилинган. Жумладан:

“Сендан аёллар ҳақида фатво сўрарлар” (Нисо сураси, 127-оят).

“Сендан фатво сўрарлар. “Аллоҳ сизга калола ҳақида фатво берур”, деб айт” (Нисо сураси, 176-оят) [1]

Ҳадиси шарифларда ҳам фатво лафзи шаръий ҳукми маълум қилиш учун истъомол қилинган. Масалан:

أَجْرُكُمْ عَلَى الْفَتَا أَجْرُكُمْ عَلَى النَّارِ

“Фатвога журъатлироғингиз жаҳаннамга журъатлироғингиздир”.

إِثْمٌ مَا حَاكَ فِي صَدْرِكَ وَإِنْ أَفْتَاكَ النَّاسُ وَ أَفْتَوَكَ

“Туноҳ — бу инсонлар сенга фатво берсаларда, лекин қалбингни ноҳуш қилган нарсадир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал қуйидаги лафз билан ривоят қиладилар: “Вобиса ибн Маъбад айтади: Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдим. Ваҳоланки мен савоб ва гуноҳ ҳақида сўрашни истамасдим, лекин у ҳақда сўрадим. У зот: “Савоб ва гуноҳ ҳақида сўраш учун келдингми?”, дедилар. Мен “Ҳа” деб жавоб бердим. Набий алайҳиссалом учта бармоқларини жамладилар ва менинг кўксимга ниқтаб, дедилар: “Нафсингга айтгин! Савоб- бу қалб ва нафсни хотиржам қиладиган ишдир. Гуноҳ эса, гарчи инсонлар сенга фатво берсаларда, қалбни ноҳуш қиладиган ва кўксингда иккиланиш пайдо қиладиган нарсадир.” Суфён Саврий “сенга фатво берсалар” деган лафзни нақл қилган. (Муснади имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснади Вобиса ибн Маъбад Асадий 5/268. 1754-ҳадис. Дору ихёут турс, Байрут [4:268].

Аллома Муновий айтади: “Фатво бериш масаланинг ҳукмини баён қилишдир”. Имом Замахшарий “Кашшоф” да шундай деган: “Фатво бирор ҳодиса ҳақида жавоб беришдир. Фатво сўзи عتف سؤزيدان истиора йўлига кўра олинган [6:300].

Фатвонинг истилоҳий маъноси. Фатво — бу шаръий далилларнинг тақозосига кўра бирор бир диний масала борасида бирор ҳолатга тушган кимса учун Аллоҳ таолонинг ҳукми ҳақида хабар беришдир. Аммо, фатво бериш умумий жиҳат эътиборидан бўлади. Мажбурлаш жиҳатидан эмас [5:16].

Фатво муқаддас ислом дини таълимотларини ёритишда муҳим омил вазифасини ўтовчи етакчи фанлар қаторидан ўрин эгаллайди. Фатво фани шаръий илмларнинг таянчи бўлган фикҳ фани билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланиб, бирор масала юзасидан чиқариладиган фатво бевосита фикҳ ва унга доир манбаларга суянади. Фатво, унинг юзага келиши ҳақида қуйида батафсил тўхталиб ўтилади.

Муфтий деб, фатво берувчи кишига айтилади. Бир марта фатво берган кишини ҳам муфтий деб аташ мумкин бўлади. Лекин, шаръий урфда муфтий бундан кўра хосроқ маънога далолат қилади.

Сайрафий раҳимахуллоҳ айтади: “Муфтий — бу одамларнинг динларида бош бўлган, Қуръоннинг ом (умум) ва хосини, носих ва мансуҳини, шунингдек, суннат ва истинботни билган кишидир. Ким бу даражага етса, шундай номланади ва сўраган кишига фатво беришга ҳақлидир”.

Заркаший айтади: “Муфтий – бу шаръий ҳукмларнинг барчасини билган кишидир”.

Фатво бериш борасида Имом Нававий раҳимаҳуллох шундай фикрни айтган:

“Фатво бериш асли хатарли, лекин савоби улуғ ишдир. Чунки муфтий пайғамбарларнинг меросхўри, уммат ичида фарзи кифояни адо этгувчиси ҳисобланади. Аммо, фатво бериш хатога ҳам йўл қўйиш мумкин бўлган ўринлар сирасидандир. Шу туфайли уламолар: “Муфтий Аллоҳ таоло номидан ҳукм айтувчидир” – деганлар.

Фатво қазодан фарқланади. Қазо – бу даъвогарлар ўртасини ажрим қилишдир. Қазони ҳукм ҳам дейиш мумкин. Фатво шаръий ҳукмнинг хабарини бериш бўлса, қазо даъвогарлар ўртасида ҳукмни пайдо қилишдир. Фатво, савол сўрагувчи ёки ундан бошқа шахсларга мажбурият юкламайди, балки тўғри деб билса, амал қилади. Бўлмаса уни тарк қилиб, бошқа муфтийнинг фатвосини олади. Аммо, қозининг ҳукми мажбурий бўлади. Шундан келиб чиқиб даъвогарлардан бири бошқасини фақиҳлар фатвосига чақирса мажбурланмайди. Агар қозига чақирса, унда ижобат қилиш вожиб бўлади ва бунга мажбурланади. Чунки қози даъволарни қондириш ва тугатиш учун тайинланган шахс ҳисобланади.

“Дуррул-мухтор” китоби муаллифи айтади: “Муфтий диёнатан, яъни ишнинг ботинига фатво қилади ва фатво сўровчи ботинан унга мажбурдир. Қози эса, зохирга ҳукм қилади”. Ибн Обидин раҳимаҳуллох бунга шундай мисол келтиради: “Киши муфтийга: “Хотинимга ёлғондан хабар бериб: “Сен талоқсан”, дедим”, деса, муфтий талоқ тушмаганига фатво беради. Аммо, қози эса, талоқ бўлганига ҳукм қилади”.

Шунингдек, қозининг ҳукми жузъий ва хос бўлиб, маҳкум (ҳукм қилинган шахс) дан бошқасига тааллуқли бўлмайди. Фатво эса, сўрагувчига ҳам, бошқага ҳам тааллуқли умумий шариат ҳисобланади. Қози аниқ бир шахсга муайян ҳукмни чиқаради. Муфтий эса умумий, ҳаммага тааллуқли ҳукм фатвосини беради. Ким бундай қилган бўлса ҳукм шундай, ким бундай деган бўлса, ундай нарса лозим бўлади, деганга ўхшаш. Қазо сўзланадиган лафзлар билан бўлса, фатво ёзиш, қилиш ва ишора билан ҳам мумкиндир.

Фатво бериш фарзи кифоядир. Зеро, мусулмонларга динларида воқеъ бўладиган ҳукмларни баён қилиб берадиган киши бўлиши керак. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун фатво бериш шу

ишга қодир кишиларгагина вожиб бўлади. У фарзи айн бўла олмайди. Чунки фатво учун жуда кўп илмга эга бўлиш керак. У ҳаммага юкланса одамларнинг вазифа ва манфаатлари қолиб кетади. Унинг фарзлигига Аллоҳ таолонинг:

“Эсланг (эй Муҳаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очик баён қилурсиз ва яширмайсиз!» — деб аҳд-паймон олган эди” (Оли-Имрон сураси, 187-оят), шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.) нинг: “Ким бир илм ҳақида сўралса, кейин у уни беркитса, қиёмат куни оловдан бўлган юган билан юганланади”, деган мазмундаги ҳадислари далил бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, илм ва салоҳиятсиз фатво бериш ёки учраган кишидан фатво сўраш ва унга эргашиб кетавериш адашувга олиб боради. Бу каби салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи ихтилофларнинг олдини олиш биринчи навбатда мутахассисларнинг, қолаверса, барчанинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, фатво соҳаси шаръий илмлар орасида ўта нозик ва дақиқликни талаб қилгани учун бу соҳани пухта эгаллаш ҳамда ҳозирги кунда омма инсонлар олдида юзага келаётган масалаларга муносиб ечим бериш устувор вазифалардан саналади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 6 жилдли. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2006.
2. Мавлано муфтий Маҳмуд Ҳасан Гангухий. Фатавойи Маҳмудия. – Ж. I. – Карачи: Дорул ифто жомеа фаруқия.
3. Доримий. Сунани Доримий. Фатво боби. 20-боб. 157-ҳадис.
4. Муснади Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснади Вобиса ибн Маъбад Асадий 5/268. 1754-ҳадис. – Байрут: Дор ихёу-т-турос.
5. Ал-Мисбоҳ фи расми-л-муфтий ва маноҳижул-ифто. – Карачи: Мория академияси. – Б. 16.
6. Файзул Қодир алаал Жомии-с-сағир. 1/300.183-ҳадисга илова. Низори Мустафо Ал-Боз нашриёти.

SHERMATOVA Malikaxon Bakhodir qizi
International Islamic Academy of Uzbekistan
Senior Research Fellow at Imam Al Moturidiy
International
Research Center and doctoral student in
the direction of "Fiqh and Kalam",
malikabakhodirovna@gmail.com

INTERPRETATION OF WOMEN'S RIGHTS IN ISLAM

ИСЛОМДА АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

ТОЛКОВАНИЕ ПРАВ ЖЕНЩИН В ИСЛАМЕ

Resume: According to the United Nations Population Division, 49.7% of the world's population are women. One of the important issues discussed over the past decades in legal, social and political circles, is the protection of women's rights. Equality is the most important foundation of any democratic society striving for social justice and respect for human rights. Nevertheless, it must be admitted that almost everywhere women are discriminated against to some extent in the family, in society and in the workplace. Our objective is to reveal the causes of this problem and try to find a suitable solution.

Keywords: Women's rights, discrimination, migration, equality, gender, position in society, canonical law, religiosity, Islamic community, Quran, hijab.

Annotatsiya: Birlashgan Millatlar Tashkilotining Aholishunoslik bo'limi ma'lumotlariga ko'ra, dunyo aholisining 49,7 foizini ayollar tashkil etadi. So'ngi o'n yilliklarda huquqiy, ijtimoiy va siyosiy doiralarda muhokama qilingan muhim masalalardan biri bu ayollar huquqlarini himoya qilishdir. Tenglik – ijtimoiy adolat va inson huquqlarini hurmat qilishga intiladigan har qanday demokratik jamiyatning eng muhim tamoyilidir. Shunga qaramay, tan olish kerakki, deyarli hamma yerda ayollar oilada, jamiyatda va ish joyida ma'lum darajada kamsitiladi. Bizning maqsadimiz ushbu muammoning sabablarini aniqlash va tegishli yechim topishdir.

Kalit so'zlar: Ayol huquqlari, diskriminatsiya, migratsiya, tenglik, jins, jamiyatdagi o'rni, kanonik huquq, dindorlik, islom jamoasi, Qur'on, hijab.

Аннотация: По данным Отдела народонаселения ООН, 49,7% населения мира

составляют женщины. Одним из важных вопросов, обсуждаемых на протяжении последних десятилетий в юридических, общественных и политических кругах, является защита прав женщин. Равенство является важнейшей основой любого демократического общества, стремящегося к социальной справедливости и уважению прав человека. Тем не менее, следует признать, что почти везде женщины в той или иной степени подвергаются дискриминации в семье, в обществе и на работе. Наша цель – выявить причины данной проблемы и попытаться найти подходящее решение.

Ключевые слова: Права женщин, дискриминация, миграция, равенство, пол, положение в обществе, каноническое право, религиозность, исламская община, Коран, хиджаб.

INTRODUCTION

Muslim women still encounter discrimination in various domains of their daily life represented by religious teachings such as their right to choose husband, clothing, education and so on. Islamic religion continues to be used as an excuse for such acts of discrimination against Muslim women.

BODY PART

Although the causes and consequences of this may be different in different countries, the inequality of women is widespread. This phenomenon is supported by the presence established stereotypes, as well as traditional cultural and religious customs and beliefs that detract from the role of women.

However, even after traveling a lot around the world, it is difficult to understand true mores and customs, to feel how the people live in that or another country. Moreover, it is even more difficult to provide an accurate picture of the situation of women in different countries - where the way of life women is not so noticeable where a woman does not participate in the economic and political life of the country, where, as a rule, she is assigned the role of only wife, mother, mistress of the hearth. But sometimes those women about which we have firmly established certain stereotypes, do not at all live as we imagine, have certain rights and position in society [3].

At the end of the 19th - beginning of the 20th centuries. in several countries of the Muslim world the process of reforming traditional Islamic life was unfolding. Influence of the West, economic backwardness of the East countries, the growth of social and political movements gave rise to changes in the most conservative and theological circles of traditional Islamic society [2:103].

The "women's" issue has become one of the central issues for Islamic political movement. Muslim women are getting more involved into social and political life, which requires a certain design.

Even the term "Islamic feminism", which in many cases expresses demands for the observance and provision of women's rights in accordance with the norms of Islam, which gives women opportunity to protect and expand their rights in a patriarchal society, contrasting sharia and ethnic customs, often rooted in remnants of the pre-Islamic period. So it is no coincidence that lately a lot of fatwas have appeared, not to mention the texts of thinkers that expand the former view of women's rights from a point view of Islam [5].

At the same time, among all political movements of Muslim countries today women who are one of the most oppressed segments of the population in the current. Muslim world, the most widely represented in Islamic movements. Women speaking under the banner of Islam against globalism have long not uncommon for anyone. In the same time the influence of figures guided, more archaic-patriarchal principles regarding the role of women than purely Qur'anic, still enough strong [5].

The role of women in Islam is great. A woman is a mother, and a sister, and a daughter, and wife. Relation to all these groups women from men is strictly controlled by canonical laws. Harassment and infringement of the rights of any of them is strictly punishable. Women largely depend on what there will be religiosity and education next generations. They are entrusted with the great function of maintaining calmness, tranquility, religiosity of the hearth, good breeding and piety of the younger generation. However, one should not conclude that the role of a woman is limited to her home, family and household. Though women in

the family also have special rights and enjoy special honor according to their high position and greatness. Therefore, they can demand payment from their husbands for the work done in the house [4]. This is a natural element applications of her innate abilities and manifestations of feminine nature [6]. Women play an important role in Islamic society. Islam elevates women to the extent that she could find its worthy place in society, and on it stopped looking at things. In such case, a woman can take on certain kinds of responsibilities in various social spheres, since Islam conditions the health of society on the fulfillment of duties by men and women and calls them to fight against vices and imperfections [4].

Today a Muslim woman is public active: women in the Islamic world master new computer technologies, engage in political, teaching, journalism activities, heal, teach, etc. Without further enumeration, it is clear that study and work, contrary to popular belief, are available for Muslim women and allowed. Actual observance of Muslim laws guarantees woman security (social, material, physical, and even psychological). A prerequisite is to provide opportunities for education both spiritually and material sphere. Islam and Muslim law rendered profound influence on development history states and rights of a number of countries, in specifics on the status of rights and freedoms man, on the status of women in society. The scope of their activity in our time is also remains very wide, which in many respects determined by the close connection between Islam and law as a religious system that still has an almost decisive importance for the worldview of the broadest segments of the population in Muslim countries. From the very beginning of its emergence, Islam initiated major changes in the patriarchal norms of Arabian society. During, when no other system gave women rights in the social and legal sphere to such an extent, in a society where the birth of a girl was regarded like a curse, where the woman herself was considered movable property, Islam became treat women as individuals. In the Islamic community, a woman began to be granted rights that in other communities were reluctantly conceded and only under pressure.

It is known that the Quran makes a serious emphasis on human dignity, rights and freedoms, opposes any forms of discrimination based on

race, national origin or kind. In Islam, women are guaranteed four fundamental rights: the right to areas of regulations related to departure requirements of religion, the right to acquire, the right to real estate and the right to guarantee of personal dignity. The Quran emphasizes the fundamental equality of men and women in such vital issues for Muslims, such as education and religious duties. However, the issue gender equality is at a different level and in a different area of guarantees rights and obligations. There exists a completely different philosophy, a different division of rights and duties between them, which at the same time does not give the right talk about their actual inequality. In various chapters of the Qur'an, women's rights related to marriage divorce, property, inheritance, parenting, witnessing. In a historical context, Qur'anic norms had and have a positive impact on women's rights. The Islamic religion considers a woman as a full-fledged being and represents her as an element of human society, giving it a value and significance that a person can in principle receive in society.

Therefore, the leader of the Islamic revolution Iranian Ayatollah Khomeini emphasizes that in the issue of women the world is indebted to Islam [1].

In Islamic teaching, a woman, like a man, receives a share of wealth and property left as a legacy father, mother, brother, sister and husband. A woman is entitled to a certain portion of her husband's inheritance. A woman can conduct social and economic activities and accumulate income. In addition, she can use inherited capital in the family financial cycle [4]. However, the man at should provide it with the means for life in proportion to its needs in in terms of housing, clothing, food and other necessities of life. The actions of a woman in Islam have value and public respect. The woman may demand your legal rights or contact directly to the relevant competent authorities. If a woman's rights are violated, she can sue claims to the courts or to give testimony in court. In all of the above cases, a man has no right to impose his opinion on a woman.

However, should be considered that in the electoral society everything is very individual, far from all Muslim women in the constituency of European or American liberal activists who seek to wrest them from the "fetters" of the average way

of life, reduce them from wearing the hijab, etc. Moreover, the very thesis that this is an important aspect of gender and the use of the basic principle of freedom has no basis in itself. In many cases, if we take developed Muslim countries or regions where there are immigrant Muslim diasporas, the coverage of the hijab is a conscious choice of most modern Muslim women. They actively participate in social life, receive education, using the feelings that open before them, but at the same time adhere to their convictions. In this regard, Teresa Corbyn, a writer and journalist from New Orleans, who accepted the execution in November 2001, 2 months after the September 11 attacks in the United States at the age of 21, is very indicative. In an interview with CNN, she said the following: The headscarf does not twist my arms behind my back, it is not a means of oppression. This did not prevent thoughts from coming into my head, and words flying out of my mouth . The proposal that all Muslim women in the world accepted from the agenda is greatly exaggerated. As a result, it arises due to ignorance of the Islamic cultural tradition, the peculiarities of the dogma and the construction of the device, as well as due to the decision about representatives and other cultures "on their own", i.e. extrapolating to them their own ideas about what the life of a modern woman should be like. The ideal of a free, emancipated woman, who prefers racial style in the first place, works on an equal footing with men, builds, and does business, comes to the fore here. While Muslim women are inclined towards the ideal, it is completely different, and for the most part they condemn the behavior of European or American women in public. They gather that the demonstration of the body in public is a sign of sexual promiscuity and indicates a lack of control over one's own body.

In addition, Americans were often criticized by Muslim women for "giving up almost excessive drinking of alcohol", smoking, sexual relations before marriage, etc. On closer examination, Americans believe that many ordinary Muslims do not believe that conversion to the Islamic tradition somehow infringes on their rights, they do not consider it social discrimination in the sphere that the head of the family is a man, a woman, in turn, meeting support and protector. Muslim women are

convinced that this is the best option for a happy, prosperous and peaceful life, when you do not need to find yourself, choose between family and career, deprive yourself of the joy of motherhood due to elementary household disorder, etc. The structure of the structure of society and the constitution of the family that has been formed over the centuries does not mean that a woman remains alone and takes care of herself, or finds herself in conditions where she needs to work on an equal basis with men, while not forgetting about family and home (which is the norm) . for representatives of Western society). In addition, there are quite significant examples, as in the case of ultra-conservative Muslim countries with supreme power structures elected by women: for example, in the experiments in the elections in 1964, Fatima Jinnah (1893-1967) was elected in parliament - the sister of the founder of the state, Muhammad Ali Jinnah, Benazir Bhutto (1953-2007) served as Prime Minister of the United States. In January 2014, Tunisia quickly drafted articles of the constitution establishing gender equality and prohibiting discrimination. Article No. 20, which was rated by 159 out of 169 deputies, considers: "All citizens, men and women, have the corresponding rights and obligations.

CONCLUSION

In conclusion should be noted that the persistent desire to present Islam as the main source of "oppression" of the modern Muslim woman, as well as "the emphasis on the religious affiliation of foreign workers when discussing the phenomenon of migration, the integration of migrants" has recently become a characteristic feature of many socio-political discussions. The real reason that in some countries the rights and freedoms of women are not always ensured is not Islam at all. As practice shows, they often overlook or simply prefer not to notice the fact that socio-economic factors (for example, a protracted economic crisis, poverty, war, low living standards, etc.) have a much more noticeable, and sometimes even destructive impact on the lives of Muslim women rather than requiring them to follow certain religious precepts.

REFERENCES

1. Sayings. Aphorisms and instructions of the imam Khomeini. - Tehran: Publishing House of Imam's Works Khomeini, international department, 1995, 240 p.
2. Polenina S.V. Women's rights in the human rights system: international and national aspect // Institute of State and Law of the Russian Academy of Sciences. – M., 2000. – P. 103.
3. Pronin A.A. The position of women in modern societies // Problems human rights // window.edu.ru
4. The image of a woman under the shadow of Islam // [http:// www.shianet.ru](http://www.shianet.ru), December 11, 2008
5. <http://www.islam.ru>
6. <http://www.koran.ru>



ТУРДИЕВА Дилафруз Махмуджановна
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 Диншунослик ва жаҳон динларини
 қиёсий ўрганиш UNESCO кафедраси катта
 ўқитувчиси
 E-mail: dilyadiamond@gmail.com

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДА ҚАДИМГИ ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

ДРЕВНИЕ РЕЛИГИОЗНЫЕ УЧЕНИЯ В ЮГО-ВОСТОЧНОЙ АЗИИ И ИХ РОЛЬ В ОБЩЕСТВЕ

ANCIENT RELIGIOUS TEACHINGS IN SOUTHEAST ASIA AND THEIR ROLE IN SOCIETY

Аннотация: Мақолада, ҳозирги кунда Жануби-Шарқий Осиё минтақаси, жумладан Малайзия ҳудудида жаҳон динларидан ҳисобланган буддавийлик ва ислом асосий мавқега эга бўлган динлардан экани, ушбу динларнинг кириб келиши ҳам ҳиндуийлик дини каби бошқа ўлкаларда кечган жараёнлардан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани, минтақанинг исломлашуви бир неча ўн йиллар, ҳатто асрлар давомида кечган бўлсада, бу минтақада арабларнинг ҳарбий ҳаракатлари кузатилмагани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: ислом, буддавийлик, миссионерлик, Жануби-Шарқий Осиё, ҳиндуийлик, багрикенглик, Малакка.

Аннотация: В статье отмечается, что буддизм и ислам, которые в настоящее время являются основными мировыми религиями в регионе Юго-Восточной Азии, включая Малайзию, входят в число основных религий, распространение этих религий также имел свои особенности, как индуизм, в отличие от процессов, происходивших в других странах, хотя исламизация региона продолжалась десятилетиями, даже веками, в регионе не наблюдались арабские военные действия.

Ключевые слова: ислам, буддизм, миссионерство, Юго-Восточная Азия, индуизм, толерантность, Малакка

Abstract: The article notes that Buddhism and Islam, which are currently the main world religions in the region of Southeast Asia, including Malaysia,

are among the main religions, the spread of these religions also had its own characteristics, like Hinduism, in contrast to the processes that took place in other countries, although the Islamization of the region has continued for decades, even centuries, the region has not seen Arab military action.

Keywords: islam, buddism, missionary, Southeast Asia, Hinduism, tolerance, Malacca.

КИРИШ

Жануби-Шарқий Осиё минтақаси диний эътиқодига кўра 3 ҳудудга бўлинади: биринчиси, аҳолисининг 90%дан ортиғи буддавийлик динига эътиқод қилади ва бунга Ҳиндихитой давлатлари қиради. Иккинчиси, аҳолисининг аксарияти мусулмон бўлган давлатлар, буларга Индонезия, Малайзия, Бруней ҳамда Филиппиннинг жанубий қисмлари қиради. Учинчи ҳудуд аҳолисининг аксарияти христианликнинг католик йўналишига эътиқод қилувчилардир, бу ҳудуд таркибига Филиппиннинг асосий қисми ва Шарқий Тимор қиради [8:16].

Бу минтақада милонинг илк асрларидаёқ ўзига хос тараққиёт пайдо бўлган. Ҳозирги кунда Жануби-Шарқий Осиё минтақасини ўрганаётган олимлар фикрича, ушбу минтақа ривожланиши ва гуллаб-яшнашида Ҳиндистон ва у ерда мавжуд бўлган ҳиндуийлик ва буддавийлик динларининг таъсири жуда катта бўлган, шу туфайли улар ушбу тараққиётни “Ҳинди-Буддавий” маданият деб номлашмоқда. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари мавжуд. Агар биз Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги давлатларнинг диний ҳолатига эътибор берсак, минтақадаги мавжуд давлатларнинг барчасида буддавийлик динининг алоҳида ўрни мавжуд эканини кўришимиз мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, ҳиндуийлик Ҳиндистонда пайдо бўлган ва асосан ҳиндлар эътиқод қиладиган диндир. Қадимий ведалар диний-фалсафий таълимоти ва брахманликка таянган ушбу дин милот бошларида бутун Ҳиндистон ҳудудида ҳукмронлик қила бошлади ва тез суратлар билан Ҳинди-Хитой ва Индонезияда тарқалди. Кейинчалик бу Малай ва бошқа давлатлар ҳудудига ҳам кириб келди. Қадимги Малайзия ҳудудида ушбу диннинг тарқалишига маълум

даражада ҳинд ҳаммоллари ўз ҳиссаларини қўшган бўлсалар, XIX-XX асрларга келиб ушбу ҳудудга эркин кўчиб ўтаётган ҳинд ишчилари нафақат ҳиндуий диний-маданий таркибий қисмларини сақлаб қолишга, балки уни ривожлантириш ва юксалтиришга ҳам ҳаракат қилганлар. Даврлар ўтиб Жануби-Шарқий Осиё минтақасига кўчиб ўтаётган ҳиндлар ўзлари билан бирга брахманлик ва буддавийлик динларини ҳам олиб кирганлар.

Ҳиндуийлик дини ҳинд саройлари дабдабаларига тақлид қилган маҳаллий давлат раҳбарлари томонидан қабул қилина бошлади. Буддавийлик дини эса, аксинча қашшоқликда яшовчи буддавий дарвешлари ёрдамида кириб келган [10].

Ҳиндуийликни қабул қилган ҳукмдорлар ўзларини Шива, Вишну ёки Харихара худоларига ўхшатиб илоҳийлаштириш мақсадида ҳинд брахманларини таклиф қилганлар. Ҳукмдорларнинг янги исмлари улар тенглаштирилган худолар номи билан бирга тилга олинган.

Аста-секинлик билан санскрит саройларнинг муқаддас тилига айланган. Вақт ўтиши билан эса, ҳинд ёзувлари маҳаллий тиллардаги бадий асарлар учун соддалаштира бошланган. Буни бизгача яван, малай, монск ва кхмер тилларида етиб келган ёзувларда кўришимиз мумкин.

“Ҳинд мустамлакаси” тинч кечган жараён ҳисобланади. Унинг илк тарқатувчилари кампонг – қирғоқ бўйи аҳолиси билан савдо алоқаларини боғлаган ҳинд савдогарлари бўлган. Бу ерга келган ҳинд савдогарлари маҳаллий оила қизлари билан турмуш қурганлар, бунинг натижасида қирғоқ бўйи аҳолиси орасига ҳиндуийлик дини ва маданияти кириб кела бошлаган. Баъзида ҳиндлар орасидан бошлиқлар тайинланган ёки ҳудудда ҳинд оилаларининг кўчиб келиб яшаши кузатилган [9:12].

Аввалига Малайзия ҳудудига савдогарлар баъзи-баъзида келган бўлсалар, милоннинг бошларига келиб нафақат савдогарлар балки ҳиндуийлик дини руҳонийларининг ҳам ҳудудга кириб келиш оқими кучая бошлаган, бунга сабаб эса, Жануби-Шарқий Осиё минтақаси ҳудудларида мавжуд бўлган турли зираворлар, қимматбаҳо тошлар ва тилланинг

кўп бўлганидир. Кейинчалик бу омиллардан буддавийлик дини миссионерлари ҳам усталик билан фойдаланганлар.

Малакка ярим оролидаги илк давлатлардан бири ҳозирда Жанубий Таиландга тегишли бўлган ҳудудда жойлашган Таккола ҳисобланса, айнан Малайзия ҳудудидаги илк давлат Кедах бўлгани ҳақида Ҳинд манбалари гувоҳлик беради. Бу ҳақдаги маълумотлар милодий II аср охири ва III аср бошларига тааллуқли тамил шеърятига оид “Паттинапалаи”да ҳам учрайди [9].

Аслида Жануби-Шарқий Осиёнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳинд маданияти туртки бўла олди холос, чунки жамиятнинг ўзи бу каби ўзгаришларга тайёр турган эди. Ҳиндлар билан ўрнатилган алоқалар эса синфий жамиятнинг пайдо бўлишини тезлаштириб юборди холос. Шунингдек, кейинчалик ҳиндуийлик дини ибодат ва маросимлари буддавийлик дини билан бирга ривожланди.

Ҳозирги кунда Жануби-Шарқий Осиё минтақаси, жумладан Малайзия ҳудудида жаҳон динларидан ҳисобланган буддавийлик ва ислом асосий мавқега эга бўлган динлардан ҳисобланади.

Бу ҳудудга буддавийлик ва ислом динларининг кириб келиши ҳам ҳиндуийлик дини каби бошқа ўлкаларда кечган жараёнлардан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Буддавийлик дини милотдан аввалги II–III асрларда тинч йўл билан саёҳатчи руҳоний ва буддавий савдогарлар орқали кириб келган. Лекин туб аҳоли учун Ҳинд маданияти юқори даражадаги маданият ҳисобланган. Шунинг учун ушбу минтақа аҳолиси буддавийлик динини ҳиндуийлик дини ва руҳларга сиғиниш одатлари билан уйғунлаштирган ҳолда қабул қилганлар. Аҳолининг кичик қатламигина буддавийликка “нирвана” – яъни, “олий ҳақиқатга эришиш” учун эътиқод қилар эдилар. Кўпгина қисми эса дунёвий ишлар ва муаммоларни ҳал қилиб бера оладиган дин сифатида қабул қилганлар ва эътиқод қилганлар. Буддавийлик дини бу минтақада мавжуд бўлган ҳиндуийлик ва бошқа турли динларни сиқиб чиқара олмаган, шунинг учун ҳам олимлар буни “Ҳинди-Буддавий” маданият деб эътироф этганлар.

“Танътанъ” хитой тарихий манбасида шох атрофидаги мансабдор шахсларнинг барчаси

брахманлар бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд [9:21].

Хитой тарихий солномаси “Лян шу”да келтирилган маълумотларга кўра, Кедахда топилган буддавий санскрит ёзувлари милодий IV-V асрларга оид тарихий манбадир. Бундан ташқари бу ердан будда ибодатхоналари, ҳинд кулолчилик мактаби таъсирида ясалган Будда ҳайкалчалари топилган.

Паньпаньда эса, буддавийлик руҳонийлари муқаддас китобларни ўрганадиган 10 та махсус ибодатхона мавжуд экани ва у ердагилар винодан тийилиб гўшт ейишлари ҳақида ҳам сўз юритилган [9:23].

Шуниси эътирофга лойиқки, милодий V-VI асрлардан бошлаб Хитойга Малакка ярим оролидан буддавийлик ёдгорликлари етказиб берилган.

Шунингдек, 671 йилда хитой буддавий-роҳиб И Цзиннинг Ҳиндистонга сафари чоғида Шарқий Суматрада жойлашган Шривиджая давлатига ташриф буюради, унинг гувоҳлик беришича, ўша вақтдаёқ бу давлат Жануби-Шарқий Осиёдаги махаяна йўналишидаги буддавийлик маркази ҳисобланган, 683-686 йилларда Шривиджая буддавий князлиги деб ҳам номланган [9]. Шайлендралар сулоласидан бўлган махараджа Вишну ҳукмронлиги (775-782 йиллар) даврида эса, буддавийлик ибодатхоналарининг қурилиши бошланган, булар ичида энг йирик ибодатхона Боробудур ўлмас ёдгорлик ҳисобланади.

Ислом дини ҳам Жануби-Шарқий Осиё минтақасида кенг тарқалиш билан бирга у ерда мавжуд динлар таъсирида ривожлана борди ва вақтлар ўтиши билан атрофидаги бошқа динлар одатлари билан синкретлашув жараёни бошланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ислом дини кириб келган вақтда аҳоли уни бегона бир дин сифатида эмас, балки ўзларида аввалдан мавжуд эътиқод сифатида қабул қилганлар.

Бугунги кунда Малайзия федерациясида ислом дини асосий дин ҳисобланади ва аҳолининг 90% шу динга эътиқод қилади. Лекин шуни ҳам эътироф этиш жоизки, у ердаги мусулмонлар бир-биридан фарқ қилади. Яъни, минтақанинг тоғли ҳудудларида яшаётган мусулмонлар соф ислом дини ақида ва тамойилларига эътиқод қилсалар, минтақанинг

қолган қисмидаги мусулмонлар атрофдаги динлардан таъсирланган ислом динига эътиқод қиладилар. Шунини ҳам эътироф этиш мумкинки, бу минтақада ислом дини таъсирида муқаддаслаштирилган жой ҳамда зиёратгоҳлар барпо этилган ва улар ҳозирги кунгача сақлаб қолинган.

Бу ҳудудга ислом тинч йўл билан кириб келди. Минтақанинг исломлашуви бир неча ўн йиллар, ҳатто асрлар давомида кечган бўлсада, бу минтақада арабларнинг ҳарбий ҳаракатлари кузатилмади.

Ушбу ҳудуд халифаликлар пайдо бўлаётган даврда арабларнинг босқинига дуч келмаган бўлсада, VII-VIII асрлардаёқ араб савдогар аҳолиси бу ерга кириб келган эди. Бу каби мустамлакалар Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиёни Араб ярим ороли билан туташтирувчи денгиз йўллари орқали пайдо бўлар эди. Айнан шу каби мустамлакалар исломлаштириш маркази бўлиб қолди. Х.Снук Хюргронье, И.Гольдциер ва шу каби машҳур исломшунос тарихчилар, бу ҳудудда ислом динининг тарқалишида арабларнинг ўрни жуда катта, деган фаразни танқид қилганлар. Улар Ҳиндистон ва Эрондан келган аҳоли ҳам ушбу минтақада ислом динининг тарқалишига ёрдам берганлар, деган ғояни илгари сурганлар [5:15]. Улар мазкур минтақанинг турли бурчакларида асос солган савдо марказларининг кўпчилиги ҳозирги кунгача мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти диний фаолият марказлари сифатида маҳаллий мусулмонларни ташқи ислом олами билан боғлаб туради [3:44].

Бу ерларга исломнинг ғайриараблар томонидан киритилиши ҳам ўз таъсирини қолдирди. Минтақадаги ислом ўрта асрларда Арабистонда мавжуд бўлган ислом кўринишидан фарқ қилган. Яъни, унда маҳаллий анъаналар билан исломнинг кириб келишида муҳим ўрин эгаллаган ҳинд, форс ва бошқа миллатлар урф-одатлари ҳам аралашиб кетган [1:132].

XIII аср охирида Жануби-Шарқий Осиёда ислом даъватчилари у ерлик аҳолининг аксарият қисмини ислом динига эътиқод қилишларига сабабчи бўлганлар. Буни 1292 йили Суматрадаги Перелак портига келган Марко Поло ҳам бу ердаги аҳоли аллақачон ислом динига эътиқод қила бошлаганини таъкидлаган [11:75].

XI-XIII асрларда ислом динини маҳаллий аҳоли орасида биринчи бўлиб Малакка ярим

оролининг соҳил минтақалари ва Суматра оролининг шимолий қисмида яшовчи халқлар қабул қилдилар [6:140]. Натижада XV асрда тараққий этган Малакка Султонлигидан чиққан дин тарқатувчи савдогарлар ўз фаолиятларини кенгайтириб юбордилар. XV-XVII асрларда Ява, Бруней, XV-XVI асрларда Ғарбий Суматра, XV асрнинг иккинчи ярмида Патани, XIV-XV асрларда Сулу ва Минданао, XV-XVIII асрларда Аракана ороллари аҳолиси исломни қабул қилдилар. Янги дин Ява ороли орқали XVIII-XIX асрларда Жанубий Суматрага, XVI-XVII асрларда Жанубий Калимантанга, XVII асрда Ғарбий Суматра орқали Сулавесига кириб келди. Исломни оммавий тарзда қабул қилиш Сабах ва Саравакнинг энг ичкари минтақаларида юз берган [5:16].

Ғарбий Суматра таъсири остида эса, Малакка подшоҳлиги ислом динини қабул қилган. Бу минтақаларда XV асрнинг ўзидаёқ ислом етакчи динга айланиб улгурган эди [4:79]. Малакка билан бўлган савдо муносабатлар Ява ва Бруней бандаргоҳларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Калимантан оролида улар ўз динларига эътиқод қиладиган эргашувчиларни ҳам топдилар. Малакканинг португаллар томонидан 1511 йилда босиб олинishi билан Пряноста ороллари бошлиқлари уларга эргаша бошладилар [8:16].

Ислом динининг ҳукмдорлар томонидан қабул қилиниши бу уларнинг қўл остидагилари ҳам ислом динини тез қабул қилди, дегани эмас эди. Аслида, ҳиндуийлик ва буддавийликнинг ушбу минтақага кириб келиши жараёнида кузатилган вазият ислом билан ҳам рўй берди. Ислом дини турли жойларда мусулмонларнинг маиший ва маънавий ҳаётларига бир хилда кириб боргани йўқ. Бир минтақадаги турли халқлар ва ҳатто турли ҳудудлардаги исломнинг кўриниши бир-биридан фарқ қилади. Ислом ақида ва тамойилларига қаттиқ амал қиладиган халқлар бу – илгари даъватчилар сермахсул фаолият олиб борган ерлардир. Аслида Малай маданияти шаклланган минтақа аҳолиси илгари ҳиндуийлик ва буддавийлик динларининг баъзи жиҳатларини қабул қилганларидек, юз йиллар ичида ислом динининг ҳам баъзи жиҳатларини қабул қилдилар. Ислом аввалги динлар – ҳиндуийлик ва буддавийликка дуч келди ва улар билан бирга мавжуд бўлиб, ўзига хос кўриниш олди.

Ижтимоий муносабатлар аввалги маҳаллий “одат” – оддий ҳуқуқлар билан ҳал қилинган. Ҳеч қандай оммавий намойишлар бўлмади, маданий ҳаётда ҳам ҳеч қандай портлашлар рўй бермади [2:114]. Биринчи ҳолатда мусулмонлар ҳукумат назаридан четда қолган бўлсалар, иккинчи ҳолатда эса, мусулмонлар анъанавий ислом қонунларини сақлаб қолиш учун диққат марказида бўлдилар.

Ушбу давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг ислом оламига таъсири камроқ, чунки Малайзия дунёда энг мўътадил мусулмон мамлакати сифатида намён бўлади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳозирги кунда бу ҳудудда христиан миссионерлари ҳам кўпайиб қолган, улар асосан аҳолининг камбағал қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатган ҳолда ўз фаолиятларини олиб борадилар. Шу туфайли ҳам ҳозирда бу минтақада христианлик дини кўпайиб бормоқда. Бу албатта, ўзга дин вакилларига нисбатан ёмон кўз билан қараш, уларни камситишни аниқлатмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу минтақада бир вақтнинг ўзида бир неча дин вакиллари истиқомат қиладилар. Улар ўртасида ўзаро адоват, хусумат ёки қарама-қаршилиқлар мавжуд эмас. Бир дин вакили ўзга дин вакилига душман сифатида эмас, балки аксинча, ўзининг биродари ёки ўз динининг вакили сифатида қарайди, бир-бирини камситмайди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, буддавийлик ва ислом динларининг бу минтақада тез ва қаршилиқларсиз ёйилганига асосий сабаб, туб аҳоли икки диннинг ғоя ва эътиқодлари бир-бирига ўхшаш ва яқин деб тан олганидир. Айниқса, икки диндаги сўфийлик ғоялари ҳам бир-бирига жуда яқин деб ҳисобланади. Бу ҳудуддаги кўп миллатли ва кўп конфессияли вазиятда ҳам турли низолар келиб чиқмаётганидан ибрат ва намуналарни олишимиз мумкин, шунингдек, бағрикенгликнинг илмий тамойилларини ишлаб чиқишда бу минтақани атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этишининг ўрни катта аҳамият касб этади.

Жануби-Шарқий Осиёдаги ҳар қандай давлатда ҳам мусулмон жамоаларининг

мавқеини белгилашда ҳукуматнинг қилган ҳаракатлари қанчалик катта бўлмасин, ундаги жамоаларнинг бу ҳаракатларга билдирган муносабатлари янада каттароқ аҳамиятга эга эди. Бу эса уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, ички ўзаро муносабатларга, ижтимоий-диний бошқарувнинг табиатига ва бу жамоа ташқи дунё билан алоқаларни қай даражада яхшилашга эришганига боғлиқ бўлди.

Ҳозирда Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жуда кўп миллат ва ўндан ортиқ дин вакиллари истиқомат қилади. Аммо диққатга сазовор жиҳати шундаки, миллий ва диний асосдаги низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга эришишда бу минтақани ўрнатқич сифатида эътироф этиш мумкин.

Бугунги кунда дунё миқёсида экстремизм ва терроризм муаммосини ҳал қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб турган айни пайтда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш барча давлатлар учун зарурий ва устувор йўналиш ҳисобланади.

Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни юзага келтириш шунчаки иш бўлмай, у ўзининг илмий асосларига эга бўлиши керак. Мазкур асос ва тамойилларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун алоҳида илмий тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида амалий таклифларни бериш талаб этилади. Шунингдек, динларни, айниқса, ислом динини ниқоб қилиб экстремистик ғояларни илгари сураётган гуруҳлар сони ҳам кўпайиб кетмоқда. Шу каби низо ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида биз нафақат юртимиздаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни, балки турли минтақалардаги диний ҳолат билан ёшларимизни таништириш, улар дунёқарабини шакллантиришда кўшни минтақаларни мисол қилиб кўрсатишимиз ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Александров Ю.Г. О социальной структуре яванской деревни. – Аграрные отношения в Юго-Восточной Азии. – М., 1968. – Б. 132.
2. Алиева Б.А. Теория двойственной истины и метод предметного разграничения в современной теологии // Наука и теология. – М., 1972. – Б.114.
3. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – Б. 44.
4. Грюнебаум Г.Э.фон. Классический ислам. – Москва: 1988. – Б. 79.
5. Ионова А.И. Ислам в Юго-Восточной Азии: проблемы современной идейной эволюции. – М., 1981.
6. Мень А. История религии. – М., 1994. – Б. 140.
7. Народы Юго-Восточной Азии. – Москва: Наука, 1966.
8. Нгуен Ван Хуан, Никулин Н.И. Взаимосвязи культур вьетов и других народов Юго-Восточной Азии // «Народы Азии и Африки». 1978, №5.
9. Тюрин В.А. История Малайзии. – Москва: Наука, 1980.
10. Холл Д. Дж. История Юго-Восточной Азии. – М., 1958
11. Шпажников С.А. Религия стран Юго-Восточной Азии. – М., 1980, – Б. 75.

ҲАСАНОВА Умида,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти,
xasanovaumida41@gmail.com,

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ДИНЛАРАРО ҲАМЖИХАТЛИК АСОСИ

МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ – ОСНОВА МЕЖКОНФЕССИОНАЛЬНОЙ СОЛИДАРНОСТИ

INTERETHNIC HARMONY AND RELIGIOUS TOLERANCE – BASIS OF INTERFAITH SOLIDARITY

Аннотация: Ўзбекистонда сўнги йилларда маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни билан баробар динга ва айниқса, ота-боболаримиз дини бўлиб келган исломга муносабат тубдан ўзгарди. Ислом динини ўрганиш минтақада хусусан, Ўзбекистонда қарор топган умуминсоний қадрият ва анъаналарни тадқиқ этиш, муштарак жиҳатларни кўрсатиб бериш мазкур ҳудуддаги этник гуруҳларнинг ўзаро бағрикенглик ва келишув асосида тинч-тотув яшашиларига хизмат қилади.

Калим сўзлар: Диний ташкилотлар, диний таълим тизими, ислом таълим муассасалари, бағрикенглик, ислоҳотлар.

Аннотация: Наряду с процессом восстановления духовных ценностей, в Узбекистане в последние годы коренным образом изменилось отношение к религии, и особенно к исламу, который является религией наших предков. Изучение ислама, изучение общечеловеческих ценностей и традиций в регионе, в частности в Узбекистане, и представление общих черт помогут этносам региона жить в мире на основе взаимной терпимости и согласия.

Ключевые слова: Религиозные организации, система религиозного образования, исламские учебные заведения, толерантность, реформы.

Annotation. Along with the process of restoring our spiritual values in Uzbekistan in recent years, the attitude to religion, and especially to Islam, which was the religion of our ancestors, has changed radically. The study of Islam, the study of universal values and traditions in the region, in particular in Uzbekistan,

and the presentation of commonalities will help ethnic groups in the region to live in peace based on mutual tolerance and harmony.

Key words: Religious organizations, religious education system, Islamic educational institutions, tolerance, reforms.

КИРИШ

Ўзбекистон азалдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаган ўлка бўлиб келган. Давлат томонидан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бағрикенглик анъанаси доимо қўллаб-қувватланиб, уни янада ривожлантиришга шароит яратиб келинган.

“Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг орзу интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Биз бу йўлда ислоҳотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга солишимиз зарур. Шундагина Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади” [1:3].

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби диний-маърифий жаҳада ҳам кенг кўламли ислоҳотлар, ўзгаришлар, янгиликлар амалга оширилди. Зеро, Республикаимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар ҳамда диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш борасида олиб борилаётган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилаётгани – бу борада олиб борилаётган ишларнинг тўғри ўзанда кетаётганига далолат қилади. Чунки, “Бугунги халқимиз – кечаги халқимиз эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас” [2:21].

Мазкур йўналишда фуқароларимизнинг виждон ва диний эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро

дўстлик-ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Заминимизда қадим замонлардан буён ислом дини билан бир қаторда бошқа динлар бир-бирига дахл қилмай, ривожланиб ва жамиятнинг маънавий юксалишига ҳисса қўшган [3:232].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, дунёвий давлат ҳисобланиб, Конституцияда барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги (18-модда) [4:7];

виждон эркинлигининг ҳамма учун кафолатланганлиги, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмаслиги (31-модда) [5:9];

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенг эканлиги, давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги (61-модда) таъминланган [6:13].

Юртимизда виждон эркинлигини таъминлаш ҳар доим устувор вазифалардан бири бўлиб келган. Шу боис, 2021 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамкорлар билан турли шаклларда ўтказилган тадбирларда муҳокама қилинди. Ушбу тадбирларда БМТ нинг Дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси, АҚШ Давлат департаменти ва бошқа хорижий ҳамкорлар вакиллари, миллий ва хорижий экспертлар, диний ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мазкур қонун 6 та боб, 35 та моддадан иборат бўлиб, аввалгиларидан анча такомиллашган, энг муҳими, виждон эркинлиги борасидаги инсон манфаатлари ва ҳуқуқий кафолатларини тўлиқ қамраб олинган. Хусусан, янги қонун билан диний таълим муассасаларида диний таълим берувчиларга марказий органнинг алоҳида розилигини олиш талаби, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган

ҳужжатларни тақдим этиш тартиби, диний ташкилотни тузишда маҳалла фуқаролар йиғинлари розилигини олиш талаби бекор бўлди.

Шу билан бирга, демократик давлатлар қаторида, қонун устуворлиги таъминлидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам диннинг сиёсатга аралашishi ҳамда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қонунда аниқ кўрсатилганини таъкидлаш зарур.

Ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотларнинг асосини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳаси ташкил этди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларда бугунги янгиланаётган Ўзбекистонда виждон ва дин эркинлиги фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиши, инсон манфаатлари ва эркинликларининг қадрланиши янада устуворлик касб этган. Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналишида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада республикада амалга оширилаётган ишлар жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамламоқда. Ушбу кенг қамровли ислохотлар асосан фуқароларнинг дин ва виждон эркинликларига оид Конституцион ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда юртимиздаги диний хилма-хиллик ва динлараро бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган. 16 та диний конфессия вакилларида иборат Ўзбекистон аҳолисининг миллий ўзлигини сақлаш ва ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлашга оид ҳуқуқлари Конституция ва қонунлар асосида қатъий кафолатлайди.

Динлараро бағрикенгликни ёритиб берувчи мисоллардан бири - бу диний конфессиялар томонидан ўз диний байрамларини нишонлашда кўринади. [7:223].

Юртимизда диний конфессиялар вакиллариининг бир-бирларини диний байрамлар билан табриклаш анъанага айланган. Ҳозирда мусулмонлар томонидан икки ҳайит

(Курбон ва Рамазой ҳайитлари) байрами, християнлар томонидан Рождество ва Пасха байрамлари, яҳудийлар томонидан Пейсах ва Ханука байрамлари, баҳойлар томонидан Наврӯз байрами, шунингдек буддавийлар ва кришначиларга оид диний байрамларнинг кенг нишонланиши таъминланган.

Диндорларнинг муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларга боришлари ҳам доимий тарзда Ҳукуматнинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмаги остида амалга оширилади. Мустақиллик йилларида жами 330 мингдан зиёд юртдошларимиз Саудия Арабистонига Ҳаж ва Умра зиёратларига, шунингдек, деярли 3 мингга яқин фуқаролар Исроил, Россия, Грузия, Туркия каби давлатларда жойлашган муқаддас масканларни зиёрат қилишга муяссар бўлдилар.

“Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Бу борада 30 июль – “Халқаро дўстлик куни” муносабати билан юртимизда биринчи марта “Дўстлик ҳафталиги” ни ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этаман, деган эзгу ғоялари барчамизни янада бир – биримизга ҳамжиҳат бўлишимизга туртки бўлди”.

Маълумки, юртимизда ҳар йили 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан турли диний конфессия вакиллари, хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар масъуллари иштирокида халқаро конференция ўтказиш яхши анъанага айланган. [8:1].

Таъкидлаш лозимки, 2017-2021 йилларда диний таълим тизими ҳам тубдан такомиллаштирилди, янгидан-янги таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда республикада дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институти, “Мир Араб” олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 10 та ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларда махсус илмий мактаблар ҳам ташкил этилган бўлиб, уларда ислом дини таълимотлари ўрганилади, жумладан, Фарғонада “Фикҳ”, Самарқандда “Калом” ва “Ҳадис”, Қашқадарёда “Ақида” ва Бухорода “Тасаввуф” мактаблари ўз тингловчиларига эгадир.

Шунингдек, юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга мўлжалланган илмий тадқиқот марказлари ҳам фаолият олиб бормоқда.

Фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида республикада фаолият олиб бораётган диний таълим муассасалари, илмий мактаблар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг айрим вилоят вакилликлари қошида, шунингдек, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Қуръони карим ва тажвид” курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан минглаб маҳкумларнинг афв этилиши, фуқароларнинг турли рўйхатлардан чиқарилиши, шунингдек, 2019-2021 йилларда “Меҳр” операцияси доирасида 435 нафар можароли ҳудудлардан аёллар ва ёш болаларнинг юртимизга олиб келиниши, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тартибининг соддалаштирилиши юқори даражадаги ислохотлар сифатида экспертлар томонидан эътироф этилди. Қолаверса, Ўзбекистон сўнгги 20 йилда АҚШнинг “Алоҳида ташвиш туғдирадиган давлатлар рўйхати”дан чиқарилган иккинчи мамлакат бўлди.

Эътиборлиси, 2017 йил 19 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ислом дини бизни эзгулик билан тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман”, деб фикр билдириб ўтди. [9:1].

2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотга аъзо 193 та мамлакат томонидан бир овоздан мақбулланди.

Эндиликда амалда бўлган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегияси”нинг 74-мақсади сифатида “Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш” масалалари қайд этилган.

Тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларда бугунги Янги Ўзбекистонда виждон ва дин эркинлиги фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиши, инсон манфаатлари ва эркинликларининг қадрланиши янада устуворлик касб этган.

Диний соҳада тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган виждон эркинлиги ҳуқуқи ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Дин ишлари бўйича қўмита ҳар бир шахснинг виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан қатъий назар тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш ваколати берилган давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Фаолият олиб бораётган диний ташкилотларга тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистонда 16 та диний конфессияга мансуб 2 331 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Шундан 2 140 таси исломий, 174 та христиан диний ташкилоти, 8 та яҳудий, 6 та баҳоий жамоалари, 1 та кришнани англаш жамияти, 1 та буддавийлар ибодатхонаси ва 1 та Ўзбекистон Библия жамияти.

Республикада фаолият олиб бораётган турли диний конфессиялар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрель кундаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Конфессиялар ишлари кенгашининг янги таркиби тасдиқланди. Унинг таркибига мамлакатимиздаги барча конфессия вакиллари киритилди.

Конфессиялар ишлари кенгаши йиғилишларида республикада мавжуд динлараро бағрикенгликнинг мустаҳкамланиши, диний

ташкилотларнинг амалдаги қонунчилик нормаларига асосланган ҳолда фаолият олиб боришлари, юзага келаётган муаммо ва масалаларнинг белгиланган тартибда ҳал этилиши каби масалалар муҳокама қилинади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда диний ташкилот ва диндорлар учун ўз диний анъана ва маросимларини эмин-эркин ўтказиш, диний амалларни бажариш учун барча мавжуд шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Бу ҳолатни нафақат юртимиз фуқаролари, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этиб келмоқдалар.

Учинчи мингйиллик ренессаниси арафасида турган Ўзбекистонда ушбу кенг қамровли ислохотлар асосан фуқароларнинг дин ва виждон эркинликларига оид Конституцион ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда юртимиздаги диний хилма-хиллик ва динлараро бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Юртимизда илму маърифат бебаҳо қадриятларга қаратилган бундай эътибор натижасида авлодлар баркамол бўлиб тарбияланади ва янги тараққиёт босқичига ўтиши шубҳасиз.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
3. Юсупов О. ва бошқалар. Диний бағрикенглик тамойили ёшлар талқинида. – Тошкент, 2015. – Б. 232.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи” 2017 йил, 20-сентябрь, № 189 (6883).
5. Тошбоев С.Д. Конфессиялараро тотувлик – тинчлик ва барқарорлик омили // – Тошкент: Янги Ўзбекистон. 2021 йил 12 октябрь, № 202(458).
6. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – 6. 223.
7. General Conference of UNESCO (Resolution No. 5.61/1995.28.11), UN General Assembly (Resolution No. A / RES / 51/95-1997.)
8. UN General Assembly (Resolution No. A / RES / 73/c128).

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ «КИТОБ АЛ-ҚАНД» АСАРИ МОВАРОУННАХР ҲАДИС ИЛМИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА

«КИТАБ АЛЬ-КАНД» АБУ ХАФСА НАСАФИ ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО ИСТОРИИ НАУКИ ХАДИС В МАВАРАННАХРЕ

ABU HAFS NASAFI'S "KITAB AL-QAND" AN IMPORTANT SOURCE ON THE HISTORY OF THE SCIENCE OF HADIS IN MAWARANNAHR

Аннотация. Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари VIII-XII асрларда Мовароуннахрдаги ҳадис илми тараққиёти бўйича манбалар орасида энг кўп маълумотни ўзида мужассам қилган асардир. Бу манба XX аср бошларига қадар йўқолган асарлар қаторида саналиб келар эди. Унинг кашф этилиши Марказий Осиёда ҳадис илми тараққиётига оид тарихни ёритишда катта янгилик бўлди.

Калит сўзлар: Китоб ал-қанд, Қандийа-йи хурд, Мунтахаб, Зайл, ҳадис илми, иснод, қўлёзма.

Аннотация. «Китаб аль-Канд» Абу Хафса Насафи – один из наиболее информативных источников по развитию хадисов в Мавараннахре в VIII-XII веках. Этот источник числился среди утраченных произведений до начала XX века. Его открытие стало крупным прорывом в истории развития хадисоведения в Средней Азии.

Ключевые слова: Китаб ал-канд, Кандия-йи хурд, Мунтахаб, Зайл, наука хадис, иснад, рукопись.

Annotation. Abu Hafs Nasafi's "Kitab al-Qand" is one of the most informative sources on the development of hadith in Mawarannahr in the VIII-XII centuries.

This source was listed among the lost works until the early twentieth century. His discovery was a major breakthrough in the history of the development of hadith in Central Asia.

Keywords: Kitab al-qand, Qandiya-yi khurd, Muntakhab, Zayl, science of hadith, isnad, manuscript.

КИРИШ

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари Мовароуннахр муҳаддислари ва ҳадис илмининг кўзга кўринган намояндалари ҳақидаги маълумотлардан энг кўпини мужассам қилган манбалардан ҳисобланади. Бу асарнинг кашф қилиниш тарихи XX асрнинг иккинчи ярмини ўз ичига олади.

XIX аср охирида рус шарқшуноси академик В.В. Бартольд бошқа манбалар орқали номи маълум бўлган мазкур асарнинг Мовароуннахр сиёсий тарихи учун аҳамиятини юқори баҳолади ва «...кўринишидан, бу асарнинг бизгача фақатгина Абу Ҳафснинг шогирди Муҳаммад ибн 'Абд ал-Жалил томонидан қилинган сайланманинг форс тилидаги таржимаси етиб келган», деган янглиш фикрни билдирди [1:59-61]. Бу тадқиқотчи томонидан билдирилган тахмин узоқ вақт кўп сонли тадқиқотчиларни жалғитиб келди. Демак, аниқроқ қилиб айтсак, форс тилидаги мустақил асар «Қандийа-йи хурд» Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн 'Абд ал-Жалил ас-Самарқандийнинг сайланмаси – «Мунтахаб»нинг таржимаси [1:61]. Кейинчалик бу тахмин бошқа рус тилида ижод қилган тадқиқотчилар томонидан ривожлантирилиб, исботи талаб қилинмайдиган аксиома сифатида қабул қилина бошлади [2:23].

АСОСИЙ ҚИСМ

«Китоб ал-қанд» асари ҳақида ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Улар ҳам мазкур асарнинг шу давргача фақат Абу Ҳафс ан-Насафийнинг шогирди Муҳаммад ибн 'Абд ал-Жалил томонидан қисқартириб олинган форсий таржимаси «Қанд», «Қандийа» ёки «Қандийа-и хурд» («Кичик қандийа») номи билан маълум эканлигини таъкидладилар [3:62-65].

«Китоб ал-қанд»нинг кашф этилиши узок тарихга эга. Тадқиқотчиларнинг эътибори аввалига Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил ас-Самарқандийнинг «Мунтахаб Китоб ал-қанд» асарига тушди. 1907 йилда Париждаги Франция Миллий кутубхонаси бир қўлёзма сотиб олиб, унга «Arabe 6284» рақамини берди. 1925 йилда Э. Блоше томонидан нашр этилган кутубхона каталогига бу қўлёзма шундай тавсиф қилинади: «Боши ва охири йўқ бўлган Мовароуннахр ҳадисчилари биографик қомусининг нотўлиқ бир бўлаги; доимо Насаф, Самарқанд, Бухоро, Исфижоб зикр қилинади. 1^а-варақда берилган 1127-28 санаси асар матнининг нақадар қадимийлигини билдиради. Хати – насх, XIV аср, 75 варақ; миқёси – 28,5x17 см» [4:227].

1950-йилларда бу қўлёзма бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчилар Ҳ. Риттер ва А.З.В. Тўғон у ҳақда баъзи фикрларни билдирдилар. Ҳ. Риттернинг мулоҳазасича, ушбу қўлёзма нусхаси – ҳижрий 438 ва 444 (милодий 1046 ва 1053) йиллар орасида ‘Абд ал-Малик ибн ал-Ҳусайн ибн ‘Али ан-Насафий томонидан ёзилган Насаф ва Исфижоб ҳанафий олимлари тарихининг бир бўлаги [5:51]. Профессор Тўғон бу асарни Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи та’рих Самарқанд» асарига Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил ас-Самарқандий томонидан ёзилган «Зайл» (давом) деб ҳисоблади [6:207]. Билдирилган биринчи фикр хато бўлиб, иккинчиси ҳақиқатга бир мунча яқин эди.

1999 йилда ливанлик тадқиқотчи Йусуф ал-Ҳодий «Китоб ал-қанд» асарининг танқидий матнини тайёрлади. Ношир бу ишни амалга оширишда икки қўлёзма – Истанбул ва Париж нусхаларидан фойдаланди. Лекин у Дж. Уайнбергер ва Ю. Паулнинг Париж қўлёзмаси Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил ас-Самарқандийнинг «Мунтахаб китоб ал-қанд» китобининг ягона нусхаси эканлиги ҳақидаги илмий асосланган хулосаларидан хабардор бўлмаган ҳолда, уларни инкор қилди. У китобнинг янги наشري охирида исмлар, жой номлари, тарихий воқеалар ва бошқа рўйхатларни кўрсаткич (*фихрист*) сифатида

бериб, асарни фойдаланиш учун қулай ҳолатда чоп эттирди [11:877]. Аммо бу нашрнинг ҳам ўзига яраша жиддий камчилик томонлари мавжуд. Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, унда икки мустақил асар – «ал-Қанд» ва «Мунтахаб» бир қилиб қўшиб юборилган ва уларга Ғарбда ўтказилган илмий тадқиқотларни ҳисобга олмаган ҳолда «Китоб ал-қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд» номи берилган. Ваҳоланки, бу икки китоб алоҳида-алоҳида мустақил асар бўлиб, Туркия қўлёзмаси «Китоб ал-қанд»нинг асл нусхаси, Париж қўлёзмаси эса – «Мунтахаб»нинг ягона нусхасидир.

Булардан ташқари, Париж қўлёзмасида мавжуд биографиялардан баъзилари Техрон нашрида ўз аксини топмаган.

Йусуф ал-Ҳодий қўлёзманинг 73^б- ва 74^а-варақларини йўқолган, деб ҳисоблайди [11:86]. Ваҳоланки, мазкур икки варақнинг орқа тарафлари йўқолиши мумкин эмас. Кўринишидан, ношир қўлёзманинг ўзидан эмас, балки ундан олинган нусхадан фойдаланган ва ундаги нусханинг баъзи варақлари йўқолган бўлиши мумкин.

Икки нусхани тўлиқ солиштирилмаганлиги натижасида «‘Айн» бобида Туркия қўлёзмасида йўқ бўлган, Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил томонидан киритилган икки қўшимча – 1) Абу Аҳмад ‘Абд ал-Му’мин ибн ‘Абд ал-Карим ас-Самарқандий ал-Ҳоким ва 2) Абу Аҳмад ‘Абд ар-Раҳмон ас-Самарқандий ал-Ҳоким [7:47а] номлари ҳам нашрда мутлақо йўқ. Бундан ташқари баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, ас-Саййид ал-Имом Абу-л-Музаффар Қосим ибн Аби Шужо‘га берилган таржимаи ҳолда бу олимнинг номи ал-Имом Музаффар ибн Қосим тарзида нашр этилган [11:691]. Ваҳоланки бу ном қўлёзмада тўғри шаклда берилган [9:1956].

2001 йилда «Китоб ал-қанд» Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли томонидан ўзбек тилига қисқартирган ҳолда таржима қилиниб, оммабоп тарзда нашр этилди [10]. Натижада, фақат ўзбек тилида ўқий оладиган кенг китобхонлар оммаси бу китоб билан қисман бўлсада танишиш имкониятига

эга бўлдилар. Аммо бу таржима «Китоб ал-қанд» Туркия қўлёзмасининг Назар Муҳаммад ал-Форйобий томонидан амалга оширилган нашридан қилинган бўлиб, мазкур нашрда йўл қўйилган хатолар унда ҳам такрорланади. Боз устига таржимада илм учун ғоят зарур ҳадис *иснодлари* ташлаб кетилган. Бу қабилдаги қискартириш ўзбекча нашрнинг илмий аҳамиятини пасайтиради.

Нашрда яна баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, Аҳмад ибн Наср ал-‘Атакийнинг нисбаси «ал-Аткий» [10:8] шаклида берилган. Худди шу ерда Абу Му‘оз Холид ибн Сулаймон ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилган маъносидаги «*раво ‘анҳу Аҳмад...*» ибораси «Аҳмад...нинг (Абу Му‘оз ҳақида) ривоят қилишича,...» тарзида таржима қилинган [10:8]. Кириш қисмининг охиридаги «Мазкур қўлёзма 11-асрга мансуб бўлиб, 98 варақдан иборат» [10:5] жумласида иккита катта хатога йўл қўйилган: Абу Ҳафс ан-Насафий умрининг аксар қисмини XII асрда яшаб ўтган бўлиб, у номини зикр этган кўпгина уламолар ҳам шу асрда яшаганлар ва шунга кўра, қўлёзма XI асрга тегишли бўлиши мумкин эмас; иккинчидан асарнинг Туркиядаги нусхаси 98 эмас, балки 198 варақдан иборат [9:1986]. Бу таржима ҳақида хулоса қилиб айтиш мумкинки, у оммабоп бўлиб, ундан илмий мақсадлар кўзда тутилмаган.

«Китоб ал-қанд»нинг барча қўлёзма ва нашрлари бўйича таҳлиллар асосида қуйидагиларни хулоса қилиб айтиш мумкин:

Истанбулнинг «Süleymaniye Kütüphanesi»да «Turhan Valde» фондида 70 рақам остида сақланаётган қўлёзма Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд» асарининг нотўлиқ нусхаси;

Парижнинг «Bibliothèque Nationale» кутубхонасида араб тилидаги қўлёзмалар фондида 6284 рақами остида сақланаётган нусха ан-Насафийнинг шогирди Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил томонидан «Китоб ал-қанд» асаридан қискартириб, баъзан қўшимчалар киритиб, биографияларни ўзига хос янги тартибда ўзгартирган ҳолда жойлаштириб, қилинган «Мунтахаб» («Сайланма»);

1991 йилда Назар Муҳаммад ал-Форйобий томонидан амалга оширилган нашр баъзи хато ва камчиликларга эга бўлса-да, умумий йўналишини тўғри деб қабул қилиш мумкин. Чунки унда бир асар бошқаларга аралаштирмай алоҳида нашр этилган;

Йусуф ал-Ҳодий томонидан қилинган нашрда аввалги нашрдаги баъзи хатоларни тўғрилланган бўлсада, икки бошқа-бошқа асар бирлаштириб юборилди ва бу икки асарга умумий бир ном берилиб, хатога йўл қўйилган.

Мазкур хулосадан келиб чиқиб, икки қўлёзмани алоҳида-алоҳида тарзда танқидий нашрини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадқиқотда, юқорида зикр этилган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, ал-Форйобий (Саудия) нашри, ал-Ҳодий (Техрон) нашри ҳамда Туркия ва Париж қўлёзмалари киёсий ўрганилди.

Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машхур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Са‘д ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг (в. 1015 й.) «Китоб ал-камол фи ма‘рифат ар-рижол мин ‘уламо’ Самарқанд» [8:240] асаридир. Бу асар бизгача етиб келмаган ҳисобланади. Жа‘фар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийнинг (в. 1041 й.) Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳам юқорида зикр этилган асар каби бизгача етиб келмаган [1:60-61].

ХУЛОСА

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» ва «Мунтахаб» асарлари 1232 та мовароуннаҳрлик уламоларнинг таржимаи ҳолини беради. Улар VIII-XII асрларда маънавиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб боришган. Китобга, асосан, Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлган – бу шаҳарда туғилган, яшаган, фаолият олиб борган, вафот этган ёки қайсидир жиҳатдан шаҳар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатган уламоларнинг номлари киритилган. Аммо асарда Самарқанд шаҳридан ташқари Дабусийа, Кушонийа, Кеш ҳамда Насаф каби шаҳар ва қишлоқлар билан боғлиқ уламоларнинг таржимаи ҳоллари ҳам кўплаб

учрайди. Чунки юкорида қайд этилганидек, муаллиф ўз олдига нафақат Самарқанд шаҳри, балки Сўғди Самарқанд вилояти муҳаддислари биографик луғатини тузиш вазифасини қўйган.

Мазкур асарда келтирилган 950 дан ортиқ ҳадис Самарқанд маънавий ҳаёти турли жабҳаларидаги муҳитни – илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, қонунчилик, кадриятлар соҳаларини акс эттиради.

«Китоб ал-қанд» асари VIII-XII асрлардаги Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқанд маънавий муҳитини, жумладан, ҳадис илми тараққиётини ўзида акс эттирган муҳим ва қимматбаҳо манбадир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 с.
2. Вяткин В.Л. Кандия малая. Перевод краткой редакции на персидском языке арабского труда Абу Хафса Наджмеддина Умара б. Мухаммед ан-Насафи ас-Самарканди / Предисловие и примечания переводчика // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд. – 1906. – Вып. 8.
3. Уватов У. Самарқанд уламолари // Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 62-65.
4. Blochet E. Catalogue des manuscrits arabes des nouvelles acquisitions. – Paris. – 1925.
5. Ritter H. Arabische Handschriften in Anatolien und Istanbul // Oriens. – Т. III. – 1950.
6. Toğan A.Z.V. Tarihde Usul. – Истанбул. – 1950.
7. Абу-л-Фадл Мухаммад ибн ‘Абд ал-Жалил ас-Самаркандий. Мунтахаб Китоб ал-қанд. – Париж. – Франция миллий кутубхонаси. – Араб қўлёзмалари фонди. – Қўлёзма № 6284. – В. 44б. – 75 с.
8. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Мухаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд / Назар Мухаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
9. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Мухаммад ан-Насафий. Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд. – Истанбул. – Сулаймонийа кутубхонаси. «Turhan Valde» фонди. – Қўлёзма № 70. – 158 в.
10. Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд (дек ширин китоб) / Арабчадан қисқартириб таржима қилувчилар: Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
11. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Мухаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд / Йусуф ал-Ҳоди таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.

ALIJONOVA Gulnoza,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi,
Islom tarixi va manbashunosligi
IRCICA kafedasi tayanch doktoranti,
gulnozaalijonova002@gmail.com

XIX-XX ASR SHARQSHUNOSLARI TADQIQOTLARIDA “AL-KUTUB AS-SITTA” TO‘PLAMLARI TAHLILI

АНАЛИЗ КОЛЛЕКЦИЙ “АЛЬ-КУТУБ АС-СИТТА” В ИССЛЕДОВАНИЯХ ВОСТОКОВЕДОВ XIX-XX ВВ.

ANALYSIS OF THE “AL-KUTUB AS-SITTA” COLLECTIONS IN THE STUDIES OF THE ORIENTALISTS OF THE XIX-XX CENTURIES

Annotatsiya. Qur'oni karimdan keyin islom dinining ikkinchi manbasi bo'lgan hadislar III/IX asrda alohida ilm sifatida shakllandi. XIX-XX asrlarda hadis sohasiga oid izlanishlar yangi bosqichga ko'tarildi. Chunki bu davrga kelib dunyoning siyosiy-mafkuraviy ko'rinishi o'zgarganligi bois, hadislarini obro'sizlantirishga qaratilgan adabiyotlar paydo bo'ldi. Ushbu tanqidiy adabiyotlarga qarshi ulamolar tomonidan “al-Kutub as-sitta” to'plami bo'yicha asarlar va maqolalar chop etildi. Maqolada “al-Kutub as-sitta”ga oid XIX-XX asrlarda amalga oshirilgan Sharq dunyosidagi tadqiqotlar tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Qur'on, hadis, Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Abul Fattoh Abu G'udda, Bakri Totli, Zakariyo Tufakchi, musnad, sahih.

Аннотация. Хадисы, являющиеся вторым источником ислама после Корана, сформировались как отдельная наука в III/IX веке. В XIX-XX веках изучение хадисов вышло на новый уровень. Из-за изменения политического и идеологического строя в мире, стала появляться литература, осуждающая хадисы. Против этих критических публикаций ученые опубликовали ряд научных работ и статей по сборникам “аль-Кутуб ас-ситта”. В статье анализируются научные работы восточных учёных, посвященных сборникам “аль-Кутуб ас-ситта” в XIX-XX веках.

Ключевые слова: Коран, хадис, Имам Бухари, Имам Термези, Абу Фаттах Абу Гудда, Бакри Тотли, Закария Туфакчи, муснад, сахих.

Annotation. The hadiths, the second source of Islam after the Qur'an, were formed as a separate science in the III/IX century. In the 19th and 20th centuries, the study of hadith reached a new level. Because of this, the political and ideological landscape of the world changed, and literature appeared to discredit the hadiths. Books and articles on the “al-Kutub al-sitta” collections have been published by scholars opposed to this critical literature. The article analyzes the research of the “al-Kutub al-sitta” in the Eastern world in the XIX-XX centuries.

Key words: Qur'an, hadith, Imam Bukhari, Imam Tirmidhi, Abul Fattah Abu Gudda, Bakri Totli, Zakariya Tufakchi, musnad, sahih.

KIRISH

Sharqda hadis ilmining o'rganilish tendensiyasi o'ziga xos tarzda ilk hijriy asrlardan boshlab hozirgi kunga qadar davom etib kelmoqda. Muhaddislar tomonidan yozilgan asarlar kelajak avlod uchun mo'tabar manbalar sifatida katta ahamiyatga egadir. “Al-Kutub as-sitta” to'plami keyingi asrlarda kitoblar va bugungi kundagi zamonaviy tadqiqotlarning yaratilishiga asos bo'ldi. Shuningdek, “al-Kutub as-sitta” doirasida olib borilgan ilmiy izlanishlar ushbu to'plamning muhim manba ekanligini yaqqol namoyon etdi. “Al-Kutub as-sitta”ga oid XIX-XX asrlarda ko'plab olimlar tadqiqotlar olib borib, o'z asarlarini yozdilar.

ASOSIY QISM

“Al-Kutub as-sitta” kulliyotini tanqid qilgan sharqshunoslardan biri Charog' Alidir (1844-1895). Charog' Ali soxta hadislarini aniqlashga doir ishlar islom tarixida hijriy III asrda boshlanganini, natijada “al-Kutub as-sitta”ning yozila boshlanganini aytadi. Biroq Charog' Alining fikricha, hadislarini tahlil qilish jarayoni qat'iy qoidalarga asoslanmadi. Uning fikricha, muhaddislar matn yoki hadisning haqiqiylikini tekshirishda ichki va tarixiy dalillarga unchalik ahamiyat berishmagan. Roviylarni tekshirish, ular payg'ambarga yoki sahobalarga uzluksiz sanad bilan yetib borganliklari va boshqa ba'zi jihatlar ular tomonidan o'rganilgan. Charog' Alining so'zlariga ko'ra, faqihlar fuqarolik va ijtimoiy qonunlarni tuzishda hadisni o'zboshimchalik bilan ishlatganliklarini qoralangan.

Charog' Ali, shuningdek, hadis ilmining jadal rivojlanishi tufayli faktlar va soxta narsalar

bir-biriga aralashib ketganligini, hatto “al-Kutub as-sitta” hadislarini ajratishda ham oqilona va tanqidiy usul ishlatilmaganini, bu esa o‘z navbatida nazariy jihatdan barcha hadislarga musulmonlar amal qilishlari majburiy emasligini aytib chiqdi. Jumladan, u: “Hadisga muvofiq harakat qilish, aql va vijdonimizga qarshi harakat qilish bilan barobardir. Chunki hadislar ishonchli va aniq ma’lumotlarni yetkazmaydi” deb ta’kidlaydi va hadisni ochiqchasiga inkor qilganini yozdi. Charog‘ Alining bu gaplarini mutlaqo noto‘g‘ri deb bilgan holda “al-Kutub as-sittada”gi barcha hadislar mustahkam va uzluksiz sanad va ishonchli roviylar vositasida bizgacha yetib kelgan deb hisoblaymiz. Shu bilan birga aytish mumkinki, ahli sunnadagi musulmonlar uchun hadis Qur’ondan keyingi o‘rinda turuvchi eng muhim manbadir.

XIX asrda “al-Kutub as-sitta”ga doir tadqiqotlar olib borgan sharq olimlaridan biri Ahmad Ziyuddin Kumushxonaviy (1813-1893) edi. Kumushxonaviy butun umr mobaynida shogirdlariga hadis ilmidan dars bergan holda “al-Kutub as-sitta”ning mavqeini mustahkamlashga o‘zining katta hissasini qo‘shdi. U darsni o‘z dargohida bergani sababli o‘z davrida uning uyi “Dorul hadis” sifatida shuhrat qozongan. Uning “Romuz al-ahodis” asari uzoq yillar mobaynida hadis ilmini o‘qitishdagi eng mashhur asarlardan biri bo‘lgan. Asar o‘z ichiga 7103 ta hadisni jamlagan. Kumushxonaviy rivoyatlarning ishonchliligi haqidagi muhaddislarning fikrlarini yetkazish bilan birga, ba’zan hadislarining ishora yoki istixora bilan to‘g‘ri ekanligi haqida ham o‘z fikrlarini bildirgan. Shuningdek, ulamolarning “mavzu” yoki “zaif” deb bilgan rivoyatlar haqidagi mulohazalarini ham bayon etadi. Har bir hadis oxirida uning manbasi va roviylarini tilga olgan muallif, munaqqidlar uydirma deb atagan hadislarini o‘z asariga kiritmagan. U ushbu asarini yozishda “al-Kutub as-sitta” tarkibidagi kitoblar bilan birgalikda jami 125 ta manbadan foydalangan. Albatta, u tomonidan foydalanilgan manbalar ichida “al-Kutub as-sitta”ning o‘rni nihoyatda katta bo‘lib, bu esa ushbu kulliyotning Kumushxonaviy nazarida yuksak e’tibor qozonganidan dalolat beradi.

Xalil Ahmad ibn Majid Ali ibn Ahmad Ali ibn Qutb Ali Al-Ansoriy al-Hanafiyy Saharonpuriyning (1852-1927) “Sunani Abu Dovuddagi masalalarni yechishga harakat” nomli kitobi hadis ilmini yanada boyitgan manbalardan biridir. Xalil Ahmad

Saharonpuriy Abu Dovudning “Sunan”larini tarjima qilgach undagi muammolarni yechishga harakat qiladi va ushbu “Sunan”ga sharh yozadi. Kitob muqaddima va o‘n to‘rt jilddan iborat. Asarning muqaddima qismida muallif Abu Dovudning ilmiy faoliyati va merosini alohida tadqiq etadi. Abu Dovudning “Sunan”i olti ishonchli to‘plamdan biri ekanligi haqida ilmiy dalillar orqali isbotlaydi. Har bir jild boblardan, boblar soni o‘n uchtdan uch yuzi o‘tmish sakkizga qadar boblarni tashkil etadi. Asarning har bir jildi alohida mavzuga bag‘ishlangan hadislar va ahkomlarni o‘z ichiga oladi [9:54].

Abul Alo Muhammad Abdurrahmon ibn Abdurrahim Muborakfuriy (1865-1935) “Tuhfatul ahvaziy bi sharhi Jome at-Termiziy” asari “al-Kutub as-sitta” to‘plamini o‘rganishga oid muhim manbalardan biridir. Asar 10 jilddan iborat bo‘lib, kitobda Muborakfuriy Termiziyni har bir roviysiga yetarli darajada biografik ma’lumot bergan. U hadislarini sharhlashda muhaddislar, faqihlar va salafi solihlardan iqtibos keltirgan. Termiziyni hasan va sahih kabi qarashlarini boshqa muhaddislarning fikrlari bilan boyitgan. Muborakfuriy “Jome at-Termiziy”ga sharh yozishdan oldin, ushbu asarga ikki jildli muqaddima yozgan. Ushbu kirish qismi ikkiga bo‘lingan. Qirq bir bobdan iborat birinchi bo‘limda hadis ilmi, muhaddislarning fazilati, hadislarini jamlash, hadis bilan amal qilish zarurati kabi mavzularni bayon etgan. Ikkinchi bo‘limda Muborakfuriy asarni yozgan joy – Termiziy masjidi va uning barcha xususiyatlari bilan tanishtiradi. Muqaddima Muborakfuriyning sharhida ishlatilgan qisqartmalar va Termiziy nusxalarini baholash bilan tugaydi [2:90].

Bu davrning yana bir olimi Muhammad Anvar Shoh Kashmiriy (1875-1933) bo‘lib, umrining uchdan birini Devbandda o‘tkazgan. Islom ilmlari olimi Kashmiriy ko‘plab shogirdlar yetishtirgan. Ashraf Tahonaviy u haqida: “Islom ummati ichida uning kabi insonning bo‘lishi, islom dinining haq va to‘g‘ri din ekanligiga yorqin dalildir” deb ta’kidlagan. Shuningdek, Tahonaviy Kashmiriyning hadis ilmidagi mahorati haqida to‘xtalib “Hadislardan nodir ma’nolar chiqarish borasida Ibn Humomdan keyin unga o‘xshashini ko‘rmaganman” deb yuksak baho bergan. Kashmiriy asarlarining ko‘pi talabalar uchun tayyorlangan ma’ruzalar asosida yuzaga kelgan.

Chop etilgan asarlari orasida uning “Sahih al-Buxoriy”ning sharhi bo‘lmish “Fayzul-Boriy alo Sahihul Buxoriy” eng muhim va mashhuridir. Bu kitobda muallif boshqa sharhlarda uchramaydigan boy izohlar va ko‘plab ma’lumotlarni bergan. Muallif “Sahih al-Buxoriy”ni o‘ttizdan ortiq sharhlaridan foydalangan holda o‘n uch marotaba diqqat bilan o‘qib chiqqan. So‘ngra uni yigirma yildan oshiqroq muddat talabalarga dars qilib o‘qitgan. Kashmiriy “Sahih al-Buxoriy”dan talabalariga dars berar ekan, quyidagi uslublardan foydalangan:

- 1) Muhim deb hisoblagan o‘rinlarda hadisning roviylari haqida qisqacha ma’lumot berish;
- 2) Ummat orasidagi ixtilofli mavzularni keltirib o‘tgan holda ularni izohlash;
- 3) Dars asnosida o‘tilayotgan biror bir kitobni ilmiy tanqidiy tahlilini olib borish;
- 4) Hadis ilmi borasida chigal masalalarni iloji boricha yengil tarzda hal qilish;
- 5) Barcha darslarda ilmiy tanqid usuliga amal qilish [4:87].

Kashmiriyning hadis ilmi borasidagi xizmatlari hamda u yozgan asar hadis sohasi rivoji, shuningdek “Kutubi sitta” majmuasining taraqqiyotida muhim ahamiyatga ega bo‘ldi.

Muhammad Fuad ibn Abdulboqiy ibn Solih Misriyning (1882-1962) “Jome al-Musnad” nomli kitobi XX asrda amalga oshirilgan tadqiqotlardan biridir. Bu kitobda Buxoriyning “al-Jome as-sahih” asaridagi hadislarni 196 sahoba nomiga ko‘ra musnad uslubida tartiblangan va har bir musnad mavzusiga ko‘ra sanab o‘tilgan bo‘lib, u tugallangandan ancha keyin nashr etilgan [10:87].

XX asrning hadis ilmi olimlaridan bo‘lmish yana bir inson Zafar Ahmad Tahonaviy (1892-1974)dir. Tahonaviyning eng mashhur asari shubhasiz “Kitob i’lo as-sunan”dir. Yigirma yil mobaynida ta’lif etilgan ushbu asarda muallif hanafiy mazhabining qarashlarini himoya qilish bilan birga, ahkom hadislarni tanlab olib sharhlagan. O‘z davrida hanafiy mazhabi olimlari hukm chiqarishda hadislarga tayanmaydi degan botil da’volarga qarshi Tahonaviy ularga raddiya sifatida nomi yuqorida zikr qilingan mashhur asarini yozgan. Uning asari asosan “al-Kutub as-sitta” tarkibiga kiruvchi hadislar asosida yozilgan bo‘lib, hanafiy olimlar aksincha hadisga suyanishda boshqa mazhablarga nisbatan katta ustunlikka va qudratga ega ekanligini isbotlab bergan. Tahonaviy

o‘zining bu asari bilan Hanafiylarning hadis usulidagi tamoyillarini ochib berishga muvaffaq bo‘lgan [5:9]. Keyinchalik Abdulfattoh Abu G‘udda (1917-1997) ushbu asarga sharhlar yozib “Qavoid fi ulum al-hadis” [10:12] nomli alohida kitob ta’lif qilgan.

At-Tahonaviy bilan zamondosh bo‘lgan olimlardan biri Abul Asbal Ahmad ibn Muhammad Shokir ibn Ahmad ibn Abdulqodir (1892-1958) ning “Musnadi ibn Hanbal” asari XX asrda “al-Kutub as-sitta” to‘plamlariga oid yozilgan sharhdir. Ahmad ibn Hanbalning “al-Musand” asari o‘zida 40 mingga yaqin hadislarni jamlaydi. Ahmad ibn Muhammad Shokir 8100 ga yaqin hadislar mazmunini yozib, hadislarning sahihlik darajasini tadqiq etgan. Asardagi shaxsi unchalik aniq bo‘lmagan roviylarni to‘liq ismlarini yozib tanishtirgan. Isnodlari zaif bo‘lgan hadislarni qayd etib o‘tgan [5:22]. Ushbu asar 16 jild bo‘lib, har bir jild oxirida o‘sha jildagi hadislar sifati va ro‘yxatini bergan. Shuningdek, Ahmad ibn Muhammad “al-Jome as-sahih li-t-Termiziy” [6:256] nomli Termiziyning sahihiga ham sharh yozgan. Besh jildan iborat ushbu to‘plam o‘z ichiga 3956 ta hadisni qamrab olgan. Asar 96 betlik muqaddima, hadislarga sharh, hasan yoki zaiflik darajalari va keng izohlar bilan to‘ldirilgan.

So‘fiog‘li Mehmet (1923-1987) Turkiyaning Nazli tumanida tug‘ilgan bo‘lib, umrini ikki muhim manba – Qur‘oni karim va hadis ilmiga bag‘ishlagan olimdir. Hayoti davomida yettita asar yozgan bo‘lib, ularning ikkitasi “al-Kutub as-sitta”ga aloqadordir. “Sahih Muslim va uning tarjimasi” - kitob muqaddimasida So‘fiog‘li Bag‘dodda bo‘lganida iroqlik olim Abu Shokir Muhammad Fuad al-Alusiydan o‘qigan “Sahihi Muslim”ni tarjima qilishga qaror qilganini aytadi. U tarjima qilingan asarning yetmish betlik kirish qismida, hadisning ahamiyati, Imom Muslimning tarjimai holi va “Sahihi Muslim”ning xususiyatlari haqida ma’lumot beradi. Olim hech qanday qisqartmalarsiz kitob matnini tarjima qilgan. Asar VIII jild bo‘lib, Istanbulda 1967-1970, 1974-yillarda nashr etilgan. Shuningdek, So‘fi o‘g‘li “Sahih-i Buxoriy” [13:290]ni nima uchun tarjima qilganini izohlab, u Qur‘ondan keyingi mo‘tabar kitob va uning ba’zi qisqartmalaridan boshqa to‘liq tarjimasi bo‘lmaganligini ta’kidlaydi. Kitob 1970-yildan yozila boshlab, o‘n to‘rt yilda yakunlangan. Tayyorgarlik ishlari taxminan uch yil

davom etgan. Tarjimaning birinchi jildi boshidagi bo‘limda (23-138-betlar) “Sahihi Buhoriy”ning ahamiyati, tarjimada qo‘llanilgan usul, sahihlik xususiyatlari haqida ma’lumotlar berilgan.

Muhammad ibn Mustafo Azamiy (1932-2017) “Hadis metodologiyasi va adabiyoti” nomli kitobi oltinchi bo‘limining 368-376-sahifalarida Muhammad ibn Ismoil Buxoriy hayoti va ilmiy me’rosi yoritilgan. Jumladan: “Buxoriy odatda hadisning bir qismini bobning sarlavhasi uchun olgan. Shuningdek, hadislarini ham takror qo‘llagan. Kitobidagi hadislar soni 9082 ta, ammo hadislarining takrorisiz 2602 ga to‘g‘ri keladi” [10:373] kabi ma’lumotlarni tadqiq etib “al-Kutub as-sitta” majmuasi tarkibidagi kitoblarda kelgan hadislar soni va ularning sahihlik darajalarini belgilashga harakat qilgan.

Shuningdek, XX asrda sharqda “al-Kutub as-sitta”ga doir ijobiy ma’nodagi puxta ilmiy tadqiqotlar ham amalga oshirilgan. Jumladan, Muhammad Habibulloh ash-Shinqitiy (1878-1944) tomonidan “Zod al-muslim fi mo ittifaqo alayhi-l-Buxoriy va Muslim” [12:213] kitoblariga bag‘ishlab yozilgan sharh va tadqiqotlar, Muhammad Xatib as-Subkiyning “Sunani Abu Dovud”ga bag‘ishlab yozgan sharhi bo‘lmish “al-Manhalu-l-azbu-l-mavrud” nomli asarlari shular jumlasidandir. Bu davrning yana bir olimi Muhammad Fuod Abdulboqiy Buxoriy va Muslimning “al-Jome as-sahih”ini nashrga tayyorlab, ushbu ikki asar uchun fihrislar tuzgan. Shuningdek bu olim Imom Molikning “al-Muvatto” va Ibn Mojjaning “as-Sunan” asarlarini ham tahqiq qilgan holda nashr ettirgan. Keyinchalik bu ikki asar uchun ham fihrislar tuzgan.

Turkiyalik tadqiqotchilar tomonidan ham XX asrda salmoqli ishlar olib borilgan. Jumladan, Abdurrahmon Xon tomonidan tadqiq etilgan “al-Kutub as-sitta” majmuasida ibodat va ilm munosabatlari” nomli tadqiqoti hadis ilmida alohida ahamiyatga egadir. Tadqiqot kirish bilan birga uch qismdan iborat. Birinchi bo‘limda Ibn Hajar (vaf. 852/1449) hayoti, ilmiy faoliyati va tadqiqotda asosiy manba sifatida foydalanilgan “Tahzib at-tahzib” asaridagi ibodat va ilm tushunchalari tahlil qilingan. Ikkinchi qismda roviylar, ularning diniy-ruhoniylar hayotlariga bergan ahamiyati, sifatlarini ko‘rsatib, yettita asosiy sarlavha ostida tavsif etilgan. Uchinchi bo‘limda esa ibodatning roviylar va muhaddislarning ilmiy hayotlariga ta’siri ochib

berilgan. Tadqiqotda Muslimning “Sahih”i va Abu Dovud, Termiziy, Nasoiy hamda Ibn Mojalarning “Sunan”laridan iqtiboslar keltirilgan. “Abu Muslim al-Havloniy kunyasi bilan mashhur bo‘lgan Abdulloh ibn Sovab ikkinchi tabaqadan “siqa” (Ishonchli kishi – Alijonova G.) va “obid” bir roviydir. Shuningdek, Abdulloh sodiq va taqvodor shaxs sifatida baholangan va uning ibodat hayoti va ilmiy faoliyati o‘rtasida farq sezilmasdan rivojlanib borgan. Buning natijasida ibodat va ilm yaxlitligi ta’minlangan” [7:46] – kabi misollar orqali “al-Kutub as-sitta” majmuasidagi muhaddis va roviylarning ibodat va ilm birligi yo‘lini tanlashgani tadqiq etilgan va yuksak baholangan.

Bakir Totlining “al-Kutub as-sitta”da isro va me’rojga oid hadislar” nomli ilmiy ishi “al-Kutubi as-sitta” doirasida amalga oshirilgan tadqiqotdir. Dissertatsiya kirish, uch bo‘lim va o‘ttiz olti paragrafdan iboratdir. Kirish qismida “isro” va “meroj” atamaları, me’roj tasavvurining boshqa din va xalqlarda bor yoki mavjud emasligi tahlil qilingan. Birinchi bo‘limda “isro” voqeasi haqidagi qarashlar ochib berilgan. Ikkinchi bo‘limda “isro” va “me’roj”ga oid Qur’oni karim oyatlari va hadislar keltirilgan [8:3].

Zakariyo Tufakchining “Hadis adabiyotida musnadlar” nomli doktorlik tadqiqoti “Olti ishonchli” to‘plamga oid zamonaviy dissertatsiyalardan biridir. Ilmiy tadqiqot kirish, ikki bo‘lim va to‘qson yetti paragrafdan tashkil topgan. Kirish qismida, manbalar, metodlar va zamonaviy tadqiqotlar ochib berilgan. Birinchi bo‘limda, musnad tushunchasi, mashhur imomlar to‘plagan musnadlar, musnad kitoblarining yuzaga kelish sabablari, hadis ilmida ilk musnadlar, musnadlarning hadis kitoblari orasidagi o‘rni kabi masalalar yoritilgan. Ikkinchi bo‘limda, hijriy III asrda musnad mualliflari va musnadlar tarixi tahlil etilgan. “Hadis adabiyotida “musnad” nomi turli maqsadlarda turli hildagi hadis kitoblari uchun qo‘llanilgan. Hadis ilmida “Musnadlar”ni tadqiq qilishda bu nomning, odatda, qaysi turdagi hadis kitoblari uchun qo‘llanilishi e’tiborga molik masalalardan biri bo‘ldi. Tasnif davridan boshlab mualliflik huquqi himoyalangan anonim nomlar doirasiga kiruvchi barcha turdagi hadis kitoblari alohida nom sifatida yoki qo‘shimcha nom sifatida “musnad” deb atalganini ko‘ramiz” [14:23] – kabi mulohazalar tadqiqotda o‘z aksini topgan.

XULOSA

Sharq islom olimlari tomonidan XIX-XX asrlarda “Kutubi-sitta”ga doir amalga oshirilgan tadqiqotlar asosan ushbu asarlarni himoya qilish, ularning avvalgi mavqeini mustahkamlashdan iborat bo‘ldi. Masalan, yuqorida nomi zikr etilgan Mustafo Siboiyning “as-Sunna va makonatuho fi-t-tashri-il-islomiy” asari bunga yaqqol dalildir. Shuningdek, mazkur tadqiqotchilar tomonidan “al-Kutub as-sitta” to‘plamining turli jihatlarini tadqiq qilishga bo‘lgan urinishlarning qadrini tushirmagan holda “al-Kutub as-sitta” majmuasining haligacha tizimli va kompleks tarzda o‘rganilmaganligi, uning hadis ilmi, islom tarixi hamda boshqa islom ilmlari va ijtimoiy fanlarga doir mo‘tabar manba sifatidagi ahamiyati to‘liq yoritib berilmaganligini aytishga to‘g‘ri keladi. Rizouddin ibn Faxriddin ham ana shu bahoni berishga va ilmiy bo‘shliqni to‘ldirish maqsadida “al-Kutub as-sitta va mualliflar” asarini yozdi. O‘z navbatida bu asar XX asr Rossiya xususan, Turkiston ilmiy doiralarida keng tarqalib, insonlarga hadis ilmi va muhaddislar tarixini o‘rganishda muhim manbalardan biri bo‘lib xizmat qildi.

MANBA VA ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Abul Alo Muhammad Abdurrahmon ibn Abdurrahim Al-Muborakfuriy. Tuhfatul Ahvaziy bi-sharh Jome at-Termiziy. – Hindiston: Doru-l-Feyha, 2011.
2. Ahmad Shoh Kashmiriy. Fayzul-Boriy alo Sahihi-l-Buxoriy. – Qohira: Dor at-turos al-arabiya, 1938.
3. At-Tahovaniy. Kitob I‘lou-s-sunan. – Bayrut: Doru-l-hadis, 2001.
4. Abdulfattoh Abu G‘udda. Qavoid fi ulumi-l-hadis. – Bayrut: Doru-l-hadis, 1984.
5. Ahmad ibn Muhammad Shokir. Musnadi Ibn Hanbal. – Qohira: Doru-t-turos al-arabiya, 1949-1958.
6. Ahmad ibn Muhammad Shokir. Al-Jome as-sahih li-t-Termiziy”. – Qohira: Dor at-turos al-arabiya, 1938-1940.
7. Abdurrahmon Han “Kutubi sitta” majmuasida ibodat va ilm munosabatlari. – Istanbul: Sokarya universiteti, sosial bilimlar enstitusu, 2007.
8. Basri Tatli. Kutubi sittada isro va me’rojga oid hadislar. – Istanbul: Marmara universiteti sosial bilimlar enstitüsü temel islami islam bilimlari hadis ana bilimi dali, 2000.
9. Xalil Ahmad Saharonpuriy. Sunani Abu Dovuddagi masalalarni yechishga harakat. – Hindiston: Shayx

Abi Al-Hasan Al-Nadaviy tadqiqot va islom tadqiqotlari markazi, 2006.

10. Muhammad Fuad ibn Abdulboqiy ibn Solih al-Misriy. Jomeu-l-Musnad. – Qohira: Al-Maktab as-saqofiy, 1941.
11. Muhammad ibn Mustafo al-Azamiy. Hadis metodologiyasi va adabiyoti. – Bayrut: Doru-l-hadis, 1985.
12. Muhammad Habibulloh ash-Shinqitiy. Zod al-muslim fi mo ittifaqo alayhi-l-Buxoriy va Muslim. – Bayrut: Doru-l-hadis, 1981.
13. So‘fi o‘g‘li Mehmet. Sahih Buxoriy va uning tarjimasi. – Istanbul: Marmara universiteti sosial bilimlar enstitüsü temel islami islam bilimlari hadis ana bilimi dali, 1987-1989.
14. Zakariyo Tufakchi. Istanbul: Marmara universiteti sosial bilimlar enstitüsü temel islami bilimlari ana bilim dali hadis bilim dali, 2012.

БОБОНАЗАРОВ Давронбек Тўраназар ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти
bobonazarov.d.94@gmail.com

ИМОМ ЗАЙЛОЙИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ФИҚҲИЙ ҲАДИСЛАР ТАВСИФИ

ОПИСАНИЕ ХАДИСОВ ПО ФИКХ В ИССЛЕДОВАНИЯХ ИМАМА ЗАЙЛАИ

DESCRIPTION OF FIKHI HADIS IN THE STUDIES OF IMAMA ZAYLAI

Аннотация: Ушбу мақолада ҳанафий мазҳаби етук фақиҳи Бурҳониддин Марғиноний ва у зотининг “Ал-Хидоя” асарида муаллиф томонидан фикҳий ҳукмларни қувватлаш мақсадида келтирилган ҳадислар ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, “Ал-Хидоя” ҳадислари алоҳида ўрганилган таҳриж асарлар, хоссатан “Насбур-р-роя” ва унинг муаллифи Жамолиддин Зайлоий (в. 762/1360) томонидан Соҳиби Ҳидоя келтирган ҳадислар ҳақида билдирган фикрлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: “Ал-Хидоя”, фикҳ, ҳадис, таҳриж, “Насбур-р-роя”, саҳих, заиф, марфуъ, мавкуф.

Аннотация: В этой статье рассказывается о ведущем ханафитском факихе Бурханиддине Маргинани и хадисах, представленных автором в его труде «Аль-Хидая» в поддержку судебных решений. Имеются также специальные труды по хадисам «Аль-Хидая», особенно анализируются взгляды «Насбур-р-рая» и его автора Джамалиддина Зайлайя (ум. 762/1360) на хадисы, переданные Сахибом Хидая.

Ключевые слова: «Аль-Хидая», фикх, хадис, таҳриж, «Насбур-р-рая», саҳих, да’иф, марфу’, макуф.

Annotation: This article provides information about Burhaniddin Marghinani, a leading Hanafi jurist, and the hadiths quoted by him in his book Al-Hidaya in support of jurisprudential rulings. There are also special works on the hadiths of Al-Hidaya, especially Nasbur-r-

roya and its author, Jamaliddin Zaylai’s (d. 762/1360) views of the hadith narrated by Sahib Hidayah analyzed.

Keywords: “Al-Hidayah”, fikh, hadith, takhrij, “Nasb al-Rayah”, sahih, da’if, marfu’, mawkuf.

КИРИШ

“Ал-Хидоя” асари ҳанафий фикҳи бўйича асосий манбалардан бири бўлиб, унда фикҳий ҳукмларни қувватлаш келтирилган ҳадисларнинг саҳих ёки заиф экани айтилмаган. Муаллиф фикҳ олими бўлгани учун ҳадис илмига доир масалаларга деярли тўхталмасдан, ҳадис ва бошқа қавлларни нақл этиш билангина кифояланган. Шунинг учун ундаги ҳадисларни ўрганишга эҳтиёж туғилган. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки “Ал-Хидоя” фикҳий масалаларни ечишда асосий қўлланма бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Ал-Хидоя шарҳи бидоятил мубтади” ҳанафий фикҳига доир, Ислом ҳуқуқшунослигининг мўтабар манбаларидан биридир. Асар муаллифи шайхул ислом Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Бурҳониддин ал-Марғиноний (593/1196)дир. Бу зот усул, фикҳ, тафсир илмларида етук бўлган. Шунингдек, имом Марғиноний фикҳ олимлари орасида “Таржиҳ асҳоби”дан ҳисобланади. [2:101]

Имом Марғиноний имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (183/799)нинг “Ал-Жамиъус сағир” ва Абул Ҳасан Қудурий (428/1038)нинг “Ал-Мухтасар” номли асарларини бир китобда жамлагандир. Бунда аввало “Ал-Жамиъус сағир”нинг кейин эса “Ал-Мухтасар”нинг матнини келтиради. Муаллиф икки мустақил асар матнини ўзида жамлаган ва яна уларда бўлмаган янги мавзулар қўшилган асарни “Бидоятул мубтади” деб номлайди. Кейин эса Марғинонийнинг ўзи унга шарҳ ёзиб, “Кифоятул мунтаҳи” деб атаган. [3:228; 4:141] Сўнг уни ҳам қисқартириб, “Ал-Хидоя шарҳи Бидоятил мубтади” номини берган.

“Ал-Хидоя” соҳибининг фикҳий теранлиги ва асар услубининг ўзига хослиги кўплаб уламоларнинг эътиборини тортган.

“Ал-Ҳидоя”нинг аҳамияти қай даражада эканини унга ёзилган кўплаб шарҳ, мухтасар ва хошиялардан ҳам билиб олиш мумкин. Дастлабки шарҳ “Ан-Ниҳоя шарҳул Ҳидоя” бўлиб, у Ҳусомиддин (Ҳасан ибн Ҳажжож) Ас-Сигнокий (711/1311)га тегишлидир. Бу шарҳ “Ал-Ҳидоя”га ёзилган энг катта ва кенг қамровли тадқиқот сифатида кўрилади. [2:119; 4:62] Бундай шарҳлар жуда кўп бўлиб, биргина ЎзР ФА Шарҳшунослик институти Қўлёзмалар фондида шундай шарҳларнинг 10 дан ортиғи сақланади. Улардан қуйидагиларни келтириш мумкин: Маҳмуд ибн Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Тож уш-Шариъанинг “Ал-Кифоя фи шарҳил Ҳидоя”, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хуббозий ал-Кокийнинг “Меърож уд-дироя фи шарҳил Ҳидоя”, Камолуддин ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳиднинг “Фаҳул Қодир лил ожизил фақир”, Акмалиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бобартийнинг “Ал-Иноя фи шарҳил Ҳидоя”, Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн ал-Айнийнинг “Ан-Ниҳоя фи шарҳил Ҳидоя” асарлари.[7:21]

Шунингдек, “Ал-Ҳидоя”нинг ҳадислари муҳаддислар томонидан алоҳида ўрганилган бўлиб, улар таҳриж асарларда жамлангандир. Шу ўринда “таҳриж” ҳақижа маълумот: “Таҳриж” сўзи ج , ر , خ (х,р,ж) ўзак ҳарфларидан ясалган сўз бўлиб, тафийъл бобидан масдар ҳисобланади.

Унинг луғавий маъноси: 1. чиқариб юбориш, рўйхатдан ўчириш; 2. тайёрлаш, таълим бериш; тарбия бериш; 3. таълим даргоҳидан етиштириб чиқариш; 4. тушунтириш, шарҳлаш; 5. танланган ҳадислар киритилган тўплам.

Таҳрижга таалуқли бир ўзакдаги атамалар: Мустаҳраж – ҳадис тўпламининг бир тури бўлиб, бу турдаги китобларда мусанниф бошқа бир мусаннифнинг китобидаги ҳадисларни ўз исноди орқали бошқа йўллар билан келтиради. Асл мусанниф билан унинг шайхи ёки ундан юкоридаги шайхда туташади.

Маҳраж – бу сўз ҳадиснинг келган жойини, яъни унинг ровийсини кўрсатиш учун қўлланилади.

Ихroj – бир ҳадисни ҳар қандай китобда исноди билан биргаликда келтириш маъносида қўлланилади.

Шунингдек, муҳаддислар таҳриж билан боғлиқ қуйидаги истилоҳларни ҳам қўллайдилар: هَذَا حَدِيثٌ غُرِفَ مَخْرَجُهُ “Бу ҳадис, манбаси билинган бир ҳадисдир”, أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ “Бу ҳадисни Бухорий (Саҳиҳида) келтирган”.

Таҳрижнинг истилоҳий маъноси – ҳадиснинг асл манбадаги ўрнини санади билан биргаликда кўрсатишдир. Яъни таснифлаш даврининг ҳадис манбаларида турли фан соҳаларидаги асарларда ҳадисларнинг келган ўрнини кўрсатиш ва бу ҳадисларнинг саҳиҳлигини текширишдан иборатдир. Бир китобдаги ҳадисларни иснодлари билан бирга чиқариб олиш ва агар мавжуд бўлса, бошқа иснодларни кўрсатиб, ҳар бир ҳадиснинг ишончлилиқ даражасини кўрсатишдир. [8:12]

Ҳофиз Абдулқодир ал-Қураший (775/1373) нинг “Ал-Иноя фи таҳрижи аҳадисил Ҳидоя” (“Ал-Иноя”нинг Сулаймония кутубхонаси, Янгижоме 261 ва Фотихда 1112 рақамда икки нусхаси бор) ва Аловуддин Али ибн Усмон ал-Мардиний (750/1349)нинг “Ал-Кифоя фи маърифати аҳадисил Ҳидоя”, [6:9; 3:2031-2039] шунингдек, Имом Зайлоийнинг “Насбу-р-роя фи таҳрижи аҳадисил Ҳидоя” асарлари “Ал-Ҳидоя”да келган ҳадисларнинг асл манбасини аниқлашга қаратилган.

Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Муҳаммад аз-Зайлоий ал-Ҳанафий ал-Мисрий (? , Зайло (ҳозирги Сомалидаги шаҳар) – 762/1360, Қоҳира, Миср) аҳли сунна вал жамоанинг ҳадис жумладан, унинг маънолари, ровийларининг исмлари, матнлари, ривоят йўллари илми уламоларидан.

Имом Зайлоий Мисрда яшаб кўплаб устозлардан фикҳ ва ҳадис илмларини чуқур ўрганган, тариқат йўлини тутган муҳаддислардан бўлган. Бу зот ҳадислар таҳрижидаги моҳирлиги ва уларнинг фикҳий далилларини баён қилишда ҳолис бўлгани билан машҳур. Ҳадисларни Абдуллатиф Ҳарроний (в.672)нинг бир гуруҳ шогирдларидан ва яна “Муснидул Искандария” лақабини олган Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Футуҳ ат-Тажибий, “Фақиҳул Қоҳира ва Искандария” Шихоб Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қайс ал-

Ансорий, “Шайхуш Шофейй” Шамс Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Адлан, Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳибатуллоҳ ибн ал-Бурий ал-Искандарий каби муҳаддислардан эшитган. [5:5]

Тақиюддин Абу Бакр ат-Тамимий ўзининг “Табақоту-с-суннийя” асарида Имом Зайлоий ҳақида шундай дейди: “У илм ўрганиш билан машғул бўлиб, кўплаб фазилатли муҳаддислардан ҳадис эшитган. “Канзу-д-дақоик” асари шориҳи Фаҳриддин Зайлоий, қози Аловуддин Туркманий ва бошқа олимлар қўлида илм ўрганиб, тоинки “Ҳидоя” ва “Кашшоф” ҳадисларини таҳриж қилгунича ҳадис китобларининг кўпини ўқиб чиққан”. [5:6]

Зайлоий “Ал-Ҳидоя” ҳадисларини таҳриж қиларкан, ўзи ҳам ҳанафий мазҳаби вакили бўлишига қарамасдан, уларга ўта адолат билан ёндашган ва ҳеч бир ўринда мутаассибликка йўл қўймаган. Шунинг учун ҳам асар кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлган.

“Ал-Ҳидоя” фикҳий китоб, албатта, бироқ, муаллиф ҳукмларни далиллаш мақсадида келтирган ҳадисларининг санадларини зикр этмаган. Шунингдек, ҳадиснинг ишончлилиги, манбаси каби маълумотларга тўхталмасдан, уларни нақл этиш билангина кифояланган. Шу нуқтаи назардан “Ал-Ҳидоя”нинг ҳадис билан боғлиқ масалаларда заиф эканлиги кўринади. Мисол учун: Имом Марғиноний саҳобийнинг сўзи бўлган мавкуф ҳадисларни Расулуллоҳ (с.а.в)дан ривоят қилинган марфуъ ҳадис ўлароқ келтирган. Марғиноний “Набий (с.а.в)дан жума намози, ташрик такбири, фитр, қурбон байрами намозлари шаҳарда вожибдир деган сўз ривоят қилинган” дейди. [1:1.82] Зайлоий эса, бу ҳадис марфуъ эмаслиги, балки, ҳазрати Али (р.а) тегишли мавкуф ҳадислигини айтади. [5:II.195]

Бунинг акси ўлароқ, Расулуллоҳ (с.а.в) томонидан айтилган марфуъ ҳадисларнинг баъзиларини саҳобанинг сўзи сифатида келтирган. Марғиноний айтади: “Сутра ўнг ёки чап томонга қўйилади. Бу борада бир қанча асарлар келган”. [1:1.63] Зайлоий ушбу жумлага фикр билдирар экан Марғиноний бу сўзи билан Имом Абу Довуд “Сунан”ида зикр қилган Али

ибн Айёшнинг ҳадисига ишора қилганлигини ва унинг асар эмас, балки, ҳадис эканлигини айтади. [5:II.83]

Марғиноний баъзан Расулуллоҳ (с.а.в) дан содир бўлган феълий амалларни саҳиҳ эмас дейди. Масалан: “Расулуллоҳдан истиско (ёмғир дуоси)га чиққани зикр этилди. Бироқ, у ривоятда намоз ўқигани борасида ҳеч нарса зикр қилинмади” дегани каби. [1:1.88] Бунга қарши ўлароқ, Зайлоий Расулуллоҳ (с.а.в)дан истискога чиққани ва унда намоз ҳам ўқигани саҳиҳ ва собит эканини таъкидлайди. Яна айтадики: “Ундан (Расулуллоҳ с.а.в) бу ҳақда ҳеч нарса айтилмаган” деган гап ҳақиқатга тўғри келмайди. Аслида, Расулуллоҳ (с.а.в) истискога чиқиб намоз ўқимагани борасида бирон ҳадис йўқдир. Намоз ўқиганлиги айтилмаган ривоят келмайди. Бир нарсанинг айтилмагани унинг мавжуд эмаслигини англатмайди”. Охирги жумладан кейин мисол тариқасида бир ривоят келтирган. Зайлоий бу билан Марғиноний йўқ деган истискодаги намознинг аслида бор бўлганига далил келтиради. [5:II.238-242-248/IV.85]

“Ал-Ҳидоя” соҳиби тарихий воқеаларга тўғри келмайдиган хабарларни ҳам далил сифатида қўллаган. Марғиноний, Расулуллоҳ (с.а.в) саҳоба Абу Дужонанинг жаноза намозини ўқигани ва уни қабрга қўяркан, “Бисмиллаҳ аъла миллати Расулиллаҳ” деган сўзини нақл қилади. [1:1.53] Зайлоий эса, Абу Дужона Расулуллоҳ (с.а.в)дан кейин, Абу Бакр Сиддиқ (р.а) даври ҳижрий 12 йилда вафот этганини ёзади. [5:II.2]

Бундан ташқари, Зайлоий томонидан ҳадисларнинг ортидан ёзилган “ғарибун” ёки “ғарибун жиддан” каби истилоҳий сўзларнинг ишлатилиши “Ал-Ҳидоя”да шу турдаги ҳадисларнинг кўп келтирилганини кўрсатади. [1:1.59-138/II.91; 5:II.62/III.20-305]

Марғиноний ҳадислар ҳақида гапирмаган деган сўз умумийдир. Чунки жуда кам ўринларда бўлсада, ҳадисга тааллуқли масалаларни айтиб ўтади. Масалан: Талбия ҳақидаги ҳадисни иттифоқликда ривоят қилинган дейди. Бироқ, Зайлоий, унинг бу сўзига ҳам эътироз билдирган. [1:1.137; 5:III.23]

Бундан ташқари, Марғиноний бошқа мазҳабларга тааллуқли фикрларни зикр қиларкан, унинг муаллифларини баъзан адаштириб қўяди. Масалан: сафарда “Рўза тутиб ўзига зарар етказишни истамаган киши учун оғзи очик юриш яхшироқдир” деган сўзни Имом Шофеийга нисбат берган бўлса, Зайлоий бу фикр Аҳмад ибн Ханбалга тегишли эканини айтади.

ХУЛОСА

Хулоса қилинадиган бўлса, “Ал-Ҳидоя”даги ҳадисларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим бўлади, яъники, унда ҳадис сифатида келган ҳар бир сўз ҳадис бўлмаслиги, шунингдек, саҳоба ёки тобеиннинг ҳар бир сўзи унга тегишли бўлмаслиги мумкин. Ундаги ҳадисларнинг аслини билиш учун “Насбур-р-роя” асарига мурожаат қилиш тавсия қилинади. Шундай бўлсада, “Ал-Ҳидоя”нинг ўзи ёки шарҳлари узоқ йиллар мобайнида мадрасалардаги фикҳ дарсларида ўқитиб келинган. Бунинг сабаби, асар ҳанафий мазҳабига доир фикҳий ҳукмларни чуқур ёритгани ҳамда ёзилиш услубидаги ўзига хослик яъни ҳадис ва фатволарнинг биргаликдаги бекиёс тартиби туфайлидир. “Ал-Ҳидоя”нинг бошқа мазҳаб вакиллари томонидан ҳам олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўқилиши унинг фикҳ илмида аҳамиятга молик асарлардан эканига далолатдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳи Бидоятил мубтади. Истанбул, 1991. I жуз.
2. Тошқўпризода. Табақотул фуқаҳо. Матбаатуз захро ал-ҳадисийя. Мосул, 1961.
3. Котиб Чалабий. Кашфуз зунун. Дор ихяут турос ал-аробий. Байрут.
4. Абдулҳай Лакнавий. Фавоидул баҳийя. Матбаъатис саадат. Миср, 1906.
5. Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлоий. “Насбу-р-роя ли аҳадисил Ҳидоя”. Муҳаммад Аввома таҳқиқи, Муассасату ар-райян, Байрут, Ливан. 1997.
6. Қосим ибн Қутлубуға. Мунятул алмаъий. Матбаъатис саадат. Миср, 1950.
7. Маҳмуд Таҳхон. Усулут таҳриж. Дарул Қуръанил карим. Байрут, 1979.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Фикҳий йўналиш ва китоблар”. – Т.: «Hilol-Nashr», 2019. – 312 б.
9. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Тошкент.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2000. – 48 б.
10. Ал-Қомус Арабча-ўзбекча қомусий луғат. Ғафур Ғулом нашриёти. Тошкент, 2017.

ЮЛДАШЕВ Азиз Нормирзаевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
мустақил тадқиқотчиси
yazizbek742@gmail.com

СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

ВИДЫ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ИНСТИТУТОВ

TYPES AND FUNCTIONAL FEATURES OF POLITICAL INSTITUTIONS

Аннотация: Мақолада сиёсий институтларнинг турлари ва уларнинг функциялари, сиёсий бошқарувнинг самарадорлигини оширишдаги ўрни ва омиллари ёритилиб, сиёсий институтларнинг шаклланиш жараёни, ривожланиш ва такомиллашуви омиллари, сиёсий институтларнинг вазифалари ва фаолиятининг аспекти таҳлил қилинган. Давлат ва жамият сиёсий тизимини ташкил этадиган асосий институтлардан бири давлат, яъни ҳокимият, армия ва дин ёритилиб сиёсий институтларнинг турлари даврийликка асосланиб икки тарихий ва замонавий турларга ажратилиши ўрганилган.

Калим сўзлар: Сиёсий институт, ҳокимият, сиёсий ҳаёт, давлат, сиёсий воқелик, институционал компонент, методология, генезис, ҳокимият, дин.

Аннотация. В статье описываются виды политических институтов и их функции, их роль и факторы повышения политической эффективности, анализируется процесс становления, развития и совершенствования политических институтов, функции и аспекты политических институтов. Одним из основных институтов, составляющих политическую систему государства и общества, является государство, т. е. правительство, армия и религия.

Ключевые слова: Политический институт, власть, политическая жизнь, государство, политическая реальность, институциональная составляющая, методология, генезис, власть, религия.

Annotation. The article describes the types of political institutions and their functions, their role and factors in increasing political effectiveness, analyzes the process of formation, development and improvement of political institutions, the functions and aspects of political institutions. One of the main institutions that make up the political system of the state and society is the state, ie the government, the army and religion.

Keywords: Political institution, power, political life, state, political reality, institutional component, methodology, genesis, power, religion.

КИРИШ

Давлат ва жамият сиёсий тизимини ташкил этадиган ва энг асосийси минглаб йиллик тарихга эга бўлган институтлар қаторига биринчи галда давлат, яъни ҳокимият, армия ва динни киритиш мумкин. Яъни, давлат – бу жуда катта ваколатларга ва фавқулудда ҳуқуқларга эга бўлган бошқарув органи бўлиб, унга сиёсий институтларнинг энг каттаси ва асоси мақомини бериш мумкин. Бунинг энг асосий сабабларидан бири сифатида минглаб йиллар давомида унинг кишилиқ ҳаётини ташкил қилувчи функцияси доимо сақланиб келаётганлигини, ҳозирда ҳам энг зарурий сиёсий институт сифатида мавжуд бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қадимги грек файласуфи бўлган Аристотель ҳам давлатнинг энг муҳим институт эканлигини таъкидлаган ҳолда, “давлат тузилишини икки асос бўйича белгилайди: ҳукмронлик қилувчиларнинг сони ва бошқарув мақсади. Унга боғлиқ ҳолда у бошқаришнинг уч хил тўғри шаклини, яъни, монархия, аристократия, полицияларни ва уч хил нотўғри шаклини, яъни тирания, олгархия, демократияни ажратиб кўрсатади” [1: Б. 376]. Умуман олганда, давлат институти барча манбаларда М.Веберга қадар институт сифатида эмас, балки юқори ҳокимият сифатида талқин қилинган. Юқори ҳокимият эса ўз мавжудлигини, давомлилигини, самаралилигини, барқарорлигини, хавфсизлигини таъминлаш учун эса бошқа институтларга эҳтиёж сезган.

Давлатга таъриф берар эканмиз, унинг замонавий хусусиятларини айтиб ўтиш жоиз. Давлат – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тизими идораларидан иборат олий ҳокимият бўлиб, жамият сиёсий тизимининг асосий бўғинидир. Муайян ҳудудий яхлитликдаги жамият сиёсий тизими асосини ташкил этувчи сиёсий институт. Бу институтнинг ўзига хос белгиларига қуйидагилар киради:

1) ҳудуд ва унинг чегаралари;

2) аҳоли (фуқаролар);

3) муайян вазифаларига эга ташкилот ва муассасалар (қуролли кучлар, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизими ва ҳ.к.);

4) ички ва ташқи суверенитет [2: Б. 344].

Ижтимоий фикр ривожланиши тарихида давлат ҳақида қатор назариялар пайдо бўлган:

а) либерал, демократик назариясига кўра, давлатнинг асосий вазифаси — жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳ ва фуқаролар манфаатларини кузатиш;

б) анархия назариясига кўра, жамият фақат давлатсиз, давлат ҳокимиятсиз тўлақонли эркин яшайди ва ривожланади;

в) синфий давлат назарияси марказида синф ғояси ётади. Бу назариянинг моҳиятига кўра, ҳар бир давлат фақат бир синф, битта ижтимоий гуруҳ манфаатларини кўзлайди, холос [3]. Демак, давлат бу синфнинг қуролига айланади;

г) тоталитар давлат назариясининг моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг ҳар бир гуруҳ ва фуқаронинг манфаатлари фақат давлат манфаатларига бўйсундирилиши лозим. Демократия учун фуқаро бирламчи бўлса, тоталитаризм учун давлат бирламчидир. Давлат ижтимоий ҳаётнинг мажбурий тартиб-қоидаларини белгилайди ва уларга жамият барча аъзоларини бўйсундириш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда унинг бажарилиши учун барча қонуний мажбурий чораларни қўллайди.

Давлатни бошқа сиёсий институтлардан фарқи шундаки, у қонун чиқарувчи олий ҳуқуқга эга. У ўзининг сиёсий эҳтиёжларига давлат сиёсий муассасаларни бўйсундиради ва улар орқали ўз сиёсатини ўтказди. Шунинг таъкидлаш лозимки, давлат жамият ривожининг муҳим шароитидир. Фалсафий нуқтаи назардан

қараганда давлат – объектив реаллик. У жамият ривожига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан кучсиз давлат жамиятнинг ҳуқуқийлик ва адолатлилик йўлидан тараққий этишининг кафолати бўла олмайди. Замонавий демократик давлатнинг сиёсий ҳокимиятни ташкил этувчи асосий тамойили ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судларга бўлинишидир.

Давлат халқаро ҳуқуқнинг суверен субъекти сифатида халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчиси бўлиб, ўз ҳудудида сиёсий ҳокимиятни амалга оширади, халқаро доирада сиёсий ҳокимиятнинг расмий вакили сифатида барча ҳуқуқларга ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш юридик қобилиятига эга. У суверенитети, ўз ҳудудида мазкур давлат ҳокимияти барқарорлиги ва халқаро муносабатлар доирасидаги мустақиллиги билан боғланади. Чунки, давлат айнан ўзи халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқади, уни бузганлик учун жавобгарликни белгилайди, халқаро ташкилотлар фаолиятини ва халқаро ҳуқуқий тартибни ўрнатади.

Давлат сиёсий институтининг мазкур ҳуқуқ ва имкониятлари унинг ўзидан ташқари ҳеч ким томонидан чегараланмайди. Унинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари, хусусан, БМТ Уставига асосан белгиланади. Барча давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва бошқа характердаги тафовутларга қарамай, бир хил асосий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эгадир. Шу билан бирга, давлатларнинг суверен тенглиги тамойили улар томонидан тузилган халқаро шартномаларга биноан эгалланган ёки зиммасига олган хусусий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳажми ҳамда мазмунидан фарқли бўлиши мумкинлигини инкор этмайди.

Кейинги институт сифатида юқорида келтириб ўтилганидек, армия ва динни мисол сифатида келтириш мумкин. Юқори ҳокимият, яъни давлат армия институтидан хавфсизликни таъминлашда, жиноятчиларни жазолашда, бошқа ҳудудларни ўз тасарруфига олишда, шунингдек, манфаатларини амалга оширишда фойдаланган, яъни ўз мақсадини амалга оширишда кўпчилик ҳолларда кучга

ҳам таянган ва бунӣ энг катта анъанавий сиёсий институт ҳисобланган армия ёрдамида амалга оширган.

Армия – Armes; лотин тилида armare – қуролиниш каби қўп маънога эга тушунча. Сиёсатшунослик нуқтаи назаридан бу – қуроли куч воситасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва унинг учта муҳим белгилари бор. Биринчидан, Армия – давлат муассаси. Синфий жамиятда у давлат сингари маълум синфлар, ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади [4]. Шу билан бир қаторда, Армия умумдавлат ва умуммиллий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя этиши лозим.

Жамиятни бошқараётган, унинг иқтисодий ва ижтимоий тузулмаларини ҳимоя қилаётган давлатнинг нафақат табиати, балки ривожланишининг тарихий шарт-шароити билан белгиланадиган ички ва ташқи манфаатлари ҳамда вазифалари бўлади. Уларга эришиш учун давлат сиёсий куч-қудратини мустаҳкамлашга интиломи зарур. Акс ҳолда унинг тақдири тасодифларга боғлиқ бўлиб қолиши ёхуд ташқи ёки ички бузғунчи кучларнинг тажовузига дуч келиши мумкин.

Давлат зиммасидаги вазифаларни тинч йўл билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда уларни бажариш учун энг сўнгги чора – қуроли куч, тазйикдан фойдаланилади. Бунинг учун махсус орган – Армия ташкил этилади. Жиддий куч сифатида у олий ҳокимиятнинг зарур таянчи ва қуроли бўлиб давлат тўлиқ бўйсунди ва у билан уйғунлашиб кетади. Шу маънода унинг тузилиши, фаолияти, ундан фойдаланишга оид муайян ҳуқуқий меъёрлар мажмуининг келиб чиқилишини тақазо этади. Яъни, армия ўз табиати жиҳатидан (давлат органи сифатида) сиёсий институт саналади.

Иккинчидан, армиянинг ўзига хослиги унинг қуроли тузилма эканида намоён бўлади. Давлатнинг ваколатли ва ижроия бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа институтларидан у қуроли куч, қуролиланган кишилар уюшмаси бўлгани билан фарқланади. Айнан шу туфайли армия шундай куч-қудратга эгаки, унга таянган давлат ҳар қандай тазйик, мажбурлов чораларини амалга ошириши мумкин.

Қудратли армияга эга давлат бундай чораларни қўлламасдан мақсадга эришиши мумкин. Чунки қуроли тузулма мавжудлигининг ўзиёқ давлат ҳокимияти қуролиларининг кучидан далолат берувчи ҳамда давлатда қонуний тартибнинг кучидан далолат берувчи ҳамда давлатда қонуний тартибнинг дахлсизлигини таъминловчи ғоят таъсирчан психологик омил ҳисобланади. Учинчидан, армия – давлатнинг махсус вазифаларини бажарадиган ҳарбий тузулма ҳисобланади: у тактик, оператив ва стратегик даражада қуроли кураш, уруш олиб боришга қодирдир. Унга хос бу хусусият унинг куч-қудратининг юксак даражада таъминланиши, жумладан, қурол ва ҳарбий аслоҳанинг сони ва сифати, шахсий таркибнинг профессионал тайёргарлиги, ташкилий тузулманинг мавжудлиги, ҳарбий илм-фаннинг ривожини каби омиллар билан белгиланади. Давлат армиянинг уруш олиб бориш хусусиятига таяниб, ундан ўзига хос ички ва ташқи восита сифатида фойдаланади.

Сиёсий институт сифатида армия ижтимоий ҳаёт сахнасида давлатнинг шаклланиши билан пайдо бўлади. Қадим давлатда пайдо бўлиб, армия асрлар давомида давлатнинг ажралмас унсури сифатида ривожланиб, такомиллашиб келган. Давлат органи сифатида у бевосита ва табиий равишда жамиятга боғлиқ. Унда муайян даражада ижтимоий муносабатларнинг барча соҳалари, хусусан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан ўз аксини топади. Ижтимоий муносабатлар характери армиянинг ҳолати, жумладан, унинг ҳарбий-техника базаси даражаси, шахсий таркибнинг сифати ва тайёргарлиги, ташкилий тузулмаси, ҳарбий фаолият ва назария ривожини белгилайди [5:17-19].

Давлатнинг қуроли, унинг ижтимоий-синфий тимсоли сифатида армия сиёсий устқурманинг нисбий мустақилликка эга элементиридир. Бу ҳол уни ташкил этишдан қўзланга мақсадда, фаолиятининг асосий ва доимий йўналишларини муайян вазифаларида ўз ифодасини топади.

Армиянинг шаклланиши ва ривожланиши – қонуний жараёндир. Унинг ривожланиши қонуниятларнинг икки гуруҳига бўйсунди.

Биринчиси, Армиянинг сиёсий институт сифатида ривожланиши, унинг тузумларининг жамиятга бўйсунганини ифода этадиган ижтимоий-сиёсий қонуниятлар. Ушбу қонуниятлар турли ижтимоий фанлар, жумладан, сиёсий фан доирасида ўрганилади, татбиқ этилади. Иккинчиси, Армиянинг техник таъминоти, ҳарбий бошқарув ва ҳоказо билан боғлиқ ҳарбий-техник қонуниятлар. Мазкур қонуниятлар ҳарбий фан доирасида ўрганилади. Шу тариқа, Армиянинг ривожланиши объектив қонуниятларини чуқур ўрганиш ҳамда ҳарбий амалиёт талабларини эътиборга олган ҳолда уни шакллантириш тамойиллари ҳамда муайян мамлакатдаги ҳарбий қурилиш асослари ишлаб чиқилади.

Армия (лот. *armo* – қуроллантираман) – қуруқликдаги қўшинлар ёхуд (баъзан) давлатнинг ҳарбий-денгиз флотидан бошқа барча қуролли кучлари мажмуи. Шунингдек, Армия деганда жанговар операциялар олиб боришга мўлжалланган бир неча қўшилма ва қуролли кучларнинг турли қисмлари оператив бирлашмаси (умумқўшин ёки дала, танк, ҳаво, ҳаво-десант Армияси ва б.) тушунилади. Туркий халқларда қўшин, лашкар, черик деб аталган [6]. Демак, армия – сиёсий хатти-ҳаракатлар воситаси бўлиб унинг оқибатларини дунёда юз берган икки жаҳон уруши мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу урушда иштирок инсоният бошига мислсиз қулфатлар ва қурбонлар келтирган.

Бугунги кунда ядро даврига қадам қўйилиши, қўплаб замонавий, жумладан, ядро қуролининг ишлаб чиқарилиши шундан далолат берадики, ҳар қандай уруш ҳозирги вақтда нафақат урушаётган тарафларнинг, балки умуман инсоният тамаддунининг қирилиб кетишига олиб келиши мумкин. Кейинги вақтда қўплаб давлатларни ўз домига тортаётган локал урушлар ҳам ғоят хатарли тус олиб, жаҳон урушига айланиб кетиш эҳтимоли ортиб бормоқда. Шунингдек, тарихда шаклланишига қарамасдан, ушбу сиёсий институт ўзининг аҳамиятини ҳанузгача йўқотмаган ва ҳаттоки баъзи бир давлатларнинг сиёсий бошқарувида ҳам ҳанузгача ўта таъсирли кучга эга бўлиб келмоқда.

Дин ҳам ўзига хос тарздаги энг катта институтлардан бири бўлиб, кўпчилик ҳолларда давлатнинг мавжуд бўлиши учун энг катта омил, яъни мафкуравий таъминот, ахборот тарқатиш, халқнинг бўйсинувчанлигини таъминлаш, ўз ҳокимиятининг қонунийлигини тан олиши сингари вазифаларда усталик билан кенг фойдаланган. Давлат дини – муайян черков давлат расмий ташкилоти сифатида тан олинганини ифода этадиган конституцион-ҳуқуқий сиёсий институт бўлиб, бунда давлат:

- 1) черковни молиялаштиради;
- 2) руҳонийларни тайинлашда иштирок этади;
- 3) черковнинг ички ҳаётини бошқарадиган актларни тасдиқлайди;
- 4) черковнинг нодавлат вазифаларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканини тан олади ва ҳоказо [6: 247].

Диннинг сиёсий институт сифатидаги аҳамияти бугунги кунда ҳам йўқолмасдан, балки ривожланиб келаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мисол учун, Ватикандаги давлат бошқарувида бевосита иштирок этадиган, шунингдек, Саудия Арабистони, Бутан ва бошқа бир қатор теократик давлатларда диннинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги ўта муҳим сиёсий институтлардан эканлиги намоён бўлиб келмоқда.

Энди бевосита сиёсий институтларнинг турлари ҳақида гапирганда шуларни алоҳида таъкидлаш лозимки, даврийликка қараб уларни икки турга, тарихий ва замонавий турларга ажратиш мумкин [7: 247].

Тарихий турларига юқорида келтириб ўтилган давлат, армия, дин ва маслаҳат (ҳозирги парламент кенгаши бўлиб, қадимда оқсоқоллар ёки мамлакатнинг нуфузли шахслари иштирокида ўтадиган мажлис бўлган) лардан иборат бўлган.

Замонавий сиёсий институтлар қаторига эса, аввало, Парламент, Президентлик, Сиёсий партиялар, Оммавий Ахборот Воситалари, Ижро ҳокимияти, Касаба уюшмалари ва бошқаларни киритиш лозимки, ушбу сиёсий институтлар бугунги кунда замонавий давлатларнинг энг муҳим атрибутларига айланиб улгурди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, сиёсий институтлар инсоният ҳаётининг ажралмас қисми сифатида ўзининг узок йиллик тарихига эга. Инсоният яралибдики, сиёсий бошқарувга бўлган эҳтиёж доимо уни тарқ этмаган. Сиёсий институтларнинг энг асосий вазифаси бу жамиятнинг бошқарувга бўлган талаблари доимий ўзгариб, такомиллашиб боришига нисбатан адекват жавоб беришга қаратилган тузилмалар сифатида намоён бўлганлигидир.

Улар ўзларининг турлари ва функционал хусусиятларига, жамият ва давлат ҳаётини ташкил қилиш сари характерлари билан ажралиб турадилар. Шунингдек, сиёсий институтларнинг турлари уларнинг тарихийлигига, замонавийлигига, анъанавийлигига, мумтозлигига, самарадорлигига қараб фарқланиб туради. Уларнинг энг асосий вазифаларидан бири – жамият барқарорлигини ва тараққиётини таъминлаш, бошқарувни рационаллаштириш ва такомиллаштириш эканлигидир. Сиёсий институтлар замон талаблари асосида узок йиллик такомиллашувни бошдан кечирганлиги, трансформациялашиб борганлиги ва номи ва табиати ўзгарганлиги билан сиёсий ҳокимиятнинг энг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аристотель. Сочинения: В 4 т. – М., 1983. – Т. 4. – 612 с.
2. Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. Дарслик. – Тошкент, 2008. – 344 б.
3. What Are Institutions? // Journal of Economic Issues. 2006. Vol. XL. №1
4. Армия // <https://endic.ru/ozhegov/Armija-697.html>
5. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики (пер. с англ. А.Н. Нестеренко). – М., 1997. – С. 17-19.
6. Армия // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/armiya-uz/>
7. Диншунослик асослари: ўқув қўлланма/тузувчи-муаллифлар: А.Очилдиев, Д.Раҳимжонов, Н.Муҳамедов ва бошқалар. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
8. Police Transformation Roadmap // <https://www.stalbansvt.com/policeroadmap>
9. Гельман В.Я. Институциональное строительство и неформальные институты в современной российской политике // Полис. Политические исследования. 2003. Т. 4. №4. – С. 5-7.
10. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. – М., 1991. – С. 283-284.
11. Frankel J. National Interest. – L.: The Chaucer Press, 1970, – P. 20.
12. Charles A-Beard. The Idea of National Interest An Analytical Study of American Foreign Policy, 1934, – P. 3.

ТАШАНОВ Абдухалик,

Ўзбекистон Миллий Университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди

БУЗГУНЧИ ҒОЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ОҚИБАТЛАРИ

НАЦИОНАЛЬНЫЕ И ОБЩИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ ДЕСТРУКТИВНЫХ ИДЕЙ

NATIONAL AND GENERAL CONSEQUENCES OF DESTRUCTIVE IDEAS

Аннотация: Мақолада давлатлар ва халқлар миллий тараққиёт йўлида дуч келадиган вайронкор ғоялар, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга салбий таъсири ўрганилган. Вайронкор ғояларнинг намоён бўлиш шакллари, минтақамиз учун реал хавф бўлган радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг ижтимоий оқибатлари таҳлил қилинган. Вайронкор ғоялар таъсирида инсониятнинг бугунги цивилизацияси дисфункционал бўлиб бораётгани, ғоявий зиддиятлар ва умумбашарий муаммоларнинг мафкуралашув жараёнлари ҳам ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган вайронкор ғояларга қарши кураш йўллари, бунда миллий юксалиш, маърифатли жамият ғояларининг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инсоният, миллат, миллий тараққиёт йўли, вайронкор ғоялар, радикализм, терроризм, экстремизм, таҳдид, мафкуравий иммунитет, ижтимоий оқибат.

Аннотация: В статье рассматриваются деструктивные идеи, с которыми сталкиваются государства и народы на пути национального развития, их негативное влияние на национальные и общечеловеческие ценности. Анализируются формы проявления деструктивных идей, социальные последствия таких угроз, как радикализм, терроризм и экстремизм, представляющих реальную угрозу для нашего региона. Изучены также идеологические процессы мировоззренческих противоречий и

общечеловеческие проблемы, так как человеческая цивилизация сегодня становится недееспособной под влиянием деструктивных идей. Также анализируются пути борьбы с деструктивными идеями, обозначенными в стратегии развития Узбекистана, в том числе значение идей национального развития, просвещенного общества.

Ключевые слова: человечество, нация, путь национального развития, деструктивные идеи, радикализм, терроризм, экстремизм, угроза, идеологический иммунитет, социальные последствия.

Annotation: The article deals with the destructive ideas that states and peoples face on the path of national development, their negative impact on national and universal values. The forms of manifestation of destructive ideas, the social consequences of such threats as radicalism, terrorism and extremism, which pose a real threat to our region, are analyzed. The ideological processes of ideological contradictions and universal problems have also been studied, since human civilization today is becoming incapacitated under the influence of destructive ideas. It also analyzes ways to combat the destructive ideas identified in the development strategy of Uzbekistan, including the importance of the ideas of national development, an enlightened society.

Keywords: humanity, nation, path of national development, destructive ideas, radicalism, terrorism, extremism, threat, ideological immunity, social consequences.

КИРИШ

Ҳар қандай миллат жаҳон цивилизациясида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилар экан, ушбу миллатнинг ғояси умуминсоний қадриятларга ҳам суяниши шарт. Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий ва маънавий меросида умуминсоний қадриятлар ҳам ўзига хос шакллар ва кўринишларда ифода этилган бўлади. Шу билан бирга, бошқа миллатлар, давлатлар, динлар ва цивилизацияларнинг хос қадриятлари ва ижобий тажрибаларидан фойдаланиш ҳам жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида маълум аҳамият касб этади. Шу маънода, мафкуравий жараёнлар жадаллашган даврда кучли жамият қуриш учун халқимизнинг миллий маърифий

қарашларимизни янада чуқурлаштиришга эҳтиёжлар сезилмоқда. Чунки, биз қураётган жамият ғарбдан ёки шарқдан кўр-кўрона кўчириб олинмаган, балки бир неча минг йиллик тарихий тажрибаларимизга асосланади. “Коронавирус инфекциясининг минтақа давлатлари ҳудудига кириб келиши, унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида жорий этилган қатъий карантин чоралари натижасида кўплаб аҳоли қатламлари асосий вақтини ўз уйларида, Интернет ва ижтимоий тармоқларда ўтказишга мажбур бўлди. Бунинг натижасида аҳоли орасида тармоқдаги бузғунчи ғоялар таъсирига тушиш ҳолатлари сезиларли равишда ортган, тақиқланган диний оқимлар аъзолари эса ўз “жамоати” йиғилишларини шароитга мослаган ҳолда, мобил иловалар орқали ўтказиш йўлига ўтган [1.404]. Бугунги тараққиётнинг технологик имкониятлари инсониятга эзгулик олиб келиши билан бирга, айрим ғаразли кучларнинг вайронкор ғояларини ёйишда ҳам қўл келмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бузғунчи ғоялар қаерда ва қандай вужудга келгани, фаолияти характери ва бошқа белгиларидан қатъи назар, уларда маълум бир умумий қонуниятлар кузатилади: умумқабул қилинган қонунларни, ахлоқий меъёрлар, маданий ва маънавий қадриятларни рад этиш, ўз дунёқарашини, сиёсий хоҳиш-иродасини жамиятнинг қолган қисмига тикиштиришга интилиш, террор, маънавий ва ахборотга оид зўравонлик ёки найрангбозлик усулларида фойдаланиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси миллий тараққиёт моделида аниқ ифодаланган бўлиб, мамлакатимизни тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиши билан бирга ўзликни англаш, халқнинг маънавий уйғонишини рағбатлантиришни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликка асосланган миллий ва ижтимоий сиёсатнинг амалий ривожини таъминлашга қаратилади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда кескинлик ва хавф-хатарларнинг

тобора ўсиб бориши, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, таъсир доираси кенгайиб бораётган мафкуравий кураш, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларга ҳам дуч келмоқдамиз.

Бу инсониятни XX асрда тоталитар мафкураларнинг беаёв тажриба майдонида синалган, сайёрамизни бир неча марта йўқотишга етадиган ядро қуролларининг таҳдиди, “совуқ уруш” азобларини тортиб катта тажриба орттирган бўлса-да, XXI асрга етарли даражада ақл-идрокли бўлиб қадам қўймади. Инсониятга таҳдид солган вайронкор ғоялар заволят топмасдан, балки янги кўринишларда қайта бош кўтариб чиқмоқда. Халқаро социологлар ассоциацияси XVII Конгрессининг (Июкогама, 2014 йил, июль) нуфузли қатнашчилари берган баҳоларга кўра, ҳозирда алоҳида жамиятлар эмас, балки бутун инсоният тобора ўсиб бораётган ижтимоий-маданий тенгсизликлар ва унинг ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларидаги хавф-хатарлар дунёси сифатида ифодаланмоқда [2]. Турли мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳлари (шу жумладан, турли альянслар, блоклар), глобал бизнес тузилмаларининг бир-бирига қарама-қарши иқтисодий ва геосиёсий манфаатларининг таъсири остида инсоният маданийлашган ҳолатнинг тобора йўқотилаётгани ва унинг номаданийлашган ҳолатга қайтиши мумкинлигидек катта таҳдид олдида қолди. Номо sapiens (ақлли одам)нинг сақланишига ҳақиқий хатарлар юзага келди, булар: ядровий урушнинг бўлиши мумкинлиги, иқлимнинг исиши ва бошқа экологик хавфлар. Кўплаб таҳлилчилар келиб чиқиш эҳтимоли мавжуд бўлган учинчи жаҳон уришининг асосий сабабларидан бири сифатида гегемонликка асосланган бузғунчи ғояларни келтиришмоқда. Замонавий жаҳон уруши гибрид тарзда, яъни қарши томон ўз таъсирини ўтказишни истаган барча ҳудудларда унга зарар етказишнинг ҳар қандай имкониятларини қўллаш орқали амалга ошади. Буни иқтисодиётни парчалаш, террористик ҳаракатлар, партизан отрядлар ва хусусий ҳарбий компанияларнинг амалиётлари қўлланилиш орқали амалга ошириш мумкин [3].

Экспертларнинг хулосаларига кўра, сунгги 10 йил ичида экстремизм ва терроризм туфайли дунё иқтисодиёти 583 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар қўрган бўлса, 15 йил ичида 100 мингдан зиёд бегуноҳ инсонлар террорчилик хужумлари оқибатида ҳалок бўлган. Фақатгина 2019 йилнинг ўзида дунё бўйича зўравонлик, экстремизм ва терроризмнинг умумий салбий глобал таъсири, шунга эътибор беринг, 14,1 триллион АҚШ долларини ёки жаҳон ЯИМнинг 11,2 фоизини, иқтисодий зарар - 33,19 миллиард АҚШ долларини ташкил этган [4.399].

Демак, инсониятнинг бугунги цивилизацияси дисфункционал бўлиб қолмоқда, кишилар жамияти турмуш тарзи усулининг ўзгаришига, инсониятнинг янги цивилизацияга оид танловига эҳтиёж сезилмоқда. “Ҳозирги вақтда инсониятда бирлаштирувчи ғоя, умумий ахлоқий чегара йўқ, – дейди А.А.Гусейнов. Менинг фикримча, айнан куч ишлатмаслик ғояси ана шундай ғоя бўлиб хизмат қилади. Куч ишлатмаслик инсоният забот этиши лозим бўлган янги маънавий-амалий чўққидир. Бу шунинг учун ҳам керакки, у яшаши ва цивилизация эришган ютуқларни асраб-авайлаши лозим. Бунинг ҳеч қандай муқобил йўли йўқ” [5.12].

Мана шундай муаммоларнинг гирдоби томон тобора тортилиб бораётган турли давлатлар, жамиятлар, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам бузғунчи ғояларнинг олдини олиш, уларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини бартараф қилишнинг самарали йўллари, усуллари ва воситаларини излаб топиш, ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида таҳлил қилиш бугунги гуманитар фани олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундай таҳдидларга қарши курашда миллий маънавиятимиз, миллий ғоянинг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим. Сўнгги пайтларда жаҳонда, жумладан муайян даражада бизда ҳам миллат, унинг маънавий борлиғи, ривожланиши муаммосини етарли даражада фалсафий тафаккурдан ўтказмаслик бу борадаги тадқиқотларнинг издан чиқишига олиб келди. Чунки тадқиқотларнинг таркибий қисми торайди, назарий қоидалари эса

сиёсийлаштирилди. Миллий ўзига хослик муаммоларини келгусида ҳар томонлама батафсил ишлаб чиқишмасдан хусусий тадқиқотларни ривожлантириш қийин кечиши яққол кўриниб қолди. Мамлакатимиз гуманитар фани миллий маънавият, миллий ўзликни англашнинг табиати, моҳияти, тузилмаси, даражалари, амал қилиш механизмлари ҳамда ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш бўйича ишланмаларга эҳтиёж сезмоқда.

Замонавий жамиятни ривожлантиришнинг оқилона йўллари нафақат новаторлик услубидан фойдаланиш, балки миллий маънавият асосларининг таҳлилига, шаклланган архетипларга асосланган жамият қурилиши борасидаги ўз тажрибасини ўрганишга таяниши лозим. Аммо миллий маънавиятнинг айрим “эскирган” жиҳатлари миллий ривожланишни чеклаб қўймоқда, миллий маҳдудликка сабаб бўлмоқда. Шу боис, анъанавий қадриятларни қайта баҳолаш ҳамда миллий маънавият қадриятли тузилмаси бўғинларини янгилаш юз бермоқда. Замонавий жамият миллий маънавиятнинг аксиологик модели учун миллатнинг ижтимоий тажрибасини ҳамда янги ижтимоий воқеликка мос келувчи умуминсоний қадриятларни акс эттирувчи анъанавий қадриятлар умумлашуви хусусиятлидир.

Миллий уйғониш, миллий тикланиш, миллий тараққиёт концепциясининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш даврида миллий ўзликни англаш билан синтезлашуви ва унинг бугунги турмуш тарзимиз ҳамда тафаккуримиз тараққиётида намоён бўлиши цивилизация йўлидир. У – миллий тараққиётнинг янги босқичи бўлиб, инсоннинг шаклланиш жараёни, шахсий фазилатларини ҳаётий мақсадлар ва қадриятлар ҳақидаги тасаввурларини ўзгартиради. Хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод учун таълим-тарбия тизими сифат жиҳатдан янгича талабларни қўяди. Ўз навбатида, миллий ўзликни англашнинг ўзи ғоявий иммунитет вазифасини ўтайди. Чунки унда халқимизнинг, миллатимизнинг туб манфаатлари мужассамдир.

Вайронкор ғояларга қарши туришнинг энг муҳим йўли кучли ва тизимли мафкуравий

иммунитетдир. Мафкуравий иммунитет кишининг ўзи яшаб турган юрт қадриятларини, тарихий-маданий бойликларини асраш, уларни кўпайтириш туйғусидир. Бугун кишиларда “биз бой тарихга эгамиз” деган қуруқ шиорлар билан мафкуравий иммунитетни шакллантириш қийин. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш улар онгида бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. Жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни енгиш, мустамлака қилиш осон кечади. Шунинг учун барқарорлик ва хавфсизлик жамиятнинг онглилигига, англандан тўғри тушунча ва билимларга фаол амал қилишга, фикрий, ғоявий бирлигига, булар эса мафкуравий иммунитет мустаҳкамлигига таянади.

Ўзбекистон Президенти томонидан таъкидланганидек: “Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу нақадар жиддий масала экани янада яққол аён бўлади. Шу ўринда **фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш** билан боғлиқ вазифаларга қисқача тўхталиб ўтсак. Авваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби балоказолардан ёшларимизни асрашга, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз [6.488].

Ҳозирги шароитда бузғунчи мақсадларга қаратилган ғоявий хуружлар жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий, оила-турмуш ҳамда миллий муносабатлар каби соҳаларида амалга оширилмоқда. Жамиятдаги оммавий онг ҳамиша унинг ичида сездирмай бошқариш механизмлари таъсири остида, шунингдек, ташқи

таъсир механизмлари остида туради. Аксарият мамлакатларда сездирмай бошқаришнинг турли кўринишлари, шакллари ва усуллари ОАВ орқали – матбуот анжуманлари, анжуманлар, тақдиротлар матбуот сафарлари, ОАВдаги турли нашрлар (қизиқарли мақолалар, кейс-ҳикоялар, шарҳ-мақолалар, интервью), миш-миш тарқатиш, телевидение ва радио, Интернет тармоғи таъсиридан фойдаланилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини иккиёқлама: биринчидан, ахборот истеъмол қилувчиларнинг онгига таъсир кўрсатувчи феномен; иккинчидан, нутқ мулоқоти ва ахборот узатиш ҳаракати сифатида қараб чиқиш мумкин. ОАВ замонавий инсоннинг интилиши ва махфийлигига мўлжалланган бўлиб, кўпинча инсоннинг онгсиз ҳиссиётларида кўринадиган эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган. Тарқатилаётган маълумотлар оммавий муҳитда имкон қадар муносабатга кириши учун томашабоп ва самарали бўлиши, шунингдек, омmanın афсонавий онгига хос бўлган архетипларига таъсир кўрсатиши лозим. Масалан, ақидапараст гуруҳлар ОАВдаги ўз хабарларида айнан шундай усуллардан фойдаланадилар. ОАВда берилаётган ахборот оммавий онгга таъсир кўрсатади ва уни сездирмай бошқаради, бинобарин, ақидапарастликка қарши ҳаракатларнинг вазифаси сездирмай бошқариш технологияларидан фойдаланиш ҳисобига айнан шундай усулларни қўллаётган ақидапарастликка қарши туришда имкон қадар самара ва натижага эришишдир.

Ахборот уруши воситаларининг сиёсий-ҳарбий ва илмий доиралардан тез ўрин олиш омилларини мисол сифатида келтиради. Улар, ҳарбий қуролли тўқнашувларга қараганда камҳаражат талаб этилиши ва самарали натижани бериши, душманга сездирмаган ҳолда ўз мақсадларини амалга ошириш имкони мавжудлиги, замонавий ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши қурол ишлаб чиқаришга нисбатан тез ва арзонроқ кечиши ва “қаттиқ куч” (ҳарбий, молиявий-иқтисодий куч) ҳар доим ҳам самарали эмасли ва муқобил куч топиш зарурлигини тақозо этиши [7.49].

Ҳаётнинг янги тарзлари, уларнинг эски тарзлар билан рақобати борасидаги мунозаралар муаммонинг негизидир. Оила институти, муҳаббат муаммоси — булар фақат индивидуаллашувнинг янги тенденциялари намоён бўлаётган лакмус қоғоз, холос. Мазкур муаммо миллий доиралардан аллақачон чиқиб кетди, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Масалан, Э. Гидденс асарларидан бирида “сиёсий ҳукмронлик учун кураш ҳаёт тарзлари учун курашга ўз ўрнини бўшатиб берганлиги” ҳақида ёзади. Шу аснода у ўзгаришлар шароитида ҳаётнинг анъанавий тарзларига ўта ижобий сифатлар берилиши ва бу эса ҳақиқатга тўғри келмаслигига эътибор қаратади [8.347].

Ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ўзига хос тизим бўлиб, улар ўзаро бирикиб, яхлит ва ягона оламга айланса, бутун бир халқ, миллат ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари бунёд бўлади. Бу маънавий-ахлоқий қадриятлари юксалгани сари халқ ва миллатнинг куч-қудрати ҳам ортиб бораверади, енгилмас кучга айланади. Ғарб тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, шахсдаги эгоистик, индивидуалистик интилишлар охири-оқибатда эгоцентризмни вужудга келтиради. Эгоцентризм ҳамма нарсани ўзи ва ўз манфаати билан боғлаб яшашни англатади. Бундай тушунчага эга бўлган шахс фақат ўзининг шахсий мақсад ва манфаатларини, бошқаларнинг ўзига хос табиий интилишларини ҳолисона қабул қила олмайди. Яъни, бундай мафқуралар одам фаолияти билан боғлиқ барча жараёнлар марказида шахсий манфаат ётгани яққол кўзга ташланади.

Бизнингча, инсон табиатидаги бузғунчиликни бартараф этишнинг асосий механизми сифатида таълим-тарбия концепцияси намоён бўлади. У жамиятнинг аксиологик соҳасига таъсир кўрсатиш механизми сифатидаги аҳамияти катта. Шунингдек, у билан “фикрлар хилма хиллиги – бағрикенглик – ижтимоий ҳамкорлик” модели ҳам шакллантирилади. Умуммиллат иши ва ягона ғояни шакллантириш мураккаблиги жамиятнинг парчаланишга мойиллигида

кўринади. Демак, умуммиллат ишини ҳис эта олишга душман қиёфасини яратиш орқали эмас, балки ўз ўрнини белгилаш ҳамда кўпфиррилиқ орқали ўзини солиштиришга қодир бўлган эркин шахс мавжуд бўлгандагина “фикрлар хилма хиллиги – бағрикенглик – ижтимоий ҳамкорлик” бўлиши мумкин.

Бузғунчи ғояларни бартараф этиш механизмларини яратишдаги асосий вазифа инсоннинг эркин ижодий фикрини шакллантириш, унинг ўз ички ҳиссиётларига мурожат қилишга мажбур этиш, оммавий инсондан ўз шахсиятининг ўрнини белгилашга ўтиш имконини берадиган рағбатлар ва омилларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Кўриниб турганидек, бу мақсадларга эришишда ҳеч қандай зўравонлик усуллари иш бермайди, чунки улар бузғунчилик инстинктларини янада кучайтириши мумкин. Бинобарин, шахснинг ўзига эмас, балки унинг атрофидаги омилларга – янгича қадриятларни шакллантиришга, ахборот сиёсатини шакллантиришга, киноя, ёлгончилик тили сингари нутқий таъсирга қарши туриш техникасини ёйишга таъсир ўтказиш зарур. Бироқ бузғунчиликни бартараф этишнинг асосий усули янгича таълим бўлиши лозим.

Бузғунчи ғояларга қарши миллий ғояни кишилар онги ва қалбига сингдиришда “фикрлар хилма хиллиги – бағрикенглик – ижтимоий ҳамкорлик” модели самарали бўлади. Бунда, кишиларнинг умуммиллат ишини ҳис эта олишда душман қиёфасини яратиш орқали эмас, балки ҳаётдаги ўз ўрнини тўғри белгилаш ҳамда кўпфиррилиқ орқали ўзини англашга қодир бўлган эркин шахсни шакллантириш орқали эришиш имкони яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Биринчидан, бугун яхлит жамиятини шакллантиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжга қарамаздан, миллий маънавий юксалиш сиёсатини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва амалий жиҳатдан йўналтириш миллий ғоянинг яққол намоён бўладиган “чизгилари” йўқлиги туфайли маълум даражада муаммоларга

дуч келмоқдамиз. Бу эса, миллий маънавий юксалишда авваламбор, ҳозирги жамиятда миллий ғояни рўёбга чиқариш шакли сифатида тадқиқ этиш лозимлигини англатади.

Иккинчидан, миллий маънавий юксалиш жамиятдаги турли масалалар юзасидан келишув ёки муроасага келиш натижаси эмас, балки миллий ғоямизни мамлакатнинг объектив ва субъектив бутунлигини, унинг маданиятини, тарафийётини ҳам маконда, ҳам замонда шакллантиришни таъминлайдиган даражадаги мувозанатини вужудга келтириш омили деб тасаввур қилишимиз керак. Бундан келиб чиқадики, бунга эришиш миллий ғоямизнинг замонавий жамиятга мувофиқлигини кўрсатувчи бошқа шакллари ҳам очиб беришнинг муҳим шарти сифатида юзага чиқади. Бундан ташқари, айнан бундай ёндашув орқали миллий ғоянинг салоҳияти ва унинг ўзига хослиги очилади.

Учинчидан, умумбашарий ва минтақавий муаммолар, мафкуравий зиддиятлар ва миллий даражадаги “иллатлар”дан халос бўлишда ҳам миллий ғоя имкониятларига таяниш лозим. Шу асосида жамиятнинг ўзига нисбатан ўзлигини англаши, ўз ўрнини топиши, ўзининг ривожланиш майдонини, йўллариини белгилаш ҳамда мамлакатнинг ташқи дунё билан муносабатларидаги барча асосий йўналишларини ишлаб чиқиши мумкин. Бунда миллий ғоянинг асосий “иши” ҳақиқийлик ва рамзийликни ажратиш, чегаралашдан иборат бўлиб, бунда рамзийлик сифатида миллий ғоямизнинг борлиғига қурилган махсус “код” ёки дастур юзага чиқади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистан стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. –Б. 404
2. Ильин В.И. Всемирный конгресс социологов: лицом к лицу с социальным неравенством // <https://cyberleninka.ru/article/n/vsemirnyy-kongress-sotsiologov-litsom-k-litsu-s-sotsialnym-neravenstvom>
3. <https://aniq.uz/yangiliklar/uchinchi-jahon-urushi-qaerda-boshlanadi>
4. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистан стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. –Б. 399

5. Лапин И. Фундаментальные ценности цивилизационного выбора в XXI столетий. Часть 1. Человеческая цивилизация перед выбором конфигурации фундаментальных ценностей // Вопросы философии. 2015. № 4 –С.12 (3-15)
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Люкс Л. Большевизм, фашизм, национал-социализм – родственные феномены? // Вопросы философии. - 1998. - N 7. - С. 49.
8. Гидденс Э. Убегающий мир. – Москва., 2003. – 347 с.

ШУКУРОВ Ёрқин Алиджанович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
ўқитувчиси

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

THE IMPORTANCE OF INDIVIDUAL EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION

Аннотация: Бу мақолада умумтаълим мактаб таълим сифатини оширишда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг ўрни ва аҳамияти, шунингдек мактаб битирувчиларининг ҳаётий мақсад ва тамойилларни танлашдаги зарурати ёритилган.

Калит сўзлар: мактаб, таълим сифати, таълим технологияси, шахсга йўналтирилган технологиялар, педагогик технология, педагогик фаолият, таълим, ўқувчи, ўқитувчи.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль и значение лично-ориентированных технологий обучения в повышении качества общеобразовательного образования, а также необходимость выбора выпускниками школ жизненных целей и принципов.

Ключевые слова: школа, качество образования, образовательная технология, лично-ориентированная технология, педагогическая технология, педагогическая деятельность, образование, ученик, учитель.

Abstract: This article discusses the role and importance of student-centered learning technologies in improving the quality of general education, as well as the need for school graduates to choose life goals and principles.

Keywords: school, education quality, educational technology, student-centered technology, pedagogical

technology, pedagogical activity, education, student, teacher.

КИРИШ

Бугунги ахборот коммуникация технологиялари ривожланган даврда мактаб таълими соҳасида ўқувчиларнинг шахс сифатида имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳар доимгидан ҳам кўпроқ инобатга олишни тақозо қилмоқда. Зеро, таълим шахснинг касбий жиҳатдан ривожланишини таъминловчи асосий омил саналади. Яъни, давр талабларига тўла жавоб бера оладиган таълим ўз хусусиятига кўра шахсга йўналтирилган бўлиши, демакки, унинг ҳаётий интилишлари, эҳтиёжлари ҳамда қизиқишларига мос келиши лозим. Бу эса шахс томонидан мавжуд билимларнинг ўзлаштирилиш даражаси ва шахс қобилиятини инобатга олган ҳолда табақалаштирилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Бугунги кунга қадар жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари таълим тизимида устувор ўринни эгаллаб келган ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг ўртача даражасига эга бўлган таълим олувчиларга мўлжалланган анъанавий таълим истеъмолчилар эҳтиёжини қондира олмаяпти. Узлуксиз тадқиқотлар, таълим самарадорлиги ва истиқболини белгилаш йўлидаги амалга оширилган таҳлиллар замонавий шароитда анъанавий таълимнинг давлат томонидан эркин, мустақил ва ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаб вояга етказишга қўйилаётган ижтимоий талабни қондириш имкониятига эга эмаслигини кўрсатмоқда. Тақомиллашган таълим тизими таълим олувчиларнинг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқариш ва қобилиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Барча замон ва маконда ҳам таълим тизими маълум ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда илмий-техникавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилиб келган. Зеро, бу каби эҳтиёжлар, биринчидан, таълим мақсадларини белгилаш учун асос бўлади; иккинчидан, таълим мақсадларини амалга ошириш ва уларни тақомиллаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг яратилишига тўртки беради. Таълим тизимининг ривожланишида ижтимоий-иқтисодий омиллар дастлабки

асос саналади. Айнан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаси яна кўплаб омиллар билан ўзаро мувофиқликда таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш имконини беради. Илмий-техник тараққиёт, мавжуд маданий ва ижтимоий-ғоявий муҳит жамиятда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширилишини рағбатлантиради ёки мавжуд тизимни, шу жумладан, таълим тизимининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Таълим тизими олдида қўйиладиган масалалардан энг муҳими – унинг жамият олдида ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида юзага келган муаммоларни ижобий ҳал қилишга ёрдам беришдан иборатдир.

Умумтаълим мактабларининг жамият томонидан қўйиладиган ижтимоий талабларга тезкор жавоб бера олиши, юзага келган янги вазиятга тез мослашиши, шу билан бирга, тўпланган илғор тажрибаларни сақлаб қолиши муҳимдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, умумтаълим мактаблари бир қадар консерватив хусусиятга эга бўлиб, уларда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг аксарияти рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва илмий-техник тараққиётга жуда сустраслашадилар. Кўп вазиятларда янгиликлар ижобий қабул қилинмайди. Илғор тажрибалар, янгиликларнинг ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан ижобий қабул қилиниши учун маълум вақт талаб этилади [4:10].

Бироқ, глобал ахборотлашув шароитида инновацион педагогик технологияларини қабул қилиш ва улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш масаласининг ижобий ҳал этилиши эътирозларга сабаб бўлмаслиги лозим. Агарда анъанавий таълим устувор бўлган даврларда таълим тизимида ўқитиш етакчи ўринни эгаллаган бўлса, мавжуд шароитда мустақил ўқиш тизимнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шу сабабли эндиликда “ўқитувчи – дарслик – ўқувчи” тамойили “ўқувчи – дарслик – ўқитувчи” тарзида ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу тамойилга кўра ўқитувчининг асосий вазифаси аниқ таълимий мақсадларга мувофиқ ўқувчиларнинг мустақил таълим олишга йўналтирилган фаолиятларини

ташқил этиш, уларни мустақил билим эгаллаш ва ўзлаштирган назарий билимларни амалиётда фаол қўллашга ўргатишдан иборат. Эндиликда ўқитувчи асосий эътиборни тайёр билимларни ўқувчиларга узатишга эмас, аксинча, уларни турли манбалардан фойдаланган ҳолда билимларни мустақил ўзлаштириш, уларда мустақил, эркин фикрлаш қобилиятини шакллантириш, шахсий нуқтаи назарларини исботлай олиш, аввал ўзлаштирилган билимларни янги маълумотлар билан бойитишга имкон берувчи самарали методларни танлай олишга қаратиши зарур.

Маълумки, XX асрнинг бошларида ўқув машғулоти шундай тузилган эдики, унга кўра ўқувчи ҳар куни муайян фанлар мажмуаси (масалан, бир соат математика, бир соат, физика, бир соат адабиёт, мусиқа ва ҳоказолар) дан таркиб топган жараёнда асосий иштирокчи бўла олиши талаб этиларди. Машғулотлар сўнггида эса айнан мана шу предметлар бўйича уй вазифалари топшириларди. Ўқувчи санаб ўтилган предметлар бўйича ўзлаштирган билимларни ўзаро бир-бирига боғлашга қийналарди, предметлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг тизимда акс этишини англашда қийинчиликларни ҳис этарди.

Россиялик машҳур педагог Б.С.Гершунский ХХI асрда таълим тизимида устувор аҳамият касб этувчи таълимий-педагогик тамойилларни башоратлар экан, педагогик жараён самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этишда уни қайта йўналтириш зарурлигига эътиборни тортади. Бунда қуйидагиларга эришиш мақсадга мувофиқдир:

- ўқувчининг ижрочи, натижавий фаолияти ўрнига ўқув жараёнининг барча босқичларида ижодий, изланувчан фаолиятини ташқил этишга эришиш;

- қатъий бошқарув, таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг мақсад, мазмун, метод, восита ва ташкилий шакллари бирлигини таъминлашдан таълим олувчиларнинг ўқув-англаш фаолиятини индивидуallasштириш ва табақалаштиришга ўтиш;

- таълим жараёнининг барча элементларини ягона ғояга бўйсундиришдан ғоявий кўп фикрлилик, ҳаётий мақсад ва тамойилларни танлашда таълим олувчилар эркинлигини таъминлаш;

– технократик ва инсонпарварлик йўналишлари ва устувор тамойиллари тизимининг ўзаро мувофиқлигидан педагог ва таълим олувчиларнинг таълимий ва ўқув-англаш борасидаги ўзаро фаолиятларининг табиий ривожланиш билан уйғун бўла олишига эришиш [2:113].

Шундай экан, замонавий жамиятда таълим тизими тараққиётининг истиқбол йўналишларида қуйидагилар кўзга ташланади: турли билим соҳалари бўйича шахснинг хилма-хил, мустақил ва мақсадга мувофиқ фаолияти негизида интеллектуал ва ахлоқий ривожланишини таъминлаш. Ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Канада ва бошқаларда таълимий ислохотларни амалга оширишда айнан юқорида қайд этилган йўналиш асосий деб қабул қилинган. Шунга кўра қуйидаги уч муҳим вазифалар белгиланган:

- 1) таълим тизимини ислох қилиш;
- 2) таълим олувчиларнинг мустақил фаолият олиб боришлари, фаолликлари ва тафаккур юрита олишларини таълим ва тарбиянинг етакчи тамойиллари сифатида эътироф этиш;
- 3) таълим жараёнида илғор ахборот технологиялари, техник воситаларни интеграциялаш.

Яқин-яқингача мавжуд шароитда, яъни таълим олувчиларга билимларни узатишда синф-дарс тизимидан оммавий фойдаланган вақтда анъанавий ёндашувга кўра юқорида санаб ўтилган вазифаларни ижобий ҳал қилишнинг имкони йўқ деб ҳисобланарди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни талабларига кўра вазият бутунлай ўзгарди [1]. Республика мустақилликка эришгандан сўнг ўтган йиллар давомида таълимий ислохотларнинг етакчи вазифаларини ҳал қилиш учун етарлича шароит яратилди ва улар ижобий ҳал қилинди. Хўш, бу йўлда яратилган зарур шарт-шароитлар нималардан иборат эди? Улар қуйидагилардир:

- 1) ҳар бир таълим олувчининг ўқув-англаш жараёнида фаол иштирок этиш имконияти инobatга;
- 2) педагог ва таълим олувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтиришнинг имкониятлари ўрганилди.

Таълимий ислохотларда устувор этиб белгиланган вазифаларни ҳал қилишда

узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган барча таълим муассасалари, давлат ҳамда жамиятнинг имкониятларини бирлаштириш, муайян нуктага тўплаш талаб этилади. Эндиликда таълим муассасаларида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида масофавий таълимдан фойдаланган ҳолда мавжуд билимларни мустаҳкамлаш, бойитиш, изчил равишда ўз устида ишлашга бўлган эҳтиёжни қондириш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмокда.

Мазкур долзарб педагогик муаммони ҳал қилиш самарали ва изчил, шу билан бирга қисқа муддатларда амалга оширилиши лозим. Шу сабабли таълим тизимининг асосий элементлари, ташкилий қисмлари ўртасидаги алоқа характерини инobatга олиш, яхлит занжирни яратилишида муҳим бўлган бўғинни топа олиш, яъни янги ижтимоий ва иқтисодий шароитда таълим мақсадини аниқ бажаришга эришиш мақсадга мувофиқдир [9:29].

Бизнинг фикримизча, таълим тизимининг яхлит занжирида боғловчи муҳим бўғин – бу ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Зеро, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш таълим парадигмаларининг ўзгартирилишига олиб келади. Ва фақат янги ахборот технологияларигина илғор педагогик технологияларда жам бўлган имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда замонавий педагогик таълим нафақат ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазиятни, шу билан бирга тарихий-маданий анъаналарни ҳам инobatга оладиган барқарор ва самарадор таълим тизимининг ташкил этилишини тақозо қилади.

Маълумки, педагогик фаолият кўп миқдорда интеллектуал, ҳиссий, жисмоний ва асаб тизими орқали қувватни сарфлашни талаб этади. Қувватнинг бу тарзида сарфлаш натижасидагина шахснинг ижтимоий фаоллигини таъминловчи англаш ва мулоқот жараёни ташкил этилади. Ўқув машғулотларининг тизимли ташкил этилиши натижасида онгли фаолият жараёни йўлга қўйилади ва бу жараёнда шахсга хос муҳим фазилатлар, яъни умумий лаёқатлилик, меҳнатсеварлик, ишчанлик, мустақиллик, ижтимоий фаоллик, масъулият ва бошқалар

қарор топади. Фаолиятнинг янги характер касб этиши шахсни шакллантириш эҳтиёжини қондиради, ушбу эҳтиёжнинг қондирилиш натижаси эса индивидуал имкониятларнинг очилиши учун бошланғич асос, пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўқув предметлари бўйича яратилган Давлат таълим стандартлари йўналишларга мувофиқ умумтаълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган ҳар бир ўқув предмети бўйича ўқувчиларда муайян билим, кўникма ва компетенциялар даражасининг ҳосил бўлиши зарурлигини назарда тутди. Ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳамда индивидуал имкониятлари уларнинг эса талаб этилувчи билим, кўникма ва малакалар даражаларини етарлича ўзлаштиришларига имкон бермайди. Мазкур муаммони ҳал этишда илғор ғояларга асосланувчи замонавий ўқитиш технологиялари муҳим ўрин тутди.

Россиялик машҳур педагог-олим Б.С.Гершунский XXI асрга хос бўлиши назарда тутилувчи устувор хусусиятларни аниқлар экан, педагогик жараён самарадорлигини ошириш йўллари белгилашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш кераклигини таъкидлайди:

1) ўқув жараёнининг барча босқичларида таълим олувчилар фаолиятида ижодий изланиш элементларининг устунлиги;

2) тарбия, таълим ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари қатъий бир хиллаштирилишини инкор этган ҳолда таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш;

3) таълим жараёнининг барча таркибий қисмларининг ягона ғояга бўйсундирилишига барҳам берган ҳолда фикрлар хилма-хиллиги, ижтимоий борлиқни тушуниш, ўзаро ишончни қарор топтириш, маънавий шаклланиш ва ривожланиш йўллари эркин танлашга эришишни қарор топтириш;

4) технократик ва инсонпарвар йўналишларнинг номутаносиб тизимида барҳам берган ҳолда табиий равишда педагоглар ва таълим олувчиларнинг таълим ва ўқув-билиш фаолиятининг ўзаро бирлигини таъминлаш [1:115].

Билдирилган фикрлардан англанадики, замонавий шароитда ҳар қандай жамиятда

таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу шахсда турли соҳаларга оид билимларни мустақил эгаллаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш орқали уни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришдан иборат. Ушбу йўналишда таълимни ривожлантиришда қуйидаги уч асосий вазифани ҳал этиш долзарб аҳамиятга эга дея эътироф этилган:

1) таълим тизимини қайта қуриш;

2) таълим-тарбия жараёнида энг устувор тамойиллар сифатида – таълим олувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишлари ва эркин фикрлашларига эришиш;

3) таълим жараёнида илғор ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш.

Мустақиллик йилларида қисқа вақт ичида таълим тизимини қайта қуриш ҳамда таълим жараёнида илғор ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга имкон берувчи зарур шарт-шароитлар яратилди. Яъни: ҳар бир ўқувчининг билимларни суғуштирувчи субъект бўлиши инкор этилиб, у мустақил таълим олиш, ўзлаштирган билимларини амалиётда фаол қўллаш, шунингдек, ташкил этаётган фаолиятида муваффақиятларга эришиш чора-тадбирларини белгилашда мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлишига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўқувчиларни ҳамкорликда ишлаш, уларда коммуникатив қобилиятни ривожлантириш, уларнинг маълум бир муаммо юзасидан нафақат ўзи яшаётган минтақа, шу билан бирга бошқа мамлакатларнинг ёшлари билан ўзаро фикр алмашишлари, ҳал этилаётган масала юзасидан шахсий фикрларни илгари суриш, уларни далиллар асосида асосли баён этишларига эришиш, ана шу мақсадда ахборот технологияларида мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун шароит яратиши лозим [8:128].

Бу каби масалаларни ҳал этишда умумтаълим муассасаларига эмас, балки республика узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларининг барчаси бирдек фаоллик кўрсатишлари талаб этилади. Ана шундагина таълим олишни такомиллаштириш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондириш имконияти юзага келади.

Бу ўринда янги ахборот ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, янги ахборот ва илғор педагогик технологияларни бири-биридан ажратиш тўғри эмас. Бинобарин, илғор педагогик технологиялардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш таълим мазмунини такомиллаштириш, сифатини ошириш ва самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради, янги ахборот технологиялари эса педагогик технологиялар имкониятларининг оширилишини таъминлайди.

ХУЛОСА

Инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш натижасида ўқувчиларда таълим дастурларини мустақил равишда лойиҳалаштира олиш ва уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш қобилиятини ривожлантириши лозим. Зеро, мутахассиснинг касбий салоҳияти у томонидан тўпланган назарий билимларни амалиётда қўллашдангина иборат бўлиб, қолмай, балки мавжуд билимларидан ўқитишнинг мақбул йўл ва самарали методларини танлашда фойдалана олиши муҳим саналади.

Таълим фаолияти шахс ижтимоий фаолиятининг асосий турларидан бири сифатида моддий борлиқни идрок қилиш, ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнларига ҳос интеллектуал, ҳиссий ва жисмоний куч сарфланиши ҳисобига йўлга қўйилади. Мунтазам ташкил этилувчи машғулотлар натижасида онгли фаолият жараёнлари мувофиқлаштирилади ва ўқувчиларнинг муҳим психологик хусусиятлари, умумий қобилиятлари, мустақилликлари, ижтимоий фаолликлари, масъулиятлари ва бошқа муҳим сифатлари ривожлантирилади. Ўқувчиларда юзага келаётган янги эҳтиёжлар таълим фаолиятининг ўзгарувчанлигини таъминлайди, эҳтиёжларнинг қондирилиши эса индивидуал ижодий имкониятларини очиқ беришда муҳим омил ҳисобланади [11:28].

Педагогик фаолият негизида моделлаштириш методининг қўлланилиши ўқувчиларнинг касбий йўналганлигини фаоллаштирилади, уларни назарий ва амалий билимлар билан пухта қуроллантирилишига

ёрдам беради. Ушбу метод ёрдамида ўқувчиларнинг педагогик нутқи такомиллаштирилади, педагогик таъсир кўрсатиш қобилияти ривожланади, мавжуд вазиятларни чуқур таҳлил қилиш, кузатиш ва тўғри, оқилона баҳолай олиш малакаси ошади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2020 й., 23 сентябрь № 637.
2. Гершунский Б. С. Прогностические методы в педагогике. – М.: – Просвещение, 2001. – 226 с.
3. Разумовский В.Г. «Инновации в преподавании физики в школах за рубежом». – Новосибирск: – РИД НГУ, 2005. – 187 с.
4. Хурвалиева Т.Л. Мактаб амалиётчи-психологлари малакаларини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари (илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мисолида): Пед. фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2007. – 179 б.
5. Хасанбоев Ж., Туракулов Х., Хайдаров М., Хасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли лугат. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.
6. Жураев Р., Юлдашев М., Раҳманкулова Н., Баҳрамов А., Закиров А. Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш механизмини такомиллаштириш. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2014. – 159 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: Нихол, 2013. – 278 б.
8. Турғунов С.Т., Данияров Б.Х., Отажонова Д.М. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – 148 б.
9. Шодиева М. Бошланғич таълим жараёнига инновацион ёндашув. – Т.: Янги нашр, 2014. – 243 б.
10. Рахимов О.Д., Рахимов З. Ўқув-услубий мажмуалар яратиш методикаси. // Услу-бий қўлланма. - Қарши: КарМИИ, - 2014. - Б. 28.
11. Рахимов О.Д., Рузиев Х.Ж, Муродов М.О. Таълим сифати ва инновацион технологиялар. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 206 б.

RAVSHANBEKOVA Dilduza Sherzod qizi
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
1-bosqich magistranti
dilduzaravshanbekova@gmail.com

ОФИШГАН ХУЛҚНИ ТАШХИС ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ ДЕВИАНТНОГО ПОВЕДЕНИЯ

METHODS FOR DIAGNOSING DEVIANT BEHAVIOR

Annotatsiya: Ushbu maqolada insonda uchraydigan deviant (og'ishgan) xulq-atvor va uni tashxis qilish usullari haqida fikr yuritilgan. Shu bilan birga, og'ishgan xulqni psixodiagnostika (tashxis) qilish usullarini turli xil psixologik olimlar tomonidan o'rganilganligi, hamda ularning ilmiy qarashlari yoritilgan. Maqolada deviant xulqni diagnostika qilishning asosiy elementlari, tashxislashda qo'llanilishi mumkin bo'lgan metodikalar aks etgan. Shuningdek, mazkur ilmiy qarashlar orqali xulosalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: deviant, diagnostika, metodika, eksperiment, anamnez, delikvent, addiktiv, patologik, autoagressiv, proyektiv metodikalar, Ayzenk testi, Rozensveyk metodikasi, Filips anketasi.

Аннотация: Эта статья дает представление о девиантном (отклоняющемся) поведении, встречающемся у человека, и методах его диагностики. В то же время тот факт, что методы психодиагностики (диагностики) отклоняющегося поведения изучаются различными учеными-психологами. Также отражены основные элементы диагностики девиантного поведения, методы, которые могут быть использованы при диагностике. Кроме того, выводы делаются на основе этих научных взглядов.

Ключевые слова: девиантный, диагностический, методический, экспериментальный, анамнез, делинквентный, аддиктивный, патологический, аутоагрессивный, проективные методы, тест Айзенка, метод Розенвейка, опросник Филлипса.

Annotation: This article discusses deviant behavior in humans and ways to diagnose it. At the same time, the methods of psychodiagnostics (diagnosis) of deviant behavior were studied by various psychologists, as well as their scientific views. The article describes the main

elements of the diagnosis of deviant behavior, methods that can be used in the diagnosis. Conclusions are also made through these scientific views.

Keywords: deviant, diagnostic, methodical, experimental, anamnesis, delinquent, addictive, pathological, autoaggressive, projective methods, Eysenck test, Rosensweik method, Phillips questionnaire.

KIRISH

Statistik ma'lumotlarga qaraganda O'zbekistondagi jinoyat ishlari bo'yicha sudlar tomonidan 2002-yili 49173 shaxsga nisbatan jinoyat ishi ko'rilgan bo'lsa, ulardan 2163 tasi voyaga yetmaganlardir, bu esa 4,3% ni tashkil etadi. Bulardan 613 tasi (28%) maktab o'quvchilari, 644 (29%) litsey va kollej o'quvchilari ekanligi aniqlangan. Shuning uchun ham hozirgi kunda deviant xulq-atvorni psixologik tashxis qilish dolzarbdir.

Har qanday aniq fan o'zining o'rganish usullariga ega bo'lib, ayniqsa, deviant xulq-atvorni o'rganishda psixolog aniq va alohida bo'lgan ijtimoiy psixologik xususiyatlarni aniqlashi, ularning kelib chiqish sabablarini ham o'rganishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Kuzatish, suhbat, intervyu, anketa so'rovnomasi, ekspert baholash usuli, o'zini-o'zi baholash uchun shaxsiy so'rovnomalar, psixologik testlar, ijtimoiy baholash usullari orqali deviant xulq-atvorni diagnostika qilish maqsadga muvofiq [1].

Ijtimoiy me'yorlarni buzish sifatida tushuniladigan deviant xulq-atvor keyingi yillarda keng tarqalgan. Ilgari og'ishlar faqat o'smirlik davrining atributi deb hisoblangan, shuning uchun diagnostika vositalarini ishlab chiqish asosan ushbu toifadagi odamlar uchun amalga oshirilgan.

ASOSIY QISM

Fan rivojlanishining hozirgi bosqichida og'ishlarni tashxislash usullarini tanlash juda murakkab, ammo bu ro'yxat muntazam ravishda yangi elementlar yoki mavjudlarini o'zgartirishlar bilan yangilanadi. Hammasi bo'lib diagnostika usullarini 3 avlodini ajratish mumkin [7].

Jismoniy shaxslarni tashxis qilishning birinchi usullari klinik belgilarga, anamnez (bemorning o'zidan yoki uni biladigan kishilardan shu bemorning hayot sharoiti yoki kasallik tarixi haqida

so‘rab to‘planadigan ma‘lumotlar)ga asoslangan va ancha intuitiv. Ya‘ni, mutaxassislar kuzatish va professional tajriba orqali prognoz qilishgan.

Ikkinchi avlod statistik ma‘lumotlarga asoslanadi, ya‘ni og‘ishlar va o‘lchash mumkin bo‘lgan aniq faktlar (ma‘lumot darajasi, oila daromadlari) o‘rtasidagi bog‘liqlik aniqlanadi.

Uchinchi avlod usullari nafaqat haqiqiy ma‘lumotlarni, balki dinamik omillarni ham hisobga oladi, masalan, tengdoshlar bilan munosabatlar, maktab samaradorligi. Yangi usullarning yana bir yutug‘i – bu shaxsning ehtiyojlarini baholash va hisobga olishdir.

Tarbiyasi qiyin o‘smirlarni tadqiq etishda psixologiyada psixodiagnostika va korreksiya ishlari uchun yagona yondashish mavjud emas. Har bir yondashish o‘zining kuchli va zaif tomonlariga ega va u yoki bu metodni tanlash bir qator shartlarga:

- psixologning kasbiy tayyorgarlik darajasining xarakteriga;

- uning qaysi nazariyaga ko‘proq yaqinlashishiga;

- uslubiy vositalarga;

- va nihoyat, konkret voqea holatining xususiyatlariga bog‘liqlidir [2].

Deviant xulq diagnostikasining asosiy elementlari quyidagilardan iborat [7]:

Suhbat yoki kuzatish. Natijada mutaxassis bolaning yoki kattalarning yashash sharoitlari, uning sevimli mashg‘ulotlari, atrof-muhit, shaxsiy xususiyatlari (temperament, aqliy jarayonlarning tezligi va boshqalar) haqida ma‘lumot oladi. Shunday qilib, mutaxassis mumkin bo‘lgan salbiy omillarni va ijobiy sohalarni, ya‘ni og‘ishlarni davolashda yordam topish mumkin bo‘lgan joylarni aniqlaydi.

Ota-onalar, do‘stlar va o‘rganilayotgan shaxs atrof-muhitining boshqa sub‘ektlarini so‘rov qilish. Ushbu suhbatlardan mutaxassis boshqa odamlarning fikr-mulohaza va qarashlarini o‘rganadi. Birinchi holda, sub‘ekt dunyoni va o‘zini o‘z nuqtai nafari bilan tasvirlaydi, bu ko‘pincha haqiqatdan ajralib turadi. Yoki aksincha, atrof-muhit shaxsni o‘zidan ko‘ra yomonroq ko‘radi. Misol uchun, o‘smir shunchaki qo‘llab-quvvatlash va e‘tiborni qidiradi, lekin ota-onalar buni tushunmaydilar, chunki ular o‘z farzandlarini tajovuzkor, xavfli va hakoza deb bilishadi.

Shaxsiy xususiyatlarni aniqlash uchun test usullari (so‘rovnomalar va anketalar). Kompleks individual ravishda tanlanadi, lekin qoida tariqasida harakter urg‘ularini, temperamentni, shaxsiyat yo‘nalishini, tashvish darajasini aniqlash kerak. Ya‘ni, umumiy shaxsiy anketalardan foydalanish tavsiya etiladi.

Og‘ishlarning o‘zini (ba‘zi turlarini) va shaxsning ularga moyilligini aniqlash uchun anketalar.

Ongsiz diagnostika. Agar yuqorida tavsiflangan usullarda odam asosan ongli elementlarni bergan bo‘lsa (suhbatni hisobga olmaganda), u holda loyiha usullarini amalga oshirishda odamning ongsizligi gapiradi. Ko‘pincha og‘ishlar bostirilgan his-tuyg‘ular, fobiyalar, travmatik vaziyatlar tufayli yuzaga keladi.

Deviant xulq-atvorning zamonaviy psixologiyada eng muhim nazariy va amaliy muammolaridan biri diagnostikadir. Uning mohiyati inson xulq-atvoridagi og‘ishlarni tashxislash va ularni psixologik hodisa yoki psixopatologik alomatlar sifatida tasniflashning ob‘ektiv va ishonchli mezonlarini ishlab chiqishda yotadi, – degan edi rus psixoterapevti V.D.Mendeleevich o‘zining “Deviant xulq psixologiyasi” asarida [3].

Psixodiagnostikaning maqsadi – bir guruh odamlar yoki shaxs to‘g‘risida psixologik xulosa qilish uchun material berish, bu shaxsning bir xil populyatsiyaning boshqasidan qanday farq qilishini ko‘rsatishdir [4]. Deviant xulq-atvor psixologiya fanida juda muhim o‘rin tutadi. Psixodiagnostika deviant xulq-atvorning rivojlanish sabablari, omillari va qonuniyatlari bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar olib borish uchun ham, xatti-harakatlarning buzilishini psixokorreksiya qilish va oldini olish sohasida amaliy ishlarni olib boorish uchun ham katta ahamiyatga ega [5].

Og‘ishlarning to‘liq tashxisini mutaxassis (psixolog, psixoterapevt) bajargani maqsadga muvofiq. Biroq, ba‘zi usullar mustaqil ravishda qo‘llanilishi mumkin [6], masalan, diagnostika testlari va anketalar. Quyida bolalar va kattalardagi og‘ishlarni tashxislashda qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan ba‘zi aniq usullar bilan tanishib chiqsak.

Shaxsiy testlar:

16 yoshdan oshgan odamlarga tashxis qo‘yish uchun Minnesota ko‘p o‘zgaruvchan shaxs so‘rovnomasidan foydalanish maqsadga

muvofig. Unda gipoxondriya, depressiya, isteriya, psixopatiya, erkaklik-ayollik, introversiya-ekstraversiya, psixosteniya, paranoyya, gipomaniya, shizofreniya kabi holatlar aniqlanadi.

O'smirlarni (14-18 yosh) o'rganish uchun "Pataxarakterologik diagnostika so'rovi" usuli mos keladi. Uning o'tishi natijasida shaxsiyatning urug'lari, psixopatiya va individual og'ishlarga moyillik, emansipatsiya reaksiyasining og'irligi, erkaklik-ayollik, organik-ruhiy kasalliklar aniqlanadi. Savollar quyidagi mavzular bo'yicha tuzilgan: farovonlik, kayfiyat, uyg'u, uyg'onish, ishtaha, spirtli ichimliklar, jinsiy aloqa, kiyim-kechak, moliya, ota-ona, do'stlar, boshqalar, begonalar, yolg'izlik, kelajak, yangi, muvaffaqiyatsizlik, sarguzasht va shunga o'xshashlar.

Ayzenk so'rovnomasi (nemis psixologi G.Y.Ayzenk tomonidan yaratilgan individuallikning asosiy ko'rsatkichlarini o'z ichiga olgan ikki (introversiya va ekstroversiya) xususiyat hamda emotsional barqarorlik kabilarni aniqlashga qaratilgan so'rovnoma) barcha yoshdagilar uchun keng tarqalgan va asosiylardan biridir. Bolalar va kattalar uchun alohida modifikatsiya mavjud. Mazkur metod insonning temperamentini, ekstraversiya-introversiyani, qo'zg'aluvchanlik-barqarorligini ochib beradi.

Proektiv metodika:

Rozensveyk testi. 4 yoshdan 13 yoshgacha bo'lgan bolalar uchun bolalar modifikatsiyasi, 12 yoshdan 15 yoshgacha bo'lganlarga kattalar va bolalar modifikatsiyasi mavjud. Metod insonning muammoli vaziyat yoki muvaffaqiyatsizlikka munosabatining o'ziga xos xususiyatlarini va undan chiqish yo'lini ochib beradi. Mavzuga bir nechta tayyor vaziyatlarga yechim topish taklif etiladi (vizual material – rasmlar).

Ota-onalar va bolalar o'rtasidagi munosabatlarni aniqlash usullari:

Ko'pincha bolalar va o'smirlarga tashxis qo'yish uchun ishlatiladi. Oiladagi og'ishlarning mumkin bo'lgan sabablarini aniqlash uchun quyidagi usullardan foydalanish tavsiya etiladi:

Ota-onalar farzandiga qanday munosabatda bo'lishini aniqlash uchun Varga so'rovnomasi (ota-onalar uchun);

O'smirning ota-onalarga munosabatini aniqlash uchun Shaferning so'rovnomasi (bolalar uchun)

Bolalar va o'smirlarda maktab muammolarini aniqlash usullari.

Maktab tashvishini o'rganishning har qanday usullariga moslashish darajasi mos keladi, masalan:

Fillips anketasi (J.Donald Filips tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, maktab yoshidagi bolalarda maktab bilan bog'liq tashvish darajasini o'rganishga qaratilgan);

Talaba sotsiometriyasi.

Keling endi alohida nuqta sifatida to'g'ridan-to'g'ri deviant xatti-harakatni yoki unga moyillikni aniqlash usullarini ko'rib chiqsak. So'rov fenomenologik yondashuvga, ya'ni barcha og'ishlarni (ijobiy va salbiy) aniqlashga asoslanadi.

Eslatib o'tamiz, ijobiy og'ishlar – fidoyilik, qahramonlik, madaniy ob'ektlar yaratish, ya'ni jamiyat taraqqiyotini ta'minlaydigan narsani anglatadi. Salbiy og'ishlarga alkogolizm, giyohvandlik, fohishalik va jinsiy behayolik, jinoiy xatti-harakatlar, o'z-o'zini yo'q qilish, inson va umuman jamiyatning regressiyasini keltirib chiqaradigan xatti-harakatlarning boshqa shakllari kiradi.

"Deviant xulq-atvor" metodikasi (mualliflar – rus psixologlari M.Yu.Kolosnitsina va E.A.Kadatskaya) shaxsiyat testlariga asoslanadi va og'ish tendensiyasini ochib beradi. Test 105ta topshiriqni o'z ichiga olib, javob natijalariga ko'ra shaxsning quyidagilardan qay biriga moyilligini aniqlash mumkin:

Autodestruktiv og'ish, ya'ni o'z-o'zini yo'q qilish (sabab – tavakkal qilish istagi);

Patologik og'ish (sabab – intrapersonal og'ish, tajovuzkorlik, impulsivlik);

Delikvent og'ish, ya'ni jinoiy xatti-harakatlar (sabab – ehtiyoj-motivatsion sohadagi kamchiliklar, pedagogik kamchiliklar, infantilizm);

Addiktiv og'ish, ya'ni haqiqatdan qochish;

Autoagressiv og'ish, ya'ni o'z joniga qasd qilish (sabab – anatomiya, altruizm, xudbinlik);

"Deviant xulq-atvorga moyillikni diagnostika qilish usuli" (muallif – Rossiyalik doktor-psixolog olim R.V.Ocharova) deb nomlangan yana bir metodika mavjud. Anketa 98 ta bayonotdan iborat bo'lib, quyidagilarni aniqlashga imkon beradi:

– Ijtimoiy nafilikka bo'lgan ustanovka;

– Ijtimoiy nafilikka bo'lgan moyillik;

– Addiktiv xatti-harakatlarga moyillik;

– O'z-o'ziga zarar yetkazish va o'z-o'zini yo'q qilishga moyillik;

- Tajovuzkorlik va zo‘ravonlikka moyillik;
- His-tuyg‘ularni nazorat qilish darajasi;
- Huquqbuzarlikka (delikvent) moyillik.

Xuddi shu nom bilan boshqa shunga o‘xshash metodika mavjud. Mualliflar Rossiya psixoterapevtlar assotsiatsias a‘zosi, psixolog-konsultant E.V.Leus va Rossiyalik klinik psixolog A.G.Solovyov. Anketa 75 ta bayonotni o‘z ichiga oladi. Natijada quyidagi shkalalar aniqlanadi:

- Qaram xatti-harakatlar;
- O‘z-o‘ziga zarar yetkazadigan xatti-harakatlar;
- Tajovuzkor (agressiv) xatti-harakatlar;
- Huquqbuzarlik (delikvent) harakatlar;
- Ijtimoiy shartli xatti-harakatlar.

XULOSA

To‘plangan psixologik va psixodiagnostik ma’lumotlarga qaraganda, shaxsning og‘ma xulq-atvorini tashxis qilish usullari deviant shaxs bilan ishlashning asosiy bosqichidir. Deviant xulq-atvorga tashxis qo‘yishda uning mavjudligi faktini emas, balki uning o‘ziga xos turini, boshqa og‘ishlarga moyilligini, shaxsning zaif tomonlarini, ijtimoiy muhitni, og‘ishlarning sabablarini aniqlash kerak. Og‘ishgan xulq-atvorni psixologik tashxis qilishda, xususan, Ayzenk so‘rovnomasi o‘smirlardagi emotsional barqarorlikni tashxis qilsa, pataxarakterologik diagnostik so‘rov o‘smirlar xulq-atvorini o‘rganishga, Rozensveyk metodikasi esa o‘smirlardagi og‘ishgan xulqni proektiv usulda tadqiq qilishda unumli foydalaniladi. Mazkur harakatlar og‘ma xulq-atvorni tashxis qilishda samarali natija berishiga ishonamiz. Chunki muvaffaqiyatli va aniq tashxis to‘g‘ri va samarali ishlashning kalitidir.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Asadov Yu., Musurmanov R. O‘smirlar deviant xatti-harakatlarining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari. O‘quv-metodik qo‘llanma. – T.: Sano-standart, 2011.
2. Abduvahobova D. Xulqi og‘ishgan bolalar psixologiyasi: ma’ruzalar matni. – Jizzah, 2013.
3. Менделеевич В.Д. Психология девиантного поведения. Учебное пособие для вузов. Речь. – Санкт-петербург, 2005.
4. Валерьевна С.Л. Взаимосвязь общения и тревожности у детей подросткового возраста. Дипломная работа. – Астрахань – 2001г.
5. Макушина О.П. Методы психологического изучения девиантного поведения. Учебное пособие. – Воронеж, 2006.
6. Майсак Н.В. Диагностика и коррекция личностных особенностей подростков с девиантным поведением: Монография / Н.В. Майсак. – Астрахань: Издательский дом «Астраханский университет», 2009.
7. Трошина С. Диагностика девиантного поведения у детей и взрослых // <https://psychologist.tips/154-diagnostics-deviantnogo-povedeniya-u-detej-i-vzroslyh.html> 18.04.2022

UBAYDULLAYEVA Munira,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
1-bosqich magistranti
muminjanovamunira@gmail.com

ZAMONAVIY PSIXOLOGIK METODLAR TASNIFI

КЛАССИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ

CLASSIFICATION OF MODERN PSYCHOLOGICAL METHODS

Annotatsiya: ushbu maqolada psixologik metodlarga taniqli olimlarning ta'riflari, metodologiya haqida qisqacha tushuncha, psixologiya sohasidagi metodlarning turli xillari hamda metodlarning qisqacha tarixi aks etgan bo'lib, unda metodlarning tasnifini kuzatishingiz mumkin. Quyida har bir metodning turlicha ta'riflanishi hamda tasniflanishi haqida gap boradi. Shuni ilova qilish mumkinki, turli yirik olimlarning metodlar klassifikatsiyasi haqidagi fikrlari ham mavjud.

Kalit so'zlar: psixologiya, metod, metodologiya, fan, ruhiyat, termin, bilish jarayonlari, idrok, ma'lumot.

Аннотация: в этой статье представлены описания известных ученых о психологических методах, краткое понимание методологии, разнообразие методов в области психологии, а также краткая история методов, в которой можно проследить классификацию методов. Каждый метод описывается и классифицируется по-разному. Можно добавить, что различные крупные ученые также имеют свои мнения по поводу классификации методов.

Ключевые слова: психология, метод, методология, наука, психика, терминология, познавательные процессы, познание, информация.

Annotation: This article provides descriptions of well-known scientists on psychological methods, a brief understanding of the methodology, a variety of methods in the field of psychology, and a brief history of the methods, in which you can follow the classification of methods. Each method is described and classified

differently. It can be added that various major scholars also have opinions on the classification of methods.

Keywords: psychology, method, methodology, science, psyche, terminology, cognitive processes, cognition, information.

KIRISH

Bugungi kunda tadqiqotchilar psixologik metodlardan o'z yo'nalishiga moslashtirgan holda foydalanib, tadqiqotlarni tashkil etib kelmoqda. Psixologiyadagi ilmiy taqiqot metodlarni obyektga nisbatan moslashtirib tadbiiq etishning murakkabligi shundaki qo'llanilayotgan metod shaxsning barcha individual xususiyatlarini inobatga olish bilan bir qatorda uning psixologik holatini ham hisobga olish lozim bo'ladi. Bunga sabab shaxsda o'tkazilayotgan psixologik metod mohiyatini qay darajada anglab yetishi, metodga nisbatan munosabati natijalarida aks etadi. Har qanday fan qandaydir hodisani qonuniyatini bilish uchun ma'lum bir metodlardan foydalaniladi. Bu borada taniqli rus psixofiziologi I.P.Pavlov, – "metodning qo'lida tadqiqot taqdiri yotadi", – degan edi [5].

Metodlar tizimi fanning umumiy metodologiyasiga birlashadi. Metodologiya keng ma'noda oladigan bo'lsak, u ma'lum tizimga ega bo'lgan va bilimlarni izlab topishga qaratilgan mantiqan ketma-ketlikka ega bo'lgan usullardir. Ko'pchilik olimlar (M.G.Davletshin, B.G.Ananev va h.k) bu terminni ilmiy metod tushunchasiga mos ravishda tushunadilar va foydalanadilar, metodologiya faqat ilmiy tarzda qabul qilinishini ta'kidlaydilar.

ASOSIY QISM

Metodologiya (yunoncha – methodos- bilish tadqiq qilish, izlanish yo'li. Logos- tushuncha, ta'limot) amaliyot faoliyatini tashkil etishi va amalga oshirishni prinsplari va usullari tizimi, hamda ushbu tizim haqidagi ta'limotdir.

Metodlar – Inson ruhiyatini o'rganish usullari va yo'llari yig'indisidir.

"Metod bu - bilish, yangilash yo'li bo'lib, bu usul orqali fanning predmeti aniqlanadi, o'rganiladi"[4].

Zavalevskiy hamda Rogovin rus marksist tarixchisi va sotsiologi, falsafa bo'yicha, Rossiya Fanlar akademiyasi Sotsiologiya institutining

yetakchi ilmiy xodimlari: metod - bilish jarayonida obyekt va subyekt o'rtasidagi munosabatlarning ayrim xususiyatlarining ifodasidir deb ta'riflashgan. B. G. Anan'ev nuqtai nazaridan, psixologik tadqiqot usullari psixologik obyektlar bilan ilmiy ishlar tizimi va shu bilan birga psixologiya fani o'zining gnoseologik obyektlari hisoblanadi. Akademik Anan'ev Boris Gerasimovich (1907-1972) - taniqli rus psixologi. (U Leningrad psixologik maktabining asoschisi. Sensor idrok, muloqot psixologiyasi, pedagogik psixologiya sohasidagi fundamental asarlar muallifi) [3]. U insoniy bilim tizimini taklif qildi. Unda ma'lumotlar birlashtirilgan turli fanlar inson haqida metodlarni to'rt guruhga ajratadi.

1- guruh. Tashkiliy metodlar:

– hissiy metod (turli guruhlarining yoshi, faoliyatiga qarab solishtirish va h.k.)

– longiyut metodi (uzoq vaqt davomida yakka tekshiriluvchi va guruhlar bilan tadqiq qilinuvchiarni qayta-qayta tadqiq qilishdir)

– kompleks metodi (tadqiqotda turli fan namoyondasi bir obyektni o'rganishda ishtirok etishadi masalan, shaxsning faolligi, ijtimoiy va psixologik rivojlanishdagi bog'liqlikni aniqlash).

2-guruh. Empirik metodlar:

– kuzatuv va o'z-o'zini kuzatuv;

– eksperimental metodlar;

– psixodiagnostik metodlar (test, so'rovnoma, anketa, sotsiometriya, intervyu)

– faoliyat natijalarini tahlili

– biografik metodlar

3-guruh. Natijalarni qayta ishlash metodlarini o'ziga kiritgan miqdor (statistik) va sifat (materiallarni guruhlar bo'yicha differensiallashtirish, tahlil qilish) metodlaridan tashkil topadi.

4-guruh. Natijalarni tahlil qilish metodlari;

– interpretatsion metodlari (rivojlanish rejasiga ko'ra alohida tanqidiy momentlar, bosqich davrlarni ajratgan holda tadqiqod materiallarini tahlil etish)

– tizimli bog'liqlikni o'rnatish metodlaridan iborat [1].

Quyida turli xil olimlarning metodologiya bo'yicha klassifikatsiyalarini kuzatishimiz mumkin.

G. Piriev bo'yicha metodlarni tasniflash:

1. Aslida metodlar (kuzatish, tajriba, modellashtirish va boshqalar);

– kuzatish obyektiv, to'g'ridan-to'g'ri - bilvosita (so'rovnoma, anketalar),

– subyektiv eksperiment: laboratoriya, tabiiy, psixologik va pedagogik bo'lishi mumkin.

2. Uslubiy metodlar - yordamchi metodlar (matematik, grafik, biokimyoviy).

3. Uslubiy yondashuvlar (genetik, psixofiziologik).

Sovet psixologi va faylasufi va sovet psixologiyasida marksistik an'analarning haqiqiy asoschisi S.L. Rubinshteyn bo'yicha metodlarni tasniflash [6]:

1. Kuzatish:

– tashqi, ichki.

– Tajriba: tabiiy, laboratoriya, psixologik-pedagogik, fiziologik (yoki shartli reflekslar usuli).

2. Faoliyat mahsulotlarini o'rganish metodlari.

3. Suhbat.

4. Anketa.

Metodlarning muqobil tasnifi Sovet va rus psixologi, shoir, fan doktori, professor. Fan tashkilotchisi, "Iqtidorli bolalar" Federal dasturi doirasidagi tadqiqot loyihalari rahbari V.N. Drujinin usullarning uchta sinfini aniqladi:

empirik, unda tadqiqot predmeti va obyektining tashqi real o'zaro ta'siri amalga oshiriladi;

nazariy, bunda subyekt sharhlash obyektining (o'rganish predmetining) aqliy modeli bilan o'zaro ta'sir qiladi;

subyektning "tashqi" obyektning belgi-ramziy tasvirlari bilan o'zaro ta'siri bo'lgan tavsiflar [7].

Psixologik tadqiqotning nazariy usullari alohida e'tiborga loyiqdir:

Birinchi usuldan foydalanish natijalari - nazariyalar, qonunlar, ikkinchisi - induktiv farazlar, qonuniyatlar, tasniflar, tizimlashtirishlar, uchinchisi - obyekt, jarayon, holat modellari. Drujinin spekulativ psixologiya usullarini nazariy usullardan ajratishni taklif qiladi. Muallif bu usullar o'rtasidagi farqni shundan ko'radiki, chayqovchilik ilmiy faktlar va empirik qonuniyatlarga asoslanmaydi, balki faqat muallifning shaxsiy bilimi, intuitsiyasida asosga ega. Drujininning fikriga ko'ra, psixologik tadqiqotlarda markaziy rol modellashtirish usuliga tegishli bo'lib, unda ikkita nav ajralib turadi: strukturaviy-funksional va funksional-tarkibiy. Drujininning fikricha, birinchi holatda tadqiqotchi alohida tizim strukturasi tashqi xatti-harakati bilan ochib bermoqchi, buning uchun u analogni tanlaydi yoki quradi (modellash aynan shu narsa) - shunga o'xshash xatti-harakatlarga ega bo'lgan boshqa tizim. Shunga ko'ra, xulq-

atvorning o'xshashligi, muallifning fikriga ko'ra, tuzilmalarning o'xshashligi haqida xulosa chiqarishga imkon beradi (analogiya bo'yicha mantiqiy xulosa chiqarish qoidasiga asoslanadi). Modellastirishning bu turi, Drujininning fikriga ko'ra, psixologik tadqiqotning asosiy usuli va tabiatshunoslik psixologik tadqiqotida yagona hisoblanadi. Boshqa holatda, model va tasvir tuzilmalarining o'xshashligi bo'yicha tadqiqotchi funktsiyalarning o'xshashligini, tashqi ko'rinishlarni va hokazolarni baholaydi.

Tadqiqot usullarining iyerarxiyasini tavsiflash muhimdir. Drujinin ushbu iyerarxiyada besh darajani ajratishni taklif qiladi: metodologiya darajasi, uslubiy qabul qilish darajasi, usul darajasi, tadqiqotni tashkil etish darajasi, uslubiy yondashuv darajasi. U psixologik empirik usullarning uch o'lovli tasnifini taklif qildi. Muallif empirik usullarni subyekt va obyekt, subyekt va o'lov vositasi, obyekt va asbobning o'zaro ta'siri nuqtai nazaridan ko'rib chiqib, empirik psixologik usullarning yangi tasnifini beradi. U "predmet - asbob - obyekt" tizimiga asoslanadi. Modelning tarkibiy qismlari o'rtasidagi munosabatlar tasniflash uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Ulardan ikkitasi (tadqiqotchi va subyekt o'rtasidagi o'zaro ta'sir o'lovi va tashqi vositalardan foydalanish yoki subyektiv talqin qilish o'lovi) asosiylari, biri hosiladir. Drujininning fikricha, barcha usullar quyidagilarga bo'linadi: faollik, kommunikativ, kuzatish, germeneytik. Shuningdek, sakkizta "sof" tadqiqot usullari (tabiiy tajriba, laboratoriya tajribasi, instrumental kuzatish, kuzatish, introspeksiya, tushunish, erkin suhbat, maqsadli suhbat) mavjud. O'z navbatida, sof usullarning xususiyatlarini o'zida mujassam etgan, ammo ularga qisqartirilmaydigan sintetik usullar ajratiladi (klinik usul, chuqur suhbat, psixologik o'lov, o'z-o'zini kuzatish, subyektiv miqyoslash, introspeksiya, psixodiagnostika, konsalting aloqasi) [8].

Psixologiya metodlari - Psixologik tadqiqotlarda professional psixologlar tomonidan qo'llaniladigan psixologik vositalar turlari:

- To'g'ridan-to'g'ri kuzatish metodi
- Ishtirokchilarni kuzatish metodi
- Faoliyatni tavsiflashning algoritmik metodi
- Mahsulot tahlili metodi
- Eksperimental psixologik va testlar
- Fiziologik testlar

- Suhbat metodi
- Og'zaki so'rov (intervyu)
- Yozma so'rov (so'rovnoma)
- Biografik ma'lumotlarni tahlil qilish va shu kabi yna ko'olab metodlar mavjud bo'lib, quyidagilar ham psixologlar tomonidan unumli foydalanib kelinadi.

- Maxsus qurilmalar - aktograflar yordamida o'z vaqtida vosita faoliyatini ro'yxatga olish usuli.

- Kasbiy faoliyatni tahlil qilish
- Psixologik tadqiqot va kasbni tahlil qilish usuli, uning natijasi ushbu kasbiy faoliyatning kasbiy tavsifini tuzishdir.
- Ish tahlili

- Muayyan ish haqida ma'lumot to'plash va qayta ishlash. Axborot muayyan ish funktsiyalari va tartib-qoidalari nuqtai nazaridan ifodalangan ish mazmunini ifodalashi mumkin yoki u ishni malakali bajarish uchun zarur bo'lgan xodimlarning xususiyatlaridan (ko'nikmalar, bilimlar, qobiliyatlar, bardoshlik va boshqalar) iborat bo'lishi mumkin.

Analitik introspeksiya

- E.Titchener maktabida ishlab chiqilgan introspektiv usul. Xarakterli xususiyat - bu sensorli tasvirni qo'zg'atuvchining parametrlariga kamaytirilmagan tarkibiy elementlarga to'liq bo'linish istagi.

Anketa

- Psixologiya va boshqa fanlarda so'rovnoma yordamida shaxs (subyekt, mijoz, respondent va boshqalar) haqida birlamchi ma'lumotlarni to'plashga qaratilgan usul.

Anketa

- Anketalarda yordamida ijtimoiy-psixologik tadqiqot usuli.

Assotsiatsiya tajribasi

- Bir vaqtning o'zida K.G tomonidan taklif qilingan proyektiv usul. Jung, M. Verteimer va D. Klein va shaxsning motivatsiyasini o'rganish uchun mo'ljallangan. Mavzudan ongiga kelgan har qanday so'z bilan rag'batlantiruvchi so'zlar to'plamiga imkon qadar tezroq javob berish so'raladi. Bunday holda, paydo bo'lgan assotsiatsiyalar ularning turiga, bir hil assotsiatsiyalar chastotasiga, ogohlantiruvchi so'z va subyektning javobi orasidagi vaqtga ko'ra qayd etiladi [9].

Audiometriya - eshitish sezgirligini elektroakustik asboblarda, audiometrlar yordamida o'rganish, bu sizga tovush signallarining

intensivligini qat'iy dozalash, barcha tovush chastotalarida tadqiqotlar o'tkazish, pol differentsial sezuvchanlik, intensivlik, maskalanish diagnostikasi uchun funktsional testlarni o'tkazish imkonini beradi.

Biografik usullar - shaxsning hayot yo'lini tadqiq qilish, diagnostika qilish, tuzatish va loyihalash usullari.

Biofidbek - minimal vaqtni kechiktirish bilan odamga uning tana funktsiyalari holati to'g'risida ma'lumot berishga imkon beradigan protseduralar, buning natijasida ularni ongli ravishda tartibga solish imkoniyati mavjud.

Egizak usuli - 1875-yilda Ingliz psixologi, antropolog, geograf, etnograf, meteorolog, sayohatchi, yozuvchi, ixtirochi F.Galton tomonidan taklif etilgan tadqiqot usuli, bir xil gen to'plamiga ega monozigot egizaklar va genotiplari har xil bo'lgan dizigotik egizaklarning psixologik va boshqa sifatlarini solishtirish bilan tavsiflanadi. Egizaklarga atrof-muhitning ta'siri taxminan teng bo'lishiga asoslangan bu usul genotip va atrof-muhitning o'rganilayotgan psixologik sifatga ta'sirini aniqlash uchun mo'ljallangan.

Grafologik tahlil - qo'l yozuvining individual psixologik o'zgaruvchanligini aniqlash. Jarayon qo'lyozmani, imzolarni aniqlash va qo'lyozma muallifining ruhiy holatini yoki xarakter xususiyatlarini aniqlash uchun mo'ljallangan.

Ikki marta ko'r tajribasi - eksperimental jarayon, agar subyekt ham, eksperimentator ham eksperimentning mazmuni va xususiyatlarini bilmasa. Bunday shartlar tufayli eksperimentatorning eksperiment natijalariga ta'sir qilish imkoniyatini istisno qilish va uning obyektivlik ko'rsatkichlarini oshirishga erishiladi. Xususan, bunday sharoitlarni kompyuter yordamida simulyatsiya qilish mumkin [2].

XULOSA

Xulosa qilib shuni ta'kidlash mumkinki, psixologiya fanining nazariy usullari hozirgacha yetarli darajada aniq ta'riflanmagan, uni ko'pgina olimlar tahlil qilgan va o'rganganlar. Endilikda, psixologik metodlarning yanada rivojlanishi uchun yana ham harakat qilinishi maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bu boradagi izlanishlar davom etmoqda va rivojlantirilmoqda. Bu zamonaviy psixologiya fani metodologiyasining dolzarb masalalaridan biri bo'lib qolmoqda.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Davletshin M.G. Umumiy psixologiya. – T.: TDPU, 2002. – B. 29-31. .
2. Карпов А.В. Общая психология. – Москва: Гардарики, 2004.
3. Averin V.A. Shaxs psixologiyasi. – SPb., 1999.
4. Рубинштейн С.Л. Общая психология. 1946.
5. <https://www.britannica.com/>
6. <https://muegn.ru/>
7. <https://psy.su/>
8. <https://4brain.ru/>
9. <https://lfirml.com/>

РАХМАНОВ Қурбон Содиқович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Замонавий ахборот-коммуникация
технологиялари кафедраси мудири,
техника фанлари номзоди, доцент

МАХМАНОВ Ботир Қудратович
“Mehnat.uz” МЧЖ дастурчиси

МАХМАНОВ Ориф Қудратович
Тошкент ахборот технологиялари
университети,
Мультимедия технологиялари кафедраси
доценти,

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИНГ АХБОРОТ МОДЕЛЛАРИ

ИНФОРМАЦИОННЫЕ МОДЕЛИ СИСТЕМЫ МОНИТОРИНГА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ГРАЖДАНСКИХ СЛУЖАЩИХ INFORMATION MODELS OF THE SYSTEM OF MONITORING THE ACTIVITY DEVELOPMENT OF CIVIL SERVANTS

Аннотация: Ушбу мақолада давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ахборот тизимининг архитектураси ва бизнес-логикасини қуришда IDEF (Integrated Definition) моделлаштириш методологияси асосида ахборот тизимининг функционал моделлари ва маълумотлар тузилмаси ишлаб чиқиш масалалари кўрилган.

Калим сўзлар: мониторинг, давлат фуқаролик хизматчилари, малака ошириш, мониторинг, IDEF, ахборот тизими, ахборот модели, касбий фаолият.

Аннотация: В данной статье рассматривается разработка функциональных моделей и структур данных информационных систем на основе методологии моделирования IDEF (Integrated Definition) при построении архитектуры и бизнес-логики информационной системы переподготовки и повышения квалификации государственных служащих.

Ключевые слова: мониторинг, госслужащий, обучение, мониторинг, IDEF, информационная модель систематизации информации, профессиональная деятельность.

Annotation: This article discusses the development of functional models and data structures of information systems based on the IDEF (Integrated Definition) modeling methodology in the construction of the architecture and business logic of the information system for retraining and advanced training of civil servants.

Keywords: monitoring, civil servant, qualification, monitoring, IDEF, information system, information model, professional activity.

КИРИШ

Маълумки ҳозирги вақтда ахборот технологиялари ва дастурий таъминот соҳалари бутун дунёда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дастурий таъминот соҳасининг юқори молиявий ва интеллектуал самарадорлиги ва унга бўлган юқори талаб соҳанинг Ўзбекистон шароитида ривожлантиришга кенг имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда [1]. Ўзбекистондаги шиддат билан кечаётган янгиланиш жараёнлари бошқарув кадрларининг билим ва кўникмаларини ўзгараётган шароитларга мослаштириш, уларнинг профессионал ривожланишига янгича ёндашишни талаб этмоқда. Бошқарув вазифаларини самарали ҳал қилиш учун раҳбар кадрлар ўз касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлишлари зарур. Бу эса нафақат республика даражасида, балки ҳудудлар даражасида бошқарув кадрларини

ривожлантириш тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Бу жараёнда, бир томондан, янги имкониятларни яратиш, бошқа томондан, мавжуд имкониятларни тизимлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш зарурати пайдо бўлади.

Давлат бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш шароитида давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ошириш ва ўқитиш талаблари айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ўзгаришларни самарали бошқариш учун ходимлар махсус касбий, ишбилармонлик ва ахлоқий тайёргарликка эга бўлишлари керак [7].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 612-сон қарорида Дин ишлари бўйича кўмита раҳбарларининг асосий функционал вазифаларидан бирида «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини таъминлаш каби вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни амага оширишда эса улардан давлат хизматчиси сифатида уларни фаолиятларини баҳолаб бориш талаб этилади.

Масаланинг қўйилиши. Давлат хизматчиси (давлат фуқаролик хизматчиси) тушунчаси хусусида илмий адабиётларда турли таърифларни учратиш мумкин. Бундай фикрларнинг хилма-хиллиги, асосан, давлат хизматчиси томонидан турли ижтимоий функцияларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу табиий ҳолат бўлиб, давлат хизматчиси тушунчасини белгилашда аниқ бир мезондан келиб чиқишни истисно этади.

Давлат фуқаролик хизматчиси – давлат хизматида бўлган лавозимга мувофиқ маълум бир вазифани бажарувчи ходим ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчиларини комплекс баҳолаш тизимининг асосий элементлари 1-расмда тасвирланган.


Баҳолашнинг умумий математик модели қуйидаги формула бўйича ҳисобланади (K_b):

$$K_b = B_M * P_M + B_{KF} * P_{KF} + B_{FS} * P_{FS}, (1)$$

Бу ерда: B_M, B_{KF}, B_{FS} – мос равишда давлат хизматчисининг малакасини баҳолаш (B_M), унинг касбий фазилатларини баҳолаш (B_{KF}) ва тегишли равишда касбий фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш (B_{FS}).

P_M, P_{KF}, P_{FS} – комплекс баҳолаш элементларининг оғирлик кўрсаткичлари. Оғирлик кўрсаткичлари йиғиндиси 1 га тенг булади [2; 10-6].

Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий хизмат фаолиятини баҳолаш натижалари давлат хизматини баҳолаш тўғрисидаги шахсий ҳисоботларга юритилиб борилади. Давлат фуқаролик хизматчисини малака фаолияти жараёни ҳолати ҳақида аниқ маълумотларни олиш, қарорларни қабул қилиш мониторинг воситасида амалга оширилади. Бу маълумотларни ўз ваколати доирасида буютмачи ҳам тегишли маълумотларни кўриш имконияти ҳам тизимда шакллантирилди [8, 14-6].



1-расм. Давлат хизматчиларини баҳолашнинг асосий элементлари

Баҳолашнинг якуний қийматларини олиш учун баҳолашнинг турли элементлари бўйича олинган натижалар битта шкалага туширилади.

1-жадвал

Баҳолашнинг мувофиқлик талаби
кўрсаткичлари

Умумий баҳо	Мувофиқлик талаби
2	Талаб юқори
1	Талабга мос келди
0	Талаб паст
-1	Талабга мос келмади

Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш фаолияти мониторинги ахборот тизимларини ишлаб чиқишдан олдин тизимда бажариладиган бизнес жараёнларни тавсифлаш ва фаолияти таҳлил қилинади. Таҳлиллар натижасида ахборот моделлари қурилади. Ҳозирги вақтда бизнес жараёнларини тавсифлашда график ёндашувлар ва усуллар кенг қўлланилади. Бизнес жараёнларини тавсифлаш бўйича бир нечта методологиялардан фойдаланилади. Улардан бири IDEF методологияси ҳисобланади [3-4].

Методологиянинг қуйидаги қисмлари энг оммабоп бўлиб ҳисобланади:

IDEF0 – функционал моделларни яратиш учун ишлатилади;

IDEF1 (IDEF1X) – ахборотни моделлаштириш ва МБни моҳият-алоқа модели асосида моделлаштириш учун ишлатилиб, тизимларнинг функцияларини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларнинг тузилишини ифодаловчи моделларни яратиш учун ишлатилади;

IDEF2 – вақт функциялари, тизим маълумотлари ва ресурслари ўзгаришларининг динамик моделларини яратиш учун ишлатилади (Имитацион моделлаштириш) [5; 4-6];


IDEF3 – бу тизимда содир бўлган жараёнларни ҳужжатлаштириш методологиясидир. У ҳар бир жараён учун сценарий ва иш оқимини тавсифлайди.

IDEF0 воситалари маълумотни бир модель қурилиш иштирокчисидан бошқасига узатишни осонлаштиради. IDEF0 методологияси тизимни

тузилмаси ва функциясини, шунингдек, бу функцияларни боғловчи ахборот ва моддий объектлар оқимларини ифодаловчи функционал моделларни тузиш учун қўлланилади. IDEF0 методологияси асосида Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш фаолияти мониторинги функционал жараёнларининг ахборот модели қурилган. 1-расмда тизимнинг умумий модели келтирилган.

Тизим ҳар бир фойдаланувчиси томонидан бажариладиган амаллар ҳам бир неча жараёнларга бўлинади. Бу жараёнларнинг барчаси IDEF0 методологияси асосида функционал жараёнларга ажратилган (2-расм).

Тизимда фойдаланувчилар олти гуруҳга бўлинган: тизим администратори, ректорат, ўқув-методик бўлим, деканат, кафедра мудири, ўқитувчи, тингловчи (давлат хизматчиси), буюртмачи.




2-расм. Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолияти мониторинги ахборот IDEF-модели


Дастурий таъминот ишлаб чиқиш талабларига мувофиқ ахборот тизими фойдаланувчилар ихтиёрий сонининг бир вақтда ишини таъминлаши керак. Ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишда иштирок этадиган ходимлар тоифалари кўринишда ифодалаш 3-расмда келтирилган.

Ҳар бир фойдаланувчи томонидан шакллантирилган маълумотлар фойдаланувчининг идентификацион маълумотлари

асосида тегишли Таълим муассасасининг давлат хизматчиларини малака даража кўрсаткичларига умумлаштирилиб борилади. Маълумотларни умумлаштириш модули бўйича ахборот IDEF0 модели 4-расмда келтирилган.



3-расм. Фойдаланувчи ролларининг иерархик кўриниши maxsus son



4-расм. Маълумотларни умумлаштириш модули IDEF модели кўриниши

Маълумотлар базасида шакллантирилган ва умумлаштирилган маълумотлар асосида ҳар бир фойдаланувчи турига фойдаланиш ҳукуки бўйича керакли параметрлар асосида мониторинг юритилиш амалга оширилади [6, 9-10].

Тизим администратори ролида барча таълим муассасалари кесимидаги, ташкилот ва идоралар кесимида, ҳудудлар кесимида, факультетлар, кафедралар кесимидаги, таълим муассасалари масъул ходимлари роли учун фақат муассаса миқёсидаги факультет, кафедра

кесимидаги кенг спектрдаги малака даражалари жадвал кўринишида шакллантирилади. Ҳисобот шакллари зарур ҳолларда MS Office пакетларига экспорт қилиш имконияти мавжуд бўлади. Масалан Маълум бир йилда ўқишга йўналтирилган давлат хизматчилари чораклар кесимида сони бўйича мониторинги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўқишга йўналтирилган давлат хизматчилари сони бўйича ҳисобот

Давр	Малака ошириш	Қайта тайёрлаш	Қўшимча тайёрлаш	Жами
1- чорак				
2- чорак				
3- чорак				
4- чорак				
Жами				

Бундан ташқари давлат фуқаролик хизмати жорий этилган ташкилотларда ўқишга йўналтирилган ходимлар сони (Ёш бўйича: 30 ёшгача, 31-35 ёш, 36-40 ёш, 41-45 ёш, 46-50 ёш, 51-55 ёш, 56-60 ёш, 60 дан юқори) бўйича ва бошқа жадвал кўриниши бўйича шакллантирилган электрон ҳисоботни юритиш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Олиб борилаётган илмий-тадқиқот доирасида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш фаолияти мониторинги функционал жараёнларининг ахборот IDEF моделлари таклиф этилди;

IDEF моделлари ишлаб чиқилди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш фаолияти ахборот тизими ва маълумотлар базасини ишлаб чиқишда объектларни идентификация қилиш амалга оширилди;

ахборот алмашиш протоколлари ва тизим интерфейсига қўйиладиган талаблар белгилаб олинди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4549998>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 612-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5663785>.
3. Раҳманов Қ.С., Маҳманов Б.Қ. Давлат бошқарувида давлат фуқаролик хизматчилари касбий фаолиятини баҳолаш тизими моделининг ўрни // Давлат бошқаруви ва иқтисодиётни рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2020 йил 15 май. – Тошкент, 2020. – Б. 8-11.
4. Цуканова О. А. Методология и инструментарий моделирования бизнеспроцессов: учебное пособие – СПб.: Университет ИТМО, 2015. – 100 с.
5. Методология функционального моделирования IDEF0, Руководящий документ, Госстандарт России. – Москва, 2000.
6. Функциональное моделирование на базе стандарта IDEF0: метод. указания / сост. Д.Ю. Киселев, Ю.В. Киселев, А.В. Вавилин. – Самара: Изд-во СГАУ, 2014. – 20 с.
7. Раҳманов Қ.С., Маҳманов Б.Қ. ОТМда ахборот тизимларидан фойдаланишни бошқаришда ролли моделининг ўрни // Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион АКТнинг аҳамияти. Республика илмий-техник анжумани. ТАТУ. 6-7 апрель 2017 йил. – Б. 145-147.
8. Раҳманов Қ.С., Маҳманов Б.Қ. Опыт зарубежных стран в решении проблем цифровизации государственного управления. Вестник ТУИТ. 2(50)/2019. Scientific-technical and information-analytical journal. – Tashkent: TUIT. – С. 78-89.
9. Раҳманов Қ.С., Маҳманов Б.Қ. Давлат фуқаролик хизматчиларини малака ошириш фаолияти мониторинги тизимида буютмачи ролининг ўрни // Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида «Инновацион ғоялар, ишланмалар амалиётга: муаммолар, тадқиқотлар ва ечимлар» мавзусида онлайн Халқаро илмий-амалий анжумани. 2021 йил 21 апрель. – Тошкент, 2021. – Б. 11-14.
10. Раҳманов Қ.С., Маҳманов Б.Қ. Давлат фуқаролик хизматчиларини малака ошириш фаолияти мониторингида тингловчиликка қабул қилиш маълумотларини баҳолаш моделининг ўрни // “Математик физика ва математик моделлаштиришнинг замонавий муаммолари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами 3-4 декабрь 2021 йил. – Қарши, 2021. – Б. 47-50.

TUXTANAZAROV Dilmurod Solijonovich

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Zamonaviy axborot-kommunikatsiya
texnologiyalari kafedrası PhD*

BEKCHANOVA Saboxatxon Abbosxonovna

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
qo'shidagi Akademik litsey informatika fani
o'qituvchisi*

KURGANBAYEV Jasurbek Ikramjanovich

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
kafedrası magistranti*

ZAMONAVIY TIZIMLAR YORDAMIDA INTERNETDA YOSH AVLODNI SALBIY AXBOROTLARDAN HIMOYLASH VA ULARNI NAZORAT QILISH

ЗАЩИТА И КОНТРОЛЬ МОЛОДЕЖНОГО ПОКОЛЕНИЯ ОТ НЕГАТИВНОЙ ИНФОРМАЦИИ В ИНТЕРНЕТЕ С ПОМОЩЬЮ СОВРЕМЕННЫХ СИСТЕМ

PROTECTION AND CONTROL OF THE YOUTH GENERATION FROM NEGATIVE INFORMATION ON THE INTERNET USING MODERN SYSTEMS

Annotatsiya: Ushbu maqolada yoshlarning internet, ijtimoiy tarmoqlar va turli ko'ngilochar ilovalarga bog'lanib qolish muammolari va ularni bartaraf etish usullari ko'rib chiqilgan. Google'da farzandlar uchun akkaunt yaratish va google family link tizimini sozlash jarayonlari keltirib o'tilgan. Google family link tizimi orqali farzandlarni nazorat qilish, tizimning imkoniyatlari va foydalanish bo'yicha tavsiyalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: kibermakon, family link, ijtimoiy tarmoq, ilova, nazorat, farzand, axborot.

Аннотация: В данной статье рассматриваются проблемы зависимости молодежи к Интернету, социальным сетям и различным развлекательным приложениям, и пути их преодоления. Даны рекомендации по созданию учетной записи Google для ребенка и настройки

системы Google Family link, мониторингу детей с помощью системы family link Google, функции family link и советы по использованию.

Ключевые слова: киберпространство, family link, социальная сеть, приложение, управление, ребенок, информация.

Abstract: This article discusses the problems of youth addiction to the Internet, social networks and various entertainment applications and ways to overcome them. Recommendations are given on creating a Google account for a child and setting up the Google Family link system, monitoring children using the Google family link system, family link functions and usage tips.

Keywords: cyberspace, family link, social network, application, control, child, information.

KIRISH

Bugun dunyoning bir nuqtasida sodir bo'lgan voqea, yangilik xususida yetarli axborot olishimiz uchun atiga bir necha soniya kifoya. Monitor qarshisida, istalgan mavzuda istalgan axborotni olish mumkin. Bu juda yaxshi, lekin hozirgi kunda axborotlar juda ham ko'pligi sababli bizga kelayotgan ma'lumotlarni ishonchli ekanligini ham tekshirishga majburiy. Hozirgi kunda internet tarmoqlarida ijobiy axborotlar bilan bir qatorda salbiy oqibatli axborotlar va o'yinlar ham ko'plab tarqatilmoqda. Internet va ijtimoiy tarmoqlarda har xil o'yinlar, online qimor o'yinlari, axloqiy buzqlikni targ'ib etuvchi saytlar va ijtimoiy tarmoqlar orqali yoshlarning ongiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi axborotlar tarqatilmoqda. Yoshlarning internet va ijtimoiy tarmoqlardan haddan tashqari ko'p axborot olishi va ijtimoiy tarmoqlarda vaqt o'tkazishlari ularning aqliy rivojlanishi, xotiraning pasayishi va ijtimoiy munosabatlarga salbiy ta'sir ko'rsatishi aniqlangan.

Jahon miqyosida axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga intilish globallashuv sharoitida o'zining mustaqil fikriga ega, texnika imkoniyatlaridan unumli va ratsional foydalanuvchilar uchun ulkan imkoniyatlar eshigini ochib berdi. Internet tarmog'ining dastlabki vazifalari avvalida texnologik uzilishlarni bartaraf etishga alohida e'tibor qaratilgan edi. Vaqt o'tishi bilan "Butundunyo o'rgimchak to'ri" inson ehtiyojlari va qiziqishlaridan kelib chiqqan holda turli mazmundagi axborotlar, ko'ngilochar dasturlarni o'zida mujassam etgan misli ko'rilmagan qulayliklarni yaratdi. Bu esa,

o'z navbatida, internetning keng ommalashuviga olib keldi. Shu bilan bir qatorda, inson ongiga salbiy ta'sir o'tkazishga qaratilgan tajovuzlar, mamlakatning axborot boshqaruv tizimini izdan chiqarishga urinishlar ham ortdi. Kibermakon esa ijobiy va salbiy jarayonlarni amalga oshirishda qulay muhit maqomini kasb etdi. Telefon suhbatlari, "chatlar", turli onlayn bahslar, kompyuter aloqasi umumiy ko'rinishda kibermakonda rivojlandi.


Masalaning qo'yilishi. Bugungi kunda butun dunyoda axborot va axborot manbalari shu darajada ko'pki bizga kelayotgan axborotlarni to'g'ri va to'liqligini, bu ma'lumotlar ishonchli yoki ishonchsiz manbalar tomonidan tarqatilyotganligini tekshirish va tahlil qilishga majburiy. Hozirgi kunda internet va ijtimoiy tarmoqlar axborot manbaiga aylanib ulgurdi. Internet va ijtimoiy tarmoqlarda tarqalayotgan ma'lumotlarning hammasi ham biz va bizning farzandlarimizga foydali ma'lumotlar emas. Hozirgi kunga qadar dunyo miqyosida tashqi axborotlarni yoshlar ongiga ta'siridan himoyalashning bir nechta modellari ishlab chiqilgan. Ushbu yo'nalishda xorijiy olimlardan Gianluca Quaglio, Sophie Millar [1] va boshqalar o'zlarining ilmiy tadqiqot va pedagogik ishlarida keng yoritib kelmoqdalar.

Ijtimoiy tarmoqlar bugun ko'pchilik uchun internetning asosiy qismiga aylanib ulgurdi. Ya'ni ko'plab foydalanuvchilar bugun internetga, asosan, ijtimoiy tarmoqlarda vaqt o'tkazish uchun kiradi: yangiliklarni ham, video va boshqa ko'ngilochar ma'lumotlarni ham shu tarmoqlardan oladi; do'stlari bilan gaplashadi, suhbat quradi va hokazo. Ommaviy ijtimoiy tarmoqlarga misol sifatida Facebook, Twitter, Telegram, Instagram, Odnoklassniki, V Kontakte kabi saytlarni keltirish mumkin. Internet foydalanuvchilarining shaxsiy daxlsizligiga eng katta tahdid hozir ana shu tarmoqlardan kelishi mumkin. Chunki eng ko'p shaxsiy ma'lumotlaringiz, suratlaringiz va hatto kredit karta va bank ma'lumotlaringizni shu saytlarga kiritgan bo'lishingiz mumkin. Demak, bu ma'lumotlar pand bermasligi uchun ijtimoiy tarmoqlardan ehtiyotkorlik bilan foydalanish kerak.

Bolalar internetdan foydalana turib yovuz niyatli odamlarga duch kelib qolmoqdalar. Internetdagi noma'lum kishi bilan muloqot ishonchli va do'stona munosabat o'rnatishga imkon yaratadi. Jinoyatchi ushbu afzallikdan foydalangan holda tajribasiz yoshlarni o'ziga bog'lab olmoqda. Ota-onalar farzandlarini interetdagi xavfdan

asray oladi, bu albatta ularni tarmoqdan qanday foydalanayotganligini nazorat qilish orqali [2].

Masalaning yechilishi. Hozirgi kunda zamonaviy qurilmalarda ota-ona nazorati juda muhim ahamiyatga ega, bunday tizimlar orqali farzandlarni turli salbiy axborotlardan va ularni gadjetlarini nazorat qilish mumkin. Dunyoda zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqish bo'yicha mashhur Google kompaniyasi bir qator texnologiyalarni taqdim etadi. Bulardan biri Googlening butun dunyoda mashhur bo'lgan **Family Link** tizimidir.



1-rasm. Googleni familylink servisi.

Google Family Link ilovasi farzandingiz internetda turli saytlardan foydalanish tartib-qoidalarni belgilash imkonini beradi. Google xizmatlarini Google oilaviy guruhingizga kirgan farzandingiz va undagi yana 4 nafar oila a'zolariga ulasha olasiz. Farzandingiz hisobini nazorat qilishga yordam berishi uchun guruhingizga keyinroq yana ota-ona kiritishingiz mumkin. Ota-ona Family Link orqali quyidagilarni bajara oladi [3,4]:

- farzand Android yoki ChromeOS qurilmasida foydalanish vaqtini belgilash;

- farzandning faol va tizimga kirilgan Android qurilmasi joylashuvini aniqlash;

- farzandning Google Play Market yoki Stadia ichidan qilgan xaridlari va yuklanmalarini tasdiqlash hamda voyaga yetganlar uchun mo'ljallangan kontent namoyishini cheklash;

- farzand Google hisobiga saqlanadigan harakatlar turini tanlashga yordam berish (xizmatlar ular asosida moslanadi);

- google Xavfsiz qidiruv parametrlarini sozlash;

- farzandning Android yoki ChromeOS qurilmasida mikrofon, kamera va kontaktlarga kirish ruxsatlarini tekshirish;

- YouTube va YouTube Kids uchun (mavjud joylarda) kontent, ruxsat va boshqa sozlamalarni o'zgartirish.

Family Link ota-ona nazorati farzandingiz qurilmasidagi faoliyatni nazorat qilish va boshqarishga yordam beradi. Lekin, muayyan cheklavlarni mavjud, ularni bartaraf etish uchun Android yoki iOS qurilmangizga Family Link ilovasini o'rnatish zarur.

2-рasm. Farzandlar uchun google akkaunt yaratish


Family link mobil dasturini google play yoki play market orqali telefonimizga o'rnatib olamiz [5].

Ishni boshlashdan avval
Siz nazoratni sozlamochi bo'lgan farzandingiz qurilmasi oldingizda bo'lishi lozim.
[Mos qurilmalarni ko'rish](#)



3-рasm. Family link dasturini sozlash va oila boshqaruvchisini tasdiqlash

Farzandingiz uchun Google hisobi yaratgan bo'lsangiz, uning hisobiga kirib, axborotlarini ko'rishingiz, yangilashingiz, olib tashlashingiz, eksport qilishingiz yoki qayta ishlanishini cheklashingiz mumkin. Farzandingiz hisobi parolini unutgan bo'lsangiz, uni Family Link ilovasi yoki Family Link veb versiyasi sozlamalari orqali tiklay olasiz. Hisobga kirgandan keyin, farzandingiz hisobidagi maxfiylik sozlamalari va shaxsiy axborotini boshqarish uchun Google maxfiylik siyosatida bayon qilingan turli boshqaruv vositalaridan (masalan, Google xizmatlarida harakatlarni kuzatish sozlamalaridan) foydalanishingiz mumkin.



Farzandingizda Google hisobi bormi?

Google hisobi @gmail.com bilan tugaydi

Yo'q Ha

Google

Создать аккаунт Google

Укажите имя ребенка.


Имя

Фамилия

Далее

4-rasm. Farzandingizda google akkaunt borligini tasdiqlash va google akkaunt yaratish

Google Family Link tizimining eng muhim funksiyalaridan biri har doim qurilmaning qayerda joylashganligini aniqlash imkonini mavjudligidir. Farzandlarning qayerdaligini bilish uchun ularning joylashuvini har doim ko'rishimiz mumkin. Ota-onalar o'rnatilgan dasturlarning ruxsatlarini ham ko'rishlari mumkin. Shu tarzda siz farzandlarni turli ilovalardan foydalanishini vaqtini belgilash yoki umuman ilovani cheklash imkoniga ega bo'lasiz [3-5].



Ota-ona sozlamalari

UCHUN

Google Play Marketdagi boshqaruvlar

Google Chrome filtrlari

Google Qidiruv filtrlari

YouTube sozlamalari

Google Assistant

Android ilovalar

Joylashuv

Hisob axboroti

5-rasm. Farzandingiz qurulmasini boshqarishni sozlash bo'limi

XULOSA

Hozirgi kunda hayotimizni internet va ijtimoiy tarmoqlarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Facebook, Instagram, Telegram, Youtube va Messengerlar hayotimizning bir bo'lagiga aylanib ulgardi. Albatta biz ulardan oqilona foydalanishimiz kerak. Hozirgi kunda Google Family link yosh avlodni salbiy axborotlardan himoyalash, ularni internetdan foydalanish jarayonlarini nazorat qilish, turli ilovlardan foydalanishni cheklash, yoshga doir bo'lmagan axborotlarni olishini taqiqlash va shunga o'xshash kibermakondagi barcha jarayonlarni tashkil qilish uchun eng ommobop tizimdir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Gianluca Quaglio, Sophie Millar. Potentially negative effects of internet use. Scientific Foresight Unit (STOA) PE 641.540 – May 2020.
2. Tuxtanzarov D.S., Buvashev S.O. Kibermakonda xavfsizlikni ta'minlashning zamonaviy usul va algoritmlari // Islom tafakkuri. – № 2. 2021. – B. 157.
3. <https://www.youtube.com/>
4. <https://families.google.com/>
5. <https://support.google.com/>